

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ПЕДАГОГИК
МАҲОРАТ**

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ТУЗУВЧИ:

п.ф.н. Ходжаев Б.Қ

БУХОРО-2017

Мазкур маърузалар матни 2016 йил 29 август Педагогика факультети Илмий кенгашининг навбатдаги 1-сонли йиғилишида муҳокама этилган ва нусхаларини кўпайтиришга рухсат берилган. Мазкур маърузалар матнида педагогик технология асослари, унинг таркиби, тузилиши, вазифалари ва унга бўлган замонавий ёндашувлар ҳамда ундан амалда фойдаланишга доир тавсиялар баён қилинган.

Тузувчилар:

Ходжаев Б.Қ. – педагогика кафедрасининг доценти, педагогика
фанлари номзоди.

Тақризчи:

Олимов Ш.Ш. – педагогика кафедраси мудири, профессор, п.ф.д.

Кириш

Ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олган Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасини ҳам собит қадамлик билан ислоҳ қилиб бормоқда. Айниқса, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинган, бу борадаги ишлар кенг кўламга эришди. Ушбу ҳужжатларнинг талаблари асосида билим ва касб-ҳунар эгаллашга бўлган эътибор кучайиб кетди. Шу туфайли таълим-тарбия тизимига янгича илмий-услубий ёндашувлар кириб кела бошлади.

Бу ёндашувлар, ўз навбатида, ўқув жараёнининг турли ташкилий ва методик жамғармаларида муайян ижобий ўзгаришларни содир этади, албатта. Уларнинг катта қўпчилиги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат билан узвий боғлиқ ўзгаришлардир.

Ўқув фаолияти-бу кенг маънода инсон фаолиятининг муайян мақсадлар йўналишида намоён бўлишидир. Бу фаолият фақат инсоният жамиятида амалга оширилиши сабабли, у нафақат ҳар бир инсоннинг, балки бутун жамиятнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қилади.

Ўқув фаолияти-бу инсонда муваффақиятли меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида уни ўқитиш ҳамда тарбиялашга қаратилган мақсадли фаолиятдир. Ушбу жараённинг моҳияти инсон томонидан тўпланган тажриба, билимлар, малака ва кўникмалар шаклида ўзгартириш ҳамда уни ўсиб келаётган авлодга беришдан иборат. Ўқув фаолияти инсоннинг индивидуал ривожланиши билан узвий боғлиқ ва унинг ҳамма фазаларда-бололикдан бошлаб, то улғайган давригача мавжуд бўлади. Шунинг учун тарихий ижтимоий ҳодиса ҳисобланмиш ўқув жараёни ўз ривожланиш тарихига эга.

Демак, ўқув фаолияти, бошқа инсон фаолияти турлари сингари, кишилиқ жамиятига хос бўлган объектив ҳодиса сифатида амал қилади. Жамиятнинг ўзи мураккаб ва зиддиятли ўзгаришларга учраб турар экан, ўқув фаолияти ҳам инсоният тараққиётининг турли ривожланиш босқичларида ҳар хил муайян шаклларга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг таълим соҳасида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва узлуксиз таълим тизими шаклан ва мазмунан янги ривожланиш босқичларига ўтди, яъни ўқитиш жараёни такомиллашиш йўлига ўтди. Шунини таъкидлаш жоизки, ўқув фаолияти ҳар доим ҳам баркамол инсонни вояга етказишга, унинг маънавий ва моддий маданиятини шакллантиришга қаратилади. Ўқув фаолияти ўз ривожланишининг ҳамма босқичларида ижтимоий йўналтирилган мақсадга эга. Мақсадли амалга ошириладиган жараён ҳисобланган ўқув фаолияти кўп қирралидир. Унинг асосини шахсан ўқитиш жараёни, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчига билим, малака ва кўникмалар мажмуасига бевосита бериш жараёни ташкил этади.

Ўқув фаолиятининг айнан бу томонини таълим бериш жараёни тушунчаси билан белгилаймиз. Ўқув жараёни деганда-ўқув фаолияти, тор маънода, бир мақсадга йўналтирилган таълим бериш сифатида тушунилади.

Бу ўқув фаолиятини асосий томони ҳисобланади. Лекин у ўқув фаолиятининг мазмунини тўлалигича ёритмайди. Ўқув фаолияти таркибига кенг маънода, таълим беришдан ташқари, яна бир энг муҳим ва маъсулиятли жараён-тарбия киради. У ўқув фаолиятининг ажралмас қисми бўла туриб, ўқувчилардан бир қатор зарур ижтимоий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади ва тарбия иккита ўзаро боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Уларда ўқув фаолиятининг иккита вазифаси-таълим бериш ва тарбиялаш вазифалари муайянлаштирилади. Иккала жараён ҳам бир-биридан фарқли равишда ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлишига қарамасдан, улар моҳияти жиҳатидан битта ижтимоий маслак-жамият аъзоларининг комиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Мустақилликни мустаҳкамлашнинг стратегик йўлида оғишмай давом этаётган ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлига кириб бораётган мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларини жорий қилиш, миллий қадриятларимизни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараённи пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ташкилий, илмий ва методик асослари яратилди, асосий мақсад эса комил инсон ва етук малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, деб белгиланди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий таркибий қисмларини шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил этиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Мазкур ҳужжат талабларини амалга ошириш эса таълим тизимини тубдан қайта қуришни, яъни халқ таълими тараққиётининг концептуал қоидаларини қайта кўриб чиқишни ва уни қисқа вақт ичида ижобий ҳал қилишни тақозо этади. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши жаҳон илмий жамғармасидаги жуда катта ҳажмли ахборот фондидан нимани ажратиб олиш, қанча ва қандай ўқитиш масалаларининг ечими билан бевосита боғлиқдир. Ана шу кесимда таълим технологияларини жорий этиш билан алоқадор замонавий муаммолар ойдинлашади. Қолаверса, ушбу йўналишдаги ишларни янада кенгрок давом эттиришни давр тақозо этмоқда. Педагогик таълим амалиётида касбий тайёргарлик билан боғлиқ айрим масалаларнинг ўз аксини яхши топмаганлиги ҳам тегишли ўқитиш методикаларининг такомиллашувини долзарб масалага айлантириб қўймоқда.

Ҳозирги пайтда аксарият методист ва педагог-олимлар педагогик технологиялар ўқувчи ёки талабаларга таълим-тарбия беришда кўзланган мақсадга эришишни тўла қафолатлайди, деб қарашмоқда. Лекин бундай фикрларни объектив ҳақиқат ўрнида қабул қилиб бўлмайди, чунки бунда объект шахс бўлиб, унинг онги таклиф қилинаётган технологияни тўлалигича қабул қила олмайди, аксинча, уни инкор қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун, замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган ўқитувчигина кўзланган мақсадга эришишнинг бош

кафолатчиси бўлади. Агар шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, янги педагогик технологиялар ва унинг асосий негизи бўлган ахборот-коммуникация(АКТ) технологиясини таълим тизимига жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш ўқитувчининг тайёргарлик даражасини биринчи ўринга қўйиш лозим. Шу сабабли педагогик жараёнларнинг кун тартибидаги аксарият долзарб муаммоларининг ижобий ёки мақсадга мувофиқ тарзда ҳал қилиниши кўп жиҳатдан ўқитувчининг касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор тажрибаларни татбиқ қилиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда дастурлар ва маъруза матнларини электрон дискетларга кўчириш, улар билан ҳар бир талабани таъминлашга эришиш, илмий ва илмий-методик ишларда, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг кенг жорий этилишига эришиш, таълим тизимини зарур ахборот воситалари билан етарли даражада таъминлаш, таълим муассасаларини коммуникацион тармоқларга боғлаш каби вазифалар муҳим ҳисобланади.

Хуллас, педагогик технология-ўқитиш жараёнларини оптимал ташкил этишдир. Ўқув материалларини танлаш, қайта ишлаб ўқувчи ёки талабаларнинг кучига, ўзлаштириш хусусиятларига мослаб шакл ва ҳажмини ўзгартириш ҳам таълим технологиясига дахлдор. Педагогик технология-ўз навбатида таълим-тарбиянинг объектив қонуниятлари ва диагностик мақсадлари асосида ўқув жараёнлари, таълим-тарбиянинг мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизимидир, яъни фан ва техника янгиликларини ўзида мужассамлаштирадиган ўқув жараёнидир.

Мазкур маърузалар матнида юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал этишнинг айрим жиҳатлари, педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг аҳамияти ҳамда улар билан боғлиқ жараёнларни ўрганишнинг методик асослари баён қилинган.

Маърузалар матни олий ўқув юртларининг магистрлари ва педагогик жараёнлар механизми билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган. Ундан олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилар, педагогика ва ўқитиш методикаси масалалари билан шуғулланувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

1-мавзу: Педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари ва унинг шаклланиш тарихи.

Режа:

1. Педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари
2. Педагогик технологиялар концепциясининг ривожланиш тарихи
3. Педагогик технологиялар лойиҳалари: илмий ёндашувлар

Таянч иборалар: педагогик технология, илмий асослар, назарий асослар, методология, концепция, ривожланиш, лойиҳа, илмий ёндашувлар.

Педагогик жараёнда амал қилиниши шарт бўлган уч турдаги методологик асосни кўриб чиқдик. Ўқув жараёни билан шуғулланувчи ҳар бир ўқитувчи (педагог), тарбиячи ва бошқалар ушбу уч методологик асоснинг ҳаммасига бирдай амал қилиши шарт. Фақат шундагина улар кутилган натижага эришиши мумкин.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда **педагогик технология** тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан мустаҳкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукамал луғатлари (тезаурус)даги ўрни ҳали номаълумлигича бўлмай қолмоқда.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

В.П. Беспалько педагогик технологияни *амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси* сифатида белгилайди. У педагогик тизим технологиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Бунда асосий диққат ўқув-педагогик жараёни олдиндан лойиҳалашга қаратилади, **педагогик вазифа ва ўқитиш технологиялари** тушунчасидан фойдаланилади. Шу тариқа В.П. Беспалько ўқув жараёнини лойиҳалаш ғоясини илгари суради, афсуски, педагогик **технология ва лойиҳа** тушунчалари ҳақида аниқлик йўқ.

Педагогик технология таълим жараёнига жадаллик билан кириб бораётган бўлса ҳам, унинг мақоми ноаниқлигича қолиб кетмоқда. Тадқиқотчиларнинг ишларида фан ва амалиёт оралиғидан ўрин эгалламоқда.

Н.Ф.Талызина ҳар бир педагог реал педагогик жараёни ташкил этишдан олдин ўқув жараёни ҳақида *технологик даражада билимлар тизимини билиб олган бўлиши шарт* деб ҳисоблайди. У фан ва амалиёт оралиғида тамойилларни олға сурувчи, методлар ишлаб чиқувчи, уларни изчил қўллаш каби масалалар билан шуғулланувчи -алоҳида фан бўлиши керак, деб ҳисоблайди, уларсиз педагогик жараён асосланмай қолади (технология реал ўқитиш жараёни сифатида).

Айрим муаллифлар ўқитиш технологияларига фан ва санъат оралиғидаги фан деб қарайдилар, бошқалари уни лойиҳалаш билан боғлайдилар.

Шундай қилиб, бир ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш сифатида ҳам белгиланади. Унда технология ўқув жараёнини техниклаштиришни тақозо қилади.

Бошқа ёндашувда технологияга таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технологияга таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини татбиқ этиш сифатида қаралади.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва Ғарбий Европада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блуи, Ж. Королл, П.Я.Гальперин, В.И.Давыдов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмыкова, Л.И. Занков технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалько, Н.Ф.Талызина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва педагогикачиларга тааллуқлидир.

Технологик ёндашувлар тахлили шуни кўрсатадики, аксарият ўқитиш технологиялари бўш технологияланганлиги бўйича қолиб кетмоқда. Бир қатор технологияларда назарий асослар кучайтирилган, амалий томони у қадар ойдинлаштирилмаган.

Т.А.Балло технологиянинг бир томонини, яъни ўқитишда топшириқли ёндашувни ёритади. Бошқаларида ё компьютер орқали дастурлаштирилган ўқитиш ёки ўқитишнинг муаммоли тузилмаси ажралиб туради.

Л.В. Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давидов тадқиқотларида босқичли ўқитишнинг яхлит технологиялари ҳақида фикр юритилади.

1. Педагогик технологияда ҳали кўп аниқланмаган масалалар бор. бу муаммони тадқиқ этиш ўқитиш технологиясининг тушунчаси ва методологик моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ.

Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-педагогикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

“Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради” (Б.Лихачев).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” (В.П. Беспалько).

“Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи” (И.П. Волков).

“Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси” (В.М. Шепель).

“Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир”. (В.М.Монахов).

“Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир” (ЮНЕСКО).

“Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” (М.В.Кларин).

“Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади”. (Г.К. Селевко).

Бу таърифлар таҳлилидан **педагогик технология натижани кўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ** этиш деган хулосага келиш мумкин.

2. Педагогик технологиялар концепциясининг ривожланиш тарихи

Маълумки, «Педагогик технология» тўғрисидаги таълимот фанда бугун пайдо бўлаётган ҳодиса эмас. Жаҳон педагогик–психологик тафаккурида «Педагогик технология»ни ўқитишнинг оқилона йўллариини белгиловчи фан сифатида тадқиқ қилиш XVII асрдаёқ бошланган эди. Буюк чех педагоги Ян Амос Коменский ягона инсон табиати қонуниятларидан келиб чиқиб, ўзининг «Буюк педагогика» асарида «Таълим жараёнининг шундай умумий режимини топиш лозимки, унда ҳар бир предмет ва ўқитиш усули вақт жиҳатидан шундай жойлаштирилсинки», бундан бутун «Таълим–тарбия жараёни яхши созланган соат ва автомат механизми каби беҳато юриш, ишлаши йўлга қўйилиб, барча кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлсин, ҳамда инсонга қувонч ва яхши кайфият бахш этсин».

Буюк педагог Ян Амос Коменский давридан бошлаб таълим-тарбия жараёнини яхши лойиҳаланган механизмга мослаштиришга эришиш учун кўп уринишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Бу интилишлар ижтимоий - педагогик ҳодиса сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида тез шаклланди ва ривожлана борди. Даставвал, шахснинг шаклланиш ва ривожланиш механизмлари инсон руҳиятининг шаклланиши, билиш фаолияти, ўқув-билув қизиқишларининг яратилиши билан боғлиқ бўлган назариялар майдонга келди. Бу ҳодисотларнинг пойдевори сифатида таълим муассасаларида ўқиш-ўқитиш жараёнини технологиялаштириш эҳтиёжи туғилди.

XX асрнинг 50 йилларига қадар бу соҳадаги интилишлар таълим жараёнини техник воситалар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилди. Шу билан бирга мазкур йилларда бутун таълим жараёнини кўришга технологик ёндашиш ғоялари пайдо бўлди. Улар педагогик методларни технологиялаштириш, яъни таълим жараёнининг ўқитиш қурилмасини технологиялаштиришлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўла бошлади. Мазкур йўналишнинг дастлабки ҳосили, айни пайтда педагогик технологиянинг пойдевори ҳамда тараққиёт маҳсули сифатида **дастурлаштирилган таълим**

майдонга келди. Унинг асосчилардан бири Америкалик олим, педагог ва психолог Б.Ф. Скинердир.

Унинг фикрича дастурлаштирилган таълимда ўқув маълумотлари унча катта бўлмаган, аммо, бир-бири билан мантикий боғланган ўқув дастурларидаги маълум блокни дозаларга бўлган ҳолда ўрганиш ва ўзлаштиришни назарда тутди. Дастурлаштирилган таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, дастлаб ўқув мақсадлари аниқланиб уларни қўлга киритиш кетма-кет, изчиллик билан амалга оширилади. Натижада ўқитишнинг кетма-кетлик, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилиги амалга оширилиб ўқитишнинг педагогик қоида ва талабларга таянган ҳолда таълимнинг аниқдан ноаниққа, оддийдан-мураккабга, осондан-қийинга боришига асосланилади ва ўқув маълумотлари дозаларга ажратилиб ўзлаштирилади.

Маълум дозадаги ўқув маълумотларининг ўзлаштирилганига ишонч ҳосил қилинган, ўқувчилар диққатига янги маълумотларни ўрганиш ҳавола қилинади. Зеро, «Дастурлаштирилган таълим ўқув материалларининг ўқитувчи, восита ёрдамида бошқариладиган ўзлаштиришидир».

АҚШ мамлакатларида дастурлаштирилган таълим бўйича ўтказилган тажрибаларнинг дастлабки натижаларига асосланиб, Америкалик педагог У. Шрамм қуйидагиларни маълум қилган эди: «Дастурлаштирилган таълим ўзига хос автоматик репититор ҳисобланиб, ўқувчиларни:

(а) мантикий боғланган қисқа йўллардан шундай олиб борадики; оқибатда (б) ўқувчилар деярли хато қилмайдилар ва ўқувчи, (в) шундай туғри жавоблар берадики, (г) уларнинг натижасини маълум қилиш билан мустахкамлаш имконияти яратилади ҳамда (д) таълим мақсадини тўла амалга ошириш сари яна янги муаммолар қўйилади».

XX асрнинг 60-йилларида дастурлаштирилган таълимга педагогик материалларнинг тартибга солинган йиғиндиси деб қаралиб аста-секин унга тескари ҳолатда таълим дастурини тўлиқ мазмунини англлатувчи технологиялаштириш ёхуд технологик ёндашув тушунчаси қўлланила бошланди. Чунончи, технологик ёндашув, Б. Зиёмухаммедов фикрига кўра, «ишлаб чиқаришдан олинган бўлиб, унга минглаб технологик жараёнлар лойиҳалаштирилган. Улар ишлаб чиқаришда керакли натижаларга эришиш чораси ҳисобланади. Бу технологияларни қўллаш вақтида ҳудуд ва уларнинг ижрочиси ўзгарса ҳам, керакли маҳсулот чиқараверади. Таълим-тарбия жараёнида ҳам шунга эришиш учун **педагогик технология** (курсив бизники-Х.Б.,О.Ш) ишлаб чиқилади».

Таълим-тарбия жараёнига бундай ёндашишнинг амалга оширилишида АҚШ олимлари Б.Блум, Ж. Блок, Н.Г. Гранлунд, Д. Кратвол, Ж. Керролл, А. Андерсонларнинг ҳиссалари катта бўлди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва олиб борган тадқиқот ишлари натижасида ўқув-тарбия вазифаларининг хилма-хиллиги, таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имконияти, қобиляти, руҳий жараёнларининг бир хил бўлмаслигига қарамасдан қайта тикланадиган педагогик циклни ўз ичига олган – **илғор педагогик технологиялар яратилди.**

Педагогика фанлари доктори, профессор Н. Сайидахмедовнинг ёзишича 30-йилларда «Педагогик техника» тушунчаси махсус адабиётларда пайдо бўлди ва у ўқув машғулотларининг аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қаралди.

Шунингдек бу даврда ПТ ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан муомала қилишни уддалаш, кўргазмалар қуроллардан фойдаланиш деб тушунилди».

Кейинчалик Ғарб мамлакатларида таълим жараёнини ўқитишнинг техника воситалари ёки компьютерлаштиришни тадқиқ қилиш эмас, балки таълим жараёни самарадорлигини ошириш учун педагогик технологиянинг янги бир йўналиши сифатида таълим-тарбия ишларини оптималлаштириш, лойиҳалаштириш, ўқитиш методларининг янги авлодларини яратиш бўйича анчагина тадқиқот ишлари амалга оширилиб, педагогик матбуот саҳифаларида ёритила бошланди. Масалан, Англияда 1964 йилда «Педагогик технология ва дастурли таълим», 1970 йилда эса «Педагогик технология» журнали чоп этила бошланган бўлса, 1971 йилда Италияда «Педагогик технология миллий маркази», 1973 йилда Венгрияда «Ўқитиш технологияси давлат марказлари» ташкил этилди ва бу марказларнинг фаолиятини ёритувчи «Педагогик технология» номли журнал чоп этила бошланди.

Дастлаб XX асрнинг 30-йилларида ғарб мамлакатларида педагогик технология «Педагогик техника» атамаси номини олиб ўқув-тарбия жараёнига техника воситаларини қўллаш, кўргазмалар қуроллардан кенг фойдаланиш мазмунида ифодаланди. Айниқса, радио, кино, диафильмлардан фойдаланиш педагогик технология сифатида тарғиб этилди.

Т.С. Назарованинг таъкидлашича 70-йилларнинг бошига келиб АҚШ, Япония сингари ривожланган мамлакатларда ҳам педагогик технология масалаларини акс эттирувчи журналлар чоп этила бошланди ва кейинги йилларда педагогик технология муаммоси билан шуғулланувчи махсус муассасалар таъсис этилди. Бунга Буюк Британия ва АҚШдаги педагогик технология миллий кенгашини мисол келтириш мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек педагогик технология муаммосининг давр билан ҳамнафаслиги ва долзарблиги инобатга олиниб унинг илмий - назарий асосларини тадқиқ қилиш учун марказлар, ташкилотлар ташкил этила бошланди. 1967 йилда Англияда тузилган педагогик

технология миллий кенгаши, 1971 йилда АҚШда иш бошлаган «Таълим коммуникацияси ва технологияси Ассоцияси» шулар жумласидандир.

Бу йўналишдаги тадқиқотлар мазмунини ўрганиш шундан далолат берадики, Ғарб мамлакатларида педагогик технологияга муносабат икки йўл билан: а) ўқув жараёнига техника воситаларини қўллаш ва б) ўқитиш технологиясини нашрий ва техник воситалари асосида ташкил қилиш билан амалга оширилди ва оширилмоқда.

Бу таълимотларда анъанавий ўқитиш учун техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, бу жараёнга фаол таълим усуллариининг техник имкониятини кучайтириш, уларнинг оптималлик даражасини баҳолашни лойиҳалаштириш назарда тутилган.

Мазкур ғояга Шарқ мамлакатларидан биринчилар қаторида Япон олимлари қўл урдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва куч ғайратлари билан 1965 йилда умумияпон педагогик технология марказининг кенгаши таъсис этилди ва унинг тадқиқот натижалари «Педагогик технология», «Педагогика технология соҳасида тадқиқотлар» номли журналлар саҳифаларида чоп этила бошланди. Айни пайтдаги маълумотларга қараганда Японияда 4-та илмий жамият шуғулланмоқда. Бу жамиятларнинг мамлакатда 22 та университетда марказлари мавжуд. Ҳар 3 ойда Япон тилида, йилига 2 марта ингилиз тилида «Педагогик технология» ва «Педагогик технология соҳасидаги тадқиқотлар» журналлари чоп этилмоқда.

Ғарб олимларининг педагогик технологиялар тўғрисидаги қарашларида репродуктив таълим ҳар қандай таълимнинг зарурий таркибий қисми сифатида қаралиб, у маълум ўқув предмети доирасида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тажрибасини ўзлаштириш, табиат, жамият тараққиёти омилларини англаш билан боғлиқ. Ўқувчи (талаба) ларга керакли билим, кўникма, малакалар асосини шакллантиришга ёрдам беради. Ва шундан кейин продуктив (маҳсулли), ижодий – тадқиқий таълим методларига ўтишга доир педагогик технологияларнинг вариантлари ҳам яратила бошланди.

Бунга жавобан Япон олимлари эса педагогик жараёни муайян мажмуига келтириш нуқтаи назаридан ёндашиш ғоясини кўтариб чиқдилар. Буни олдинги параграфда қайд қилиб ўтганимиздек Т. Сакомото амалга оширди.

Маълумки, саноатда «Юксак технология» тушунчаси мавжуд. Улар одатда, жуда мураккаб, фан ва техниканинг сунгги ютуқларига асосланган, ишчи-техник ходимлардан махсус тайёргарликни талаб қилади. У рақобатбардошликни, маҳсулот сифатини юксак бўлишини, пировард натижада катта фойда келтиришни таъминлайди. Педагогик технологияни «Таълимда юқори методология» деб қараш мумкин, бироқ уни жорий қилиш катта харажатларни талаб қилмайди. Шунга асосан таълим сифатининг калити бўлиб алоҳида ўқув юрти ва аниқ ўқитувчи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унда педагогик технологияни ўзлаштириш асосан педагогларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлиши керак.

Мазкур ғоя уларга бу ишни бажаришда кўмаклашишга қаратилган. 70-80 йилларда АҚШда дунёга келган педагогик технология оқими барча ривожланган мамлакатларни камраб олди, ЮНЕСКО дек обрўйли ташкилот томонидан тан олинди ва қувватланди. У жуда кўп мамлакатларда муваффақиятли ўзлаштирилмоқда.

1996 йилда ЮНЕСКОнинг раҳнамолигида Иерусалим уневерситетида педагогик технология бўйича ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Унда педагогик технология ёрдамида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида нафақат АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлар вакиллари, балки Коста-Рика, Туркия, Мальта давлатларининг вакиллари ҳам ўз таълимотлари ва тажрибалари билан иштирок этдилар.

XX асрнинг 80-90 йилларда ўқитиш ишларини режалаштириш, таълим-тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишга доир

тадқиқот ишлари Россияда кенг йўлга қўйилди ва унинг натижалари рисолалар тариқасида чоп этилди. Булар В.П. Беспальконинг «Слагаемые педагогический технологии». – М., «Педагогика» 1989; «Педагогика и прогрессивные технологии обучения» - М., 1995; М.В. Клариннинг «Педагогическая технология в учебном процессе». – М., «Знание», 1989; Третьяков П.И. ва Сенновскийнинг «Технология модульного обучения в школе. – М., 1997; В.В. Юдин «Педагогическая технология».- Ярославл, 1997; Е.С. Полат ва бошқаларнинг «Новые педагогические и информационные технологии в системе народного образования». – М., 2001 ва бошқа чоп этилган китоблар шулар жумласидандир.

Бу рисолаларда «Педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Янги педагогик технологиялар»га таърифлар берилиб, уларнинг моҳият-мазмунни ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, халқ таълимини ривожлантиришга қўшиши лозим бўлган ҳиссаси тўғрисида фикр юритилади ва педагогик технологиянинг ўқитиш муваффақиятларини кафолатловчи, шахсни шакллантириш жараёнини лойиҳалаштирувчи томонлари очиб берилади.

Илмий-педагогик назариянинг маълумот беришича, юқорида таъкидлаганимиздек, Россияда 1965 йилдан бошлаб таълимни ишлаб чиқариш билан қўшиб олиб боришга эътибор қаратилиб, шу йили «Мактаб жиҳозлари ва УТВИТИ» маркази ташкил этилди ҳамда «Мактаб ва ишлаб чиқариш» журнали чоп этила бошланди. Шунга қадар буюк рус педагоги А.С. Макаренко таъкидлаганидек: «Бизнинг педагогик ишлаб чиқаришимиз ҳеч қачон технологик мантиқ асосида қурилмай балки ҳамма вақт ахлоқий ваъзхонлик мантиғи асосида қурилган. Шу боис бизнинг педагогик тизимимизда ишлаб чиқаришнинг муҳим бўлимлари умуман йўқ. Улар жумласига технологик жараён, операцияларни ҳисобга олиш, лойиҳалаш иши, мосламаларни қўллаш, нормага солиш, назарий қуйим, брак қилиш йўқ».(А.С.Макаренко).

Ўзбекистонда бу масалага 1993 йилда киришилди ва педагогик технология ҳамда уни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этишга доир турли хил анжуманлар ўтказилди. Истиқлол туфайли барча фанлар қатори педагогика фанини ҳам ривожланган демократик давлатлар, педагогик назарияси ва амалиёти нуқтаи-назаридан ўрганиш, тадқиқ қилиш учун шароитлар яратилди. Шу жумладан хорижий мамлакатларда педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш тажрибасини чуқур ўрганган ва таҳлил қилган педагог олимларимиз педагогик технологиянинг минтақага мос ва хос хусусиятларини яратишга ҳаракат қилдилар. Оқибат натижада 1993 йилдан бошлаб республика матбуотида мақолалар кўзга ташлана бошланди.

1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўқув-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлашни концептуал вазифа қилиб қўйди.

1997 йилда Самарқанд давлат университетиде ўтказилган «Олий таълимнинг ҳозирги долзарб муаммолари» мавзусидаги Олий ўқув юртлариаро илмий-методик анжуманда қилинган «Педагогик технология: концептуал таҳлил» номли маърузада кўтарилган масалалар ҳам, таълим-тарбияни

технологиялаштириш муаммосига бағишлангани бежиз эмас. Шундан сўнг педагогик технологиянинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш республикада кенг қулоч ёйди. Унинг назарий – методологик асосларини ишлаб чиқишга киришилди. Натижада педагогик технологиянинг илмий-назарий асосларини ёритувчи таълимни технологиялаштиришнинг моҳият-мазмунини акс эттирувчи асарлар чоп этилди. Булар сирасига Б.Л. Фарберманнинг «Илғор педагогик технологиялар», - Т., 1999; М. Очиловнинг «Янги педагогик технологиялар», - Қарши 2000; Б.Зиёмуҳаммедов, Ш. Абдуллаеваларнинг «Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт» - Т., 2001; Н. Сайидахмедовнинг «Педагогик маҳорат ва педагогик технология», - Т., 2003; О.Розиқов, С. Огаев, М.Махмудов, Б.Адизовларнинг «Таълим технологияси» - Т., 1999, каби рисоалари киради.

Шундай қилиб, биз педагогик технология концепциясининг яратилиш ва ривожланиш тарихини ўз имкониятимиз, ўрганган адабиётларимиз таҳлили асосида ёритишга ҳаракат қилдик. Фикримизча мазкур концепциянинг бизнинг назаримиз тушмаган, қўлимизга тегмаган, аммо педагогик технологиянинг кўп қирраларини ёритувчи соҳалари мавжуд бўлиши мумкин. Уларни келажак тадқиқот ишларимизда ёритишга албатта ҳаракат қиламиз.

3. Педагогик технологиялар лойиҳалари: илмий ёндашувлар

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида жамиятнинг потенциал имкониятларини юзага чиқариш, кучли интеллектуал ва маънавий салоҳиятни шакллантириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси бевосита таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, янги технологияларни лойиҳалаш ва педагогик амалиётга тадбиқ этиш билан узвий боғлиқдир.

Республикаимиз Президенти Олий Мажлисининг XIV сессиясида “янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни назорат остига олиш зарур”лигини алоҳида таъкидладилар. Бугун олимлар ва ўқитувчилар илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирлар. Бу соҳага яқин хорижий давлатларда ҳам эътибор кучайтирилмоқда. кўйида россиялик олимлар томонидан таклиф этилган янги педагогик технология лойиҳалари билан танишасиз.

АКСИОМАТИК ЁНДАШУВ(МОНАХОВ)

Муаллифнинг фикрича, педагогика фани азал-азалдан аксиомалардан фойдаланиб келади. Маълумки, исбот талаб қилинмайдиган ҳолат аксиома дейилади. Бундай ҳолатларни педагогик жараёнда кўплаб учратиш мумкин: синф-дарс тизими, 45 минутлик дарс, мавзули режа ва бошқа.

Кейинги йилларда биз таълим фазосини стандартлаштириш жараёнининг гувоҳи бўляпмиз. Бу иш анча мураккаб ва бажарувчилар учун қутилмаган ҳолат бўлди. Таълим стандартларининг юзага келиши мавжуд вазиятни бирмунча қийинлаштириб юборди, чунки стандартнинг шартсиз бажарилишини кафолатлайдиган ва педагогик амалиётга жорий этиладиган технологиялар

ишлаб чиқилмаган эди. ҳар бир ўқувчи(талаба) таълим стандарти даражасига эришиши учун ўқув юртларидаги мавжуд анъанавий методикалар ўрнига янги педагогик қуроллар зарур бўлади.

Ўқув жараёни лойиҳасини технология даражасига чиқариш ва бу лойиҳанинг жорий этилиши ўқитувчини юқори малакали мутахассисга айлантириш билан биргаликда ўрганувчининг мавқеини ҳам кучайтиради ва ижодий ҳамкорликнинг янги уфқларини очади. Энди ўқитувчи лойиҳа муаллифи бўлиб олади, бу эса янги вазифадир(15, 28).

Муаллиф аксиомалар тизимини уч гуруҳга ажратади. Биринчиси - педагогик технологияларни бир бутун таълимий кенгликка қўшиш аксиомалари, иккинчиси - ўқув жараёнини моделлаштириш аксиомалари, учинчиси - ўқув жараёнини меъёрлаш аксиомалари. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири ўзида учтадан аксиомаларни бирлаштиради.

Биринчиси (A1) - педагогик технологиянинг таълим маконига талаб қўйиш аксиомаси; A2 - педагогик технологиянинг “ўқитувчи” тизимида мослик аксиомаси; A3 - педагогик технологиянинг предмет методикаси тизимида нисбатан универсаллик аксиомаси.

Иккинчи гуруҳга (A4) педагогик технология асосини ташкил этувчи ўқув жараёни моделини лойиҳалаш аксиомаси киритилади. Бу ахборотли модел қуйидаги параметрли топшириқлар ёрдамида тавсифланади:

1 - параметр (мақсадга жоизлик) ўқув-тарбиявий жараённинг умумий мақсад ва йўналишини микромақсадлар тизими кўринишида ифода этади.

2 - параметр (ташхис) микромақсадларга эришиш ёки эришмаслик далили тўғрисида бошқарув ахборотларни мужассамлаштиради.

3 - параметр (микдорли ўлчов) ўқувчиларнинг мустақил фаолияти хусусиятлари, характери ва ҳажми ҳақида ташхиснинг муваффақиятли ўтишини кафолатлаш учун етарли бўлган мазмунли ва сонли ахборотлар беради.

4 - параметр (мантиқий тузилма) - бу ўқитувчининг методик фикрларини ўқув жараёнининг яхлит ва мантиқан кўрсатмали моделига айлантириш босқичини эътиборга олади ва ўқитувчи маҳоратининг юксак даражасини белгилаб беради.

Бу фаолият шунчалик ўқув жараёнинг мантиқий тузилмаси фотографияси эмас, балки махсус шаклланган ишчи майдон бўлиб, унда барча элементлар технологик қонуниятлар асосида ифодаланади ва маълум муолажалар ёрдамида етарлича муқобиллаштирилади.

5 - параметр (тузатиш) педагогик яроқсизлик, яъни ташхисдан ўтмаган ўқувчилар ҳақида ва тузатишнинг методик йўллари тўғрисидаги ахборотларни тасвирлайди.

Шунингдек, иккинчи гуруҳга (A5) ўқув жараёни моделининг ташкил этувчи кўрсаткичлари тизими яхлитлиги ва такрорланувчанлиги аксиомаси ҳам киритилади.

Ўқув жараёнини технологиялаштириш объекти ҳар қандай предметнинг ўқув мавзуси бўлиши керак, унинг ҳажми эса қатъиянлиги билан ажралиб туради: минимум - 6-8 дарс, максимум - 22-24 дарс. Ана шу мавзу лойиҳасида бўлажак

ўқув жараёни юқорида номланган бешта параметр ёрдамида яхлит берилади ва айнан шу ўқув мавзуси ҳар қайси предмет бўйича ўқув жараёнини лойиҳалашга имкон берадиган бир хилдаги муолажалар кўринишида технологиялаштириш ва лойиҳалашнинг такрорланувчанлигини таъминлайди.

Иккинчи гуруҳ таркибига кирадиган яна бир аксиома (А6) - бу ўқув жараёнининг ахборотли моделини технологиялаштиришдир. В.М. Монахов тажрибасида бир мавзу доирасида бешта параметрларни ўзида мужассамлаштирган ўқув жараёни лойиҳасининг технологик хариталари яратилган. Технология ўқитувчини лойиҳалаш муолажалари тизими билан қуроллантирса, технологик хариталар ўқув мавзуси бўйича ўқув жараёни лойиҳасининг паспорти сифатида керак бўлади.

Муаллиф учинчи гуруҳ аксиомаларини (ўқув жараёни лойиҳасини меъёрлаш) педагогик технология мавжудлигининг асосий маҳсулоти сифатида тавсифлайди. Ўқитувчининг касбий фаолиятини технологиялаштириш аксиомаси (А7) касбий фаолиятнинг қуйидаги иновацион компонентларига тегишли:

- ўқув жараёни лойиҳасининг педагогик ғояларини бутун бир ўқув йили учун ўқитувчи томонидан ўз хусусий методик тажрибасига, ўқув дастури мазмунига ва давлат таълим стандарти талабларига таянган ҳолда микромақсадлар кетма-кетлиги кўринишида ифодалаш касбий кўникмаси. Бошқача қилиб айтганда, бу - стандарт талабларини микромақсадлар тилига ўтказишнинг технологик муолажасидир, микромақсад эса ўқувчиларнинг билиш ва ривожланиш зинопасидир. Бу компонент бевосита анъанавий ўқув мавзуларини қайтадан тузиш билан боғлиқдир.

- технологик харитани лойиҳалаш касбий кўникмаси. Бу жараён педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, сабаби ўқитувчи бўлажак ўқув жараёнини олдиндан кўра билади, ўз ғояларини технологик харитада қоидали тарзда тасвирлайди.

Таъкидлаш жоизки, бу касбий кўникма етарлича мураккаб, кўп босқичли, ўз моҳиятига кўра интегратив бўлиб ўқитувчидан яхши ривожланган рефлекс қобилиятни талаб этади;

- дарснинг ахборотли харитасини конструкциялаш касбий кўникмаси ёки бу хариталар йиғиндиси ҳар бир ўқув мавзуси учун бўлажак ўқув жараёнининг аниқлаштирилган лойиҳаси ҳисобланади;

- икки педагогик объектни таққослаш касбий кўникмаси: технологик хариталар кўринишидаги ўқув жараёни лойиҳаси ва маълум синфда реал ўқув жараёни натижалари билан биргаликда дарснинг ахборотли хариталар тизими. Таққослашни аниқ кўрсаткичлар ва технологик муолажалар бўйича ўтказиш керак. қиёслаш муолажалари асосида ташхислаш натижасига кўра мазкур синфда ўқув-тарбиявий фаолият ривожини қайд этувчи махсус мониторинг ётади.

Ўқув жараёни лойиҳасини меъёрлаш аксиомасининг (А8) моҳияти қуйидагилардан иборат: ўқув жараёни лойиҳаси технологик харита тарзда тайёр бўлгач, бевосита зарурий ҳисоблар амалга оширилиши керак: ўқув вақти,

педагогик ахборотлар ҳажми, уни ўзлаштириш тезлиги, шу ўқув мавзуси чегарасида ўқувчиларни ривожлантиришнинг методик дастурига ажратиладиган вақт ва бошқа.

Ниҳоят, учинчи гуруҳнинг сўнгги аксиомаси шундай ифодаланади: якуний натижани кафолатлайдиган педагогик технологиянинг мақбул ишлаши учун ишчи майдонни шакллантириш аксиомаси (А9). ҳар қандай педагогик технология бу аксиома талабларини бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг ҳам ўқув, ҳам умумий юкламаси бўйича қаноатлантириши шарт; дарснинг ахборотли харитаси ичида ёш жиҳатидан ўз гуруҳи доирасида ўқувчиларни ўқув-билиш фаолиятларининг асосий турлари меъёрини сақлаш зарур. Бу бевосита психологик-педагогик ва физио-гигиеник меъёрларни сақлашга ҳам тегишлидир.

Шундай қилиб, В.М. Монахов томонидан таклиф этилган тўққизта педагогик аксиомалар билан китобхонлар таниш бўлди. Олимнинг таъкидлашича, бу аксиомаларни бажариш ва уларга риоя қилиш бевосита педагогик технологияларни лойиҳалаш ва таълим кенглигига асосли равишда тадбиқ этиш имконини туғдиради.

Муаммоли- модулли ўқитиш технологияси (Чошанов М.А.)

Бироқ модулли таълим ўзининг етарлича “пухта”лигига қарамасдан мазмун жиҳатдан ҳам, “ёш” жиҳатдан ҳам (у 60-йилларда вужудга келган) ханузгача тортишувларга, фикрлар қарама-қаршилигига учраб келяпти. қатор хорижий муаллифлар (В.Голдшмидт, М.Голдшмидт ва бошқа) модул деганда аниқ ўрнатилган мақсадга эришишга ёрдамлашадиган яхлит ўқув фаолиятини шакллантиришни тушунишади. Модул моҳияти ўқув материалининг автоном бўлақларини куриш тўғрисидаги бирмунча фарқлироқ фикр Д.Ж. Рассел томонидан айтилди. П.А.Юцявичененинг кўрсатишича, “модулли ўқитиш моҳияти шундан иборатки, ўрганувчи қисман ёки тўлиқ мустақил равишда унга таклиф этилаётган ўзида ҳаракатларнинг мақсадли дастурини, ахборотлар банкини ва қўйилган педагогик мақсадга эришиш бўйича методик кўрсатмани қамраб олган индивидуал ўқув дастури билан ишлаши мумкин. Бунда педагог вазифаси ахборотли назорат қилишдан тортиб маслаҳатчи - координацияловчиликка қадар турланишдан иборат бўлади“ (30, 10).

Профессор М.А.Чошанов ҳам кейинги фикрга қўшилган ҳолда фан ривожининг ҳозирги босқичида модуллилик тушунчаси методологик мазмунга эга бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

Муаммоли ўқитишнинг педагогик тизимида бирмунча тўлиқ тадқиқ қилинган ташкил этувчиси муаммоли таълим ҳисобланади. У ўрганувчиларнинг фикрлаш фаолиятини бирмунча фаоллаштиришга, уларда муаммонинг ечимига ёндашишни шакллантиришга, ва ниҳоят - ижодий тафаккурни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади. Бу таъсир интеллектуал қийинлашувнинг махсус вазиятларини - муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимларини тузиш билан таъминланади. Муаммоли вазият ўқитиш жараёнида муҳим мотив ва ҳаяжонли восита саналади. Унинг самараси тўғрисида А.М Матюшкин, М.И. Махмутов, И.Я. Лернер каби йирик олимлар ўз назарияларини яратдилар.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясида асосий диққат хатоликларни излаб топиш мақсадига мувофиқ тарзда тузилган махсус вазиятлар тизими орқали ўрганувчиларда танқидий фикрлашни шакллантириш жиҳатларига қаратилади. У ўзида хатоликларнинг уч асосий гуруҳини бирлаштиради: гносеологик, методик ва ўқув. Гносеологик хатолар билишга оид характердаги хатолар ҳисобланиб, билимлар эволюцияси жараёнида олимлар томонидан йўл қўйилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқув жараёнида гносеологик хатолардан фойдаланиш ўқувчи (талаба)ларда борлиқни танқидий мушоҳидалаш, таҳлил қилиш ва ўз хатоларини тўғрилаш кўникмаларини шакллантиради, шунингдек, ўқув предмети ва фанга бўлган муносабатларини ўзгартиради: ўрганилаётган фан мазмуни ўрганувчилар олдида тайёр ҳақиқатлар йиғиндиси сифатида эмас, балки ғоялар ва одамларнинг тарихий драмаси тарзда, ижтимоий мактаб ва йўналишлар кураши тарзда, одат ва янгилаш қарама-қаршилиги сифатида туради.

Методик хатолар ўқув хатолари билан ўзаро боғлиқ: ўрганиш хатолари кўп ҳолларда - ўқитиш хатолари натижасидир. Ўқув хатолари махсус ташхисловчи жадвалларда ҳар бир муаммоли модул учун гуруҳланади ва кейинчалик кучли таъсир этувчи воситалар сифатида фойдаланилади.

Агар анъанавий ўқитишда билмасликдан билишга ўтиш стандартли вазиятларни қўллаш билан чегараланса, муаммоли-модулли ўқитишда ўқувчининг яқиндан ривожланиши доираси янги билимларни юзаки ўзлаштириш ва нотўғри қўллашга олиб келадиган танқидий вазиятлар - хатолар соҳасига кенгайтирилади. Бундай шароитда билмасликдан билишга ўтиш соҳаси ўрганувчи учун асосий муаммога айланмайди, балки табиий звено бўлиб қолади, уларнинг долзарб ривожланиш минтақасига айланади.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясининг етакчи сифат белгиси - бу эгилувчанлик ҳисобланади. Замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришда эгилувчан автоматлаштирилган тизим муҳим саналгани каби ҳозир ҳам, келажакда ҳам педагогик технология самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгарувчан шароитга мослаша олиш ва зудлик билан таъсир этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Эгилувчанлик тузилмали, мазмунли ва технологик ҳолда бўлиши мумкин.

Тузилмали эгилувчанлик қатор ҳолатлар билан таъминланади: муаммоли-модул тузилмасининг сафарбарлиги, муаммоли-модулли дастур поғоналиги, эгилувчан жадвал лойиҳасининг мавжудлиги ва кўп вазифали ўқув хоналарининг жиҳозланганлик имкониятлари ва бошқа.

Мазмунли эгилувчанлик биринчи навбатда таълим мазмунини табақалаштириш ва интеграциялаш имкониятларида намоён бўлади. Бундай имкониятнинг ўзи таклиф этилаётган технологияда ўқув материалининг блок ва модулли принцип асосида сараланиш эвазига вужудга келади.

Технологик эгилувчанлик муаммоли-модулли таълим жараёнининг қуйидаги жиҳати билан таъминланади: ўқитиш методларининг вариантлиги, назорат ва баҳолаш тизимининг эгилувчанлиги, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини яқка тартибда ташкил этиш ва бошқа.

М.А.Чошановнинг таъкидлашича, касб мактабларида ўқитиш жараёнини муаммоли-модулли асосга ўтказиш қуйидагиларга имкон беради:

- ўқув материалининг муаммоли модулларини гуруҳлаш йўли билан курсни тўлиқ, қисқарган ва чуқурлаштирилган вариантларини ишлаб чиқишни таъминлайдиган диалектик бирликда интеграциялаш ва табақалаштиришни амалга ошириш;

- билим даражасига боғлиқ ҳолда талабаларнинг у ёки бу муаммоли-модулли дастур вариантыни мустақил танлаши ва уларнинг дастур бўйлаб индивидуал силжиш суръатини таъминланиши;

- муаммоли модуллардан педагогик дастурли воситаларни яратиш учун сценарийлар сифатида фойдаланиш;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқаришда ўқитувчи ишида маслаҳатчи-координацияловчи вазифага урғуни кўчириш;

- ўқув материалини баён қилиш тезлиги ва ўзлаштириш даражасига путр етказмаган ҳолда ўқитиш методлари ва шакллари мажмуасига мослик асосида курсни қисқартириш;

Шу билан биргаликда оппонентлар томонидан муаммоли-модулли ўқитишнинг қатор камчиликлари кўрсатилди, улар: таълим жараёнининг бўлакларга бўлинганлиги, яъни ўқувчиларнинг мустақил ишлари салмоғи бирмунча катта; ўқув предметининг яхлитлиги ва мантиқини инкор этиш; ўқувчиларни тайёрлаш торлиги: ўқитиш курсининг боғлиқ бўлмаган муаммолар ёки масалалар сериясига қадар қисқариши; умумлашмага зиён етказадиган хусусий, аниқ кўникмаларнигина шакллантириши; муаммоли модулларни тайёрлаш ва машғулоти ўтказишга тайёргарликнинг кўп меҳнат талаб қилиши.

Санаб ўтилган камчиликларнинг кўплиги модулли ўқитиш технологиясини ўрнатиш босқичида бирмунча аниқ сезилса-да, аста-секинлик билан дазмолланиб боради. Шунини эслатиш жоизки, у ёки бу технологияни “тоза” ҳолда жорий этиш мумкин эмас. Хоҳлаймизми ёки йўқми, ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий ёндашувига ва мавжуд педагогик жараёнга таянишга тўғри келади.

Таълим мазмунини муаммоли-модулли лойиҳалаш қуйидаги асосий таянчлардан иборат бўлади:

- билиш фаолиятининг фундаментал методлари доирасида курсни жой-жойига қўйиб тузиш. Мисол учун, математика курсида бундай методларга математик моделлаштириш, аксиоматик, координат, векторли, мантикий методлар киради;

- таянч муаммоли модулларнинг мазмунини аниқлаш. Саралашнинг муҳим шарти билиш фаолияти методларининг принциплари мазмуни ҳисобланиб, умуммаданий ва амалий аҳамият касб этади. Бу ўқитишнинг таянч мазмунига оид қуйидаги мезонларни ҳисобга олишни тақоза этади:

- фундаментал, узвийлик, узлуксизлик ва таълимни инсонпарварлаштириш;
- ечими билиш фаолияти методларининг мосини қўллашни талаб этадиган йирик касбий-амалий муаммоларни турли гуруҳ касбларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб ажратиш;

- ихтисосли ва даражали табақалаштиришни таъминлашга йўналтирилган ўзгарувчан модулларнинг мазмунини танлаш ва ҳажмини аниқлаш, шунингдек, муаммоли-модулли дастурларнинг турли - тўлиқ, қисқарган ва чуқурлаштирилган вариантлари бўйича ўқувчиларнинг яқка тартибда олға силжиши учун шароитлар яратиш.

Муаммоли модулларни қўллаш кўлами қуйидаги тартиботларни қамраб олади: тизимли, автоном ва интеграциялашган. Тизимли тартибот муаммоли модулларидан мустақил курс доирасида фойдаланишни тақозо этади. Автоном - маълумот модули сифатида бошқа фанлар доирасида, интеграцияланган - интегратив курс доирасида қўлланиши лозим.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси. Беспалько В.П

XVI асрга келиб нашр ишларидаги инқилобий ўзгаришлар таълим тизимида “дарсликлар”ни (4) қўллаш имкониятини туғдирди. Коммуникация соҳасидаги техникавий тараққиёт эса синф ва хонадонларни ахборотли узатиш воситалари билан жиҳозлади. Компьютерларнинг вужудга келиши педагогик жараённи ёпиқ бошқариш имкониятларини туғдирса-да, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олмади.

Шахсий компьютерлар техникасининг ривожланиши психологик-педагогик билимлар ўсиши билан ҳамкорликда шахсга йўналтирилган таълим муаммосини келтириб чиқармоқда.

Академик В.П. Беспалько тизим 8 - яқка тартибли билиш фаолиятини дастурли бошқаришга алоҳида урғу бериб “халқ таълими тизимининг барча бўғинларида ривожланишнинг янги босқичини ифодалайди ва ўқувчиларнинг соғлигига зарар етказмаган ҳолда зарурий мусбат силжишларга олиб келади” деб таъкидлайди. Ўзида аниқ ўрнатилган педагогик масалалар ва педагогик технологияларни мужассамлаштирган педагогик тизим шахсга йўналтирилган таълим, деб таърифланади. Бу тизимдаги педагогик масалаларга қисқача изоҳ берилади. ҳозирда мавжуд яққалашган педагогик тизимлар - умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим - шахсни тарбиялаш, таълим бериш ва такомиллаштиришнинг ягона тизимига айланиши керак. Шахсга йўналтирилган таълим барча турдаги таълимларни йўналишлар бўйича интеграциялашни тақозо этади. Таълимнинг биринчи босқичидаёқ (мактабгача таълим) боланинг эҳтимолли шахсий йўналишлари психологик-педагогик кузатишлар ёрдамида аниқланади, маълум фаолият турига қобилиятлари, янги истеъдод нишонлари белгилаб олинади. Бу табақалаштириш психологик педагогика соҳаси бўлиб, афсуски, кам тадқиқ қилинган ва кам ишланган. Шу билан биргаликда ҳаммага яхши маълумки, шахснинг махсус истеъдод нишонларини эрта аниқлаш ва уни мунтазам ривожлантириб бориш вақти соати билан ўз мевасини беради - янги ғоя ва фаолият методларини ҳақиқий яратувчиси тарбияланади.

Шахснинг ривожланиш дастури аслида ҳар бир инсонга туғма ҳолда берилади, бироқ уни амалга ошириш, афсуски, ҳозирги таълим тизимида қаралмаган. Мана, нима учун дунёда қийналганлар ва жинойтчилар мавжуд . Шу боисдан боланинг шахсга йўналтирилган таълим тизимига киришиши уни

ихтисосли касбга тайёрлашнинг бошланиши бўлиши керак ва барча ўқув дастурлари мазмуни маълум фаолият турининг ижодкорини тарбиялаш масаласига бўйсунishi керак.

Юқорида таъкидланганлар эскирган, бироқ мустаҳкам марксистик тезис - техник тараққиёт давомида инсон меҳнатининг ўзгариб туриши, шу боисдан кенг умумий ва политехник таълимни бундай ўзгаришлар асоси сифатида жорий этиш заруратига қарама-қаршидир. Бугун ҳаётнинг ўзи гувоҳлик берапти: техник тараққиёт мумкин қадар юқори касбий маҳорат даражасини тақоза этади.

Унга эришиш учун бир меҳнат тури доирасида фаолиятни мақсадли йўналтириш ва чуқур мутахассислаштиришни талаб этапти, аксинча, доимий уни алмаштиришни эмас.

Ташхисланувчан тарзда ўрнатилган мақсадли педагогик тизим очик бўлиши керак, яъни ўрганишнинг ҳар қандай босқичида ўқувчи ундан чиқиб кетиши ёки қайта кириб келиши мумкин. Бу эса аниқланган мақсадга мос ҳолда таълим мазмунини илмий асосда саралашга имкон беради. Таълим мазмунини жамлашда ўқувчиларни асоссиз юклаб ташлаш ва ўқитувчи ўқитишда инқирозга хос ҳодисаларни юзага чиқарувчи олдинги аморф ва ихтиёрийлик уни аниқ лойиҳалаш, ўқиш йиллари бўйича тақсимлаш ва дозалашга жой бўшатиб беради. Ўқув фанлари тизими ортиқча бўлмасдан қатъий узвийликка ва белгиланган маҳорат босқичида ўзлаштиришга олиб келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Т. 2001
3. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.Молия.2003
4. Ходжаев Б.Қ., Олимов Ш.Ш. Янги педагогик технолгиялар. Б.2004
5. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари. – Т.: 2005.

2-МАВЗУ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР: МАЗМУН ВА МОҲИЯТ

Режа:

1. Педагогик технологияларнинг мазмун ва моҳияти ҳақида тушунча
2. Педагогик технологиялар тизимида таълимнинг интерфаол методлар
3. Таълимнинг фанга йўналтирилган технологиялари.
4. Таълимнинг шахсга йўналтирилган технологиялари

Таянч иборалар: технология, мазмун, моҳият, интерфаол, таълим, фан, шахс, йўналтириш, фаолият.

1. Педагогик технологияларнинг мазмун ва моҳияти ҳақида тушунча
Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири “шахс манфаати ва таълим устуворлиги”дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан бу моделни амалга ошириш билан ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган “портлаш эффекти” натижалари рўй-рост кўрсатиб берилди, яъни:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.;
- инсоннинг ҳаётидан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади;
- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;
- фуқаролик жамияти қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади.

“Портлаш эффекти” сари шижоат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагог назариячи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбияшунослик асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик “қурол” ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир.

Педагогик технология (ПТ) - шундай билимлар соҳасики, улар ёрдамида 3-минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиҳланади, талаба ёшларда ҳурфикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантирилади

Маълумотлилик асосида ётувчи бош ғоя ҳам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган, авторитар ва сохта тафаккурлаш усулидан воз кечган, сабрбардошли, қаноатли, ўзгалар фикрини ҳурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний қадриятлар каби шахс сифатларини шакллантиришни кўзда тутган инсонпарварлик ҳисобланади. Бу масаланинг ечими қайси даражада таълимни технологиялаштириш билан боғлиқ?

Дастлаб “технология” тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча икки сўздан - “технос” (techne) - санъат, ҳунар ва “логос” (logos) - фан сўзларидан ташкил топиб “ҳунар фани” маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Технологик жараён ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда амалларни (операцияларни) муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, технологик жараён - бу меҳнат қуроллари билан меҳнат объектлари (ҳом ашё)га босқичма-босқич таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчи (ишчи-машина)нинг фаолиятидир. Ана шу таърифни тадқиқот мавзусига кўчириш мумкин, яъни: ПТ - бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи(талаба)ларга

муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларни интенсив шакллантириш жараёнидир.

Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, ПТ тушунчасини изоҳлашда технология жараёни асос қилиб олинди. Аслини олганда ҳам бу тушунчага берилган таърифлар сони педагогик адабиётларда ниҳоятда кўпдир. Педагогик нашрларда “технология” атамасининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин: “ўқитиш технологияси”, “ўқув жараёни технологияси”, “маълумот технологияси” ва ҳоказо.

Ўқитиш технологияси ПТга яқин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маънони англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материални ўзлаштириш йўлини муайян технология атрофида ифода этади. У кўпроқ хусусий методика билан бир жинслидир.

ПТ эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва “ўқитувчи - педагогик жараён - ўқувчи(талаба)” функционал тизим қонуниятларига тегишли билимлар асосида курилади.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажрата олмаяптилар. Шу боисдан бу тушунчаларни аниқлаштириш керак бўлади. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Методикадан кўзланган мақсад предмет мавзуларига оид назарияларни аниқ ҳодисалар текислигига кўчиришдир. Мисол учун, газ қонунларини тушунчаларини шакллантириш методикаси ёки энергиянинг сақланиш қонунини физика курсининг электр бўлимида қўллаш методикаси ва ҳ.к.

ПТ ўқитиш жараёнинг ўзаро боғлиқ қисимларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларни куриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди. Ёхуд ПТ ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани қафолатлайдиган муолажалар йиғиндисидир. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг турғунлиги, самарадорлиги, олдиндан лойиҳаланиш зарурати билан методикадан фарқланиб туради.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида ПТ ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинди. Фақат 70 - йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланди. Япон олими Т. Сакамото томонидан “ўқитиш технологияси - бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси” эканлиги эътироф этилади (32, 126).

Объектив борлиқни ўрганишнинг тизимли ёндашиш методи фанда кенг кўламда қўлланилгач, унинг таъсири остида аста-секинлик билан ПТ моҳиятига ҳам аниқлик киритилди: рус олимаси Н.Ф. Тализина технологияни “белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усуллари аниқлашдан иборат” деб тушунтиради. Шунингдек, олима замонавий ўқитиш технологияси ҳақида фикр юритиб, уни алоҳида фан сифатида қараш лозимлигини уқтиради: “Ўқитиш технологияси - бу ўқув жараёнини нима реал тавсифласа ўша, ўқитувчига

ўрнатилган мақсадларга эришиш учун нимага таяниш зарур бўлса ўша. Бу алоҳида фан. 7

ПТни фан сифатида эътироф этиш К.К Селевко томонидан ҳам маъқулланди: “Педагогик технология ўқитишнинг бирмунча оқилона йўллари тадқиқ қилувчи фан сифатида ҳам (таъкид бизники - Н.С.) , таълимда қўлланиладиган усуллар, принциплар ва регулятивлар сифатида ҳам, реал ўқитиш жараёни сифатида ҳам мавжуддир” Олимнинг таъкидлашича “педагогик технология” тушунчаси таълим амалиётида уч иерархик даражада ишлатилади:

1) Умумпедагогик (умумпедагогик) даража : умумпедагогик (умумпедагогик , умумтарбиявий) технология маълум минтақада , ўқув юртида , маълум ўқитиш босқичида яхлит таълим жараёнини тавсифлайди.

2) Хусусий методик (предметли) даража: хусусий предметли ПТ “хусусий методика” маъносида қўлланилади, яъни таълим ва тарбиянинг аниқ мазмунини жорий этиш методлари ва воситалари йиғиндиси сифатида бир предмет. синф, ўқитувчи доирасида қўлланилади (фанларни ўқитиш методикаси , ўқитувчи, тарбиячининг ишлаш методикаси).

3) Локал (модулли) даража : локал технология ўзида ўқув - тарбиявий жараённинг айрим қисмларини, хусусий педагогик ва тарбиявий масалалар енчимини ўзида мужассамлаштиради (алоҳида фаолият турлари технологияси, тушунчаларни шакллантириш, алоҳида шахс сифатларини тарбиялаш , дарс технологияси, янги билимларни эгаллаш, мустақил ишлаш технологияси ва бошқа).

И.Я. Лернернинг фикрича, ПТ - “ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган ва аниқланадиган мақсадни ифодалашни тақозо этади”.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ПТ белгиланган бошланғич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш сифатида талқин этиляпти. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса унинг бир ёқламалиги кўзга яққол ташланади ёки бундай ёндашувларда ўқувчи шахси инкор этиляпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб академик В.П. Беспалько пайқади ва ўзининг йирик асарида “ПТ - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир“ деб таърифлади (5). Бу таъриф мазмунидан муҳим илмий принципларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ПТ ўқувчи(талаба)ларда маълум ижтимоий тажриба элементларини шакллантириш учун лойиҳаланади;

- лойиҳаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўқитувчисидан катта маҳорат талаб этмайди;

- якуний натижа, албатта , кафолатланади.

ПТ тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, ПТни амалиётга жорий этишга бўлган уринишлар натижасини ифодалайди.

Қатор йиллар давомида ПТ назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинди. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган “Дастурли таълим” (Программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ иттифок миқёсидаги “Шаталовчилик ҳаракат”ини эслаш кифоя.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши ПТнинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги ПТ педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради.

Дарвоқе, ПТга “янги” сўзини қўшиб ишлатилиши назариячи олимлар ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантириб қўйди, эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англашга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан, “янги ПТ” нимани англатади? Бу саволнинг ечимини изохлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, ПТ таълим (тарбия) жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Бинобарин, ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум педагогик тизим (мактаб, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказди ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. “Мақсад” эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайрлашнинг миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни: “ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитдан тўла ҳолис этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш” деб белгиланади. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгиланиши табиийдир.

Иккинчидан, фан ва техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, қишлоқ хўжалиги, электрон, ахборот ва бошқа) кириб келмоқда. Рўй бераётган сифатий ўзгаришлар шундан далолат берадики, эндиликда “ўрганиш”нинг бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш воситалари ромига сиғмай, ўқитувчининг индивидуал қобилятарига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиовизуалли воситалар мавжудки, улар янги ПТни реал воқеликка айлантирди.

ПТ моҳият жиҳатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эга, маълум “материал” билан иш кўради. Бироқ ПТ инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараёнини ифода этиши билан ишлаб чиқариш, биологик, ҳатто ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари - тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

2. Педагогик технологиялар тизимида таълимнинг интерфаол методлари

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни таҳсил олувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, таҳсил олувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Педагогик технология ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга, яъни, ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъи назар педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълимтарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;
- ўқитувчи ва таҳсил олувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- таҳсил олувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;
- таҳсил олувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- таҳсил олувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шартшароитларни яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Педагогик технологиялардан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан қўлланилаётган илғор технологиялардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бирга, уларни ижодий ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таҳсил олувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълимтарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Интерфаол метод технологиясининг моҳияти таҳсил олувчиларнинг ижодкор-лигига таяниш ва дарсда эркин баҳс-мунозара шароитини туғдиришдан иборатдир. Бу методка кўра дарслар бир неча босқичга бўлинади:

1. Чакириқ босқичи. Бу босқичда таҳсил олувчиларни фаоллаштириш, мавзунинг мазмун-моҳиятига кириб бориш, уни англаб етиш жараёнига тайёрлаш мақсади кўзда тутилади.

2. Фикрий ҳужум. Бу усул дарснинг бошланишида ёки исталган жойида қўлланилиши мумкин. Бу босқичда муаммо таҳсил олувчиларга фикрий ҳужум йўли билан берилади ва уларнинг фикрлари орқали олинади.

3. Англаш босқичи. Мавзуга оид хулосавий фикрлар эшитилади ва ўқитувчи томонидан янги фикрлар томонидан тўлдирилади.

4. Фикрлаш босқичи. Мавзу юзасидан ўзлаштирилган билим ва тушунчаларни қисқа жумлаларда ёзма равишда баён қилиш топширилади. Бу топшириқни бажариш учун синф гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ топшириқ бўйича ўз фикрини ёзади ва ҳар бир гуруҳ вакили бажарилган топшириқни бошқаларга маълум қилади.

Гуруҳлар билан ишлаш фақат фикрлаш босқичида эмас, балки биринчи босқичдан бошлаб йўлга қўйилиши мумкин. Таҳсил олувчиларни гуруҳларга бўлиб ишлаш учун куйидаги талабларга амал қилиш зарур:

1. Гуруҳларга ажратиш ўқитувчи томонидан амалга оширилади.
2. Ҳар бир гуруҳга раҳбар тайинланади.
3. Ҳар бир гуруҳдаги таҳсил олувчилар билим даражасининг тенг бўлишига эришиш керак.
4. Гуруҳ доира шаклида ўтириши лозим.
5. Иш жараёнида ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига, ғояларига эътибор берилади.

Булардан ташқари гуруҳларга аниқ йўл-йўриқ кўрсатиш, топшириқларни бажариш учун етарли вақт ажратиш, кучли гуруҳларни рағбатлантириб бориш, ишнинг натижасини баҳолаш кабиларга ҳам аҳамият бериш муҳим ҳисобланади. Дарс жараёнида гуруҳ аъзоларини алмаштириб бориш ҳам мумкин.

Куйида таълим амалиётида фойдаланилаётган интерфаол методлардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритамиз.

4.2. «Фикрий ҳужум» («Мозговая атака») методи

Мазкур метод таҳсил олувчиларнинг машғулотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш ҳамда бир хил фикрлаш инерциясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан ранг-баранг ғояларни тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни енгишга ўргатиш учун хизмат қилади.

«Фикрий ҳужум» методи А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган бўлиб, унинг асосий тамойили ва шарти машғулот (баҳс)нинг ҳар бир иштирокчиси томонидан ўртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъқиқлаш, ҳар қандай лўқма ва ҳазилмутойибаларни рағбатлантиришдан иборатдир. Бундан кўзланган мақсад таҳсил олувчиларнинг машғулот (баҳс) жараёнидаги эркин

иштирокини таъминлашдир. Таълим жараёнида ушбу методдан самарали ва муваффақиятли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тафаккур кўламининг кенглигига боғлиқ бўлади.

«Фикрий ҳужум» методидан фойдаланиш чоғида таҳсил олувчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. Ушбу методга асосланган машғулот бир соатга қадар ташкил этилиши мумкин.

4.3. «Ялпи фикрий ҳужум» методи

Ушбу метод Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бир неча ўн (2060) нафар таҳсил олувчилардан иборат синфларда қўллаш мумкин.

Метод таҳсил олувчилар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади. Ҳар бири 5 ёки 6 нафар таҳсил олувчиларни ўз ичига олган гуруҳларга 15 дақиқа ичида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган турли хил топшириқ ёки ижодий вазифалар берилади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичида ижобий ҳал этилгач, бу ҳақида гуруҳ аъзоларидан бири ахборот беради.

Гуруҳ томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва бошқа гуруҳлар аъзолари томонидан муҳокама қилинади ва унга баҳо берилади. Машғулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машғулот жараёнида гуруҳ аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра баҳолаб борилади.

4.4. «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методи

Сўз юритилаётган метод Е.А.Александров томонидан асосланган ҳамда Г.Я.Буш томонидан қайта ишланган.

Методининг моҳияти қуйидагичадир:

– жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган ҳар бир таҳсил олувчининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

– таҳсил олувчиларда маълум жамоа (гуруҳ) томонидан билдирилган фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришдан иборатдир.

Юқорида моҳияти баён этилган «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методини ижтимоий, гуманитар ва табиий йўналишлардаги фанлар юзасидан ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида бирдек муваффақиятли қўллаш мумкин.

Ушбу методдан фойдаланишга асосланган машғулот бир неча босқичда ташкил этилади. Улар қуйидагилардир

Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

– таҳсил олувчилар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш;

– вақтни иқтисод қилиш;

– ҳар бир таҳсил олувчини фаолликка ундаш;

– уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантириш.

4.5. «6х6х6» методи

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар таҳсил олувчини муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш,

шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. «6х6х6» методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадoshларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

«6х6х6» методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

- гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
- улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;
- илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар таҳсил олувчидан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида «6х6х6» методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бирмунча кўп вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо)ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.

«6х6х6» методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларнинг тўғри шакллантирилмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. «6х6х6» методи ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқади.

2. Таҳсил олувчилар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Таҳсил олувчиларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир таҳсил олувчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Таҳсил олувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўлйўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри хал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни яқунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Таҳсил олувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

4.6. «Ақлий ҳужум» методи

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни хал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш ҳамда ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Бу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. «Ақлий ҳужум» методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум кадриятларни аниқлаш ва уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Методдан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим (39-шакл):

Дарс жараёнида «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

1. Таҳсил олувчиларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, уларнинг мантиқий фикрларни билдиришларига эришиш.

2. Ҳар бир таҳсил олувчи томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади. Билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади. Фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдагиданги фикрларнинг туғилишига олиб келади.

3. Ҳар бир таҳсил олувчи ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

4. Машғулот жараёнида таҳсил олувчилар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Уларнинг фикрлари баҳоланиб борилса, таҳсил олувчилар диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда янги

фикрлар илгари сурилмайди. Методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад таҳсил олувчиларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутган ҳолда уларнинг фаолиятини баҳолаб боришдан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

4.7. «Кластер» методи

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, педагогик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таҳсил олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг таҳсил олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Кластер» методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан таҳсил олувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда таҳсил олувчилар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

4.8. «Қарорлар шажараси» («Қарорлар қабул қилиш технологияси») методи

«Қарорлар шажараси» методи муайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисида топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Гуруҳ ёки синф таҳсил олувчилари иштирокида қўлланиладиган «Қарорлар шажараси» бир неча ўн нафар таҳсил олувчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да таҳсил олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида таҳсил олувчилар қуйидаги чизма асосида тузилган жадвални тўлдирадилар (ёки ушбу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланадилар)

3. Фанга йўналтирилган таълим технологиялари

Илмий изланиш методлари кузатиш ва тажриба, таққослаш ва аналогия, умумлаштириш, абстракциялаш ва аниқлаштириш, классификациялаш ва ҳоказолардан иборатдир. Ўқитиш, ўрганиш методикаси таълим амалиётида мазкур тушунчалар илмий билиш методлари ва таҳсил олувчиларнинг фаолиятларини ташкил этиш компоненти сифатида қаралади (5-шакл).

Келтирилган 5-шаклдаги символларга берилган шарҳлар қуйидагилардир:

ЭМ - тушунчаларни шакллантириш учун асос бўладиган эмпирик тажриба материали, ЭМТ-эмприк материални технологиялаштириш жараёни: ММ-эмпирик материални шакллантириш учун асос бўладиган дастлабки материал.

Кузатиш - теварак атрофдаги, борлиқдаги объектларни табиий ҳолда ўрганишни ЭММ мақсадларида қайд этиш, унинг хосса ва муносабатларини ўрганиш методидир.

Тажриба - объект ва ҳодисаларни ўрганиш методи бўлиб, биз ЭМТ мақсадларида уларнинг табиий ҳолати ва ривожланишига таъсир кўрсатамиз, уларни қисмларга бўламиз ҳамда бошқа объект ва ҳодисалар билан бирлаштирамиз.

Кузатиш асосан қуйидаги йўллар билан олиб борилади.

Ўқитувчи таҳсил олувчиларда мавжуд бўлган билимлар даражасини аниқлаш учун назорат материалларини тайёрлаб, уларга тавсия қилади. Кузатиш жараёни мураккаб бўлиши билан бирга таҳсил олувчи учун энг мақбул жараён, чунки бу жараён орқали тажриба ортади. Маълумки, тажриба орттириш орқали ўқитиш ва ўрганишда билиш жараёнининг кучайиши келиб чиқади. Бунда, асосан, ўқитувчида у ёки бу мавзунини таҳсил олувчиларга ўргатишнинг энг қулай методларини топа билиш имконияти пайдо бўлади.

Тажриба тушунчаси турли кўринишда намоён бўлиши мумкин, яъни:

а) таҳсил олувчилар сонлар устида ишлаётганда, сонларни таққослаб кўриб ҳар бир ўрганилаётган сонда микдорий бирликлар қай тарзда қатнашаётганини аниқлаш ёки текис геометрик фигуралар билан ишлаётганда қавариқ фигуралар параметрининг ўзгариши юзанинг ўзгаришига олиб келишини аниқлаш мумкин:

б) ўхшаш математик қонуниятлар орасидаги мавжуд ўзгаришларни таққослаб, тажрибадан тегишли хулосаларни чиқариш мумкин;

в) сонли тўпламларда бажариладиган амаллар ўзаро бир қийматли мосликнинг бажарилиши натижасига кўра тажриба ҳосил қилиш мумкин.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики кузатиш ва тажриба биргаликда қўшилиб таҳсил олувчиларни қилинаётган меҳнатга онгли тарзда ёндошишга ундайди. Шу билан бирга, ўз тажрибаси учун ишлаш ҳолати ва уни ҳимоя қилиш сифатларни тажриба қилишга ҳам ижодий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, кузатиш деб объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи методга айтилади. Объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва улар орасидаги микдорий муносабатларни сунъий равишда бўлак қисмларга ажратиш ёки уларни бирлаштириш методи тажриба дейилади. Кузатиш ва тажриба орқали математик ўқитиш ҳамда ўрганиш методларини танлаш мумкин.

Таққослаш – объектлар ва муносабатларнинг ўхшашлиги ҳамда фарқи, шунингдек, унинг таркибий компонентларини ЭМТ мақсадларида аниқлаш методидир.

Маълумки, ҳар бир инсон табиатан атроф-муҳит билан ҳамкорликда яшайди. Инсон онгли бўлгани учун атроф-муҳитдаги ўзгаришларни ҳар кун кузатади ва кечагисини бугунгиси билан қиёслашга ҳаракат қилади. Таққослаш жараёни қуйидаги шартларга бўйсунган ҳолда олиб борилади:

- таққосланаётган объектлар бир жинсли бўлиши лозим;
- таққослаш ўрганилаётган объектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларига нисбатан бўлиши керак;
- таққосланаётган объектлар бўйсунадиган қонуниятлар имкони борича қайсидир даражада бир-бирига боғлиқ бўлиши назарда тутилади.

Таққослаш бу фикрлаш жараёнининг шундай бир кўринишики, у кузатаётган объектларнинг бир хиллиги ёки бир хил эмаслигини аниқлашга имконият яратади.

Демак, таққосланаётган объектларнинг ички тузилмаси ва унда қўлланилаётган қонуниятлар сони бевосита бир турдан иккинчи турга олиб ўтишни тақозо этган бўлса, иккинчидан, у сонлар тўпламида бажарилиши мумкин бўлган амалларнинг таркибий кўринишида маълум ўзгартиришлар яратиши керак эканини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, таққослаётган объектларда, бажарилиши лозим тизимларда ўрганилиши кераклиги талаб қилинади.

Умуман, фанни ўрганишда таққослаш методи таҳсил олувчиларнинг билимлар тизимини чуқурроқ, фаолроқ бўлишига имконият яратади.

Аналогия – маълум янги объект ва муносабатлар орасидаги ўхшашликни қонуниятлар, янги боғланишлар тизимини ўрганиш мақсадида аниқлашдир.

Бирор S қоида ёки қонуният а,в,с,d шартлар учун ўринли бўлсин деб қарайлик. У ҳолда қандайдир Т қоида а,в,с лар учун ўринли эканлигидан, текширмасдан Т қоидани d учун ҳам ўринли деб хулоса чиқарамиз. Яъни, Тни Sга ўхшатиб хулоса чиқаришга аналогик хулоса чиқариш дейилади. Аналогия методи дарс жараёнида теоремаларни исботлашда, мисол-масалалар ечиш жараёнида қуйидаги механизм бўйича ишлайди: яъни, ёш ўқитувчилар биринчи дарсларни бошлашда қайсидир ўқитувчининг дарс бериш методига ўхшатиб дарс ўтишга ҳаракат қилади. Бунда шу ўқитувчининг барча ҳаракатлари, мимикалари, товуш тони, хатти- ҳаракатларини том маънода ўхшатиб олиб борса ҳам методикаси ва уни реал таҳлил қилиш алгоритми ўхшаган бўлиши мумкин. Бунда, ўқитувчи ўзидан ниманидир қўшиб, уни тўлдириб боради. Бу эса дарс бериш жараёнидаги аналогия ҳисобланади.

Ўқитишда умумлаштириш, абстракциялаш ва аниқлаштириш методлари. Умумлаштириш – объектлар тўпламига тегишли ва бу объектларни бирлаштирадиган бирор хоссани фикран ажратиш методи.

Абстрактлаштириш – ўрганилаётган ҳодиса ёки муносабатларнинг баъзи муҳим бўлмаган хоссаларини фикран истисно этиш ва бу орқали муҳим хоссаларини очиш методи.

Аниқлаштириш – бу ақлий фаолият бўлиб, унда ўрганилаётган объектнинг у ёки бу жиҳати унинг қолган жиҳатларига боғланмаган ҳолда бир томонлама қараладиган метод.

Умумлаштириш ҳам ўқитишдаги илмий изланиш методларидан бири ҳисобланади. Умумлаштириш шундай мантиқий методки, унинг воситасида алоҳида фикрлашдан умумий фикрлашга ўтилади. Ҳар доим ҳам хусусий ҳулосаларга таяниб туриб умумий натижа олиш, яъни, умумийликка ўтиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан: сон тушунчасини ривожлантириш умумлаштириш кўринишида шаклланади.

Таҳсил олувчилар аввал натурал сонлар билан таништирилади. Шундан кейин О сони киритилиб амаллар бутун сон тўплашдан бошланади, сўнгра, рационал, иррационал ва ҳақиқий сонлар киритилиб, сон тушунчаси умумлаштирилади.

Абстракциялаш ўрганилаётган объектдаги нарсаларнинг муҳим белгилари, сифат ёки нусхаларини фикран ажратиб олиб, ана шу белги, сифатларни мустақил фикр объектига айлантиришдан иборат тафаккур амалидир.

Абстракция таҳсил олувчилар билим савиясини биринчидан иккинчи даражасига ўтиш жараёнида аниқлашга ва ифодалашга ёрдам берувчи методдир. Инсон тафаккурининг абстракцияси асосан тўрт босқичда кечади.

1. Инсон тажрибасида мавжуд бўлган объект ёки қонуниятларни қисман умумлаштириш асосида умумий даражада кўрсатувчи абстракция.

2. Маълум қонуният ёки объектлар орасида содда узвий ўзгаришлар ҳосил қилиш орқали янги математик қонуниятлар ёки объектларга олиб ўтувчи абстракция.

3. Назарда тутилаётган қонуният ва объектлар устида тегишли, масъулиятли алмаштиришларни бажариш орқали таълим олиш ва фикрлашни янги поғонага кўтара оладиган абстракция.

4. Абстракция ҳамда у орқали мушоҳада қилишни таъминлайдиган абстракция.

Анализ ва синтез

Қуйида келтирилган 6-шаклдаги символларга шарҳлар: ММТЭ-материални мантиқий ташкил этиш бўлиб, унинг воситасида материал тизимга, назарияга–МНга айланади. НҚ назариянинг амалиётда қўлланилиши демакдир.

Классификация – мантиқий амал бўлиб, у ўрганилаётган нарсалар тўпламини маълум ўхшашликлар ва фарқлар бўйича қисм тўпламларига – гуруҳ ёки синфларга бўлишдан иборат.

АНАЛИЗ – изланаётгандан кетма-кет берилганга ўтиш.

СИНТЕЗ – берилгандан кетма-кет изланаётганга ўтиш.

АНАЛИЗ бу орқага "Саволга жавоб бериш учун, ... лозим".

СИНТЕЗ бу олдинга "... ни ва ...ни билган ҳолда ...ни билиш мумкин".

Шундай қилиб, АНАЛИЗ фикрлаш жараёнининг номаълумдан маълумга бориш шакли ёки номаълумлардан маълумларга томон изланиш методидир. Бунда таҳсил олувчи берилган объектда қатнашаётган номаълумни аниқлагандан сўнг, объектни майда объектларга бўлиб ўрганади. Ушбу тушунчага психологлар

шундай таъриф беради: бутунлардан бўлакларга томон излаш методига анализ дейилади.

Ҳар бир майда объектларнинг бири иккинчиси билан қандай қонуниятлар асосида боғланганлиги ўрганилиб, бу боғланганлик бевосита маълум миқдорлар билан яъни, рост, бир қийматли, аниқланган қонуният билан боғланиши аниқланади.

Синтез – фикрлаш жараёнининг рост, бир қийматли, аниқланган қонуниятларнинг нўмалумга бориш шаклидир.

Анализ ва синтез биргаликда берилаётган объектни ҳал қилиш алгоритмини аниқлаш ёки режасини тузиш имкониятини яратиб боради. Машҳур психолог Л. Рубенштейннинг фикрига қараганда, анализ ва синтез соф, алоҳида ҳолатда учрамайди. Анализ жараёнида қандайдир даражада синтез ҳам амалга оширилади. Шунинг учун ҳам у синтез орқали анализ қилиш, анализ орқали синтез қилиш фикрлари билан тўлдирилади. Ҳақиқатдан биз анализ қилиш жараёнида номаълумнинг қисман маълум бўлган миқдорига ўтиш жараёнида тўпланган фикрларни таққослаймиз, уни маълум даражада умумлашга ҳаракат қиламиз, сўнгра иккинчи маълум билан боғлаймиз. Бундан кўриниб турибдики, биз анализ қилиш жараёнида қисман синтез ҳам қиламиз. Бу эса анализни синтез орқали амалга оширишни тақозо қилади ва аксинча, худди шундай воқеалик синтез қилишда ҳам содир бўлади. Шунинг учун ҳам анализ, синтез бир-бири билан боғлиқ равишда, бир-биридан ажралмаган ҳолатда ишлайди. Бу юқоридаги фикрлардан ташқари математикада бир-биридан келиб чиқувчи анализ ҳам учрайди. Бунда берилган А жумла бўлиши учун В нинг рост бўлиши зарур ва етарли.

Хулоса чиқариш методлари (индукция, дедукция ва аналогия)

Индукция фикрлаш (фикрлашга олиб келиш) бўлиб, унинг воситасида айрим ёки хусусий фикрлардан умумий фикрлар ҳосил қилинади. Ёки айрим, хусусий хулоса(маълумот)ларга таяниб, умумий хулоса чиқаришга индукция дейилади. Бу маълумдан номаълумга қараб ҳаракатланишнинг мантикий усулидир.

Дедукция - фикрлаш (келтириб чиқариш) бўлиб, унинг воситасида умумий фикрлардан айрим, хусусий фикрлар келтириб чиқарилади. Умумий маълумотларга таяниб айрим, хусусий хулоса чиқариш дедукция дейилади.

Мисол.

а) Агар янги ҳукм (хулоса) p ва g лар ўзаро туб сонлар бўлса, у ҳолда энг катта умумий бўлувчи ЭКУБ $(p,g)_{\text{к1}}$.

Хусусий хулоса ЭКУБ $(7,13)_{\text{к1}}$

Янги хусусий хулоса 7 билан 13 ўзаро туб сонлар.

б) Янги ҳукм (хулоса): ҳамма жисмдаги мунтазам кўп бурчаклар ўхшаш.

Биринчи хулоса-берилган мунтазам кўпбурчаклар ўхшаш. Одатда хулоса ясаш учун ҳар бир ҳукмда умумий термин бўлиши зарур. Масалан 1-мисолда умумий термин ЭКУБ, 2-сида мунтазам исмдош кўпбурчаклардир.

Математика ҳамда геометрия дедуктив фанлар саналади. Уларда тезислар тизими берилиб, бу тезислар тизими кишилиқ жамиятининг ривожланиши жараёнида унинг ростлиги бир неча марта текширилганлиги учун улар алоҳида исботлашни талаб қилмайди. Шу боис ихтиёрий геометрик жумлаларни мазкур тезислар тизими асосида исботлашда тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин.

Ўқитиш жараёнида индукция ва дедукция таҳсил олувчилар билиш фаолиятини кучайтириш ва ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Дарсларда муаммоли таълим

Умумтаълим мактаблари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги муҳим ўзгаришларга ҳамиша ўз муносабатини билдириб келди. Жамият тараққиётининг ҳар бир даври учун таълим назарияси ривожининг маълум бир мазмуни мос келади. Бошқача қилиб айтганда, жамият тараққиётининг ҳар бир босқичига мос равишда ўқитиш дастурларининг мазмуни, тарбия принциплари, ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг форма ва методлари ҳамда таълим муддатлари мос келади. Педагогика курсидан маълумки, таълим методини аниқлаштириш жараёни

таҳсил олувчи билан ўқитувчининг ўзаро муносабатлари принциpidан келиб чиқади, бунда ўқитувчи таҳсил олувчиларга билимларни баён қилиши, ана шу билимларга эришишдаги таҳсил олувчиларнинг шахсий фаолиятларини уюштириши ҳамда тушунтириладиган мавзу материални ўқитувчининг ўзи қандай баён қилиш нуқтаи-назаридан ёндашилади.

Оғзаки-кўрсатмалиқ таълим жараёнида таҳсил олувчилар ўқитувчининг тушунтириши орқали билимларни онгли равишда ўзлаштирадилар ҳамда уларни амалда қўллаш малакалари ҳосил бўлади.

Аста-секин умумтаълим мактабларининг мазмуни тубдан ўзгартирилди, яъни таълимни мактабнинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган янги, анча такомиллашган изоҳли-иллюстратив методи вужудга келтирилди. Изоҳли-иллюстратив таълимда ўрганилаётган объект моҳияти изоҳланади, ҳаётий фактлар билан боғланади ҳамда ўқитувчининг ана шу ўрганилаётган объектга нисбатан кўрсатадиган мисол ва хилма-хил кўргазмали қуроллари орқали тасдиқловчи хулосаси билан яқунланади.

Изоҳли-иллюстратив таълимда ўқитувчи фактларни ўзи баён қилиб беради, ўзи уларни таҳлил қилади ва янги тушунчаларнинг моҳиятини тушунтиради, яъни теорема, қоида ва қонунларни ўзи таърифлайди.

Изоҳли-иллюстратив таълим методи умумтаълимий мактабларимизда қўлланиш даражасига нисбатан анъанага айланди ва ҳозирда ҳам қўлланилмоқда. Ҳозирги замон илмий-техника революцияси даврида изоҳли-иллюстратив таълим методи таҳсил олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини етарли даражада ривожлантира олмайди, уларни ўрганилаётган мавзу материални пухта билишларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантира олмайди ҳамда фанга бўлган қизиқишларини юқори даражада шакллантира олмайди. Шунинг учун ҳам 1960 йилнинг бошларидан бошлаб, мактабларимизда таълим жараёнини жадаллаштириш ғояси кенг тарқалиб, таълимнинг янги методи - *муаммоли таълим методи* вужудга кела бошлади.

Таълим методларининг турини аниқлаш ўқув жараёнини ташкил қилиш принципларини ўзигагина эмас, балки ақлий фаолият характериға ҳам боғлиқдир, бу эса ўз навбатида фикрлашнинг репродуктив ва продуктив турларини ўзаро қўшиб олиб бориш билан белгиланади. Изоҳли-иллюстратив

таълим жараёнида барча билимлар, кўникмалар ва малакалар ўзлаштиришнинг репродуктив методи асосида амалга оширилади, яъни таҳсил олувчилар фаннинг тайёр натижаларини, тайёр фаолият усулларини ўзлаштирадilar, бу эса уларда хотира ва репродуктив фикрлаш малакаларини шакллантиради. Фақатгина продуктив ижодий фикрлаш малакалари ўрганилган назарий мавзу материалига боғлиқ бўлган масала ёки мисолларни ечиш давомида эгалланади, холос. Бирок репродуктив фикрлаш натижасида тўпланган маълум ҳажмдаги билим ва малакалар таҳсил олувчиларнинг мустақил билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам таълимни жадаллаштириш ғоясини турли йўналишлари турли олимлар (М.А.Банков, М.А.Данилов, М.Махмутов, Ю.К.Бабанский ва бошқалар) томонидан эксперимент қилиниб кўрилди ва назарий жиҳатидан исботланди.

Ўтказилган эксперимент ва кузатишлар натижасида таълим жараёнида таҳсил олувчиларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш умумий қонуниятлари ишлаб чиқилди. Бу қонуниятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўрганилаётган мавзу материаллари юзасидан муаммоли саволлар системасини тузиш.

2. Тузилган муаммоли саволлар системаси асосида суҳбат методи орқали тушунтириладиган мавзу материални ўргатиш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш.

3. Муаммоли саволлар асосида изланиш характеридаги ўқув вазифаларини қўйиш.

Юқоридаги босқичлар асосида ўқув материали тушунтирилганда таҳсил олувчилар ўзлари дарров тушуниб етмайдиган факт ва тушунчаларга дуч келадилар, натижада ўрганилаётган мавзу материали билан таҳсил олувчилар орасида муаммоли вазият ҳосил бўлади.

Ҳозирғизамон ўқитиш методикасида ўқитишга муаммоли ёндошиш, муаммоли ўқитиш методи, дарсда муаммоли вазиятлар яратиш, дарсда муаммоли мақсадларнинг қўйилиши, муаммоли масалалар, муаммоли саволлардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутмоқда.

Муаммоли ўқитиш деганда, умумий шаклда муаммоли вазиятларни ташкил этиш, муаммоли вазиятларни яратиш (бунга таҳсил олувчиларнинг ўзлари секин-аста ўрганиб борадилар), муаммоларни ҳал этишда таҳсил олувчиларга зарурий ёрдам бериш, топилган ечимларни текшириш ва ниҳоят, олинган билимларни махсус тизимга солиш ҳамда мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолият каби ишлар мажмуаси тушунилади.

Муаммоли ўқитишнинг ҳаракатлантирувчи кучи бу билиш ва билмаганлар орасидаги зиддиятни ҳал этиш, янги материални ўзлаштиришга бўлган заруриятдир (7,8,9-шакл).

Муаммо бу кишилик жамиятининг ривожланиши жараёнида тўплаган тажриба ёрдамида ҳал қилиш мумкин бўлмаган масалалар ҳисобланади. Муаммоли ўқитиш жараёнида у ёки бу таҳсил оловчи олдига қўйиладиган муаммо нисбий характерга эга бўлади, яъни, муайян муаммо бир таҳсил оловчи учун муаммо, иккинчи таҳсил оловчи учун эса муаммо бўлмаслиги мумкин.

Муаммоли метод ўзининг тузилмасига кўра анча мураккаб бўлиб, таркибига қуйидагиларни олади:

- | | |
|--------------------|-------------------|
| 1) диологли; | 5) кўрсатмалилик; |
| 2) эвристик; | 6) алгоритмлик; |
| 3) назорат қилиш; | 7) монологли. |
| 4) дастурлаштириш; | |

Муаммоли дарс изланувчанлик, қисман изланувчанлик ва амалий методларни ўз ичига олади.

Ўқитиш ва ўрганиш методлари эса изланувчанлик, қисман изланувчанлик ва амалий методларидан фойдаланади. Муаммоли методнинг характерли томонларидан бири шундаки, таҳсил оловчилар ўтилган мавзуларни умумлаштириш жараёнида муаммоли вазият юзага келади. Муаммоли вазият тўрт босқичга бўлинади:

1. Таҳсил оловчилар билими билан муаммо орасидаги муҳит гарчанд тенг кучга эга бўлса ҳам таҳсил оловчиларнинг уни ҳал қилиш йўлини тезда кўра билмаслиги натижасида юзага келди.

2. Таҳсил оловчилар билимини маълум даражада фаоллаштириш орқали муаммони ҳал қилиш.

3. Таҳсил оловчилар билимини фаоллаштириш блоки содда билимлар билан тўлдирилиши орқали қўйиладиган муаммони ҳал қилиш.

4. Таҳсил оловчилар билимини маълум тайёргарлик асосида тўлдириб, яъни, адабиётлардан фойдаланиш орқали муаммонинг ҳал қилиниши.

Муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун таҳсил оловчи-таҳсил оловчилар томонидан турли йўналишлар, гипотеза(версия)лар юзага келади. Ўқитувчи жараёнга раҳбарлик қилиш учун содир бўлган гипотезаларнинг орасидаги муаммони қисмларга ажратишга ёрдам беради ва таҳсил оловчиларнинг фикрини кўрсатилган муаммони ҳал этишга йўналтиради. Бунда таҳсил оловчилар маълум йўналишни олгандан сўнг муаммони ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Мазкур дарс жараёнида қўйилган муаммони ҳал қилиш даражаси аниқланади ва асосланади. Сўнгра таҳсил оловчиларга мавзу юзасидан мисол, масалалар ечиб кўрсатилиб, мавзу мустаҳкамланади.

Муаммоли метод ўзида эвристик методни ҳам акс эттиради. Бу метод муаммоли ўқитиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган методдир. Эвристик метод – «эврика» сўзидан олинган бўлиб, "топдим" деган маънони билдиради. Муаммоли ўқитиш жараёнида бу методнинг ишлаш тамойили қуйидагича: таҳсил оловчи-таҳсил оловчилар мустақил, ўзларида мавжуд бўлган билимлар тизимига суянган ҳолда изланиш орқали аниқ натижага эришишга ҳаракат қиладилар.

Эвристик методнинг муҳимлиги шундаки, яқуний босқичида аниқ, яхлит қўйилган масалани ҳал қилади. Ушбу метод таҳсил олувчиларда кўникма ва малакани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Эвристик метод билан дарс ўтиш ўзига ҳос бўлиб ўқитувчи фақат йўналтирувчи муаммоли саволлар бериш орқали таҳсил олувчи-таҳсил олувчиларни мустақил ишлашга мажбур қилади.

Эвристик таълим методи

"Эвристика" деган сўзнинг маъноси савол-жавобга асосан топаман демакдир. Эвристик метод билан ўқитиш мактабдарда асосан, XIX аср бошларидан бошлаб қўлланила бошланди.

Атоқли педагог-математик С.И.Шохор-Троцкий ўзининг "Геометрия на задачах" номли китобида бундай ёзади: "Геометрик машғулотлар таҳсил олувчиларга қизиқарли бўлиши учун, бу машғулотлардаги ҳар бир масала ёки топшириқ сўзма-сўз

куруқ ёдлаш учун эмас, балки уларнинг ақлий фаолиятларини ишга соладиган характерда бўлиши керак. (Шохор-Троцкий С.И. "Геометрия на задачах" М., 1908 й. 14-бет).

Америкалик олим Д.Пойа ўзининг "Как решать задачу" номли китобида эвристик таълим методини бундай тушунтиради: "Эвристиканинг мақсади - янгиликларга олиб боровчи метод ва қоидаларни излаш демакдир". У эвристик метод моҳиятини қуйидагидек изчилликда тузилган режа орқали амалга оширишни тавсия қилади:

1. Масаланинг қўйилишини тушуниш.
2. Масалани ечиш режасини тузиш.
3. Тузилган режасини амалга ошириш.
4. Орқага назар ташлаш (ҳосил қилинган ечимни текшириш).

Бу режани амалга ошириш жараёнида таҳсил олувчилар қуйидаги саволларга жавоб топадилар:

1. Масалада нима номаълум?
2. Масалада нималар маълум?
3. Масаланинг шarti нималардан иборат?
4. Илгари шунга ўхшаш масала ечилганми?

5. Агар шунга ўхшаш масала ечилган бўлса, ундан фойдаланиб қўйилаётган масалани еча оламизми?

Албатта, юқоридаги режа-схема таҳсил олувчиларнинг ижодий фикрлаш фаолиятларини шакллантиради, аммо бу режа - схема таҳсил олувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантирувчи бирдан-бир йўл бўла олмайди.

Математик-методист В.В.Репьев эвристик метод орқали ўқитишни бундай таърифлайди: "Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи томонидан синф таҳсил олувчилари учун ўтиладиган мавзу материалининг мазмуни муаммо қилиб қўйилади, сўнгра мақсадга томон йўналтирувчи саволлар системасини таҳсил олувчиларга бериш орқали қўйилган муаммони ҳал қилинади.

Дастурлаштирилган таълим

Дастурлаштирилган таълим бир марталик фикрий амаллар кўринишдаги алгоритмлаштирилган дастур асосида тузалиб, бунда янги материал қатъий кетма-кетликдаги "қадамлар", "кадрлар", "проциялар", шунингдек, биттаси ёки бир нечтаси тўғри бўлган 4-5та жавоблардан иборат сериялар орқали берилади (10-шакл).

Дастурлаштирилган таълим таҳсил олувчиларнинг билим фаолиятларини оқилона бошқариш ва уни индивидуаллаштириш имконини беради.

Дастурлаштирилган таълим жараёнида таҳсил олувчилар ўқитувчи томонидан махсус тайёрланган педагогик воситалар ёрдами билан мустақил равишда янги билимларни ўзлаштирадilar. Ўқув материални дастурлаштириш мактаб математика курсида чизиқли ва тармоқли бўлиб, улар таълим жараёнида машинали ва машинасиз амалга оширилади.

Дастурлаштирилган таълим методи таҳсил олувчиларнинг қисман эсга тушириш ва қисман янги билимларни ўзлаштириш фаолиятларини амалга оширувчи системадан иборатдир. Машинасиз дастурлаштирилган топшириқларни қўллаш қуйидагича амалга оширилади. Ўқитувчи томонидан бериладиган ҳар бир топшириқ бўлак-бўлак бўлган кадр элементларидан иборат бўлиб, ҳар битта кадр элемент ўрганиладиган мавзу материалнинг бир қисмини ҳосил қилиб, у саволлар ва жавоблар ёки янги билимлар баёни ҳамда машқлар тарзида ифодаланади. Мавзу материалга доир кадрлар тузишда энг кенг тарқалган йўл жавоблар танлаб олинadиган усулдир:

а) берилган саволга тайёр жавоб олинadиган қоида ва хулоса тарзидаги ахборотлардан иборат кадрлар;

б) жавобларнинг тўғрилигини назорат қилиш учун зарур бўлган кадрлар.

Блокли ва модулли ўқитиш методлари

Маълумки, блокли ўқитиш методи ўзининг тузилмаси ва мазмуни жиҳатидан фузианостик ёндошиш усулига яқин. Шундай бўлсада, у анча умумлашган методдир.

Блокли ўқитиш методидан ўқитиш жараёнида бевосита мавзунини баён қилиш, ўқув предметларини ўқув режасига жойлаштириш ва ўқув материалларини қайтариш жараёнларида фойдаланиш мумкин. Блокли ўқитишда таҳсил олувчи-таҳсил олувчилар мавзуларни ҳар томонлама тўлиқ, мукамал, ажратилган соат ҳажмида ўрганиш имкониятига эга бўладilar.

Мавзулар учун керак бўладиган ўқув материални ҳар доим таҳсил олувчи-таҳсил олувчилар кўз ўнгида сақлайди ва ўрганиш технологиясини сезиб, кўриб турадилар. Шунинг учун маълум муддатлардан кейин атрофлича тўлиқ тугалланган деб ҳисобланиши мумкин. Бундай ўқитиш жараёни б л о к л и ўқитиш дейилади.

Модулли ўқитиш методи-ҳар бир мавзу ёки боб бўйича ўрганилиши керак бўладиган (том маънода) тушунчалар кетма-кетлигини аниқловчи саволлар

алгоритмидир. Ҳар бир мавзу учун таҳсил олувчига ўрганиладиган билимлар тизимини аниқловчи саволлар кетма-кетлиги берилади. Саволлар кетма-кетлигига таҳсил олувчи-таҳсил олувчилар турли китоблардан жавоблар излаб, мустақил мушоҳада юритадилар ва ўзларича ҳукм чиқарадилар. Ҳукмнинг дарсларда алоҳида такрорланиши, янгиланиши натижасида таҳсил олувчилар мустақил тафаккур юритиш лаёқатига эга бўладилар.

4. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлик технологияси анъанавий таълим технологияларидан қуйидагиларга кўра фарқ қилади: «Машғулотнинг асосий мақсади – тафаккур жараёнини ташкил этишдир, билим кўникма, малакалар – таҳсил олувчи фаолиятининг маҳсули сифатида вужудга келади. Тафаккур жараёнининг қуввати билимлар қувватидан юқори туриб, у шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш элименти тарзида намоён бўлади, ижодий изланишнинг натижаси каби, мазкур жараённинг ўзи ҳам ўта муҳим бўлиб, айнан у ўқитувчи ва таҳсил олувчини ижодкорлик қувончига, янгилик олишга илҳомлантиради, мустақил изланиш ва ижодий фаолиятни ташкил этишга ундайди. «Ўқитувчи фаолият алгоритмини яратади. Бу эса, ўз навбатида, ижодий тафаккур жараёнини, амалий, шахсий фикрлашни, оламнинг инсон томонидан ҳар томонлама, қониқарли идрок этилишини таъминлайди. «Таҳсил олувчининг субъективлиги амалга ошади: билиш усулини мустақил белгилаш, муаммо ечимини топишда ўз дунёқараши, тафаккур тарзидан келиб чиқиш, хато қилиш ҳуқуқига эгалик таъминланади. Бундай машғулотларнинг асосий қондаси: «ўзинг билганча бажар, ўз лаёқатинг, қизиқишларинг ва шахсий тажрибангга асослан, ўз хатоингни ўзинг тузат» каби кўрсатмаларда ўз ифодасини топади.

Анъанавий таълим технологиясига асосланган машғулотлар эса аксинча «худди мен каби ёки мендан яхшироқ бажар» қондасига мувофиқ ташкиллаштирилар эди. «Муаммоли ва шахсий вазиятлар, истисносиз таҳлил ҳамда қаршиликларни енгишга асосланганлиги туфайли таҳсил олувчининг борлигини намоён қилади, у нималарнидир билгани ҳолда билимлари тўлиқ эмаслиги, ўз шахсий тажрибасига асосланиши лозимлигини англайди. Мустақил фикрни билдиришга бўлган эҳтиёжни, таълимга нисбатан рағбатни ҳис қилади. Ўқитувчи ва таҳсил олувчи ўртасида шунчаки анъанавий ўзаро алоқадорлик эмас, балки ҳамкорлик муносабати ўрнатилади. Ўқитувчи таҳсил олувчилар билан бирга билиш фаолиятида иштирок этади, топшириқларни бажаради. Одатдаги, кўникиб қолинган тушунтиришлар ўрнини ўзаро ҳамкорлик эгаллайди. «Зарур маълумотларни ўқитувчи оз-оздан бериб боради. Бунда таҳсил олувчиларнинг мустақил фикрлашлари учун имконият қолдиришга эътибор қилинади. «Ижодий изланувчанлик фаолияти кичик гуруҳларда амалга оширилади. Изланиш натижалари синф таҳсил олувчиларининг барчасига маълум қилинади, барча янги билимларни эгаллаши учун шароит яратилади. Жамоада шахснинг ўз ўрни борлигини англаш, тенгдошларининг ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиш туйғулари шаклланади. «Анъанавий таълимда ташқаридан кузатилган шахсий фаолиятини қуйи даражада баҳолаш ҳодисаси рўй бермайди, шу боис ижобий ғояларга таянган ҳолда ишлаш муҳити қарор топади. Бу эса таҳсил олувчида таълим

олишга рағбат уйғотибгина қолмай, унда билим олиш, бу йўлда тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш зарурлигини англай олиш лаёқатини шакллантиради.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясини қўллашга қадар ҳамда ундан кейин таҳсил олувчиларнинг касбий фаолияти ва ўз ўрниларини англашга оид тасаввурлари ўрганилган вақтда уларнинг қуйидаги тасаввурларга эғаликлари аниқланди: назорат даражаси, анланган назорат, касбий фаолликни эришилган ютуқларнинг омили сифатида қабул қилиш, ўз-ўзига ишонч, тушунтириш услуби, таълим олиш усуллари ва бошқалар.

Демак, таълим ҳар бир таҳсил олувчининг қизиқиши ва билиш қобилиятининг ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнида намоён қилиш имкониятини ярата олиши зарур. Бу ҳолат таҳсил олувчининг билиш объекти ва предмети бўлган шахсий хусусиятларини аниқлаш асосида, унинг шахс сифатида ривожланишини ва ўз-ўзини ривожлантиришини таъминлайди.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технология бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба хатти-ҳаракатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитиш технологияси сатҳида ўқув жараёнининг барча компонентлари ёритилади.

Шахсга йўналтирилган технология асосида талабаларнинг интеллектуал ва эмоционал-мотивацион ривожланиши, билим ва касбий малакалар шаклланиши, таълим жараёнига қадрият сифатида ёндашиш муносабатини таъминлаш, фаолликни ошириш, ўз-ўзини англаш ва мустақиллигини шакллантириш ётади.

Бу тадқиқотларни таҳлил қилган ҳолда ушбу таърифни бериш мумкин:

Педагогик технология таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равишда ривожлантириш тизими лойиҳасидир.

Олий таълимни ислоҳ қилиш бу масалаларга илмий асосланган нуқтаи назардан ёндашишга мажбур этади. Ҳар қандай лойиҳалаш, ўқитишнинг илмий асосланган воситалари бўлгани ҳолда унинг технологиклиги ҳисобланмайди.

Лойиҳалаш методологик функция бажаради. У талабанинг психик ривожланиш қонуниятлари, ўқув жараёнининг ривожланиш хусусиятлари ва педагогик бошқарув усуллариининг тадқиқот воситаси сифатида майдонга чиқади.

Олий ўқув юртида таълимни такомиллаштириш мақсадида педагогик мулоқотнинг янги шакллари, ахборотларнинг таркибий қисмларини қайта ишлаб чиқиш, ўқув фаолиятини бошқаришнинг янги шакллари талаб қилинади.

Технологик тараққиёт бугунги кунда ижтимоий жараёнларни кузатиб боришга қодир энг муҳим компонентлардан биридир. Педагогик таълим технологиясини яхшилаш жамият маданий савиясини ва унинг иқтисодий қудратини шакллантириш шартидир.

Ўқитиш технологияси таълимнинг фаолиятини таъминлайди, билимларни меҳнат жараёнига татбиқ этишни таъминлайди, педагогнинг онглилигини қолипга туширади, унинг жадал ҳаракат қилишига ва ҳаёт йўлига таъсир кўрсатади.

Касбий ўқитиш технологияси шахсни интизом, ирода ва ихтисосликка бўлган қизиқишни юзага келтиради. Мутахассисга бўлган ҳар томонлама талабни қаноатлантиришга қаратилган таълим технологиялари педагог ва талабанинг ҳамкорлигига тезликда мосланган психологик-педагогик шарт-шароитларни амалга оширишга йўналтиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Азизхўжаева Н.Н Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2003 ва 2006
3. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.Молия.2003
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: 2005.
5. Бордовский Г.А. Извочкин В.А. Новѳе технологии обучения-М., 1989

3-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ АСОСИДАГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Режа:

1. Педагогик жараённи ташкил этиш технологияси
2. Педагогик жараённи бошқариш технологияси
3. Педагогик жараёнда ўқиш мотивлари ва ўқиш-билиш фаолияти
4. Ўқиш-билиш фаолиятини бошқариш

1. Педагогик жараённи ташкил этиш технологияси

Ўқитувчи фаолиятининг муҳим босқичи - бу педагогик жараён (ёки ўқув-билиш тузилмаси)ни лойиҳалаш ҳисобланади. Айнан шу педагогик жараён педагогик технологиянинг асосини ташкил қилади ёхуд у белгиланган вақт ичида таълим (тарбия) мақсадига эришиш учун ЎЭ мазмунини ўқувчи(талаба)ларга узатиш йўллари аниқлаб беради. Шу билан биргаликда педагогик жараённинг назарий асосларини яхши билмасдан туриб самарали педагогик технологияни яратиш мумкин эмас.

Хўш, педагогик жараён моҳияти нимадан иборат? Уларни лойиҳалашга қандай педагогик талаблар қўйилади? Психология ва педагогика фанида педагогик жараён мутахассис шахсини шакллантириш жараёни сифатида талқин этилади.

Дастлаб ўқитиш жараёни тузилмаси билан танишайлик.

Бу жараённи рамзий тарзда қуйидаги шартли формула билан ифодалаш мумкин.

ЎЖ қ ЎФ Қ ЎқФ,

қаерда: ЎФ - ўқувчи бажарадиган ўқув фаолияти; ЎқФ - ўқитувчи бажарадиган ўргатувчилик фаолияти. Бу формула асосида жуда муҳим саналган №1 педагогик қонун қайд этиляпти: ўқувчининг хусусий ўқув фаолияти ва унга ҳамоҳанг бўлган ўқитувчининг ўргатувчилик фаолиятидан ташқари ҳеч қандай ўқитиш жараёни мавжуд бўлмайди.

Кўплаб психологик-педагогик адабиётларни ва тадқиқотларни ўрганиш натижасида педагогик жараён ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги компонентлардан иборат эканлиги маълум бўлди: **мотивация (М)**, ўқувчи (талаба)нинг **ўқув-билиш фаолияти (ЎФ)** ва уни педагог томонидан **бошқариш (Б)** унинг шартли формуласи:

ПЖ қ М Қ Ўф Қ Б

Бу жараён босқичларини ўрганишдан олдин юқорида келтирилган икки формулани ўзаро таққослаш зарур бўлади. Эътибор берсангиз, ўқитиш жараёни икки фаолият туридан - ўқитувчининг ўргатувчилик ва ўқувчининг ўқув фаолиятидан иборат. Ўқитиш жараёнининг ана шу компонентлари педагогик жараённинг кейинги икки босқичи билан бир хил маъно касб этаяпти ёки бир хил фаолиятни ифодалайди. Бир биридан фарқи - педагогик жараёндаги дастлабки элемент - бу мотивация босқичининг мавжудлигидир. Ўқув-билиш фаолиятининг мотивацияси ўқитувчи маҳоратига тегишли тушунчадир.

Педагогик жараён тузилмасини батафсил таҳлил қилишга киришайлик.

Мотивацион босқич

Мотивация - бу шахс ҳатти-ҳарактини юзага келтирувчи ички ҳаракатлантирувчи куч,

ҳиссиёт бўлиб, педагог уни бошқаришга ҳаракат қилади ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳисобга олади. Уни амалда вужудга келтириш учун ўқитувчи ўрганилаётган фаолият тажрибаларидан таассуротли далилларни махсус йиғиши ва ўқувчиларга ўқитилаётган предметнинг асосий ҳолатлари бўйича билимлар асосида ноқулай вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари намоёни қилиш керак. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ ҳолда ўқувчиларда ҳосил бўладиган мотивлар кучли ёки кучсиз бўлади. Демак, ўқитувчи ҳар бир дарс мақсади ва мазмунига мос келадиган мотивация меъёрини аниқлаши лозим бўлади. Педагогикада ўқувчиларни дарсга қизиқтириш йўллари хилма-хилдир. Бирмунча самарали бўлган методика - бу муаммоли вазиятларни машғулот бошланишида ўқувчиларга таклиф этиш ёки предмет мавзусини ифода эта оладиган махсус муаммоли топшириқлар берилиши керак.

Муаммоли вазиятлар ўзида ўқувчининг қийинчиликни (муаммони) аниқ ёки хира англашини ифодалайди ва уни забт этиш янги билимларни, янги усул ва ҳаракатларни излаб топишни талаб этади. Агар ўқувчида қийналишларни бартараф этиш йўллари кидириш учун бошланғич билимлар етишмаса, у муаммоли вазиятларни қабул қила олмайди ва табиийки, тафаккурида кураш ва қарама-қаршилик жараёни кечмайди.

Мавжуд вазиятларнинг уч кўринишини келтириш мумкин:

1. Вазият маълум. Уни ҳал этиш учун шунга ўхшаш аниқ намуналар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда вариантни ечиш методи стандартли бўлиши мумкин.

2. Вазият ўхшаш. Бундай ҳолатда уни шунга ўхшаш бошқа вазиятлар билан таққослаш зарур. Улар бир бирига айнан ўхшаш бўлмаслиги мумкин, бироқ яхлит асосга эга бўлганлиги учун унинг кўринишини ўзгартириб қаралаётган вазиятга яқинлаштириб мақбуллаштирилади ва оқилона ечиш йўли топилади.

3. Номаълум вазият. Бундай вазият амалий фаолиятда учрамайди, уни бошқа қандайдир намуна билан солиштириш имкони йўқ. Шу боисдан ечимнинг янги методини излаб топиш зарур бўлади.

Муаммоли вазиятлар таълим мақсадини кўзлаб олдиндан конструкцияланади ва ўқитиш жараёнининг маълум қисмига киритилади. Педагогик жараённинг мотивация босқичи эса муаммоли топшириқларни кўпроқ дарснинг бошланғич қисмига киритишни ва ўқувчилар диққатини дарс мавзусига тўлиқ жалб этишни тақозо қилади. Ўқувчи ҳам ўз навбатида таниш вазиятлардан янги муаммоларни кўра олиши, объектнинг янги вазифаларини, объект тузилишини аниқлаб олиши, муқобил ечимларни топа билиши каби ижодий фаолиятни намойиш қилиши керак.

Педагогик жараённинг мотивацион босқичи ўқувчи (талаба)ларнинг билиш фаолиятига кириб кетишини тезлаштиришга имкон беради. Бу фаолиятни керакли фаоллик даражасида ушлаб туриш учун уни ташкил этиш методлари ва усуллари ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатига боғлиқ ҳолда танлай олиши керак.

Мисол учун, кучланиш, ток кучи, сиғим каби физик катталикларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтириш мақсадида ўқитувчи қуйидаги муаммоли вазиятни қўллаш мумкин: “Ураль” коляскали мотоциклда ҳам трактор (автомобил)да ҳам бир хил кучланишли (12В) аккумулятор ишлатилади. Бироқ мотоцикл аккумулятори тракторга ўрнатилса двигателни ўт олдира олмайди. Нима учун? Агар ўқувчи ток кучи, сиғим каби тушунчаларни яхши ўзлаштирган бўлса муаммонинг ечимини тезда топади ва тўғри хулосага келади: аккумулятор қуввати кучланишга эмас, балки ток кучига ва сиғим катталигига боғлиқ бўлади.

Дарс мавзусини тушунтиришда тарихий материаллардан фойдаланиш ҳам ўқувчиларда кучли мотивларнинг вужудга келишига, билишга қизиқишини кучайтришга сабаб бўлади. Бироқ ўқув материални баён қилишга тарихий ёндошиш қўшимча характерга эга бўлиши, мавзу бўйича эгалланаётган билимлар тизими ичида мантиқийлик сақланиши керак.

У ёки бу мавзуга оид қисқа метражли кино кадр ҳам кучли мотивацион омил ҳисобланиди. Бироқ кинодарс ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида бўладиган эвристик сўхбат мазмунига замин яратиши керак, шундагина ўқувчиларда мавзунини ўрганишга эҳтиёж туғилади ва кўзлаган мақсадга эришилади. Ўқитувчи англаб етиши керак бўлган ҳолат шундан иборатки, дарсда мотивларни ўқувчиларда ривожлантириш асосий мақсад эмас, балки ўқувчининг билиш фаолиятини тезлаштириш воситаларидан бири саналади.

2. Педагогик жараёни бошқариш технологияси

боғлиқ. Ўрганиш бу кенг маънода - ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш жараёнидир. Лекин ҳар қандай ўрганиш ҳам ўқув фаолияти бўла олмайди. Ўрганиш ўқув фаолияти даражасига кўтарилиш учун ўқувчилар билимларни эгаллаш давомида уларни бойитадиган ўқув ҳаракатларининг янги усуллари ўзлаштириши, мустақил равишда ўқув топшириқларини белгилаши, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз хусусий ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини билишлари керак.

Педагогик жараён билан шуғулланувчи ҳар бир кишига маълумки, билимларни ўқувчи(талаба)лар томонидан эгалланиши уларнинг хусусий ўқув фаолияти (психологлар тилида - билиш фаолияти) натижаси туфайли рўй беради. Психологлар бу фаолият турини кенг қамровда ўрганиб чиққанлар ва унинг билим, ҳаракатларни эгаллашга олиб келадиган турли кўринишдаги тузилмасини аниқладилар (Гальперин П.Я., Тализина Н.Ф., Чебишева В.В.). Бироқ психология фани ҳанузгача ўқитишда ўқувчиларнинг кетма-кет билиш ҳаракатларининг энг яхши таркиби тўғрисида яқдил фикрга келганларича йўқ. Бу таркиб ва ўқувчиларнинг билишга оид ҳаракатларининг кетма-кетлиги мавжудлик алгоритм (МА) деб номланади (6, 115). МА, биринчидан, бу ҳаракатларнинг қатъиян кетма-кетлигини, иккинчидан, уларнинг натижалари ҳам қатъиян олдиндан аниқланганлигини таъкидлайди. Шу боисдан МА моҳият жиҳатдан ўқув-билиш назарияларининг турига (элементар мулоқат, ассоциатив, бихевиоризм, гештальт, аклий ҳаракатларни босқичли шакллантириш) мос ҳолда турли кўринишга ва мазмунга эга бўлади. ҳар қандай МАнинг инвариатив элементи - бу ўқув жараёнида ўзлаштириш даражаси бўйича кетма-кет ҳаракатланишдир. ҳаракат “қадам” нинг ўзи ва ҳар бир “қадам” мазмуни танланган ўзлаштириш назариясига боғлиқ бўлади. Танлаш усули ва танланган ўзлаштириш назариясининг сифат мезонлари - ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги муҳим мўлжал ва унинг педагогик технологияси тавсифномаси ҳисобланади (5, 106).

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай ўқув фаолияти фаолиятнинг умумий лойиҳаси бўйича курилади ва ўзида **мўлжалли (йўналтирувчи), бажарувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи** ҳаракатларни мужассамлаштиради. Унинг шартли формуласи:

Ўф қ Мх Қ Бх Қ Нх Қ Туз

Бу ҳаракатларни ўқувчилар бевосита ўқитувчи ёки дарслик ёрдамида турлича тўлиқликда ва турлича таълим назариясига таянган ҳолда бажаришлари мумкин. Ўқитувчи дастлаб ўқувчидаги мавжуд ҳаракат турларини кузатиши керак. Ўқув ҳаракатларининг алоҳида ҳар бири ЎЭни ўзлаштиришнинг маълум босқичида намоён бўлади. Мисол учун, Мх ни бажарилиши ва ўқув топшириқларини ўзлаштириши куйидагича амалга оширилади: а) ўқитувчи белгилаган тайёр топшириқларни тушуниб етиши; б) ўзи учун бу

топшириқларни фаол қабул қилиши; в) мустақил равишда ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини ўрнатиши; г) бир қанча ўқув топшириқларини мустақил ўрнатиши.

Ўқувчининг мўлжалли ҳаракатлари (Мх) ўзлаштириш давомида шундай ахборотлар билан таъминланадики, улар ўқувчи эгаллайдиган ҳаракат қонунлари ва усулларини умумий кўринишда ифодалай олади. Одатда Мх ҳар бир ўқув топшириғини бажаришда маълум кетма-кетликка риоя қилишни тақозо этади ва бу ҳаракатлар тизими кўпинча йўриқли харитада ўз аксини топади. Бу хариталар ёрдамида ўқув материалларини ўзлаштириш давом этади, бироқ энди бу жараён билиш фаолиятининг кейинги бажарувчилик босқичида рўй беради.

Бажарувчи ҳаракатлар (Бх) ҳам ўзлаштиришнинг турли босқичларида бўлиши мумкин: а) асосий ўқув ҳаракатларининг бажарилиши (таҳлил, ўзгартириш, таққослаш, моделлаштириш); б) алоҳида ҳаракатларни операциянинг бир звеноси сифатида бажарилиши; в) бир масаланинг ечимига қаратилган ва йирик блокларга қўшилган ҳолда амалга ошадиган бир қатор ўқув ҳаракатларини бажариш; г) бу йирик блокларни англаш даражасида (кўникма) ёки “автоматик” (малака) даражасида амалга оширилиши.

Ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш назариясида ўқувчининг бажарувчи ҳаракатлари (Бх) ўқув-билиш фаолиятининг турли шакллари кетма-кет алмаштирадиган амалларни босқичли жараён сифатида ташкил этишни тақозо этади, яъни: ташки, моддийликдан (Мд) ички нутқ (Нт) шакли орқали ақлий (Ақ) ҳаракатга. Мавжудлик алгоритмининг бу босқичи рамзий тарзда қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Бх қ Мд Қ Нт Қ Ақ

Кейинги босқич - назорат қилувчи (Нх) ҳаракат мавзу бўйича ЎЭни ўзлаштириш даражси ўқувчининг ўз-ўзини назорат қилиши эвазига амалга оширилади ва эталон билан солиштирилади. Агар ўзлаштириш даражаси паст ($K\alpha \leq 0,7$) бўлса, у ёки бу ҳаракат босқичида йўл қўйилган хатолар ўқув фаолиятининг тузатувчи босқичида (Туз) аниқланиб, тузатишга оид педагогик жараён ташкил этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Туз операцияси - бу шунчалик ўқувчининг машқ бажаришида ёки тест ечишида йўл қўйган хатоларини тузатиш эмас, балки педагогик жараённи тузатиш, қайта куриш демакдир. Агар Нх ўқув фаолиятининг барча босқичлари учун тегишли бўлса, Туз ҳаракати зарурий ҳолда, яъни $K\alpha \leq 0,7$ бўлган ҳоллардагина амалга оширилади. Агар $K\alpha \geq 0,7$ бўлса Туз га ҳожат қолмайди ва кейинги босқичларга қадам қўйилади.

Ўқув фаолияти ҳаракатларининг барчаси ўқувчи томонидан номаҳсулдор ва маҳсулдор даражаларда бажарилиши мумкин. Масалан, номаҳсулдор даражада ўқувчи ҳаракати йўриқнома ёки намуна бўйича бажарилади ёки қабул қилинган усулларни бирмунча ўзгартирган ҳолда хато ва уринишлар ёрдамида амалга оширади.

Ўқув фаолиятининг муҳим тавсифномаларидан бири - унинг натижасидир: объектив - ечимнинг тўғрилиги; натижани олгунга қадар ҳаракат ва қадамлар

сони; вақт сарфи; субъектив - ўқувчи учун ишнинг муҳимлиги, яқундан субъектнинг қаноатланиши, куч сарфи ва бошқа.

Бошқар иш

Педагогик жараённинг сўнгги таркибий қисми - ўқув-билиш фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Шунинг қайд этиш жоизки, ҳар қандай ўқув фаолиятини бошқариш имконияти мавжуд. Бошқариш тизими икки - бошқарувчи ва бошқарилувчи объектдан иборат бўлади. Агар педагогик жараёнда ўқитувчи бошқариш субъекти ҳисобланса, ўқувчилар - бошқариш объектидир. Субъект узлуксиз тарзда таълим мақсадига мувофиқ объектга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказди. Объект ҳам ўз навбатида субъект томондан ўрнатилган мақсад ва вазифаларни тўғри англаб етиши ва унга эришиш чораларини кўргандагина ўқув фаолиятининг самараси тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлади.

3. Педагогик жараёнда ўқиш мотивлари ва ўқиш-билиш фаолияти

Педагогик-психологик адабиётларда “мотив” тушунчаси қуйидагича изоҳланади: агар таълим-тарбия жараёнида ўқув иши (вазифаси) талаба учун бирор шахсий қимматга эга бўлсагина, кишида унга қизиқиш уйғониши ва таълим мақсади шахснинг ўз эҳтиёжига айланиши мумкин. “Мотив” тушунчаси эҳтиёж, интилиш, майл, қизиқиш каби маъноларни ҳам англатади. Мотив - кишини бирор иш-ҳаракатни бажаришга ундовчи даъват, туртки ҳисобланар экан, муаллимлар болада ўқишга мотив ҳосил қилишга интилишлари, ўқув жараёнида у ни ҳисобга олиб, ўстириш ва бошқаришлари зарур.

Шунинг таъкидлаш лозимки, киши нима учун яхши ўқийди, ёки нега ўқигиси келмайди, деган саволга аниқ, тўғри жавоб бериш - осон иш эмас.

Бирор иш-фаолиятга мотив ҳосил қилиш-бу мураккаб рухий жараёндир. Мотивларни шакллантириш масаласи индивидуал - шахсий хусусиятга эга бўлиб, таълимнинг мақсади, вазияти билан ўқишни ташкил этиш шакллари, усуллари мутаносиблигини тақозо қилади.

Ўқувчида бил им олишга интилиш (мотив) уйғотиш-ижодкор ўқитувчиларга ҳос хусусиятдир. Болада ўқишга мотив ҳосил бўлганини кўрсатувчи муҳим белгилардан бири - ўқув топшириғини бажаришга тезда, астойдил киришиб кетиши, ўқишга бўлган қизиқишнинг барқарорлигидир.

Ўқувчининг билим олиш мотивлари кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Мотивлар ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди. Мотив ҳосил қилишнинг турли йўллари; усуллари мавжуд.

Мотив ҳосил қилишнинг оддий усулларида бири - синфдаги машғулоти ёки дарсликдаги матннинг қизиқарлилиги. “Қизиқарли физика”, “Қизиқарли химия” (мўжизасиз мўжизалар) қабила бунга мисол бўлади.

Машғулоти жараёнида муаммоли вазиятни вужудга келтириш, ёки шу мавзунинг ўрганишда киши ҳаёти учун аҳамиятли бўлган ўқув-билиш

вазифаларини кўя билиш - . мотив ҳосил қилиш усулларида биридир. Физика, химия, математика, адабиётни ўрганишда ҳаётий муаммоларни ҳал этишга доир ўткир вазиятлар кўпроқ учрайди.

Бола келгусида касб-хунар эгаллаши, жамиятда обрўли бўлиши учун бу предметни яхши эгаллаши зарурлигини англаш - мотив ҳосил қилишнинг муҳим усулларида ҳисобланади.

Таълим олишнинг мақсади мавҳум, ноаниқ бўлса, ўқувчи билим олушга қизиқмай кўяди, муаллимлар, ота-олалар болаларнинг ўқигиси келмайди, деб нолиб юради. Бу ўқув жараёнининг мотив ҳосил қилиш босқичи бўшлигидан далолатдир. Бунда бола муаллимнинг талабларини тушунмай , ҳафсаласиз ҳолатда ўқув топшириқларини номигагина, бажаради. . ,

Ниҳоят таълим мақсади 4-даражада ўзлаштиришни кўзлаганда, масалан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кабиларда ўқув жараёни тадқиқот натижалари ва методикасини таҳлил этиш бўйича мунозаралар, муаммоли вазифаларни кўя билиш, индивидуал ва жамоа бўлиб тадқиқот ишларини бажариш каби шаклларда ташкил этилади.

4.ЎҚУВ - БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ.

Талабада таълим мақсадига мос келадиган ўқиш мотивлари мавжудлиги ва ўқув-билиш фаолиятининг шакллари тўғри танланганлигининг ўзи билим олишнинг мўлжалланган (лойиҳалаштирилган) натижаларини эгаллашини кафолатлай олмайди. Таълим жараёнини бошқариш усули ҳам тўғри танланган тақдирдагина ўқув жараёни тугалланган ҳисобланади. Ўқув жараёнини бошқариш зарурлиги инсоннинг тажриба (билим) ўзлаштиришининг хусусиятидан келиб чиқади. Гап шундаки, кўпгина ўқувчилар ўзлаштиришнинг 1-даражасида 0,5 ($K_1 = 0,5$) коэффициентда ўзлаштирилганларида (чала-чулпа ўзлаштирилганда) ёқ “билиб олдим” деб ҳисоблайдилар - “алданиш” содир бўлади, яъни бунда талабанинг кейинги ўқув-билув фаолияти самарасиз бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчи мўлжалланган барча иш- ҳаракатларни тўлиқ бажарганини, ўзлаштириш сифатини назорат қилиб бориш, амаллардаги хатоларни тузатиб бориш зарур.

Ўзлаштириш жараёнини бошқаришнинг энг оддий усули -ўзлаштириш сифатини тестлар ёрдамида вақти-вақти билан назорат қилиб, текшириб боришдир: ҳар бир мавзунинг ўрганаётганда назорат вақти ва усули (тест, амалий иш кабилар) олдиндан белгилаб қўйилиши, яъни ўқув жараёни стандартлаштирилиши (шу билан биргаўқитувининг ижодий ишлаш имконияти ҳам сақланиши) лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, таълим жараёнларининг барчаси учун иш- ҳаракатларни ўзлаштиришнинг ягона, энг яхши усули мавжуд эмас, чунки кишиларнинг ақлий қобилият ва имкониятлари хилма-хилдир. Тажриба шуни кўрсатадики, киши, ҳатто таълим ёмон ташкил этилган шароитларда ҳам, зарур ахборотларни билиб, ўзлаштириб олиши мумкин. Ёмон ташкил этилган таълим жараёни деганда талабанинг ўқув-билув фаолиятида, ҳаракатларида ўзлаштиришнинг a_1 даражасидан изчил равишда а II, а III, а IV га қараб

беришга амал қилмаслик назарда тутилади: масалан, муаллим янги ўқув материални тушунтираётганда (ўзлаштириш ҳали К1 -0,2 - 0,3 бўлгандаёқ) мураккаброқ (а ҳатто а III даражасидаги) вазифаларни бажаришни таклиф этади. Вазифани ўқувчи бажара олмаса, бу, боланинг ҳафсаласизлиги, қобилияти йўқлиги тарзида баҳоланади, ҳеч ким бунинг сабаби ўқитувчи ўқув жараёнини хато ташкил этганида эканлигини ҳаёлига келтирмайди. Бу ердаги фарқ ўзлаштириш тезлиги ва сифатида бўлади, лекин билим ўзлаш тириш жараёни давом этаверади, уни ҳеч ким тўхтатиб қололмайди. Шунга кўра ўзлаштириш алгоритмини ифодалашга нисбатан бир қанча ёндашувлар вужудга келган.

Билим ўзлаштиришда талаба бажарадиган иш-ҳаракатлар

Бу тест топшириғидаги математик ҳисоб-китоблар жуда оддий, уни ҳеч қийинчиликсиз бажариш мумкин. Бунинг учун, энг муҳими, катта квадрат билан кичикроқ квадратларнинг P-Q томонлари умумий узунлигй ўртасидаги боғланиш (алоқа)ни акс этдирадиган ҳулосалар-занжирини тузиш лозим. Бу топшириқ ўзлаштиришнинг маҳсулдор даражасига оид бўлиб, галабадан мантиқий фикрлашни талаб этади.

Тўғри жавоб: В. - 100.

Ўқув материални турли даражаларда ўзлаштиришга дойр тест вазифаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ахборотни эсда қолдириш ва қайта тиклашни текши^ишдан репродуктив даражага, сўнгра маҳсулдор мантиқий фикрлаш даражаларига ўта борган сари назорат қилинадиган билимлар ҳажми, уларнинг тизимлилиги; муҳим асосий жойларини ажрата олиш кўникмаси, билимларни амалда қўллаш малакаси орта боради. Тест вазифалари ўзлаштиришнинг қанча юқори даражасида бўлса, бажариладиган амаллар сони шунча кўп бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият —енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Азизхўжаева Н.Н Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат — Т., 2003 ва 2006
3. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.Молия.2003
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. — Т.: 2005.
5. Ходжаев Б.Қ., Олимов Ш.Ш. Янги педагогик технологиялар. Б.2004

4-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа:

1. Таълимнинг умумлашган педагогик технологиялари
2. Таълимнинг муаммоли ва модулли технологияси
3. Тарбия технологиялари ва уларнинг ўзига хослиги

1.Таълимнинг умумлашган педагогик технологиялари

Инсон тафаккури, ақлий салоҳияти ёрдамида жамиятнинг сиёсий-иқтисодий тараққиёти ривожлантирилади. Шундай ёшлар борки, улар умумий ўрта таълим мактабларида таълим олиш жараёнида ўқиш - ўрганишнинг маълум йўналишида ўз иқтидорларини, истеъдодларини намоён қиладилар. Бундай иқтидор, истеъдод, ақлий салоҳиятни ривожлантириш замонавий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан биридир. Шу ўринда шуни эътироф этиб ўтиш жоизки, Республика Президенти раҳнамолигида мамлакатимизда таълим тизимининг жаҳон тажрибасида ҳали учрамаган миллий модели яратилдики, у ёш авлодга дунё андазаларига мос билим, иқтидор ва малакаларни ривожлантириш, уларни она Ватанга, миллий мустақиллик мафкураси ғояларида садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар учун мустақил, ижодий фикрлаш малакаларини шакллантириш борасида қилинаётган ғамхўрлик натижасида таълим-тарбия ишларининг қиёфаси ўзгарди, янгиланди, таълим жараёнида ўқитиш турлари хархилланишига ҳаракат қилинмоқда.

"... Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур».

Мана шу қайғуриш, курашиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий, жисмоний баркамоллигини тўла таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида «...таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳолос этиш ривожланган демократик давлатлар даражасига кўтариш, юксак маънавий ва ахлоқий тизими» (3,39), яратилмоқда ва шу тизим асосида барча таълим муассасаларидаги фанлар учун Давлат таълим стандартлари яратилди. Айни вақтда ДТСга кўра таълим тизими, мазмуни, бошқарувини миллий аъёнларимиз, халқ педагогикаси, қадим тарихимиз, маданиятимиз, эзгу кадриягларимизга муносиб ўзгартириш, бойитиш, ўқувчилар билим, кўникма, малакаларини кўп балли рейтинг тизимида баҳолаш ишлари бўйича самарали тадбирлар амалга оширилди. Истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш чет элларда ўқитишни қўллаб қувватлаш мақсадида «Улуғбек», Республика болалар, «Соғлом авлод учун», «Истеъдод» жамғармалари фаолият кўрсатмоқда.

Аёнки, халқаро сиёсий-иқтисодий майдонларда, инсон ресурслари масаласи атрофида катта курашлар бормоқда. Бу курашнинг асосий мақсади ўз касбининг моҳир устаси бўлган истеъдодли, зукко, қобилиятли, мукамал фундаментал билимларга эга бўлган инсонлардан фойдаланишдир. Шундай шароитда бундай юксак маънавий салоҳиятга эга бўлган инсонларни, асосан ёшларни тарбиялашга диққат-эътиборни қаратиш, қобилият-истеъдодини, ривожлантириш, интелектуал потенциалини тўғри аниқлаш ва юзага чиқариш, маънавий камолот мезонларини қарор топтириш, ўқиш, ижтимоий фаолият, меҳнат жараёнларида шахсий ва ижтимоий манфаатларини уйғунлаштириш, Ватанга садоқат, Ватан

тараккиёти учун курашиш малакаларини ҳосил қилиш, мактаб (ўрта, ўрта махсус, олий) таълимнинг бош вазифаларидан биридир.

Шунга кўра, янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини яратиш амалиёти охирига етказилган бир вақтда ўқитиш жараёнида таълим турларини умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим мактабларида ўқитиш технологияларини хархиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шунга асосан биз мавзунини «Ўқитиш жараёнининг умумлашган педагогик технологиялари» деб номладик ва фикримизни шу асосда баён этамиз.

Шу ўринда шуни алоҳида эътироф этиб ўтиш жоизки, педагогик жараён бу таълим мақсадлари сари ўқитувчи ўқувчи ҳамкорликдаги ҳаракатдир. Шундай экан, таълим, яъни ўқитиш жараёнида таълим турларини хархиллаштириш ва унинг моҳияти мазмунини ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам билиши зарур. Зеро, "...ўқувчиларнинг тарбия жараёнида суғурувчи фаол иштирок этиши, таълимнинг хотира ёки тафаккурга мўлжалланлиги, таълим методлари, воситалари, натижаларига кўра - тушунтирувчи-кўргазмачи, муаммолар, топшириқли дифференциал, программалаштирилган, алгоритмлаштирилган **каби турларга ажратилган.**

Шундай қилиб ўқиш, ўргатиш, ўқитиш, ўрганиш, тушуниш, англаш, хулоса қилиш жараёнини ташкил этилишида ўқув маълумотларининг тузилишида, таълим методлари ва воситаларининг қўлланилишидаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда улар таъсирида қўлга киритилган натижалар, ўқитувчи-ўқувчи фаолиятининг тузилмасига қараб ўқитиш жараёнининг умумлашган педагогик технологияларини кўргазмачи - изоҳчи, муаммолар, модуллар дастурлаштирилган, дифференциал, индивидуал, фаол, компьютерли, ривожлантирувчи таълим технологияларига ажратиб кўрсатиш мумкин.

Кўргазмачи-изоҳчи таълим технологияси. Маълумки, ўқув маълумотлари ўқитувчи (ўқитиш) ўқувчи (ўқиш) ҳамкорлигида қўлга киритилади. Ҳар иккала иштирокчининг таъсирида фаолият воситаси ва билимларни ўзлаштириш жараёни - идрок қилиш, тушуниш ва англаш, умумлаштириш, мустаҳкамлаш, амалда қўллаш каби психологик жараёнларда амалга ошади. Кўргазмачи-изоҳчи таълим турида ўқитувчининг ўқувчига баён қилинган маълумотлар, нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳият мазмунини идрок қиладилар, тушунадилар, мустаҳкамлайдилар ва амалда қўллайдилар. Бу ҳозирги кун мактабларида энг кўп қўлланадиган таълим турларидан биридир. Кўргазмачи-изоҳчи таълим технологияси - бу кўргазмалардан фойдаланиб, маълумотларни изоҳлашга йўналтирилган ўқитиш технологиясидир.

Уни ҳозирги давр ва педагогика назарияси нуқтаи назардан изоҳлайдиган бўлсак, кўргазмачи-намойишлар ёрдамида «ўқитувчи-ўқувчи» муносабати эмас «ўқувчи-ўқитувчи» муносабатида янги ахборотларни кўргазмага қараб ўқувчи томонидан изоҳлаш жараёни. Профессор О. Розиковнинг таъкидлашича кўргазмачи - тушунтирувчи таълим болалар хотирасига мўлжаллаб ташкил этилади. (20,171-бет). Кўргазмачи – изоҳчи таълимда ўқитувчи фандаги тайёр илмий хулосаларни кўргазмага қараб тушунтириш усулидан фойдаланиб баён қилади, ўзи таҳлил қилади. Ўқувчилар янги тушунчаларни тинглайдилар, идрок этадилар, англаб оладилар, мисоллар ёрдамида мустаҳкамлаб, амалда қўллаш

йўлларини ўрганадилар. Тажриба, эксперимент, кузатиш йўли билан янги фактларни ўрганиш ҳам ўқитувчи томонидан амалга оширилиб умумлаштирилади. Янги маълумот, ахборотлар қанчалик мураккаб бўлса, ўқитувчи шунча батафсил тушунтиради. Ўзлаштириб олинган маълумот, ахборот ва материаллар ижодий фаолиятни талаб қилмайдиган операциялар ёрдамида амалга ошади. Бундай таълимда ўқувчиларда диққат, эсда сақлаш, қайта хотирлаш ривожланади, аммо мустақил фикрлаш шаклланмайди. Шундай қилиб, кўргазмали-тушунтирувчи таълим - бу ўқитувчи ёрдамида ва тушунтиришлари, умумлаштиришлари, таҳлиллари асосида фандаги тайёр хулосаларни ўқувчилар томонидан идрок қилиш, эсда сақлаш, қайта хотирлашга қаратилган ўқиш-билиш фаолиятидир.

1. Таълимнинг муаммоли ва модулли технологияси

Муаммоли таълим XX асрнинг 70-80 йилларида олиб борилган изланишлар ва тажрибаларнинг ижобий якуни сифатида вужудга келган таълим шаклидир. Муаммоли таълим хақида фикр юритганимизда, бу таълим ўзи нима? Унинг қандай назарий асослари бор? У анъанавий таълимдан нима билан фарқ қилади? Муаммоли таълимнинг мақсади нима? Муаммоли таълимни ўқитувчи қандай амалга оширади?-деган саволларга дуч келамиз. Муаммоли таълим бу-ўқувчига бериладиган билимнинг қайси қисмини, қандай йўл билан бериш муаммосини самарали ҳал қилишга қаратилган ўқитувчи фаолиятидир. Муаммоли таълим дарсда бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати бўлиб, у ўқувчи шахсидаги муҳим белги-ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Н.Г.Дайри айтганидек, дарсда ўрганиладиган мазмуннинг мураккаб қисмини ўзлаштиришда ўқитувчининг фаолияти қандай бўлса, ўқувчи фаолиятини ҳам шу даражага етказиш муаммоли таълимнинг асосий мақсадидир. Муаммоли таълим-ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига, ўзининг фикрини эркин баён қила олишларига ва фикрларини янада ривожлантиришларига таъсир этишдир. Бунда ўқувчи диққат билан тинглаши, мустақил ва ёлғиз фикрлаши, жамоа бўлиб фикрлаши, таҳлил қилиши, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиши ва тўпланган фикрни баён қила олиши керак.

Агар ўқитувчи янги мавзунини таъсирли баён қилиб, кўргазмалардан унумли фойдаланса, баён низоҳида айрим ўқувчилар билан иш олиб борса, ўқув жараёни самарали бўлди ёки фаол бўлди, деб ҳисоблаш мумкин. Аммо бу таълим усули анъанавий таълим беришдир. Муаммоли таълим ўқитувчидан аниқ ҳаракат қилишни, дарснинг ҳар бир минутини ҳисобга олишни, ушбу вақтда керакли самара ҳосил бўлиши учун ўзининг барча имкониятларини ва маҳоратини ишга солишни талаб этади. Бу масалани ҳал этишнинг муҳим шартини ўқитувчининг бўлажак ўқув машғулотига тайёргарлигидир. Тайёргарлик жараёнида муаммоли таълимнинг барча кўринишларини ҳисобга олиш ва уни услубини ишлаб чиқиш зарур. Муаммоли таълимга тайёргарлик кўришда ўқитувчилар қатор қийинчиликларга дуч келдилар. Бу қийинчиликларни енгишда ўқитувчини инновацион ижодий лабораториясининг аҳамияти катта.

Ана шундай кийинчиликлардан бири дарсни муаммоли ташкил килиш ва муаммони ўрганиш усулини танлашдадир. Чунки танланган усул факат ўқув материални ўзлаштиришни таъминлабгина қолмай, балки ўқувчилар фаолиятида мустақилликни ҳам таъминлаши зарур. Иккинчи кийинчилик эса муаммоли таълимни кўринишини аниқлашда юзага келади, яъни ўқитувчи муаммони ечишга синфдаги барча ўқувчиларни жалб қилади ёки вазифани айрим гуруҳ ўқувчиларига бажартиради? Бу кийинчилик ўқитувчида муаммоли вазият ва муаммонинг баёни хақидаги тасаввурларни етишмаслигидан келиб чиқади.

Учинчи кийинчилик эса дарсда ўқувчиларни қизиқишини уйғотиш ва уни узлуксиз ривожлантириб боришида кўринади. Чунки ўқувчилар диққатини бир нуктага мунтазам тўплашга ўқитувчининг тажрибаси ва маҳорати етмаслиги мумкин.

Муаммоли таълим хақидаги тўпланган маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш лозимки, бу таълим тури илмий-услубий жихатдан 3 кўринишга эга.

1. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш.

2. Муаммонинг кўйилиши.

3. Муаммонинг ечимини топиш.

Муаммоли вазиятни ўқув машғулотларининг барчасида шакллантириш мумкин. Уни дарс жараёнида қанча кўп шакллантириш ўқитувчига бoғлиқ. Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки у ўқувчилар диққатини бир жойга (муаммога) қаратади ва ўқувчиларнинг изланишига, фикрлашга ўргатади. Муаммоли вазиятни яратганда ўқитувчи ўқувчилар ўз диққатларини нималарга қаратишлари кераклигини айтиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан: «Чор Россиясининг Хива хонлигини босиб олиши» мавзусида ўқувчилар диққатини икки муаммога қаратиш зарур. Бунинг учун ўқитувчи :

1. Хива хонлигининг бўйсундирилиши Россияга қандай манфаат келтирар эди? деган саволни кўйиб муаммоли вазиятни яратади ва ўқувчиларнинг фикрларини эшитади. Барча фикрларни эшитгач саволга яқуний ҳулосани эълон қилиши керак.

2. Туркманларнинг кўзголони таҳлил қилинг. Нима учун кўзголон енгилди? Бу савол билан ўқитувчи иккинчи муаммоли вазиятни вужудга келтирди. Ўқувчилар ечим жараёнида ўқитувчи билан бирга ҳаракат қилиб, муаммо юзасидан фикр ва мулоҳазаларини баён этиб, муаммонинг ечимига ўз ҳиссаларини қўшади.

Муаммони ечиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга энг зарур фикрни айтмайди, аммо шу фикрни шакллантирувчи далилларни, фактларни келтириб ўтиши керак бўлади.

«Афинада демократия» мавзусида муаммоли вазиятни:

-Нима учун Дракон қонунлари «қон билан ёзилган қонунлар» деб юритилган?;

-Бугунги демократияни қадимги Афина демократиясидан фарқли томонлари нимада? деган саволлар билан муаммоли вазият яратиш мумкин.

«Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолияти» мавзусида вазиятни:

-қонунни ишлаб чиқишда қимлар иштирок этади?

-Олий Мажлис қабул қилган қонунлардан қайсиларини биламиз? қаби саволлар билан ҳам яратиш мумкин.

Ўқитувчи муаммони қўйганда ўқувчиларга муаммони ечишга доир кўрсатмалар, йўлланмалар беради ва ишнатижаларини баҳолаш мезонларини эълон қилиши керак. Муаммонинг мураккаблик даражаси ўқувчиларнинг билимига қараб белгиланади.

Ўқитиш жараёнининг умумлашган педагогик технологиялари амалиётида таълимни модул тизимини лойиҳалаш алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу ўқувчи (талаба)ларнинг ўқув маълумотларини тўлиқ ўзлаштириши билан дахлдор бўлиб, модулдан модулга ўтган сари уларда билим, кўникма, малакалар ривожланиб боришини кейинги йилларда узоқ ва яқин хориж мамлакатлари олимлари исботлаганлар.

Тайинки инсон ижтимоий ҳодиса сифатида ўзини ўраб турган воқелик билан алоқалашади, уларнинг моҳият-мазмунини ўрганишга, тажрибалар ўтказиш орқали англаб етишга интилади. Мазкур тажрибалар дидактик категория сифатида билим деб номланади. Аниқ бир шахснинг тўплаган тажрибаларининг ҳажми, сифати ва турига қараб, унинг маърифий-ижтимоий қуввати ҳамда суратига баҳо берилади. Унинг билими қанча чуқур ва кенг бўлса, дунёқараши шунча мукамал бўлади. Натижада эгалланган билимлари дунёқарашини мукамаллаштириши билан руҳига сингиб, ҳаёт тарзини ранг-баранг бўлишига олиб келади.

Айниқса бу мамлакатимизнинг маънавий-маърифий янгилиниш, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжиҳатлигига қўшилишнинг тезлашаётган бир шароитида ниҳоятда муҳимдир. Бундан ташқари баъзи ҳисоб-китобларга кўра XX асрнинг иккинчи ярмида илм-фаннинг дунёда ривожланиши кескин тезлашди. Охириги 15-20 йил мобайнида илмий фаолият 2 маротаба ошиб, унинг умумий қиймати кишилиқ жамияти тарихи давомидан тўплаган умумий маълумотнинг 3/4 қисмини ташкил этмоқда.

Бундай шароитда, яъни фан-техника тараққиётининг тезлашуви шароитида ўқувчи (талабалар)га маълумот беришнинг шаклини, усулини янгиламай, ўзгартирмай туриб, уларни давр талаблари асосида вояга етказиш мушкул.

Илмий педагогик назариянинг маълум беришига бунда ўқитишнинг модул тизимини лойиҳалаш орқали эришиш мумкин. Чунки «Модулли ўқитиш» модул сўзи билан боғлиқ бўлиб, маълум соҳанинг чамбарчас боғланган ва мантиқан кетма-кетликда жойлашган ҳамда тугалланган бирлигини англатади. Шунингдек фундаментал ҳаёт қонуниятларини ўрганишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Модул ўқитишнинг муҳим хусусиятларидан яна бири – «... одам миясининг ўзлаштириш тизимига энг яхши мослашганлигидир. Модулли ўқитиш тадқиқотчилардан Н. Авлиёқулов, А. Жуковский, Г. Калининченко, М. Миронова, Г. Разоренова, Ж.Байсалов, М. Чошанов ва бошқаларнинг фикрича инсон бош мияси тўқималарининг модулли ташкил этилганлигига таянади.

«Инсон бош мияси тўқимаси - деб ёзади Н.Х. Авлиёкулов,-қарийиб 15 млрд. нейронлардан (нерв хужайралари) ёки аппаратли модуллардан иборат. Тўқима хужайралари бир-бири билан кўп сонли тўқнашувларда бўлишида. Бир хужайра ва унинг ўсимтасини бошқа хужайра ва унинг ўсимтаси билан тўқнашувлари сони 6 мингтагача етиб боради. Демак, бош мия тўқмасидаги тўқнашувлар контактлар сони астраномик (150 00000000х6000) сонни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, модул ўқув жараёнининг бир хужайраси сифатида қаралади. Бу хужайра бир вақтнинг ўзида инфорацион умумийликда ўзига хос яхлитик ва тизимлиликка эга бўлган элементлардан ташкил топган бўлади.

Шундай қилиб модулли таълим технологиясини маълум фанни ўрганишда уни йирик туркум ёки бўлакларга ажратиб ўрганишни назарда тутлади. Бунда ўқув маълумотларнинг мазмунан бир-бирига яқинлиги, мантиқан тўғри келиши, мослашишини назардан чиқармаслик керак.

Хўш, нега бугунги кунда таълим жараёнига модулли ўқитиш тўғрисида гапиряпмиз. Буни қандай зарурият талаб қилмоқда? Маълумки, Республика Олий мажлисининг биринчи чақириқ IX - сессиясида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниб, уларнинг бош мақсади қилиб «... таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир»

Бу эҳтиёж, **биринчидан** таълим тизими, таълим мазмуни, таълимнинг метод, шакл ва воситаларининг тубдан янгилаш ва ўқитишнинг модул тизимини яратиш лозимлигини тақазо этмоқда.

Иккинчидан, юқорида қайд қилиб ўтганимиздек илм-фан тараққиётининг жадаллашуви техника ва унинг ишлаш технологияси ўсишининг тезлашуви ва янгилашуви олиб келди. Бу ўз навбатида инсон ақлий меҳнатини тезлашуви ва автоматлашувини талаб этади. Бунга фақат иқтидорли ёшларни тайёрлаш, инфорацион инқилобда ўз ўрнини топа оладиган, айна пайтда унинг тараққиётига ўз улушини қўша оладиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш орқали эришиш мумкин бўлади.

Учинчидан, илм-фан, техника ва унинг ишлаш технологияси ривожланиши шароитида ўқишни индивидуаллаштириш, мустақил, ижодий фаолиятни йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Эндиги вазифа бу талабларни яъни ўқувчи (талаба)ларни илмий-техникавий ахборотлар билан ижодий ишлашга, ностандарт фикрлашга ўргатишга қодир таълим технологиясини қўллаш лозимлиги сезилади.

Тўртинчидан, халқ хўжалигининг барча жабҳалари (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, тиббиёт, маориф ва ҳ.к.) нинг компьютерлашуви, автоматлашуви, фан ютуқларини ишлаб-чиқаришга кенг тадбиқ этишнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастури модулидан ўрин олиши, мутахассислар тайёрлашга янгича ёндашиш вазифасини қўйганлигидир.

Бешинчидан, таълимнинг узлуксиз тизимида замон, илм-фан, техника тараққиёти талабига жавоб бера оладиган ва уни ривожлантиришга қодир

шасхларни тайёрлаш учун ўқитишни жадаллаштириш, ҳар бир инсоннинг иқтидорли, имконияти, шарт-шароитидан максимал фойдаланишни. Шунингдек ўқитиш жараёнини тўлиқ ахборот билан таъминлаш мақсадида таълимни лойиҳалаш, натижани кафолатлаш, мақсадни ойдинлаштириш учун компьютерли ўқитиш, дистанцион ўқитишни йўлга қўйиш ва ниҳоят;

Олтинчидан, ҳар бир инсон биосоциум сифатида индивидуал-руҳий хусусиятлар, қобилият фаолият эҳтиёжларига эга. Шунга кўра бугунги таълимнинг ушбу хусусиятларини ривожлантириши уларни таълим вазифаларини ҳал этишга қаратишга хизмат қила олиши даркор.

Етинчидан, ўқувчи-талабаларнинг билим ўрганиш мақсадлари, муносабатлари, диққат эътиборларининг кучайиб бориши, аммо мутахассислар тайёрлашда ҳар доим ҳам ақлий имкониятларнинг кенгайганлиги назардан четда қолиши оқибатида таълим олишга рағбатнинг сусайишига олиб келаётганлигидир.

Аммо мутахассис кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ўрта махсус, кабс-хунар ва олий таълим тизимида юқоридаги заруриятларни қондиришга, илм-фан тараққиёти, замон талабларига кўпроқ мослашишга қодир замонавий педагогик технология муҳим таркибий қисми - модулли ўқитиш технологиясидир. Бундан ташқари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг олий таълимнинг икки босқичли тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун «... янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш» қайд этилиши, модулли таълим технологиясининг долзарблигидан далолатдир.

Олдинги параграфда таъкидлаб ўтганимиздек, илм-фан, техника, унинг ишлаш технологияси жадал суръатлар билан ривожланаётган жараёнда мустақиллик таълими олдида ўқитишни жадаллаштириш, таълимни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш, таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий тафаккурларини ривожлантириш, ахборотлар оқими тез ўзгараётган шароитда ўз ўрнини топа олиш малакаларини шакллантириш, танқидий фикрлаш, иқтидор, қобилиятини ўстириш каби талабаларни қондира олишга қодир модулли таълим технологияси тезроқ таълим жараёнига тадбиқ этиш долзарб муаммо бўлиб турибди.

Модулли ўқитиш технологиясининг моҳият-мазмунини шундан иборатки, у одам бош миясининг ўзлаштириш тизимига мослашган бўлиб, бош мия тўқималарининг модул асосида ташкил этилганлигига таянади. Шунинг учун ҳам у фаннинг маълум соҳасининг ўзаро чамбарчас ва мантиқан боғланган бирлигини англатади ва мазкур соҳани мукамал ўзлаштириш имконини яратишга йўналтирилган фаолият ҳисобланади. Зеро, **«Модулли – фаннинг фундаментал тушунчасини ўрганишга йўналтирилган, маълум принциплар асосида тузилган, ўқув материалининг бирлигидир»**

Шунинг учун ҳам модулли ўқитиш ўқув маълумотларини босқичма-босқич ўзлаштиришни назарда тутади.

3.Тарбия технологиялари ва уларнинг ўзига хослиги

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг технологик жараёни-ёшларни маънавий баркамол шахс этиб тарбиялашга қаратилган психологик-педагогик ва ташкилий жараёнларнинг яхлит тизимлашган мажмуасидир.

Бу мажмуани замон талабида амалга оширишда илғор психологик-педагогик технологиялардан кенг фойдаланилади.

Технология – аслида техникавий жараёнга тегишли бўлиб, муайян жараёни тизимли асосда самарали бажаришнинг метод ва воситалари мажмуасидир.

Педагогик технологиялардан маълумки, таълим-тарбия жараёни учта ўзаро алоқадор бирлик сифатида кўриб чиқилади. Бу эса, - *таълим, тарбия ва ривожланишидир.*

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи принциплари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1)**табиийликни ҳис қила олишлик** - шахснинг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хослигини индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш. 2)**яратувчанлик** - турли ўқув муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари; 3)**мослашганлик** - турли таълим муассасаларида таълим шакли, методи ва усулларининг қўлланилувчанлиги, уйғунлилик-муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакли, методи ва усуллари билан уйғун тарзда боғланиши; 4)**инкорпорация** - системали ёндашув асосида турли фанларга оид билимларни бирлаштириш.

ТАРБИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ФАЛСАФАСИ НИМАДАН ИБОРАТ? **“Технология”** юнонча сўз бўлиб, *“techne”* - *“маҳорат”*, *“санъат”* ва *“logos”* - *“тушунча”*, *“ўрганиш”* демакдир. *Технология* сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усул ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади. Мана шу технологик жараёни тартибга солишда комил инсон қиёфасини назарда тутиш, бир тизимга келтириш, кетма-кетлигини тўғри белгилаб олиш баркамол шахсни тарбиялаш механизмидир.

Тарбия технологияси - тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, тузатиш ва кейинчалик қайта тиклаш, шунингдек, бу жараёни техникавий жиҳозлашнинг тизимли усули. Тарбия технологияси илмий педагогик билимларнинг замонавий даражасини акс эттириши таълим ва тарбиянинг самарали усулларида фойдаланиши, шунингдек, ўқитишнинг мумкин бўлган техник воситаларни қўллаш лозим; таълим ва тарбия бўйича қўйилган мақсадга тўлиқ эришишни кафолатлаши керак; барча тарбия технологиялари шахс шаклланиш жараёнлари сифатини назорат қилишнинг объектив методикаси билан таъминланган бўлиши шарт.

Педагогик билимлар асосида миллий ғоя ва мафкурани талабалар онгида шакллантиришни амалга ошириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг бирлиги негизида ташкил этиб, талабалар маънавиятини юксалтиришга қаратиш лозим. Бу борада самарадорликка эришиш йўлида ташкил этилган дастлабки ҳаракат бу олий таълим муассасаларида талабаларга педагогик билимларни бериш, уларда миллий ғоя хусусидаги тушунчаларни

ҳосил ҳилиш, маънавий ахлоқий эътиқодни шакллантириш, вайронкор ғоялар таъсиридан сақланиш, ғоявий инсонпарварлик ҳосил қилиш мақсадида олиб борилаётган тадбирлар мазмунини таҳлил этиш, талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари даражасини ўрганишдан иборат. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, таълимни инсонпарварлаштиришни ўзи миллий ғоя хусусидаги билимлардан хабардор бўлиб боришни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, таълимни миллий ғоя асосида инсонпарварлаштириш технологиясини яратиш учун ижтимоий-гуманитар фанлари бўйича ташкил этилаётган машғулотлар жараёнини кузатиб, мазкур жараёнда талабаларни миллий ғоя хусусидаги билимлардан хабардор этишга йўналтирилган фаолият мазмунини ўргандик. Кузатиш даврида шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Кузатувчи-ўқитувчи сифатида танланган педагогика фанлари ўқитувчилари томонидан ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида талабаларнинг инсонпарварлик дунёқарашини бойитиб бориш шунингдек, уларда касбий малакани ҳосил қилиш каби ҳолатларни қарор топтириш ишига алоҳида эътибор берилса-да, миллий ғоя ва мафкура, унинг вазифалари масалаларининг доимий равишда, мақсадга мувофиқ ёритиб борилишига нисбатан назарий ёки амалий ёндашув кўзга ташланмайди. Шунинг учун олий таълим муассасаларидаги ижтимоий-гуманитар фанларининг профессор-ўқитувчилари ёш авлод таълими ва тарбиясини мувоффақиятли ташкил эта олиш лаёқатига эга бўлиши, бу борада етарли малака ошириши керак. Малакали педагог кадрларни қайта тайёрлашда қуйидаги вазифаларни муҳофаза қилиб, уни амалиётда қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш лозим:

- таълим жараёнида талабалар онгига маънавий омилларни сингдириб бориш; таълимни инсонпарварлаштириш, яъни тарбиявий омиллар билан йўғириш; таълимнинг бош мақсади миллий ғоя ва мафкура асосида белгиланишини доимо назарда тутиш;

- улкан маъсулият юклаётганлигини чуқур ҳис этиш, бўлғуси ўқитувчилар ва мутахассисларни жиддий ғоявий тайёргарликка эга бўлишлари учун муайян шарт-шароитларни яратиш.

Юқоридаги тавсияларга мунтазам амал қилиш қам баркамол шахсни вояга етказиш технологиясининг узлуксиз таълим жараёнидаги бошланғич боқичи ҳисобланади.

Тарбия усуллари турли элат, миллат ва давлатларда турли-туманлиги билан фарқ қилади. Осиё мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда эса кўпроқ умуминсоний тарбия элементлари қўлланилади. Бундай тарбия тизимининг ўзига хослиги ўзидан каттага алоҳида ҳурмат, катталар гапига қулоқ солишлик, уларнинг топшириқларини беминнат бажаришдир.

Ўқувчилар ахлоқини, дунёқарашини шакллантиришда ишонтириш асосий методлардан ҳисобланади. Ишонтириш усули асримизнинг 20 - йилларига келиб асосий методлардан бири сифатида илгари сурилган.

Ишонтиришнинг психологик асоси ўқувчилар онгида келгуси ҳатти-ҳаракат билан характерланади. Ҳатти-ҳаракатни олдиндан режалаштиришнинг бу усули орттирилган тажрибага ва фаолиятнинг нормалари, қоидалари принципларига

асосланади. Шахс бирон бир иш ёки тадбирни бажаришдан олдин албатта ўз ҳатти-ҳаракатларини ижтимоий талаблар, атроф муҳит шароитлари билан муносиблигини ўйлаб кўради.

Ишонтириш усулида тарбиячи ўқувчилар онгига, руҳига, ориятига, иродасига таъсир этиш йўли билан уларнинг характеридаги ахлоқий, интеллектуал ва бошқа ижобий ҳислатларни шакллантиради, иллатларни камайтиради, йўқотади. Ишонтириш шаклланаётган шахснинг қадриятларига, дунёқарашига асосланиб, руҳий ва ижтимоий муносабатларнинг туб мағзини чуқур тушунтиришга таянадиган метод ҳисобланади.

Ўқитувчи ўзи айтаётган, узатаётган ахборотга ўқувчиларни ишонтира олсагина, ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчиларни ўқув меҳнатига, ақлий фаолиятига рағбатлантира олади. Ўқитувчи ўқувчиларни ишонтириш учун турли воситалардан фойдаланиши мумкин. Жонли суҳбат, ибораларни асосли фактларни келтириш, ҳиссиётларига таъсир этиш шулар сирасига киради.

Ишонтириш орқали ўқитувчи ўқувчиларда ҳар томонлама комплекс тарбияни амалга оширади, ҳукуматимиз, Президентимизнинг олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг Республикамизга хос тамойиллари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўллари тушунтирилганида талабалар келажакда Республика ҳаётига ўзларининг шахсий дахлдорликларини чуқурроқ ҳис қиладилар ва шунга яраша билим, кўникмаларни эгаллашга ҳаракат қиладилар.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Азизхўжаева Н.Н Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2003 ва 2006
3. Р.Ишмухаммедов ва б. Тарбия технологиялари. Т.2008
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: 2005.
5. Ходжаев Б.Қ., Олимов Ш.Ш. Янги педагогик технологиялар. Б.2004

5-МАВЗУ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ УСУЛ ВА УСЛУБИЙ ИШЛАР

Режа:

- 1.Ўқув жараёнини ташкил қилишга қўлланиладиган усул ва услублар**
- 2. Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи таълим технологиялари**
- 3. Ўзлаштиришнинг махсулдор даражалари учун педагогик технологиялар**

1.Ўқув жараёнини ташкил қилишга қўлланиладиган усул ва услублар

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи - олдига маълум бир мақсад қўйиб, сўнг унга томон ҳаракат қилишидадир. Киши мақсади сари қиладиган ҳаракати (фаолияти) жараёнида муайян табиий ва сунъий тўсиқларни еншб ўтади. Бу тўсиқларни бартараф этиш учун у бир қатор тадбир ва чоралардан

фойдаланади.

Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбир ва чоралар мажмуини усул дейилади.

Мақсадга етишда бир неча, гоҳо ўнлаб-юзлаб тўсиқларни енгишга тўғри келади. Бу тўсиқларни енгиш учун тегишли усуллар маълум бир тизимда қўлланилади.

Мақсадга етишда қўлланалиган усуллар тизимини услуб (Йўл) дейилади.

Усулларни маълум бир услубда қўлланиш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақоми муайян мақсад кўрсаткичлари га бўйсундирилади. Ундан ташқари, киши мақсадга етиш жараёнида бир қатор қонуниятларга ҳам тамойил сифатида амал қилади.

Таълим услуби - ўқитувчи (педагог) билан ўқувчи (талаба)лар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирдир.

Ўқитиш услублари ўқув жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Тегишли услубларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди.

Услублар билимларни узатиш ва қабул қилиш характериға қараб сўз орқали ифодалаш, курғазмали ва амалийға бўлинади. Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчи (талаба)ларнинг билим фаолиятиға муносиб равишда қуйидаги услублар: тушунтириш — иллюстратив (информацион рецептив), репродуктив, муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот услублари қўлланилиши мумкин.

Таълим фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёни узатиш, қабул қилиш, англаш, эсда сақлаш ва амалда қўллай олишни назарда тутди.

Таълимнинг оғзаки услубларига: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар киради. Бу услубларни қўлланишда ўқитувчи (педагог) сўз воситасида ўқув материалини баён қилади, тушунтиради, ўқувчи (талаба)лар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали уни фаол қабул қиладилар.

Ҳикоя. Ушбу услубда ўқувчи (талаба)ларға бериладиган билим мазмунини оғзаки баён қилиш кўзда тутилади.

Ҳикоянинг бир неча тури мавжуд: ҳикоя — муқаддима, ҳикоя — баён, ҳикоя- хулоса. Биринчисининг мақсади -ўқувчи (талаба)ларни суҳбат орқали янги билимни қабул қилишға тайёрлаш. Ҳикоянинг бу тури баённинг нисбатан қисқалиғи, ёрқинлиғи, қизиқарлилиғи ва ҳиссиётға бойлиғи билан ажралиб туради, янги билим олишға қизиқиш, уни фаол ўзлаштиришға эҳтиёж уйғотади.

Маъруза — билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз хажмининг катталиғи, мантикий қурилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиғи билан хикоядан ажралиб туради.

Маъруза давомида бериладиган билимни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида ўқувчи (талаба)ларнинг диққатини тутиб туриш ҳамда уларнинг

фикрларини фаоллаштириш, далиллаш, исботлаш, таснифлаш, таърифлар бериш, тизимга келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади.

Маърузалар орқали асосан умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ўқитилади. Маъруза режасини аниқ ўйлаш ва уни технологиялаштириш зарур. Режа бандларининг барчасида, уларнинг ҳар бирининг мақсад, яқин ва ҳулосаларини изчил баён қилишда мантикий уйғунлик бўлмоғи керак. Маъруза шундай суръатда ўқиладики, ўқувчи (талаба)лар унинг муқим жойларини ёза олсинлар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи (педагог) маърузанинг ёзиб олинган жойларини аниқ ажратиши, зарур бўлса ёзиб олишларини енгилаштириш учун такрорлаши лозим. Маъруза зерикарли бўлмаслиги учун ҳамда ўқувчи (талаба)ларнинг фикрини фаоллаштириш мақсадида маъруза давомида муаммоли вазиятларни шакллантириш яхши педагогик самара беради.

Сухбат услуби атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи (педагог) билан ўқувчи (талаба)лар орасидаги сухбатни кўзда тутиб, у ўқувчи (талаба)ларнинг фикрлаш тизимини, янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади.

Сухбат услубини қўлланишда саволларни қўйиш (асосий, қўшимча, йўловчи ва и.к.), ўқувчи (талаба)ларнинг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, сухбатдан ҳулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усулларида фойдаланилади.

Саволлар яхши қабул қилиниши учун етарлича ҳажмдор бўлиши лозим, Мавзунини хаддан ташқари майда саволларга бўлиб юбориш мантикий бутунликни бузса, ниҳоятда катга саволлар мавзунини мавҳумлаштириб, муҳокама учун тушунарсиз қилиб қўяди. Ўқитувчи (педагог) муаммони муҳокама қилишни давом эттиришга имкон берувчи ёрдамчи, йўловчи саволлардан фойдаланиши мумкин. Шундай сухбатлар ҳам бўлиши мумкинки, унда ўқувчи (талаба)лар илгари ўзлаштирган билимларини эслайдилар, тизимга соладилар, умумлаштирадилар, ҳулоса чиқарадилар. Бундай сухбатлар асосан тушунтириш характериға эға ва илгари ўзлаштирилганларға суяниш, ўқувчилар хотирасини фаоллаштиришни кўзда тутлади.

Сухбат услуби ва унга таркибий қисм бўлиб қирувчи усуллардан фойдаланишда ўқшувчи (педагог)нинг самимийлиги, чеҳрасининг очиқлиги, руҳининг кўтаринкилиги етакчи ўрин эгаллайди.

Таълимнинг кўргазмали услубини шартли равишда икки катта гуруҳға бўлиш мумкин: кўргазмали ва намойиш қилиш **услублари**.

Кўргазмали услуби. Ўқувчи (талаба)ларға намойиш этиладиган қўлланмалар- харита, плакат, доскадаги чизма ва расмлар, алломаларнинг сурати ва бошқаларни кўрсатишни кўзда тутлади.

Амалий услублар тарбия фаолиятининг хилма —хил тур — лари кенг доирасини қамраб олади. Амалда қуйидаги усуллар қўлланилади: вазифа (мақсад) ни қўйиш, уни бажариш услу — бини режалаштириш, бажариш

жараёнини бошқариш, таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эри — шиш учун таълим жараёнига тузатиш киритиш.

Амалий услубларга ёзма машқлар — она тили ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича топшириқни бажариш машқлари киради. Машқ давомида ўқувчи (талаба) олган на — зарий билимларини амалда қўллайди.

Амалий машқларнинг конкрет турларидан бири машқни шарқлаш ҳисобланади. Уни бажаришда ўқувчи (талаба) бўла — жак хатти — иаракатини фаол мушоҳада қилади, ўзига ўзи эшиттириб гапиради, бўлажак воқеани шарҳлайди. Ҳаракатни шарҳлаш ўқувчи (талаба)га изининг типик хатосини англашга ва ҳаракатига тузатишлар киритишига кўмаклашади.

Амалий тарбия услубларнинг иккинчи гуруҳини лаборатория тажрибалари ташкил қилади. Кейинги йилларда мактаб, академик лицей, касб—қунар коллежлари ва олий ўқув юрт ларида фронтал лаборатория ишлари мустақкам ўрин олди. Шунингдек, амалий услубларга устахоналарда, ўқув-ишлаб чиқариш цехлари, ўқувчи (талаба)лар бригадасида меҳнат топшириқларини бажариш ҳам киради. Бу топшириқлар ўқув — машқ характериға эға бўлиши мумкин. Буларда ўқув устахонасидаги қоғоз, картон, металл билан ишлаш, машқ қилдириш, турли асбобларлардан фойдаланиш, дастгоҳ ва механизмларни бошқариш ва хоказо ишлар билан боғлиқ барча амалларни киритиш мумкин. Таълимнинг шундай услублари ҳам қўлланиладики, бунда ўқув жараёнида конкрет бир корхонанинг ишлаб чиқариш топшириғи бажарилади.

Муаммоли—қидирув услублари муаммоли таълим жараёнида қўлланилади. Бу услублардан фойдаланишда ўқитувчи (педагог) аввало муаммоли вазият яратади, саволлар қўяди, масалаларни, эксперементал топшириқларни таклиф қилади, муаммоли вазиятни ечишға қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларининг тўғрилигини тасдиқлайди. Ўқувчи (талаба)лар олдинги билим ва тажрибаларига асосланиб муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги таклифларини айтади, олдин олган билимларини у мумлаштиради, ҳодисаларнинг сабабларини аниқлайди, уларнинг келиб чиқишини тушунтиради, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона вариантини танлайди. Бу услуб ўқувчи (талаба)ларнинг билимға қизиқишини оширибгина қолмай, уларда фикрлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Таълимнинг муаммоли—қидирув услублари амалда билимни сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт услублари ёрдамида амалға оширилади. Шу билан биргаликда ўқув материални муаммоли баён қилиш услубини қўллашға, амалий муаммоли-қидирув ишларини бошқариш, ҳатто тадқиқот типидagi амалларни олиб бориш тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Ўқув материални муаммоли услуб ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим баёни давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, фактларни таҳлил қилиш, ўқувчи (талаба) фикрини ўз ортидан эргаштириш, уни фаолроқ қилиш каби усуллардан фойдаланилши кўзда тутaди.

ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Танқидий фикрлашнинг фаол методларини ишлаб чиқишда қуйидаги асослардан келиб чиқади: танқидий фикрлаш нима? «Фикрлаш – Ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва эшитишга Ўхшаш жараён». У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, унда Ўзида бирор ҳақиқат тўғрисидаги фикрларни қамраб олади. Фикрлаш контекстдан ташқарида ҳосил қилинадиган кўникма эмас.

Танқидий фикрлаш таълимий дастур ёки кундалик ҳаётнинг умумий контекстидан йироқлашган шароитда Ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса ҳам эмас. *Браун* таъкидлайдики, вазифа ва реал ҳаёт мақсадларидан ажратилган Ўқув кўникмалари таълим олувчиларга объектив тестларни яхши топшириш имкониятини бериши мумкин, лекин улар бу кўникмаларни янги вазиятларда қўллай олмайдилар. *Рихер* таъбири бўйича Ўрганиш ва фикрлашнинг таърифи когнитив психология, фалсафа ва мультимедиа маданияти таълими соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига асосланади.

Бу тадқиқотларнинг **асосий натижалари**:

✓ самарали ва муттасил Ўрганиш асосида талабаларнинг ахборотларни **Ўзлаштириш, синтезлаш ва уларни тўла эгаллаш** фаоллиги ётади (*Андерсон ва унга ҳаммуаллифлар, 1985*);

✓ ўрганиш жараёни фикрлаш фаолиятини ривожлантиришнинг турли туман стратегияларидан фойдалангандагина муваффақиятлироқ бўлади. Бундай стратегия **Ўрганиш жараёнини янада онглилаштиради** (*Палинскар ва Браун, 1989*);

✓ ўрганиш ва танқидий фикрлаш талабаларнинг аниқ вазифаларга нисбатан **янги билимларни қўллаш** имкониятларига эга бўлган тақдирда ривожланади (*Ресник, 1987*);

✓ ўрганиш талабаларнинг олдинги билимлари, тажрибаларига таянгандагина мустаҳкамланади. Булар талабаларнинг билган билимларини **янги ахборотлар билан боглаш** имкониятини беради (*Рос, 1990*);

✓ танқидий фикрлаш ва Ўрганиш ғоя ва тажрибаларнинг турли-туманлигини педагоглар тушунган ва қадрлаган вақтдагина амалга ошади. Танқидий фикрлаш «**яккаю ягона тўғри жавоб**»ни қабул қиладиган менталитет жараёнида юз бермайди.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл ҳам йўқ. Лекин танқидий фикрловчиларнинг шаклланишига ёрдам берувчи муайян Ўқув шароитлари тўплами мавжуд:

- ✓ талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;
- ✓ турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш;
- ✓ талабаларнинг Ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;

- ✓ талабаларни кулгига қолмасликка ишонтириш керак;
- ✓ ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига Ўзларида ишонч ҳиссини уйғотиш;
- ✓ танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш лозим.

Шу муносабат билан **талабалар**:

- ✓ Ўзига ишончни орттириш ва Ўз фикри ҳамда ғояларининг қадрини тушуниш;
- ✓ Ўқув жараёнида фаол иштирок этиш;
- ✓ турлича фикрларни эътибор билан тинглаш;
- ✓ Ўз ҳукмларини шакллантиришга ҳамда ундан қайтишга тайёр туриши лозим.

Танқидий фикрлаш **вақт** талаб қилади. *Пирсон, Хансен ва Гордонлар* таъкидлашадики, Ўз фикрларини ижод қилиш гўё аввалги ғоя, тасаввур, учрашувлар ва тажрибаларни археологик жиҳатдан тадқиқ қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам:

- ✓ фикрларини Ўз сўзлари билан ифодалаш;
- ✓ Ўзаро танқидий фикрлар алмашиш;
- ✓ Ўз ғояларини ифодалай олиш ва конструктив таклифларга жавоб ола билиш;
- ✓ фикрларни муайян ғоялар қиёфасида, қулай муҳитда амалга ошира олиш ва Ўз ғояларини тўла ва аниқ ифодалай олиш.

Изн - танқидий фикрлашда эркинлик бўлиши учун талабалар маъқул ва номаъқул нарсаларни айтиш, улар ҳақида фикрлаш, ижод қилиш учун рухсат олишлари лозим. Талабалар йўл қўйиладиган ҳолатларни англаб олишгач, танқидий таҳлил қилишга фаол киришадилар. Танқидий таҳлилга изн олиш онглилик тамойилига асосланади. Бунда таҳлил ва ҳаддан ошиш орасидаги фарқ аниқлаб берилиши лозим. Танқидий фикрлашга изн фикрлаш учун чинакам мақсад бўлган ва дўстона ҳамда самарали шароитда берилади.

Ранг-баранглик - талабаларнинг фикрлаш жараёнида турли фикрлар ва ғоялар пайдо бўлади. Ранг-баранг фикр ва ғоялар яккаю-ягона жавоб мавжудлиги ҳақидаги тасаввур бартараф қилинган чоғдагина юзага келади. Фикрларни ифода қилиш чегараланганда талабаларнинг фикрлашига чек қўйилади. Фақат биргина жавоб мавжуд бўлган тақдирда хилма-хил восита ва жараёнлардан фойдаланиш жоизки, унинг ёрдамида талабалар ана шу жавобни топа олсин.

Фаоллик - танқидий фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғланган. Одатда, талабалар сусткаш тингловчилар бўлишади, чунки уларда ўқитувчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимлари ўқитувчи масъул деган ишонч шаклланиб қолган. Ўқув

жараёнидаги талабаларнинг фаол иштироки ва Ўқишларига Ўзларининг масъул эканлигига тайёрлиги танқидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, Ўз ғоялари ва фикрлари билан Ўзаро Ўртоқлашишга даъват этиш каби педагогик ёндошув уларнинг фаоллигини Ўстиради. *Михали Чикжентмихалий* таъкидлайдики, талабалар Ўша мураккаб даражадаги Ўқув жараёнида фаол иштирок этишса, билиш жараёнида қатнашганлигидан катта баҳра оладилар ва Ўзларида чуқур қониқиш ҳиссини сезадилар.

Таваккалчилик - эркин фикрлилик таваккалчиликка асосланади. Унинг билим фаолиятида қўрқмай таваккал қилувчи инсонларни рағбатлантириб туриш жоиздир. Фикрлаш жараёнида «аҳмоқона ғоялар» ақл билан тузилмаган бирикма ва тушунчалар илгари сурилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи уни Ўқув жараёнини табиий ҳолати сифатида талабаларга тушунтириши лозим. Талабаларни таваккалдан ҳоли бўлган, яъни ғоялар қадрланган, талабаларнинг фикрлаш фаолиятида фаол иштирокини юқори мотивациялаш имкони бўлган муҳитда Ўйлаш лозимлигини уларда ишонч ҳосил қилиш зарур.

Қадрлаш - танқидий фикрлашнинг омилларидан бири талабаларнинг фикрлаш жараёнини қадрлашдир. Ташкил этилган фикрлаш жараёнида талабалар Ўз ғоялари, тасаввурларининг Ўқитувчи томонидан қадрланаётганини тушунган чоғдагина чуқур масъулият ва эътиборга яраша жавоб қайтарадилар. Талабалар Ўз фикрлаш жараёнини қадрлашни намоёиш қилишга ҳаракат қиладилар, унга ва унинг оқибатларига нисбатан жиддий муносабатда бўла бошлайдилар.

Қимматлилик - фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талаба уларнинг фикрлари, Ўз танқидий таҳлили натижалари қимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи талабалардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан ҳоли бўлиши лозим. Бу эса талабаларда Ўзгалар ғояларини механик тарзда қайта ишлаб чиқиш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Аслида талабаларга Ўз фикри, Ўзига тааллуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш зарур. Талабаларнинг Ўзлари ҳам Ўз фикрларининг қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари зарур. Улар Ўз фикрининг тушунча ва масалани муҳокама қилиш жараёнида Ўта муҳим, шунингдек, катта ҳисса бўлиб ҳисобланишини тан олишлари керак.

Ўзаро фикр олишув - фикрлаш жараёни талабаларнинг Ўзаро фикр олишувини кўзда тутди. Талабаларнинг Ўзаро фикр олишиши уларнинг биридан Ўрганишдаги Ўртоқчилигига асос солади. Талабалардан фикрловчи сифатида Ўзларида бўлган йирик фикр ва оддий хатога бўлган қобилиятларини бошқаларга очиб бериш талаб этилади. Ўзаро фикр олишишда талабалардан диққат билан тинглаш, Ўзининг қарашлар тизимини сўзловчига зўрлаб ўтказиш

ва бошқа сўзловчиларни тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўлароқ талабалар ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга янада қобилияти орта боради ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларида яратган ғоялари тизимига тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд:

- ✓ ўзига ишонч ҳосил қилиш;
- ✓ ишда фаол иштирок этиш;
- ✓ ўртоқлар ва ўқитувчи билан фикр олишиш;
- ✓ ўзгалар фикрини тинглай олиш.

Танқидий фикрлашни **таъминловчи саволлар** - танқидий фикрлаш жараёнида ахборотни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, ғояларини таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳикояларни ўз тахминий режалари билан қайта тузиб чиқишга қаратилган саволлардан фойдаланилади. Қўлланмада таҳлил қилинаётган бу масалалар *Сэндерс* ифодалари ва *Блум* тизимли саволларидан олинди. Бу саволлар турли сатҳдаги қийинчиликда фикрлашнинг турли кўринишларини таъминалашда восита бўлиб хизмат қилади. Эслаб қолишга хизмат қиладиган саволлар ёки формал сатҳдаги саволлар энг куйи сатҳдаги саволларга тааллуқлидир. Баҳолаш ёки ҳукм чиқариш бериладиган саволлар фикрлашни таъминлайдиган иккинчи сатҳдаги саволлар сифатида қаралади.

Танқидий текшириб кўриш



3. Ўзлаштиришнинг махсулдор даражалари учун педагогик технологиялар

Чет эллик педагог-олимлар педагогик технология масаласида таълимнинг юқорироқ даражалари учун ҳам ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқмоқдалар.

Америкалик олимлар: Р.Ганье ва Л.Бриггслар педагогик технология усулида даре ўтишнинг қуйидаги шаклини таклиф этганлар. Дарс ўтишнинг бу усули хусусий ўқув мақсадларига эришишга ҳамда фикрлаш (тафаккур)нинг маҳсулдор даражаеини рағбатлантиришга қаратилган:

- 1.Ўқувчилар диққатини жамлаш.
- 2.Талабаларга дарс мақсадини етказиш.
- 3.Керакли билимларни эда қолдириш ва кўникмаларни эгаллаш зарурлигини уқдириш.
- 4.Ўқувчида кизиқиш уйғотиб, ҳаракат қилишга ундайдиган ўқув материални такдим этиш.
- 5.Ўқувчининг жавоб ҳаракатларини маъқуллаб рағбатлантириш.
- 6.Талаба ўзлаштирганидан хабардор бўлиб бориш.
- 7.Талабанинг фикрлаш (тафаккур) фаолиятини бошқариш, билим ва малакаларни мустаҳкамлашни рағбатлантириб бориш.
8. Талабаларнинг ҳаракатларини баҳолаш.

Инглиз олими А.Ромишевекий педагогик технология методининг қуйидаги вариантини тавсия этади:

- 1.Керакли билимларнигина етказиш.
- 2.Дастлаб репродуктив даражада кўникмаларни шакллантириш;
- 3.Бола бажарадиган иш-ҳаракатни яхлит ҳолда ва қисмлари бўйича намоиш этиш.
- 4.Малака ҳосил қилишни соддалаштириш (топшириқни қисмларга ажратиб бажартириш).
- 5.Талаба мустақил бажараётганидан доимий хабардор бўлиб, маъқуллаб, уни рағбатлантириб бориш.
- 6.Маҳсулдор, тадқиқий босқичга ўтиш.
- 7.Хилма-хил муаммоли вазиятларни ташкил этиш -нестандарт вазифаларни бажартириш.
- 8.Ўқувчи ўз фаолиятини таҳлил этиб, ўқитувчи (гуруҳ) бипан қандай бажарганини муҳокама этиб бориш.

Америкалик олим Ф.С.Келлер олий ўқув юртлари учун педагогик технология усулининг индивидуаллаштирилган тизимини ишлаб чикди.

Келлер режасининг муҳим белгилари қуйидагилар:

1. Ўқув материали мазмунини (олдин ўтишган бўлимнинг мазмунини ҳам) талаба тўлиқўзлаштириб олдиға эришиш.
2. Ҳар бир талаба ўз ўзлаштириш тезлигига биноан алоҳида ишлаши.
3. Маърузадан талабаларда мотив ҳосил қилиш ва умумий йўналтириш учунгина фойдаланиш.
4. Ўқув ахборотларини баён қилиш учун нашр этилган ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш.
5. Ўқув материалининг бўлимларини ўзлаштирганини аниқлашда ёрдамчи - ассистент (аспирант, аълочи студент)лар кучидан фойдаланиш.

Юқорида баён этилганлар таълимга технологик ёндашувнинг шакл ва кўринишлари хилма-хиллигидан далолат беради. Россия Федерациясида “Школьные технологии” номли янги педагогик журнал ҳам чиқарилмоқда. Ўзбекистон республикасида ҳам педагогик технология соҳасида чет эл тажрибаларини ўрганиш, миллий- маданий анъаналаримизни, таълим соҳасида эришилган даражани инобатга олиб, педагогик технология усулини ўзлаштириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Азизхўжаева Н.Н Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2006
3. Р.Ишмухаммедов ва б. Тарбия технологиялари. Т.2008
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: 2005.
5. Ходжаев Б.Қ., Олимов Ш.Ш. Янги педагогик технологиялар. Б.2004
6. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши.Насаф. 2000

6-мавзу: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАР. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ.

Режа:

1.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқитувчи фаолияти тизимида педагогик маҳорат.

2.Педагогик маҳорат ҳақида тушунча ва унинг моҳияти.

3. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг мазмуни.

1.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқитувчи фаолияти тизимида педагогик маҳорат.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Тоталитар бошқарув усули асосида иш юритилаётган халқ таълими тизимида ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш вазифаси Республика ҳукумати ҳамда мутасадди ташкилотларни таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга ундади. Бу борадаги саъи-ҳаракатларнинг самараси сифатида 1992 йил июл ойида мустақил Ўзбекистоннинг илк «Таълим тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун мазмунида Республика таълими тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад, вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз

ифодасини топди. Бироқ, 1997 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган ғояларнинг амалиётга тадбиқи таҳлил этилганда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, таълим тизимида олиб борилаётган ислохот аксарият ўринларда чуқур илмий асосларга эга бўлмаганлиги маълум бўлди ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш зарурлиги белгиланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қараш ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборатдир².

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илгари сурилган мақсаднинг тўлақонли рўёбга чиқариш бир қатор вазифаларнинг ижобий ҳал қилинишини назарда тутди. Дастурда бу борадаги вазифаларнинг қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилади:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислох қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув, илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошираётган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаштириш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятининг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

- таълим оловчиларни маънавий ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

² Ўша манба, – 25-бет.

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

- таълим, фан, ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳар бир босқичда муайян вазифаларнинг ҳал этилиши назарда тутилади. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий шарт-шароитларни яратиш.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) - Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш. Бу босқичда, шунингдек, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичда таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш вазифаларининг ҳам ҳал этилиши алоҳида урғу берилади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш. Бу босқичда, яна шунингдек,

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш;

- ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланиши;
- миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш;
- таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинishiга эришиш каби вазифаларнинг ҳам ижобий ечими таъминланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга тадбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўймоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»¹.

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

Ўқитувчи (педагог) педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси 3-бандига мувофиқ таълим муассасаларида судланган шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

Бизнинг назаримизда, замонавий ўқитувчи-бакалавр қиёфасида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак (сўз юритилаётган сифатлар моҳиятан ўқитувчи-бакалавр томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифа, бурч ва масъулиятларини ифодалайди):

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

¹ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг шуқуқуий кафолати. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош ташририяти, 1993, 27-28-бет.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.
3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.
4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.
5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.
6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.
7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.
8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:
- а) нутқнинг тўғрилиги;
 - б) нутқнинг аниқлиги;
 - в) нутқнинг ифодавийлиги;
 - г) нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзлардан ҳоли бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;
 - д) нутқнинг равонлиги;
 - ж) нутқнинг бойлиги (ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).
9. Ўқитувчи кийиниш маданияти (содда, озода, бежирим кийиниши), таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишни ўзлаштиришга эришиши.
10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.
- Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни баратараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Ўқувчи, оналар ҳамда ҳамкасblари билан мулохот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ. Улар билан муносабат

жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Педагогик маҳоратни эгаллаш йўллари. Ўқитувчи баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида иштирок этар экан, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрناк бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратини намоён эта олиши, етук педагог сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

Педагогик маҳорат – юксак педагогик тафаккур, таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти бўлиб, у доимий равишда педагогик билимларни ошириб бориш, янгиликлардан хабардор бўлиш, илғор технологияларни ўзлаштириш асосида таркиб топади. Ёш, шунингдек, таълим муассасасида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишлари ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши ҳисобига таъминланади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мустақил ўқиш-ўрганиш (педагогика фанида рўй бераётган янгиликлар ҳақида маълумотларни берувчи янги адабиётлар, Интернет материаллари, вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилаётган маълумотлар, шунингдек, илғор технологиялар билан танишиб бориш, уларда илгари сурилаётган ғояларни умумлаштириш, хулосалаш асосида мустақил лойиҳаларни тайёрлаш).

2. Ҳамкасб тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш (таълим муассасасидан четга чиқмаган ҳолда ташкил этилиб, вақт, шунингдек, иқтисодий нуқтаи назардан самарали саналади. Тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш улар томонидан ташкил этилаётган машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бу борада олинган таассуротларни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир).

3. Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курс (институт)ларида касбий малакаларини ошириш.

4. Доимий равишда илмий анжуманлар (назарий ва амалий конференция ҳамда семинарлар, педагогик ўқиш ҳамда тренинглар)да фаол иштирок этиш.

5. Республика ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш (стажировка).

Педагогик маҳорат ҳақида тушунча ва унинг моҳияти.

Педагогик маҳорат - бу ўқитувчи – тарбиячининг шундай шахсий (болажонлиги, хайрихоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) **ва касбий** (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгиладиган хусусиятки, у ўз ўқув фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик – психологик ва методик тайёргарлигида, талаба – ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўлларини излаб топиб, амалий фаолиятга қўллашида намоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметида давр талаблари асосида билиши, педагогика, психология, методика фанларини мукамал ўзлаштириши ҳамда инсонийлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик каби маънавий – ахлоқий фазилатларни ўзида таркиб топтириши лозим.


Шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ зарурки, ўқитувчилик касби мураккаб ва маъсулиятли касбдир. Ушбу касбнинг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, у доимо онгнинг ягона соҳиби бўлган инсон билан мулоқотда бўлади. Онгли ва тирик жонзот эса ақлий, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шунинг учун, ўқувчи билан доимо мулоқотда бўлганда, унга таъсир кўрсатиш учун мунтазам равишда психология, тарбия назарияси каби фанларни мукамал ўрганиб, ўз касбий маҳорати устида муттасил иш олиб бориши керак. Бу ўқитувчидан педагогик – психологик ва методик тайёргарликни таъминлайди.

Педагогик маҳорат - педагогик жараёнда таркиб топади. Педагогик жараён эса касбий ва шахсий тайёргарликни йўлга қўйиб, бўлажак мутахассисни меҳнатга, ҳаётга тайёрлаш учун давлат, жамият, миллат ва келажак авлод олдида жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади. Шунинг учун, педагог шахсий ва касбий фазилатлар эгаси бўлиши лозим. Педагогнинг шахсий фазилатлари сирасига иймон – эътиқоди, дунёқараши, ижтимоий эҳтиёж ва фаоллиги, одоб – ахлоқи, фуқаролик бурчларини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва мақсадга интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги ва ҳ.к.лар кирилади. Булар ўқитувчига касбий хусусиятларни ўзида тарбиялаб боришга кўмаклашади.

3. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг мазмуни.

Юқорида қайд этиб ўтилган ва педагогик маҳоратга берилган таъриф, ҳамда ўқитувчи-тарбиячининг профессиограммаси хусусиятлари ва ўқитувчига қўйиладиган ижтимоий–иқтисодий, сиёсий-маданий талаблардан келиб чиқиб педагогика назарияси педагогик маҳоратни қуйидаги асосий компонент (таркибий қисм)лардан иборат бўлиши лозимлигини ифодалайди. (1.1 жадвалга қarang).

Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари



Буларнинг барчаси хусусий моҳият-мазмун касб этсада, улар яхлит ҳолда ўқитувчи-тарбиячи(педагог)нинг касбий малакаларининг мазмунини ифодалайди.

Зеро, **педагогик техника** – ўқитиш, таъсир кўрсатиш, таълим тарбия олувчиларга ўз ҳис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини узатиш технологиясини ифодаласа, **педагогик муомала** – ўқитувчи касбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълим - тарбияда шу жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ҳамкорлигини акс эттиради.

Педагогик ижод – ўқитувчининг маҳорат пилаларидан кўтарилишида яратувчанликни, ташаббускорликни, педагогик уддабуронликни ва тадбиркорликка элтувчи йўлни, бу йўлдаги қийинчиликлардан кўрқмасликни англатади. Ўз навбатида бу соҳада ўқитувчининг **педагогик қобилияти** ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки у педагогик жараёнда ўқитувчининг ақлий, эмоционал – иродавий жиҳатларини, ташкилотчилигини, билимдонлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этишини ифодалайди.

Педагогик маданият ўқитувчи-тарбиячилик бурчи, масъулияти, кадр-қиммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, ўқитувчининг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини англатади. Педагогик маҳорат тизимида **педагогик назокат (такт)** – ўқитувчининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади. Педагогик маҳоратнинг қайд қилинган таркибий қисмлари ўқитувчининг касбий хусусиятларини бойитади ва уни моҳирлик сари етаклайди ва ўқитувчи - тарбиячида педагогик маҳорат малакаларининг таркиб топишига ёрдам беради. Аммо, ўз касбининг моҳир устоси бўлиш учун фақатгина уларга таяниб, иш тутиш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Бунинг учун мунтазам равишда педагогик фикрлаш, педагогик ўйлаш, педагогик иш тутиш лозим бўлади. Бу деганимиз, ўз фаолиятини педагогик ҳодисаларни, вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг ҳар бир боғланиш жойларини англашга интилиш, кунлик натижаларни мустақил равишда таҳлил қилиши ва янги таълим-тарбияга доир ғояларни аввалгилари билан таққослай олишга одатланиши ҳам лозим бўлади. Асосий педагогик-психологик муаммоларни топа олиш уларни ҳал этишнинг энг қулай йўллари топиш устида ўйлаш ҳам керак.

Педагогик маҳорат тизимида унинг асосий компонентларидан ташқари касбий хусусиятлар ҳам мавжуд. Педагогнинг касбий хусусиятларига: ўз касбини, талабаларни севиши, зийраклиги, ҳозиржавоблиги, вазминлиги, педагогик салоҳияти, тасаввури, иқтидори, ташкилотчилиги, чуқур ва кенг илмий савияси, касбий лаёқатлилиги, маънавий эҳтиёжи ва қизиқиши,

интеллекти, янгиликни англай ва қўллай олиши, касбий маълумотни мунтазам оширишга интилиши ва бошқа фазилатлари киради.

Юқорида қайд этилган фикрларга асосланиб, касбий педагогик маҳоратни муайян тайёргарлик жараёнларидан иборат деб айтиш мумкин. Бу тайёргарликни шартли равишда қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

- 1) педагогнинг шахсий фазилатлар бўйича тайёргарлиги;
- 2) педагогнинг руҳий – педагогик тайёргарлиги;
- 3) педагогнинг ижтимоий - педагогик ва илмий – назарий тайёргарлиги;
- 4) педагогнинг махсус ва ихтисосга оид услубий тайёргарлиги.

Таърифда қайд этилганидек педагогик маҳорат – ўқитувчи – тарбиячининг шахсий ва касбий сифатлари йиғиндиси ҳисобланиб, у педагогик – психологик, методик билимлар мажмуасидан иборат бўлади. Бунинг учун, аввало:

а) ихтисослик бўйича замон, илм – фан, техника тараққиёти даражасида мукамал маълумотга эга бўлиши, ўз ўқув фанининг кесишадиган ўқув фанлари билан боғлиқлигини таъминлаш малакасига эга бўлиши;

б) ўқув – тарбия жараёнини аниқ ташкил қила олиш ва бунинг учун муайян педагогик – психологик, методик маълумотга эга бўлиши;

в) талабани, жамоани «кўра билиш», уларнинг қизиқиши, интилишларини тушуна олиш ва ўқувчилар фаолиятида учрайдиган қийинчиликларни тушуниш ва уларни ўз вақтида англай олиш, зукколик билан ҳар бир боланинг характер хусусияти, қобилияти, иродасини англай билиш ҳамда уларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардор бўлиш;

г) ўз шахсий сифатлари (маданияти, ташкилотчилик қобилияти, бадий эҳтиёжи, диди ва ҳ.к.) ни такомиллаштириш малакасига эга бўлиш керак.

Мустақил Республикамизнинг ўқитувчиси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қайд этилганидек юксак маънавий – ахлоқий фазилат, хулқ маданияти ва миллий истиқлол мафкурасини мукамал эгаллаши керак бўлади. Зеро, ўқитувчи – тарбиячи юксак маънавият, ахлоқ - одоб, хулқ маданиятига эга бўлсадагина, талабаларга инсоний нуктаи - назардан меҳрибон, саховатли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Бунинг учун ақл – заковатли, сахий, қатъий, иродали, кўнгли очиқ бўлиши, ўзига ва талабаларга нисбатан талабчан, меҳрибон ва хайрихоҳ, ўз шахсига танқидий нуктаи назардан ёндаша оладиган бўлиши талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Азизхўжаева Н.Н Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2006
3. Ахмеджонов М.М., Ходжаев Б.Қ.,Ҳасанова З. Педагогик маҳорат. Т.:2008
4. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Т.:2011
5. Саидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар. Тошкент 2003

7-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ФИКР ВА МАКТАБ АМАЛИЁТИДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ

Режа:

1.Энг қадимги даврлардан эрамизнинг 7-асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи тўғрисидаги қарашлар.

2. Шарқ мутафаккирлари ижодий меросларида мударрисларни танлаш ва уларга қўйиладимган талабалар.

3. Юнон ва Рим файласуфларининг педагоглар ва уларнинг ноиқлик санъати тўғрисидаги ғоялари

4. Я.А.Коменский, А.Дистервег, К.Д.Ушинский ВА бошқаларнинг ўқитувчи, унинг касбий тайёргарликги тўғрисидаги қарашлари

5. Ҳозирги замонда ўқитувчи ва унинг шахсий, касбий хусусиятлари

1.Энг қадимги даврлардан эрамизнинг 7-асрларигача бўлган даврларда ўқитувчи тўғрисидаги қарашлар.

Энг қадимги даврлардан эрамизнинг ХИИ асрларигача ўқитувчилик фаолияти тўғрисида ижтимоий қарашлар.

Таълим ва тарбия тарихини ўрганар эканмиз, унинг ривожланиши, йиллар давомида шаклланиб бориши устоз ва шогирд фаолиятига боғлиқлигининг гувоҳи бўламиз. Энг қадимги даврлардаёқ мударрислар (ўқитувчилар) таълим ва тарбиянинг самарали таъсир усуллари қидириб топиб, ҳаётга татбиқ эта бошлаганлар. Бунинг натижасида эрамиздан олдинги даврлардаёқ таълим-тарбиянинг самарадорлигига еришилиши учун ўқитувчига боиган талаблар кучайиб борди. Ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш юзасидан турли ғоялар, назария ва тавсиялар пайдо бўла бошлади.

Милоддан аввалги VII - VI асрларда Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш кучларининг ортиб бориши билан ижтимоий ҳаётда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Турк ва форс тилида сўзлашувчи халқлар ўртасида ўзаро маданий алоқалар юзага келди. Ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлашда асрлар давомида қўлланиб келинган, турли миллатнинг ўзига хос урф-одати ва анъаналарига мос равишда татбиқ етилган таълим ва тарбиянинг ноёб усул ва воситалари, тадбир ва шакллари вужудга кела бошлади. Ҳали мактаб бўлмаган, педагогик филер таркиб топмаган даврдаёқ қабила аъзолари болаларда меҳнацеварлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр- шафқат, инсонпарварлик сифатларини таркиб топтириш соҳасида ақл идрок билан фаолият олиб боришган. Уларнинг таълим-тарбия усуллари йиллар давомида ҳаёт тажрибаси ва синовларидан ўтиб, сайқалланиб ўша даврнинг олижаноб меvasи сифатида бизнинг давримизгача етиб келди.

VII асрларга келиб Ўрта Осиёда илм-фан ва маданият соҳасидаги ривожланиш бевосита таълим ва тарбия берувчи мударрисларнинг қизғин фаолияти ҳамда уларга қўйиладиган талабларнинг ниҳоятда ранг-баранглиги

ва хилма-хиллиги билан диққатга сазовордир. Илк ибтидоий жамоа ва қулдорлик даврларидан бошлаб, болаларнинг таълим ва тарбиясига жавобгар уламолар ҳамда мударрислар насихат, тушунтириш, рағбатлантириш, мақташ, намуна кўрсатиш, танбеҳ бериш, таъқиқлаш, мажбур қилиш, пўписа қилиш, қўрқитиш каби усуллардан фойдаланганлар. Бироқ мударрисларнинг ўзи болага таълим-тарбия бериш учун мукаммал амалий ва назарий билимга ега бўлиши керак еди. Шу сабабли мударрислар саводли мадраса толиблари орасидан танланган ва маълум муддат тайёргарликдан ўтишган.

Марказий Осиёнинг Хоразм заминида шаклланган энг қадимий ва *“ўтмишдаги динларнинг энг кучлиларидан бўлган”* (Ю.А.Раппопорт) зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да болалар таълим-тарбиясига оид қизиқарли маълумотлар берилган. “Авесто”да таъкидланадики, билим ва тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у авало ёзишни ўрганиш асосида билим олиши керак, сўнгра еса одоб-ахлоқи билан энг юксак поғонага кўтарилсин. Коҳин муаллимлари оқсоқоллар Кенгаши томонидан танланиб, қатъий белгиланган қоидалар асосида ёшларга таълим ва тарбия беришган. “Авесто”да болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари қуйидаги тартибда тавсия етилган:

- а) диний ва ахлоқий тарбия;
- б) жисмоний тарбия;
- в) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Махсус тайёргарликдан ўтган муаллимлар болаларни йетти ёшидан бошлаб, диний тарбияга асосланган мактабларга жалб қилишган. Мактабларда “муқаддас яшил кўйлак” кийдириш маросими ўтказилгач, коҳин муаллимлар болаларни “Авесто”да келтирилган мададкор кучларни улуғловчи езгулик ва яхшилик маъбудасига сиғинтиришган. Дуолар қуйидаги сўзлар билан бошланган: “Мен зардуштийлик динига содиқ қолишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши амалларга ишо- наман...”. Маросимдан сўнг муаллимлар болаларга совғалар улашишган. Муаллимлар машғулотлар жараёнида болаларга нисбатан жисмоний жазодан кўра кўпроқ ўз динига ишонч ва еътиқодни, дунёдаги барча яхшилик ва езгуликларнинг бунёдкори, илоҳий Ахурамаздага сиғинишни, одамлар бошига ёвузлик ва ёмонликлартии ёғдирувчи Ахримандан еса нафратланиш ҳиссини тарбиялар едилар. Болаларнинг соғлом ва бақуват бўлиб ўсиши билан бирга ўз динининг барча расм- русумларини тўлиқ бажаришига, ўрганилаётган фанларни пухта билишига, ахлоқий поклигига, меҳнацеварлик, ростгўйлик, саховатлилик каби фазилатларни егаллашига коҳин муаллимлари жавобгар едилар. “Авесто”да ер, сув ва ҳаво муқаддас деб еълон қилиниб, муҳитни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уриш билан жазоланарди. Табиатни асраш, уни обод қилиш ёшлик даврлариданоқ улар онгига сингдирилган. Зардуштийлик дини таълимотида илгари сурилган умуминсоний қадриятлар мажмуаси езгулик ва яхшилик, жаҳолат ва ёмонлик, таълим ва тарбия ҳақидаги ғоялари билан улкан педагогик таъсир кучига ега

бўлган. Бунда тарбиячи муаллимларнинг ўз касбига садоқатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. *Зардуштийлик динида иймон учта таянчга асосланади: фикминг софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги.* Муаллимлар таълим ва тарбияда ёшлар онгига “берган сўзнинг уддасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотик ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш, ҳалол меҳнат, яратувчилик, ёвузликни қалбдан чиқариб ташлаш, иймон еътиқодли бўлиш, мискинларга ёрдам бериш, яхши ният, яхши сўз я яхши амалларга қўл уриш” каби инсоний туйғуларни сингдириш учун қизғин меҳнат қилганлар. Хуллас, “Авесто” дунёдаги енг қадимги дин - зардуштийлик таълимотининг ахлоқий фалсафаси сифатида еътироф етилади.

Буюк алломаларимиз ўз асарларида мударрислар касбининг нозиклигини, масъулиятли эканлигини ва мураккаблигини, шу билан бирга шарафли эканлигини, ёритиб, муаллимнинг маҳорати, уларга қўйилган талаблар, фазилатларига оид қарашлар, шогирдлар билан муносабатга киришиш маҳорати, муомаласи тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Уйғониш даврининг йетук намоёндалари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус, Абул-Қосим Умар Аз-Замахшарий, Шайх Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз ал-Кошифий кабиларнинг ижодий мероси педагогик тафаккурни шакллантиришда бўлажак мураббийларга муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Улар авлодлардан авлодларга ўтиб, ўз қимматини йўқотмаган мударрисларни, тарбиячиларни тайёрлаш тажрибаларини умумлаштириб, бойитиб боришган. Зеро, инсоният келажаги ва курраи заминнинг гуллаб-яшнаши фақат таълим ва тарбияга боғлиқ эканлигини буюк мутафаккирлар чуқур ҳис қилишган. Шунинг учун муаллимлар кучи ва ғайрати билан баркамол авлодни тарбиялаш уларнинг енг ёрқин орзуси бўлиб келган. Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаб ўтган алломаларнинг бу борада ўз ўми ва ҳурмати бор. Баркамол авлодни тарбиялаш, бунда муаллимнинг ўрни тўғрисида алломаларимиз ижодий меросидан жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин.

Абу Наср Форобий (873-930) Оърта Осиё халқлари маданиятини ривожлантиришга улласан ҳисса қўшган олимдир. Форобий арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқани муҳим тарбиявий фанлар деб атади. Ушбу фанлами ўргатувчи ўқитувчини ҳар томонлама мукамал билимга ва тажрибага ега бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Форобий таълимотига кўра, таълим-тарбия жараёни тажрибали ва билимли ўқитувчилар томонидан ташкил етилиши, бошқарилиб турилиши ва маълум мақсадларга йўналтирилган бўлиши лозим, чунки “ҳар бир бола ўзича нарса ва ҳодисаларни била олмайди ҳамда бахтга еришолмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим”⁵. Таълим ва тарбия беришда “...устоз шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки ортиқча зулм, шогирд дилида устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда ҳам юмшоқ кўнгилли бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб қолади. Шунинг учун ўқитувчи болаланинг феъл-атворида

қараб таълим-тарбиянинг “қаттиқ” ёки “юмшоқ” усулларида фойдаланиши мумкин” дейди. Бунда устоз мударрисга қуйидаги талабларни қўяди:

-Биринчи вўл: тарбияланувчилар ўқиш ва ўрганишга иштиёқ- инанд бўлсалар таълим-тарбия жараёнида мударрис томонидан юмшоқ усуллар қўлланилади. Бунда у қаноатбахш сўзлардан фойдаланади, чор- ловчи илҳомлантирувчи гаплар айтиб ўқувчига кўникма ва малакалами вужудга келтиради, натижада ўқувчининг иқтидори уйғониб, ғайрат- шижоати билан билим олишга, касб егаллашга интилади;

-Иккинчи вўл: тарбияланувчилар ўзбошимча, итоақиз бўлсалар, мударрис томонидан қаттиқ, яъни мажбурловчи усуллар қўлланилади. Бу асосан гапга кўнмовчи баъзи қайсар шаҳарликлар ва бошқа саҳройи халқларга нисбатан ишлатилади. Ушбу усул натижасида ўқувчи назарий билимлари ўрганишга астойдил киришади, фазилати яхши бўлиб, касб- ҳунарлари ва жузъий санъатларни егаллашга интилади. Мақсад уларни фазилат егаси қилиш ва касб-ҳунар аҳилларига айлантиришдир (ўша китоб, 198-бет).

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973 - 1048) Шарқ Уйғониш даврининг қомусий олимларидан бири, тарбияшунос олим, умумжаҳон табиий-илмий ва ижтимоий фанлар ривожига улкан таъсир кўрсат- ган буюк ақл-заковат соҳибидир. Аллома асарларида таълим-тарбия бирлиги ва ахлоқ масалаларига йетук тарбияшунос олим сифатида ёндашган, чунончи, “Минерология”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” каби асарларида педагогика ва психологияга оид ноёб фикр- мулоҳазаларини ва маърифий-дидактик қарашларини баён етди. Болаларни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида дунёвий фанларни бир-бири билан боғлаб турли мавзуларда мулоҳазалар юритишни таъкидлаб: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчиларни толиқтириб қўймасликдир, бир мавзунини қайта- қайта такрорлаб ўқиб бериш ўқувчини зериктиради, хотирасини сусайтиради. Агар ўқувчи бир мавзудан бошқа бир янги мавзуга ўтиб турса, у худди турли-туман боғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар- ўтмас, бошқа бир боғ бошланади. Бола уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса болага роҳат бағишлайди, деб беҳуда айтилмаган”⁶ дейди.

Беруний мамлакатнинг ободонлиги илм-фаннинг равнақи туфайли деб айтади, ёшларнинг бахт-саодати ва камолоти еса уларга билим ва маърифат берувчи мударрисларга боғлиқ деб таъкидлайди. Илм ва маърифат сари интилувчи толиб ва мударрисларга дейдики: “Илм даргоҳига кирар екансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган нафс ва турли бузғунчи ҳолатлардан, қотиб қолган турли ески урф-одатлардан, ҳирсдан, рақобатдан, очкўзликни қули бўлишдан озод бўлмоғи даркор”

Абу АИи ибн Сино (980-1037) ўз асарларида инсон камолотида уч нарса - ирсият, муҳит, тарбия муҳим рол ўйнашини таъкидлаб, бунда мударрислар болаларга таълим беришдек масъулиятли бурчни бажариб, шу уч ҳолатга жавобгарлик ҳисси билан ёндашишини ўқтиради ва мударрисларга фаолиятда муваффақиятга еришиш гарови бўлган қуйидаги тавсияларни беради:

- 1) болалар билан муомалада босиқ важиддий бўлиш.
- 2) берилаётган билимнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига еътиборни қаратиш.
- 3) таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш.
- 4) ўқувчининг хотираси, билимларни егаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини назорат қилиш.
- 5) болаларни фанга қизиқтира олиш.
- 6) берилаётган билимларнинг енг муҳимини ажратиб бера олиш.
- 7) билимларни ўқувчиларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда тушунарли олиб бориш.

8) ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида боиишига еришиш.

Унсурул Маолий Кайқовуснинг (милодий 1021—1022 йилларда туғилган) «Қобуснома» асарида илк бор нотиклик санъати мактабларининг Шарқ мамлакатларида ривожланиши тарихи баён етилган ҳамда ўша давр нотиклари ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу асар ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида инсонни маънавий жиҳатдан камолотга йеткизишда муҳим аҳамият касб етади. Мазкур ноёб асар кўплаб Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилиниб шуҳрат қозонган.

Кайқовус ўз асарида ҳар бир ёшни ақлий, ахлоқий, жисмоний тарби-ясида турмуш тажрибаси муҳим аҳамият касб етишини айтади. Болаларни фақат яхши мударрис тарбияни ҳаёт билан боғлаган ҳолда камолотга етказиш мумкин деб, унинг у олиар ини ва усуллари баён етган. Китобда жавонмардлар егаллаши зарур бўлган қуйидаги йўналишларда таълим-тарбия бериш назарияси кўзда тутилган:

1. Кайқовус билим ҳақида.
2. Ҳунар ва турли касб егалари ҳақида.
3. Турмуш ва хулқ-одоб қоидалари ҳақида.
4. Жисмоний йетуклик ҳақида.

Кайқовус мударрисларнинг ахлоқли еканлигини биринчи белгиси, унинг суҳандонлигида деб билади ва *“Ҳамма қобилиятлардан енг яхшиси нутқ қобилиятидир”* дейди. Суҳандонни шогирдларга нотикликда рост сўзлаш кераклигини таъкидлайди.

У со ўзларни то ърт хилга бо ълади: биринчиси - билинмайди ва айтилмайди, иккинчиси айтиладиган ва биладиган, учинчиси - ҳам билинади, ҳам айтишга, билишга зарурияти йўқ, аммо айца ҳам бўлади. Тўртинчиси - биладиган ва зарурият бўлмаса айтилмайдигани. Енг яхшиси тўртинчиси, яъни биладиган ва айтилмайдигани, дейди. Сўзлаганда андишалик бўлиш, совуқ сўзлик бўлмаслик, камтарлик, мақтанмаслик, бировнинг сўзини диққат билан ешитиш одобларини таъкидлаб ўтади.

Одамларни ҳам то ърт хилга бо ълади: биринсби хил кишилар кўп нарсани билади ва яна билгиси келаверади. Булар олим ва фозиллар боииб, уларга бўйсунуш керак, дейди. Иккинчиси, билмаган нарсани билишга ҳаракат қилади, улар қобил кишилар бўлиб, бундай кишиларни ўқитиш ва ўргатиш

керак. Учунчиси, билганини ҳам билмайди, гўё уйқуда яшагандек, уларни уйғотиш керак. Тўртинчиси, билмайди ва билмаганини ҳам тан олмайди. Булар жоҳил кишилар бўлиб, уларни ўқитиш бефойда, улардан қочиш керак, дейди.

Абул-Қосим Маҳмуд Ибн Умар Аз-Замахшарий (1075-1144) жаҳон илм-фани ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшган машҳур олим ва адибдир. У ўз асарларида ҳалоллик ва покизаликни, илмга муҳаббатни, мардлик ва олижанобликни улуғлайди. Улуғ мутафаккир “Навобиг¹ ул- калим” (“Нозик иборалар”) асарида кишилар илмли бўлиш, ўқитиш, ёзиш билан ҳосилу мукамал бўлади, олим киши оқил, билимдон ва чиройли хушхат ёзувга ега бўлса, бу унинг камолотга йетганлигидан далолат- дир, дейди. Асарда мударрислар тўғрисида ноёб фикрлар билдирилган: *“Мураббий о ўқиб турсагина мураббий бо ўла олади, агар о ўқишни то ўх- татиб қо ўяр екан, унда мураббийлик о ўлади”*^с.

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ХИИИ асрда Ерonda яшаб ижод қилган йирик шоир ва мутафаккирдир. У файласуф-шоир бўлиши билан бирга тажрибали мураббий ҳам бўлган. Шоир “Гулистон” асарида ўз даври мударрисларини турли тоифага бў либ, уларни таърифлайди. Қаттиққўл ўқитувчиларни *“..башараси тиришган, тили заҳар, ёмон хулқли, одамларни ранжитадиган, гадоёй табиатлик, очкўз, уни кўриши билан шогирдларининг кайжияти учар”* шогирдлар ундан билим ва тарбия ололмайдилар. Яна бир тоифадаги ўқитувчилар *“...содда, яхши ва юмшоқ кўнгилли одам. Унар-унмасга сўзламас еди ва болаларни ранжитадиган со ўзлар ог ўзидан чиқмас еди. Унинг фариштадек ахлоқлилиги ва меҳрибонлигини кўрган болалар мураббийни менсимай қўйдилар. Унинг юмшоқ табиатлик еканлигини билишиб, илми ҳам о ўрганмайдилар. Алқисса болалар о ўйин ва то ўполонга берилиб вақтни бекорга о ўтказдилар”*.

Байт: Устод муаллим бўлса беозор,

Гўдак ели бозорда харсанг ўйнар.

Бу ҳолатга Шайх Саъдий Шерозх икки хил таъриф беради. Бирихсбидари, Саъдий яшаган даврда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам мактабда ўқувчиларни қаттиққўллик билан ўқитганлар. Иккинчидан, Шайх Саъдий

бу ҳолатни ўз кўзи билан кўрган ва қаттиққўл ўқитувчига нисбатан норозилик билдирраган, илм ва тарбия беришда қаттиққоиликни афзал кўрган: “жабр устод боз меҳр падар” деб таъкидлайди, яъни ўқитув- чининг жабри ва жазоси ота меҳридан ҳам афзаллигини айтади.

Буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий XV асрда яшаб ижод қилган. У ўз асарларида инсоннинг юксак ахлоқий ҳислатларини, гўзал фазилатларини куйлайди. «Искандар хиродномаси» асарида муаллимлар тўғрисида ноёб фикрларни билдирган: “муаллим ақлли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номуносиб тутган мураббий ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди”. Шоир муаллимнинг ҳаётдаги ўрнини куйидаги байтида баён қилади:

Устод, муаллимсиз қолганда замон,

Нодонликдан қора бўлурди жаҳон.

Алишер Навоий (1441-1501) ижодида муаллимларга муносабат алоҳида берилган. Унинг фикрича, ҳар бир инсон ўзига таълим ва тарбия берган устозини, ўқитувчисини умрбод ҳурмат қилиши ва уни еъзозлаши керак. Ўқитувчи меҳнатини ҳар қандай хазина билан ўлчаб бўлмайди:

Ҳақ йўлинда ким сенга, бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо, онинг ҳаққин юз ганж ила.

Алишер Навоий ёш авлод тарбиясини ҳар қандай тасодифий мураб- бийга ишониб топшириб бўлмаслигини айтиб, ўқитувчига юксак талаб- лами қўяди. Болани тарбиялаш ва унга билим бериш, унинг қобилиятини ўстириш учун ниҳоятда саводли ўқитувчи ва маҳоратли тарбиячи бў- лиш керак. Алишер Навоий ўқитувчини фақат дарс берувчи, билим берув- чи деб билмайди, балки маҳоратли тарбиячи бўлиши лозим деб илм ва одобни бирга олиб борилишини, бу икки жараён ҳеч қачон ажралмаслигини таъкидлаб ўтади.

Буюк аллома ўзининг “*Маҳбуб-ул қулуб*” дидактик асарида оёқитув- чи халқ олдида обрўга, ҳурмат ва иззатга сазовор бўлиши кераклигини, у халқ ғами билан яшашини, халққа ёрдам берувчи, халқ билан бирга бўлиши лозимлигини айтади. Нодон, мутаасиб, жоҳил мударрисларни танқид қилиб, мударрис олимлар орасидаги енг сара “малак киёфали” киши бў!иши, яъни соф кўнгилли, пок қалбли, инсофли, карам-муруватли, одобли, вафоли, кишилилминг енг яхши ва олийжаноб ҳислатларини ўзида акс еттирувчи бўлиши керак дейди. Айниқса, мадрасаларда таълим-тарбия билан шуғулланувчи мударрисларга жиддий талабларни қўяди: «*Мударрис*

керакки, гарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишига уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас ко ьргазмаса ва олг ьирлик учун 1гап-со ьз ва г ьавг ьо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиши учун мадраса айвони унга бош ўрин бўлмаса, ярамасликлардан қўрқса ва нопокликдан қочса... наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни қилиш мумкин, балки ҳалол деса, қилмас ишларни қилмоқ ундан содир бўЙса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса, бу мударрис емас, ёмон одатни тарқатгувчидир». Демак, мударрис билимли, фозил ва донишманд бўлиши, кишиликнинг енг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган олийжаноб ва камтарин болиши, ҳар қандай ярамас ишлардан ҳоли ва пок бўлиши, ўз хулқи ва одоби билан бошқаларга намуна бўлиши лозим.

Айни оВинда ўқитувчи меҳнатини енг мураклсаб ва машаққатли иш еканлигини холисона баҳолайди: “*Унинг иши одам қўлидан келмас, одам емас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлаш- дан ожизлик қиларди. У еса бир то ьда. болага илм ва адаб о ьргатади, ко ьрким бунга нима ецин. Шуниси ҳам борким, и тўдада фаҳм-фаросати озлар ҳам бо ьлади, ундай кишига юзларча машаққат қилса қандай бо ьлади. Ҳар қандай бўЙса ҳам, ёш болаларда унинг ҳаққи кўндир. Агар шогирдподшоҳликка еришса унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийдир”.*

Камолиддин Ҳусайн Вонз ал-Кошифий (1440-1505) “Футуватномаи Султоний ёхуд

жавонмардлик тариқати” асарида устоз-шогирд муноса- батларига кенг тўхталган. У муаллимларнинг шогирдларига берадиган ҳар бир ўғитини қадрлайди. “Марака жойларида” (дарс-маъраза ўқиладиган жой) шогирдлар муаллимнинг ҳар бир сўзини еътибор билан тинглашини ва унга амал қилишини таъкидлайди. Жумладан, аллома шундай ёзади: *“Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродат устига, деб жавоб бергин. Агар иродат нима деб со ўрасалар, само ва тоатдир, деб айтгин. Агар само (ешийтиш) ва тоат нимадир деб со ўрасалар нимани устоз айца, уни жон қулог ъи билан ешийтиш, чин кўнгли билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалга адо етишидир деб айт”*. Ффусайн Кошифий асарида шогирдликнинг 8 та одобини кўрсатиб о4ади:

« биринчи бўлиб салом бериш;

- устознинг олдида кам гапириш;
- бошни олдинга егиб туриш;
- кўзни ҳар томонга югуртирмаслик;
- гап сўрамоқчи бо ъ Иса, авал устоздан ижозат сўраш;
- устоз жавобигаъ еътироз билдирмаслик;

® устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик;

•ўтириб туришда ҳурмат сақлаш.

Ҳусайн Кошифий устозлик шартларини ҳам баён қилади: *“Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмайди ва кирнки устозсиз бир ишни қилур ерса, ул ишининг асоси мустаҳкам бо ъИмайди. Кимки, устозсиз иш бошла- ган бўИса, иши ва амали самара қозонмайди, устознинг етагини тутиб шод бо 7, бир муддат устозга хизмат қилгинда, со ънгера о ъзинг устоз бо 7. ...Агар устоз тарбиясини олган комил инсон ким деб сўрасалар, и рок мазҳабли о ъз айбини ко ўрадиган, доно ва тамизли кишидир деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва бахилликдан асар бо ъИмайди ”*.

Ҳусайн Кошифий бола тарбиясида мактаб ва муаллимнинг алоҳида роли борлиги ҳақида гапириб, муаллимлар доно, билимли, ширинсухан, адолатли бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Аллома мураббийлар тўғрисида яна бир асари «Ахлоқи Муҳсиний»да шундай ёзади: *«Мураббий (болага) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик билан мурोजаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамизда мулойим ва хушфе ъИ бо ълиш мақсадга мувофиқдир»*.

Шарқ алломалари адабий меросларида таъкидланган, ўқитувчилар ҳақида билдирилган доно фикрларни ёшидан, педагогик маҳоратидан, қандай дарс беришидан қатъий назар барча ўқитувчилар билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари мақсадга мувофиқдир.

2.1. Юнон файласуфлари асарларида ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ҳақидаги ғоялар

Антик даврдаги мактаблар Спарта, Афина ва Рим тарбия тизимининг

муҳим таркибий қисми сифатида фаолият олиб борганлар. Қадимги Юнонистонда бундай жойлар академива деб номланган. «Академия» сўзи афсонавий қаҳрамон Академа номидан келиб чиққан. Ерамиздан аввалги V асрда Афина яқинидаги Академа сўзи билан номланувчи жойда Платон ўз шогирдларига маърузалар ўқиган бўлиб, кейинчалик таълим- тарбия бериш учун ташкил етилувчи масканлар ҳам шундай ном билан атала бошланган. Қадимги Юнонистонда болаларга таълим-тарбия бериш файласуфлар зиммасига юклатилган еди.

Улар нотиклик санъатининг йетук намоёндалари бўлиб, ўзларининг чиройли сўзлари, баланд ва таъсирчан овозлари билан таълим олувчиларнинг тафаккурига, онгига кириб борганлар, таълим ва тарбияда улкан ютуқларга еришганлар. Шу сабабли, нотиклик санъати ва нутқ маданиятининг назариясига, унинг чексиз тарбиявий аҳамиятига илк маротаба қадимги Юнонистонда асос солинганлиги илмий адабиётларда баён этилади. Юнонистонда эпос, лирика, драма, ҳайкалтарошлик, мусиқа ва меъмор-чилик санъати билан бирга нотиклик санъати ҳам мураккаб ва муҳим санъат асари сифатида тан олинган. Нотиклик санъатини давлатнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ишларига тааллуқли фаолиятдаги аҳамияти учун ҳамда ёш авлодни тарбиялашда улар онги ва тафаккурига қизғин таъсир етувчи мураккаб восита сифатида ривожлантирганлар.

Ерамиздан аввалги В аср Юнонистонда ёшларга таълим-тарбия бериш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг такомил- лашган даври бўлган. Шу сабабли “Нотиклик санъати” ҳам қизгин ривожланган давр ҳисобланади. Бу даврда нотикликнинг учта қонунияти умумий шиор сифатида ёътироф етилган:

- ўқувчиларга тушунтириш (маълум бир мавзун);
- ўқувчилар онгини уйғотиш (инсон тафаккурини, онгини, мақ- садини); „
- ҳар бир тингловчига ҳузур-ҳаловат ва қониқиш уйғотиш.

Юнонистонда нотик ушбу қонуниятларга амал қилган ҳолда ўқув-чиларга, яъни “тингловчиларга ҳаловат бағишлаш” орқали уларни езгуликка, адолатпарварликка, ватан олдидаги бурчга садоқатли бўлишга, яхши амалларни бажаришга, ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилишга чорлар еди. Бу унинг жамият олдидаги асосий вазифаси ҳисобланарди. Нотиклик санъатини чуқур егаллаган, ўзларининг гўзал ва чиройли нутқлари билан жамиятда ҳурмат ва эътибор қозонган Динарх, Гиперид, Горгий, Сократ, Исей, Есхил, Демосфен каби намоёндалар машҳур давлат арбоблари бўлиб етишганлар.

Юнон файласуфлари ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия беришда оғзаки нутқнинг шакл ва қонуниятларини, мулоҳаза ва исбот каби мантиқ илми қоидаларини чуқур ўзлаштиришлари лозимлигини қатъий талаб қилганлар. Шунинг учун педагог ўқитувчилар ўз флкрлари ва туйғуларини ўқувчилар ҳамда тингловчилар тафаккури ва онгига чуқур сингдира олганлар ва кескин таъсир ўтказганлар. Ҳар бир педагог ўзларининг нотиклик санъати устида

тинимсиз машғулотлар олиб борганлар, сеҳрли овоз соҳиби бўлиш учун нутқ техникасининг барча қонуниятларига амал қилганлар. Улар ўз нутқларини мафкуравий ва сиёсий кураш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш қуроли деб ҳисоблаганлар.

Машҳур файласуф олим Сократ (ерамиздан аввалги 469—399) ўқув-чилар билан савол-жавоб усули орқали таълим-тарбия беришнинг суҳбат методига асос солган. Сократнинг шогирди Платон ўз устози ғояларини давом еттириб, ўқувчилар билан савол-жавоб усулини нотиқлик санъатининг бир шакли сифатидаги аҳамияти чексиз эканлигини баён этади ҳамда уни инсон тафаккури ва онгини, дунёқарашини оғзаки нутқ билан бойитувчи ноёб услуб сифатида баҳолайди.

Юнонистонда ёшларга таълим-тарбия беришда нотиқлик санъатининг аҳамиятини ёритиб бериш ҳамда унинг ривожланиши файласуф олим Демосфен (ерамиздан аввалги 384—322) номи билан узвий боғланган. У ёшлик йиллариданоқ нотиқлик санъатига қизиқди. Туғма дудуқ бомишига қарамасдан, ўқувчи ва тингловчиларнинг истехзоларига бардош бериб, қизғин ва шиддатли меҳнати билан нотиқлик маҳоратини намоёниш эта олган. Барча дунёвий билимларни фақат нотиқлик санъатининг олижаноб қудрати асосида тингловчилар тафаккурига етказиш мумкин деб таъкидлаган еди файласуф. Фақат Демосфен Юнонистонда нотиқлик санъатининг йетук намоёнчаси, яъни елитаси сифатида машҳур бўлди. У давлат трибунасини сиёсий ва мафкуравий кураш майдонига айлантирди.

2.2. Европа олимлари ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш тўғрисида

Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш тўғрисидаги муаммолар европа олимлари Я. А. Коменский, Джон Локк, Г. Песталоцци, А.Дистерверг, К.Д.Ушинский кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Жумладан, чех олими, машҳур педагог Я. А. Коменский ўқитувчининг енг муҳим хусусиятлари қаторига болаларни севиши, юксак ахлоқи, билимдонлиги, иқтидори, қобилияти кабиларни киритади ва уларнинг моҳиятини мукамал тавсифлаб беради.

Ян Амос Коменский ўз даврида ўқитувчиларнинг бола дунёқарашини ривожлантиришдаги ролига юқори баҳо бериб, ўқитувчилик «йер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб» эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, ўқитувчи ўз бурчларини чуқур англай олиши ҳамда ўз кадр-қимматини тўла баҳолай билиши зарур. Я.А.: ММехсфсий ўғжитуВеҳи образитти иасВифлаф екари, лининг шах-сида қуйидаги фазилатлар намоён бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди: *виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли, ўз ишини сеувчи, ўқув-чиларга меҳр билан муомала қилувчи, уларда билимга ҳавас уйғотувчи, о ўқувчиларни о ўз ортидан ергаштирувчи ва диний еътиқодни шакллантирувчи.*

1. Г.Песталоцци ўқитувчининг касбий сифатларига баҳо бериш билан бирга, асосан унинг халқ таълими тармоғини такомиллаштиришдаги роли ҳамда фан асосларини егаллашдаги аҳамияти ва вазифаларига тўхталиб

ўтади.

А. Дистерверг ўқитувчининг таълимдаги ролига юқори баҳо бериб, у ўз фаолиятини чуқур билиб, педагогик маҳоратини ошириб бориши ўқувчиларни қалбдан ёқтириши натижасида юзага келади деб ўқтиради. Ўқитувчи болаларнинг индивидуал хусусиятларини, қобилиятини, фаолиятини мукамал билиши учун муайян даражада психологик билим-ларга ҳам ега бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Педагог олим Джон Локк ўқитувчи психологиясининг энг муҳим жиҳатларини ишлаб чиққан. Улар орасига мўъадиллик, ғайрат-шижоатлилик, еҳтиёткорлик каби ҳислатларни киритиб, ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ролини асарларида ёритиб берган.

А.И.Герсен, Л.Н.Толстой, И.Г.Чернишевский, К. Д.Ушинский каби рус педагог олимлари ғарб мутафаккирлари ғояларининг ворислари сифатида мазкур муаммоларга ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Жумладан, А.И.Герсен мулоҳазаларига кўра, ўқитувчининг асосий ҳислати - бу унинг болалар билан муносабатда бўлаётганлигини сезишда, болалар руҳий дунёсини тушуна олишида, ахлоқий қобилиятининг мавжудлигида, чунки у шундай истеъдодга ега бўлмоғи зарурки, унга ҳар қайси ўқитувчи ериша олмайди.

Таниқли рус педагоги К.Д.Ушинский таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг роли ва шахсига юқори баҳо бериб, ўқитувчи касби-га оид илмий мулоҳазаларида ҳеч бир Қонун ёки Программа, таълим-тарбия тўғрисидаги метод ёки тамойиллар ўқитувчи шахсининг педагогик фаолиятдаги маҳорати ўрнини боса олмайди деб ҳисоб-лайди.

К.Д.Ушинский ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига юқори баҳо беради ҳамда уларнинг касбий малакаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. Мазкур ғоянинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқловчи тизим - ўқитувчилами қайта тайёрловчи курслар тизимини ташкил етишни у илк бор асослаб берган.

К.Д.Ушинскийнинг таъкидлашича, ўқитувчи қалбининг болаларга нисбатан меҳрини билдирувчи ахлоқий ҳислатларидан бири, муаллимнинг тарбиявий кучини ва қобилиятини кўрсатадиган маънавий ойинаси ижтимоий қимматга ега бўлиб, баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишда намоён бўлади. Педагогик фаолиятнинг яна бир муҳим таркибий қисми ўқитувчининг хапактери ва ҳис-туйғуларида, унинг ўқувчилар билан мулоқотга киришиш усулида намоён бўлувчи педагогик-психологик такт (одоб, ахлоқ) хусусиятларини қўллашдир. Унинг фикрича психологик такт (одоб, ахлоқ) ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ғоятда кенг қўлланиладиган фаолият тури, шунинг учун ушбу тактларга ега бўлмасдан, одамлар орасида ҳеч қандай мулоқот ва нутқ қобилиятининг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди.

«Ақлли, фикран бой, бағъри кенг инсончалик ҳеч нарса ёшларни қизиқтирмайди, ўзининг ортидан ергашитира олмайди ҳам..., ақл — ақл билан тарбияланади, виждон — виждон билан, ватанга садоқатлилик — бевосита

ватан учун хизмат қилиш билан..., — деб таъкидлаган еди машҳур рус педагоги В.А.Сухомлинский. - *Ўқитувчи ўзининг бутун борлигъи, кундалик ҳаёти, таънавий маданияти билан ҳамкасблари ва оёқувчиларга оёрнак боёлади ва уларни оёз ортидан ергаштиради*».

Ўқитувчида педагогик маҳоратни шакллантиришнинг илмий — назарий асослари педагог олим В.А. Сластёнин томонидан ҳам тадқиқ қилинган. У касбий - педагогик тайёргарлик, ўқитувчининг шахси ва касбий шаклланиш йўналиши ва бунда педагогик маҳорат тўғрисида сўз юритиб, шундай ёзади: *“Ўқитувчи мунтазам равишда педагогик назарияларга таянсагина, оёқитувчилик маҳоратини егаллайди. Чунки, педагогик амалиёт доимий равишда педагогик назарияга мурोजаат қилишни тақозо етади. Биринчидан, илмий назариялар — тараққиётнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, қоидаларини акс еттирувчи илмий билимлардир, дмдлийёт боёИса, доимо аниқ вазиятга асосланади. Иккинчидан, педагогик фаолият - фалсафа, педагогика, психологияга оид билимлар синтезига асосланувчи яхлит жараёндир. Бу билимлар синтезисиз педагогик амалиётни мақсадли куриш жуда мушкул”*⁹. Демак, ўқитувчидан нафақат педагогик маҳоратни мукаммал егаллаш талаб етилади, балки, педагогик амалиётни тўғри ва мақсадли ташикил қилиш учун чуқур илмий - назарий маълумотларга ҳам ега бўлиш лозим.

Буюк рус адиби Л.Н.Толстой ўқитувчи фазилатининг мукаммалли- гини ўз мутахассислигига нисбатан ижобий муносабатда бўлиши билан бир вақтда болаларга бўлган муносабатида, уларни худди ўз фар- зандларидек жон- дилидан севишида еканлигида кўрган. Унинг таъкидлашича, *“агар оёқитувчи фақат ишига ҳавас қоёйган боёИса, и яхши оёқитувчи боёлади. Агар оёқитувчи болага фақат отаси ва онаси каби. ҳавас қўйган боёИса, и олдинги оёқитувчидан яхшироқ боёлади. Бордию, иккала ҳислатни ҳам оёзида мужассамлаштирса, и ҳолда и мукаммал ва маҳоратли оёқитувчи боёла олади”*.

Маълумки, педагогик маҳорат тизимида ўқитувчининг педагогик назокати (одоби) муҳим мавқега ега. Ўқитувчи назокаиз, касб одобисиз юксак чўкқилар сари одимлай олмайди. Масалага шу нуқтаи - назардан ёндашилганда, муаллифнинг сўзлари, ўқитувчи педагогик маҳоратига қўйилган талабларга мос ва ҳамоҳангдир.

Ҳозирги кунда ҳам йевропанинг йетакчи олимлари (Б.П.Зязин, В.А.Кан- Калик, Й.Н.Кюлуйткин, Н.Д.Никандров, Л.И.Рувинский ва бошқалар) ўқитувчининг педагогик маҳоратини янада такомилаштириш учун илмий- тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Хусусан, улар ўз асарларида “мукаммал егалланган педагогик маҳорат”ни ўқитувчи доимо орзу қилиб интиладиган, аммо йетиша олмайдиган юксак идеал касбий маҳорат сифатида изоҳлайдилар. Шу маънода “маҳорат” терминини ўқитувчига нисбатан комплимент, яъни мақтов тариқасида енг оилй баҳо сифатида қўллаш мумкин. Педагогик маҳорат фақат ўқитувчи батамом ўзлаштириши лозим бўлган касбий билим ва кўникмаларни егаллашнинг енг юкори чўкқиси сифатида қабул қилинмаслиги керак. Тажрибали ўқитувчи ўз ижобий ютуқлари билан

қаноатланиб қолмасдан, ҳамиша касбига оид янгиликларни ўзлаштириб бориши, жамият тараққиёти туфайли пайдо бўладиган замонавий педагогик вазифалар ва муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок йетиши; ўзининг касбий кўникма ва малакаларини узлуксиз ошириб боришга интилиши лозим. Бу педагогик маҳоратни егаллашнинг ажралмас қисмидир.

Педагогик маҳоратни егаллаш ва ривожлантиришда (малака ошириш, такомиллаштиришда) ўқитувчи ўзи билган ва ўрганган касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириб боради. Демак ўқитувчи касбий маҳоратини оширишга интилади. Унинг чегараси борми? Бизга маълумки, бўлажак ўқитувчининг педагогик маҳорати аслида педагогика оий таълим муассасаларида расмий равишда егалланади ва бунга тажрибали устозлар, олимлар жалб етилади. Сўнгра ўқув -тарбиявий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат билан таъминланади. Шу билан бирга, баъзан ёш ўқитувчининг тажрибаси ва малакаси йетарли емаслиги ҳам тан олинади. Демак, ўқитувчининг касбий тайёргарлигини янада ошириш учун, авало унинг малакасини оширишга сабаб бўладиган, педагогик маҳоратини шакллантирадиган замонавий манбаларни, омилларни, восита ва методларни излаб топиш зарур. Ушбу ёндашув ўқитувчи педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммоларини ҳал етишда муҳим аҳамият касб етади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ўқитувчи кўникма ва малакаларини ошириш билан бирга, ўз касбига садоқатли бўлиши, уни севиши ҳамда узлуксиз такомиллаштириб бориши шарт. Бунда белгиланган мақсад сари интилиш, албатта педагогик маҳоратнинг енг юксак чўққиларини егалашга ишонч - ўқитувчи учун муҳим аҳамиятга ега.

Ҳозирги замон илмий педагогик тадқиқотлар таҳлилига кўра, ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш муаммоларини ҳал етиш қуйидагича талқин етилади:

- ўқув - тарбиявий жараёни енг қулай услубларини топиш ва жорий етиш;
- ўз меҳнатини мунтазам илмий асосда ташкил йета олиш;
- ўқитувчи педагогик қобилятини ва педагогик маданиятини ошириш;
- педагогис муаммоларни моҳирона ҳал етиш йўлларини такомиллаштириш;
- амалий ва назарий билимларни доимий ошириб бориш;
- касбий ижодкорликни узлуксиз ривожлантириш.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан таҳлил қилинган ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳақидаги кўпгина мулоҳазалар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, демак миллати ва келиб чиқишидан қатъий назар аждодлар меросини такомиллаштириш евазига ҳозирги кунда таълим ва тарбияни янада юксак босқичларга кўтариш мумкин.

Ҳозирги даврда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш

“Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига ко ўтариш, миллий кадрлар тайёрланишнинг янги тизимини барпо етиш, келажак учун баркамол, салоҳиятини авлодни тарбиялаш мақ- садида: “Таълим то ўгъ ёрисида” ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш боъйича миллий дастурни

ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин” дейилади “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрда қабул қилган Фармонида. Барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараси янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга ега бўлган юксак малакали кадрларга боғлиқ. Кадрларни тайёрлаш еса аввало ўқитувчи-мураббийлар зиммасига юклатилган. Шу сабабли, чуқур билимга ега бўлган, замонавий ўқитувчи-кадрлар тараққиётими- знинг муҳим омили сифатида қаралиб келинмоқда. • Ўқитувчиларимиз бугунги замон талабларига мос билимлар соҳиби, янгиланган таълим мазмунини егаллаган боиишлари керак. Ўқитувчи ходимлар ўзларининг касб-кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари шарт.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ этиш республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқаишиш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг йетук намоёндалари жалб етилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташлidl етилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга ега эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий малиоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти

1. А.Каримов куйидагиларни қайд этади: *«Тарбиячи - устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини о ўстириши, та ўрифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб йетиштириш*

*учун, енг аввало, тарбиячининг о ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюкфазилатларга ега бо ўлиши керак»*ъ.

Юқорида қайд йетилган фикрлардан келиб чиқиб бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўфиши зарур? Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ушбу муаммо бўйича кўплаб педагог ва психолог олимлар ўз флкр ва мулоҳазалари билан чиқдилар. Ўқи- тувчиларнинг касбий маҳоратларини миллий анъана ва урф-одатларимиздан, қадриятларимиздан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, уларнинг педагогик фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш учун методик қолланмалар, тавсияномалар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу муаммо бўйича илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар давом етмоқда.

XXI асрга келиб ўқитувчининг вазифаси янада такомиллашиб бормоқда. Ендиликда глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот- коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши ўқитувчидан юксак

маҳоратни, ўткир иродани, психологик қувватни, чуқур билим ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Ҳозирги замон ўқитувчиси ўз мутахассислигига оид билимлар билан бирга, педагогик ва психологик билимларни ҳамда турли фан йўналишлари бўйича махсус билимларга ега бўлган, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларни егаллаган, таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Ушбу нуқтаи назардан ҳозирги кунда қуйидаги бурч ва масъулиятлар ўқитувчилардан талаб қилинади:

1. Ўқитувчи, энг аввало, масъулиятни ҳис етувчи тарбиячи, тажрибали нотик, маданият ва маърифат тарғиботчисидир.

2. Ўқитувчи табиатан о'қувчиларни сева олиши, ўз меҳрини, ҳис-туйғуларини ҳар лаҳзада ўқувчилар ички дунёси билан боғлай олиши, уламинг ҳам меҳрига, ҳурматига сазовор бўлиши керак.

3. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб йетиши ва уларга ҳолисона баҳо бериб, бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотлами доимий бера олиши лозим.

4. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот-комму-никацион технологиялари янгиликларидан ва ютуқларидан хабардор бўлиб бориши талаб етилади.

5. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга ега бўлиши, барча фанлар интеграциясини ўзлаштириб бориши, бунда ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши.

6. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил етиши керак.

7. Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг энг самарали замонавий шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига ега бўлмоғи лозим.

8. Ўқитувчи ижодкор, таълим-тарбиявий фаолият ташаббускори ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахсдир.

9. Ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида юксак даражадаги педагогик маҳорат, коммуникатив лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, такт) қоидаларини чуқур ўзлаштириб бориши шарт.

10. Ўқитувчи нутқ маданиятига ега бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс еттириши керак: турли шева сўзлардан ҳоли бўлиб, фақат адабий тилда ифода етилиши; ўқитувчининг нутқи содда, раван ва тушунарли бо'лиши; ҳикматли сўзфар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли фойдалана олиши лозим. Жаргон (муай-ян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар), варваризм (муайян миллат тилида баён етилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўллани!иши), вулгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қоллани-ладиган сўзлар) ҳамда конселяризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) каби

норасмий сўзлардан ҳоли бўлиши.

11. Ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, озода, бежирим кийиниши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб етувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақин- чоклар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийиниши талаб этилади.

12. Ўқитувчи таълим муассасасида синф жамоасининг асосий ташкилотчиси ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг энг фаол иштирокчисидир.

13. Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси эканлигини унутмаслиги шарт. Шунинг учун касбий фаолиятида педагогик маҳоратнинг бир қатор сифатларини узлуксиз таркиб топтириб бориши зарур.

14. Ўқитувчи, энг аввало, мулоҳазали, босиқ, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай оладиган ҳамда мустақил равишда мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг уддасидан чиқа олиши керак.

Ўқитувчилар унутмасликлари керакки, ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва лўнда баён этилишига аҳамият қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Улар билан муно- сабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далиллами келтиришдан бошламаслиги, аксинча, ўқувчиларнинг (ёки ҳамкасби, ота-оналар) муваффақиятларини ёътироф этишлари, уларни янада бойитишга ишонч билдириши билан мулоқотни ташкил қилиши лозим. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, сами- мийлик, дўстона муносабат, яхши кайфият сезилиб турсин.

Ўқитувчининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблари ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-ёътибор қозонишини таъминлайди.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг ўқитувчилик касбига нисбатан қўяётган талаблари кун сай ин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ташкил қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқ. Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифалами бажаради. Ўқитувчи аввало синфдаги тарбиявий жараённинг ташкилотчисидир. Ўқитувчи тарбиячи сифатида қуйидаги талабларни билиши лозим:

шахсни маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялашда миллий уйғо- ниш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларинг моҳи- ятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватанига, табиатга ва оиласига бўлган му- ҳаббати;

касбий билимларни пухта билиш билан бирга, турли билимлардан хабардор болиши;

ёш педагогик психология, педагогика ва психология, ёшлар физиологияси, тарбиявий иш методикаси, мактаб гигиенасидан ўз касбига оид билимларни мукамал билиши; ўз касби бўйича жаҳон фанида еришилаётган сўнгги ютуқлар, тарбия технологияси, компьютер ва ахборот тех- нологиялари, янгиликларидан доимий хабардор бўлиб бориши;

таълим-тарбия методикасидан кўникма ва малакаларини ошириб бориши;

ўз касбига ижодий ёндашиши;

педагогик техника (мантик, нутқ таълимининг ифодали воситалари) ва педагогик тактга ега бўлиши;

ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга ега бўлиши зарур. Педагогик маҳоратнинг асосий қонунияти оз меҳнат сарф қилиб, улкан натижаларга еришиш. Ижодкорлик унинг ҳамisha ҳамроҳи болади. Педагогик фаолиятга қизиққан, қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат ҳислатлари шаклланиб боради. Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий ҳафактерга ега. Ўқитувчи ўқувчи шахсини шакллантиради, кутилмаган вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилади, педагогик муаммоларни ечади, ўқув жараёнини мустақил бошқаради. Буларнинг ҳаммаси ижодкорликнинг туб моҳияти, ишнинг мақсади ва характери билан боғлиқ.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий фаолиятда, маълум мақсадга еришмоқ учун ўқитувчилар болаларни ҳамкорлик жараёнига тортиши зарур. Ўқитувчи ўқувчиларни ўзи билан ҳамкорлик қилишга жалб эта олишда куйидпги вазифаларни бажаради:

- ҳамкорлик вужудга келиши учун жамоада ташкил етилиши лозим бўлган фаолият ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва қизиқишларига тўғри келиши лозим;

- ўқувчиларни бирор ишга жалб қилар екан, ўқитувчи уларга педагогик ва психологик жиҳатдан тўғри вазифа қўйиши, йўл йўриқ кўрсатиши шарт;

- ўқувчилар топшириқни амалга оширишга киришганларида ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам иштирокчи, ҳам маслаҳатчи вазифасини бажаради.

Ижодий фаолият олиб бомвчи ўқитувчи фақатгина болаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам ега бўлиши зарур. Ҳозирги замон ўқитувчиси фан ва техника тараққиётининг енг сўнгги ютуқларидан фойдаланиши, ўз касбий фаолиятида янги педагогик технологияларни унумли қўллай олиши тақозо етилади.

Фойдаланилган адабиётлар ро ʻйҳати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент; “Шарқ”, 1997, 20-29 бетлар.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Тошкент; “Шарқ”, 1997, 31-61 бетлар.

3. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа конс еми Бош таҳририяти, 1993, 27-28-бет.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: “Ўзбекистон”, 2009. - 176 б.
5. Кайковус Унсурул Маолий. Қобуснома. (Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси). С.Долимов. - Т.: Ўқитувчи, 2006.-208 б.
6. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар. 15-том. -Т.: Фан, 2005.
7. “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрда қабу) қилган Фармони.
8. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. - Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. - 187 б.
9. Педагогика (Под. ред. П.И.Пидкасистого). - М.: Педагогическое общество России, 2003.-608 с.
10. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм: Педагогика назарияси. (М.Х.Тохтаходжайева ва бошқалар)-Т.:“ИҚТИСОД-МОЛИЙА”, 007,- 380б.
11. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари.- Т.: 2001.
12. Сухомлинский В.Д.Болаларгажоним фидо. —Т.: Ўқитувчи, 1984.-254 б.
13. Ўзбек педагогикаси тарихи //А.Зуннунов таҳрири остида. Т.: Ўқитувчи, 1997.-272 б.

8-МАВЗУ: ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ.

РЕЖА:

1. Педагогик қобилият ва унинг психологик-педагогик тавсифи.
2. Педагогик қобилиятнинг асосий турлари
3. Ўқитувчининг ўз-ўзини бошқариши ҳамда бошқаларга таъсир ўткази олиш қобилияти.

Педагогик қобилиятлар.

Кишилар тафаккур бобида турли даражададирлар. Шу даражаларни аниқлаш учун тилимизда лаёқат, қобилият, истеъдод, иқтидор, салоҳият ва даҳо деган тушунчалар мавжуд. Шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришидаги ўзига хос имкониятларини ифодаловчи индивидуал руҳий хусусиятларига қобилият дейилади. Ҳар бир кишида муайян соҳа бўйича бирор хусусият бошқаларга қараганда нисбатан кучлироқ ривожланган бўлиши мумкин. Ана шу унинг қобилиятидир. Қобилиятдаги хусусиятлар туғма бўлади, шу қобилият эгаси билим олиши, малака ҳосил қилиши орқали уни такомиллаштири бориши ва аксинча, танбаллик қилиб, бора – бора сўндириб юбориши ҳам мумкин. Педагогик қобилият – бу қобилият турларидан бўлиб кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллани олишини аниқлаб беради. Педагогик қобилият тузилиши ва таркибий қисмларини аниқлаш йўналишида бир қатор илмий – педагогик тадқиқотлар, изланишлар олиб борилган, назариялар яратилган ва уларда педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўп қиррали психологик билимлардан иборат эканлиги қайд қилинган.

Психолого – педагогик изланиш натижаларидан фойдаланган ҳолда, самарали педагогик фаолиятни таъминловчи, ўқитувчи учун зарур бўлган куйидаги етакчи педагогик қобилиятларни санаб утамыз.

1. Коммуникативлик қобилияти.
2. Дидактик қобилият
3. Академик билимлар
4. Ташкилотчилик қобилияти.
5. Нутқий қобилияти.
6. Перцептив қобилият (кузатувчанлик, суггестив қобилияти).
7. Обрў орттира олиш қобилияти (ўқитувчининг иродаси, сабр тоқатлилиги, мақсадга интилиши, ўз – ўзини идора қилиши ва бошқаларга таъсир утказа олиш қобилияти).
8. Келажакни кўра билиш қобилияти (башарот қила олиш).
9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти.
10. Эмоционал барқарорлик (ҳис – туйғуси, кайфиятини бошқара олиш).

Қобилиятнинг психологик – педагогик ҳарактеристикаси.

Объектив воқеълик ва унда юз бераётган ҳодиса ва муносабатлар турли кишилар томонидан турлича мулоҳаза этилади, фикр ва тафаккур қилинади.

Тафаккур ибораси арабча «фикр» сўзидан келиб чиқиб-ўйлаш, муҳокама, мулоҳаза ва фикр юритиш маъноларини билдиради. Турли кишилар турлича фикр юритадилар, турлича тафаккур қиладилар. Уларнинг тафаккур қилиш даражалари ҳам турличадир. Кишиларнинг тафаккур қилиш даражалари лаёқат, қобилият, истеъдод, иқтидор, салоҳият тушунчалари орқали изоҳланади.

Шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришидаги ўзига ҳос имкониятларини ифодаловчи индивидуал-руҳий хусусиятларига қобилият дейилади.

Қобилиятдаги хусусиятлар туғма бўлади, уни ривожлантириш ёки сўндириш шахснинг қўлидадир.

Қобилият бу шахснинг бирор фаолиятга яроқлилиги ҳамда шу фаолиятни мазмун ва моҳият жиҳатдан мақсадли, натижали амалга оширишидир.

Кишилар қобилиятларига қараб бирор касбни эгаллайдилар ва фаолият кўрсатадилар.

Педагогик қобилият бу касбий қобилият бўлиб, шахснинг педагогик фаолиятга яроқлилигини, педагогик фаолиятни муваффақиятли олиб бориши учун зарур бўлган сифат ва фазилатларга эга эканлигини англатади.

Педагогик қобилият – педагогик маҳоратнинг энг муҳим, ҳал қилувчи бўлагидир. У педагогик фаолият жараёнида ҳосил бўлади, ҳамда ривожланади. Педагогик қобилиятлар малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Чунки, малака ва уддабуронлик машқ қилиш ва ўқиш натижаси бўлса, қобилиятнинг ривожланиши учун яна истеъдод, лаёқат, зехн бўлиши ҳам жуда зарурдир.

Педагогик маҳоратни эгаллаб олиш ўқитувчида педагогик қобилиятнинг бор ёки йўқлигига боғлиқ. Илмий педагогик психологик билимлар соҳасида изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган кўплаган олимлар ҳозирги даврда махсус

педагогик қобилиятлар ва уларни турларга ажратиш (классификациялаш) билан шуғулланишмоқда. Бу борада Рус олимларидан Ф.Н.Гоноболин, Н.В.Кузмина, Н.Д.Левитовларни, Ўзбекистонлик психолог – педагог олимлар – Э.Гозиев, М.Г.Давлетшин, Р.З.Гайнетдинов, А.Жаббаров, М.Каплановаларнинг илмий ишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Илмий изланиш ва тадқиқотлар натижасида ўқитувчи шахсининг шундай ўзига ҳос хусусиятлари йигиндиси топилдики, улар ўқитувчига унинг педагогик фаолияти жараёнида, таълимий – тарбиявий ишларни олиб боришида юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

I. Асосий педагогик қобилият турлари ва уларнинг тавсифи.

Кўп йиллар давомида рус ва Ўзбекистонлик психология ва педагогика соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимларнинг таъкидлашларича, педагогик қобилиятлар мураккаб ҳамда кўпқиррали психологик ва педагогик билимлар мажмуидан иборат экан. Психолог олимлар ва тажрибали ўқитувчилар томонидан тўпланган тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган бир қатор таркибий қисмларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

I. Коммуникативлик қобилияти ва уни ривожлантириш йўллари.

Коммуникативлик шундай қобилиятки, бунда ўқитувчи ўқувчилар билан ўзаро тўғри мулоқат ўрнатиши натижасида ўқувчиларда ўзига нисбатан ишонч, хайрихоҳлик уйғотади. Натижада ўқувчилар ўз ўқитувчиси билан бирга бўлишга, ўқишга, жамоат ишларида у билан бирга катнашишга ҳозир – нозир бўлишади. Коммуникатив қобилиятлар ташкилотчилик қобилиятлари билан бирга уйғунлашиб кетса ўқувчиларга янада самаралироқ таъсир этишга ёрдам беради ва ўзаро шахслараро тўғри муносабатлар ўрнатишни таъмин қилади. Ўқувчиларга тўғри муомала қила олиш, болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

Коммуникатив қобилият – бу ўқитувчининг тарбияланувчилар билан алоқа ўрната олиш фаолиятини ташкил қилиши учун зарур бўлган билим, малака, кўникма ва тажрибасидир. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти педагогик фаолият жараёнида шаклланади. Бунинг учун қуйидаги асосий шартлар мавжуд:

- 1) ўқувчиларнинг юз ифодасини ўқиш ва ўқиш қобилияти;
- 2) ўқувчининг ташқи кўринишидан унинг психик ҳолатини аниқлаган ҳолда унинг адекват моделини ясаб чиқиш;
- 3) ўқитувчи-ўқувчи билан мулоқот ва муомала қилишга имконият ярата билиши керак. Унга йўл очиб бериши ва йўл бериши керак;
- 4) ўқитувчи ўзини ота – онанинг, ўқувчининг ўрнида қўя билиши ва юзага келган вазиятни ижобий, зиддиятсиз ечишда улар каби фикрлай олиши керак.

Коммуникатив қобилиятни ривожлантириш йўллари:

1. Ўқитувчи жамият кўйган талабларни амалга оширишда масъул шахс ҳисобланади. Шунинг учун у ўз фаолиятини, кўндалик турмиш тарзини, жамият кўйган ғоя ва сиёсат асосида кўради.

2. Жамият олдга кўйган ғоя, сиёсати ва талаби ўқитувчи шахсининг шахсий нуктаи назари ва ишончи сифатида намоён бўлиши зарур. У давлатнинг ишончли вакили сифатида давлат сиёсатининг барча тамойилларига амал қилади

3. Ҳар бир ўқитувчи ўз шахсини таҳлил қилиши, ўз камчиликларини сезиши, бартараф қилиш йўллариини излаб, ўз – ўзини ҳурмат қилиб, ўз ўрнини эгаллаб, мавқеини мустахкамлашга ҳаракат қилмоғи лозим.

4. Ўқитувчи ўқувчининг ҳар бир ижобий фазилатини таъкидлаб, кўпчилик олдида ўқувчи қилган ишига муносабатини таъкидлаши керак.

5. Ўқувчи йўл кўйган хатоларни бартараф этиш, келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида ўқувчини кўпчилик олдида изза қилмаслик, нафсониятига тегиб, шахсини камситмаслик зарур.

Коммуникативлик қобилияти деганда биз ўқитувчининг болалар билан мулоқатда бўлишга, ўқувчиларга ёндашиш учун тўғри йўл топа билишга, улар билан педагогик нуктаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашда педагогик назокатнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятларни тушунамиз.

Психолог олимларнинг фикрига қараганда, коммуникативликда энг муҳими – болаларга таъсир этишнинг энг қулай усуллариини топа билиш, тарбиявий таъсирни қўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга эътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни ҳисобга олиш, ўқувчи шахсининг психологик ҳусусиятлари ва унинг имкониятлари ҳамда мазкур педагогик ҳолатларини ҳисобга олишнинг зарурлигидир.

Педагогик назокатнинг амалдаги куринишларидан бири – ҳар қандай педагогик таъсирга нисбатан кулланиладиган чора ва тадбирларни (рағбатлантириш, жазолаш, панд-насихат, кунгил кутариш, макташ ва бошқалар.) ҳис эта билишдан иборатдир. Ақл – фаросатли, назокатли ўқитувчи ҳар бир ўқувчи шахсининг психологик ҳусусиятлари билан ҳисоблашади, болаларга эътибор билан қараб, кузатиб юради ва уларнинг ҳар бири ҳақида ўз фикрига эга бўлади. Мисол тариқасида ўрта ва юқори синф ўқувчиларининг ўз ўқитувчилари ҳақидаги фикрларига эътибор беринг: «... Бизнинг тарих ўқитувчимизнинг кучли томони - унинг бизларни ҳар биримизга қандай муносабатда бўлишни билишида эди.», «У бизлар билан хайрон қоларли даражада ажойиб, яқин дўст, катта ёшдаги уртоқдек муомалада бўлар эди». «... Зоология ўқитувчимиз Фарида опамлар эса қандай қилиб бўлсада болаларни ўзига қаратиш, диққатини тортиш учун ҳушомадгўйлик қиладилар. Нега у ўзини шунчалик камситиб ерга уради?,-деб ўйлар эдим. – Балки улар болалардан чучиганидан шундай қилармикан? Адабиёт ўқитувчимиз Раҳимбой ака ҳеч бир сабабсиз киши дилига озор берар ёки беҳудага уришиб, қойиб ташлар эди»...

Кўрганингиздек, педагогик назокат (такт)нинг йўқлиги оғир оқибатларга олиб келади. Болаларнинг ўқитувчидан кўнгли совийди, обрўсига путир етади. Натижада ўқувчиларнинг норозилиги, эътирозлари намоишкорона билдирила

бошланади, улар ичидан атайлаб тартиб – интизомни бузадиганлари пайдо бўлади. «... Кўп ҳолларда ноҳақ иш қиладилар, арзимаган хато ёки тартибни бузганлиги учун дарҳол жуда кўпол ва кунгилга оғир ботадиган кескин гапларни айтиб, жеркиб, ёмон баҳо қўяди...», дейишади.

Ўқитувчининг педагогик назокати масаласи муносабати билан яна шуни ҳам таъкидлаб айтиш лозимки, қачонки ўқувчилар ўқитувчининг ижобий ҳислатлари тўғрисида гапирар эканлар, улар ҳамиша ўқитувчининг адолатлилиги каби ҳислатларни биринчи ўринга қўядилар.

II. Дидактик қобилиятлар.

Бу шундай қобилиятларки, улар ўқувчиларга ўқув материални тушунарли, қизиқарли, аниқ – равшан ва лўнда қилиб баён этилишининг асосини ташкил қилади. Ўқитувчининг педагогик маҳорати ўқувчиларга ўқув материали мазмунини тушунарли, қизиқарли ва аниқ баён эта олиши билангина чегараланиб қолмайди. Ўқитувчи, шунингдек, ўқувчилар онгини, Ақлини «уйғота олиши», «хаёжонга келтириши», «безовта қилиши», ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиши ҳам керак.

Ўқитувчидан зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиш, кийин мавзунини осон, оддийроқ қилиб, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиш ҳам талаб этилади. Албатта, қобилиятли педагог синф ўқувчилари руҳиятини, тарбияланганлик даражасини, билим ва камолотини ҳисобга олади ҳамда ўз дарсини шунга яраша ташкил этади.

Тажрибасиз, баъзан ўз устида ишламайдиган ва ўз педагогик қобилиятини ривожлантиришга интилмайдиган ўқитувчилар учун айрим ўқув материаллари оддий, тушунарли, алоҳида изохни талаб этмайдигандек бўлиб кўринади. Улар ўзларини ўқувчилар ўрнига қўйиб кўрмайдилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи эса уларни ҳисобга олади, ўзи учун тушунарли ва осон бўлган мавзу ўқувчиларга тушунирилиши кийин, мавҳум бир нарса бўлиши мумкинлигини билади ва шунга кўра иш тутати. У мавзунини баён этишнинг ҳар актер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади, режалайди.

Материалларни баён этиш пайтида қобилиятли ўқитувчи синф ўқувчиларининг қандай узлаштираётганликларини билиб боради, зарур бўлса баён қилиш усулини ўзгартиради: ланжлик, лоқайдлик, бўшашишларга барҳам бериш учун дам олишларига имкон беради ва синфда тагин ишчанлик вазияти вужудга келмагунча ишини бошламай туради. Чунки баъзан дарсни жуда тез суръатда давом этиши, материалнинг мураккаблиги, ўқувчиларнинг мия фаолиятини туманлаштиради ва уларда муҳофаза қилувчи ҳолатни вужудга келтиради. Натижада ўқитувчининг тушунтиришлари зарур даражада идрок қилинмайди. Ўқитувчининг тушуниш кийин бўлган материални тушунарли, осонроқ, соддароқ қилиб, ўқувчиларга мослаштириб баён этиб бера олиш ҳислатлари ҳақида ўқувчилар одатда: «... Математикадан дарс берадиган ўқитувчимиз энг қийин масалаларни ҳам аниқ – равшан ва тушунарли қилиб тушунтиради. Бундай ўқитувчининг кўлида ўқиган сайин ўқигинг келади...»; «... Биология ўқитувчиси эса ҳеч нарсани аниқ тушунтириб бера олмайди. Барча мавзуларни

зерикарли ва ноаниқ – мужмал қилиб тушунтиради, бидирлаб кўп гапиради, бир хил сўзларни тез-тез такрорлаб айтаверади. Биз бундай ўқитувчини ёқтирмаймиз...», дейдилар.

Хозирги тушунчамиздаги касбий маҳорат, шунчаки билимларни осонроқ, ҳаммабоп ва тушунарли қилиб ўқувчилар онгига етказиб бериш қобилиятинигина эмас, балки, шу билан бирга ўқувчиларнинг мустақил ишларини, уларнинг билиш фаоллигини оқилона ва мохирлик билан бошқариб, уларни керакли томонга йуналтириб туришдан иборат қобилиятни ҳам ўз ичига олади.

III. Академик билимларни эгаллаш қобилияти.

Академик қобилиятлар деганда биз илмий билиш жараёнини тушунамиз. Бу-ўқитувчида ахборотлар, билимлар, янгиликларни эгаллашга мойиллик, ўз фани, касби соҳасидаги барча янги материаллар билан танишиб, йиғиб бориш ва натижада ўз фанини ўқув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билиши демакдир. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчилар ўз фани, касби соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради ва шу билан бирга оддий илмий педагогик тадқиқот ишларини ҳам олиб боради. Буларнинг барчаси ўқитувчига ўқув материални чуқур билиш, таълим-тарбия ишига ижодий ёндашишга ёрдам беради. Академик қобилиятлар – математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига ҳос қобилиятлардир. Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб ҳайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиши учун у юксак маданиятли, ҳар томонлама мазмунли, кенг эрудицияли (билимдон) одам бўлмоғи лозим.

IV. Ташкилотчилик қобилияти.

Бу қобилият, биринчидан: ўқувчилар ўртасида ташкилотчилик ишларини олиб бора олишида, уларни ҳар турли ижтимоий – фойдали фаолиятга фаол жалб эта олиши, синф жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришида кўринади. Иккинчидан, бу шундай қобилиятки, бунда ўқитувчи ўзининг шахсий фаолиятини ташкил эта билиши учун унда аниқлик, тартиб – интизом, масъулият, шайлик, батартибликнинг бўлишидир. Қобилиятли ўқитувчи ўз ишини тўғри режалаштира олиши, ишини назорат қилиб бориши, танқидий баҳо бериши, шунингдек, вақтни ҳис эта билиши, яъни ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиши керак. Дарҳақиқат, кўпчилик ҳолларда дарс давомида қутилмаганда ортиқча сарфлаш ҳоллари учраб туради. Ана шунда ўқитувчи дарснинг режасини ўзгартира олиши, қолган вақтни тўғри тақсимлаши ва дарсдан кўзланган асосий мақсадга тўла эришиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Ўқувчилар ўз ўқитувчилари ҳақида турлича фикрда бўладилар. Жумладан, айрим ўқувчилар: «... Биз Содиқ акани жуда яхши кўрамиз. Улар синфимизда бир зумда ишчанлик кайфиятини уюштириб, барчамизни ўзининг пухталиги, озодалиги, эпчиллиги ва тадбиркорлиги билан ҳайратда қолдиради...» - десалар, айрим ўқувчилар ... «Дониёр акам кўп ишга уринади, аммо бирортасини ҳам охирига етказмайди. Унга қараб бизнинг ҳам ишдан ихлосимиз қайтади,

хафсаламиз бир пул бўлади...» - дейдилар. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўқитувчининг ўз ишини ташкил қила билиши деганда унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назорат қила олиши назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда, шунингдек, вақтга нисбатан ўзига ҳос сезувчанлик бўлади. Масалан, улар вақтни сеза билишни урганиш учун дарс режасида ёки матнда вақтни назорат қилиш мақсадида белгилар қўйиб боришни тавсия этадилар. Жумладан: дарснинг 10,20,30 ва бошқа минутлари давомида, агарда кўзда тутилмаган вақт ортиб қолган тақдирда фойдаланиш учун қандай қўшимча материалларни тайёрлаш ёки вақт етмай қолган тақдирда қандай материални кейинги дарсга қолдириш мумкинлиги ҳақида маслаҳат берадилар.

V. Нутқий қобилият.

Бу: ўқитувчининг ўз оғзаки нутқи ёрдамида, имо – ишора, қўл ва гавда ҳаракатлари воситасида шахсий фикр туйғуларини, ҳис ҳаяжонини аниқ ва равшан ифода эта олиш қобилиятидир. Тажрибали, маҳоратли ўқитувчининг нутқи доима аниқ, жонли, образли, ифодали, ҳис ҳаяжонли бўлади. Ўқитувчи ўз нутқида стилистик, граматик ва фонетик нуқсонларга йўл қуймаслиги лозим. Айрим ўқитувчилар тез, баъзилари эса секин гапирадилар. Лекин ўқувчилар ўқув материални яхши ўзлаштиришлари учун ўртача суръатдаги, жонли, ҳис – ҳаяжонли нутқ яхши натижа беради.

Бундан ташқари ҳаддан ташқари паст овоздаги, секин нутқ ўқувчиларни ланж қилади ва зериктиради. Меъёридан ортиқ даражада кескин ҳамда бакироқ нутқ болаларни асабига тегади. Уларни толиқтиради. Қобилиятли ўқитувчи ўз нутқида жуда кўп такрорланадиган, бир хилдаги имо ишоралар, ҳаракатларни ва паразит сўзларни ишлатмаслиги шарт. Мохир ўқитувчиларнинг нутқи доимо ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган мавзуга қизиққанлиги билан ажралиб туради. Педагогик нутқ сўзлаш қобилиятига эга бўлган ўқитувчи ўз нутқида ўринли қочириқлар, ҳазил, енгил истехзо, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва ҳакозолардан ҳам усталик билан фойдалана олиши керак.

Ўқитувчидан ўқувчиларга узатиладиган ахборот асосан 2-чи сигнал тизими- нутқ орқали берилади. Бунда мазмун жихатидан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади. Ўқитувчининг оғзаки нутқи доимо ўқувчиларга қаратилган бўлади. У янги мавзуни баён этадими, ўқувчилар жавобини шархлайдими, маъқуллайдими ёки танбех берадими, хуллас, нима қилишидан қатъий назар, нутқи ҳамма вақт ўзининг ишончлилиги, жозибадорлиги каби ички қувват билан алоҳида ажралиб туриши лозим. Бериладиган ахборотлар шундай тузилиши керакки, бунда ўқувчиларнинг фикру-зикри ва диққат-эътибори юқори даражада фаоллашсин. Буни учун ўқитувчи ўртага савол ташлаб, аста – секинлик билан ўқувчиларни тўғри жавобга олиб келади, мана шу жараёнда у: «... Бунда айниқса зийрак бўлинг, янада диққатлироқ бўлинг, миянгизни ишлатинг!», «... Уйланг, яна бир уйлаб кўринг!»- каби сўз ва ибораларни ўз меъёрида ишлатмоғи керак.

Ўқитувчи узундан узун жумлаларни, мураккаб оғзаки изоҳларни, қийин атамаларни ва зарурати бўлмаса, турли хил таърифларни ишлатмагани маъқул. Шунинг билан бирга баъзан ўқитувчининг лунда ва қисқа нутқи ҳам аксарият

ҳолларда ўқувчиларга тушунарсиз бўлиб қолар экан. Ўқитувчи ушбу ҳолни ҳам ҳисобга олмоғи лозим.

Шарқ мутафаккирларидан Насриддин Тусий «... Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заҳар ҳандали, кўпол ёки каттик бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин», - деб ёзади. Унинг ушбу насихатларини ҳар бир ўқитувчи унутмаслиги керак.

VI. Перцептив қобилиятлар.

Бу боланинг ички дунёси, ҳис – ҳаяжон ва кечинмаларини бир қарашда сезиш, тушуна олиш қобилиятидир... «-Инсоннинг афти – башарасига қараб, боланинг юзига қараб ўқий олиш керак ... Бировнинг юзига қараб унинг ички кечинмаларини билиб олишда ҳеч қандай айёрлик, ақл бовар қилмайдиган нарса йўқ». –деб ёзган эди. А.С.Макаренко. Бу қобилият ўқитувчига руҳиятнинг энг нозик, мураккаб масалаларини сезишга, боланинг руҳий ҳолатини дар ҳол илғаб олишга ёрдам беради. Бу қобилиятга эга бўлиши учун ўқитувчи болалар билан доимо, яъни, танаффус пайтида ҳам, дарсда ҳам, дарсдан кейин ҳам бирга бўлиши, мулоқот қилиши, кузатиб юриши лозим. Шундагина ўқитувчи ҳар бир кишида инсонга ҳос ҳислатларни кўра олиши мумкин.

Перцептив қобилият, шунингдек, ўзининг қатъий, иродали сўзи билан зарур бўлган натижага, мақсадга эришиш, тегишли таъсир ўтказишдир. Бу – эмоционал - иродавий таъсир натижасида ўқувчилар ўқитувчи кўрсатмаси билан келишишга рози бўлиши ва уни сўзсиз бажаришлари демакдир. Суггестив қобилият деганда бошқаларга таъсир этиш, уктириш лаёқатини тушунамиз. Бундай қобилият ўқитувчи обрўси (авторитети), иродавий ҳислатлари, ўқитувчининг ўзига бўлган ишончи, ўзининг қилган ҳатти – ҳаракатларига ҳақлиги билан боғлиқдир. Шунини айтиш керакики шахс обрўси ва суггестив қобилиятлари ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд. Аммо, ўқитувчи шахсининг ҳурмат этилиши, унинг обрўсини тан олиш ўқувчилар томонидан бўлиши керак.

Шундай қилиб, перцептив қобилият деганда биз ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига қара билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг вақтинчанлик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир. Қобилиятли ўқитувчи болаларнинг ҳар қандай майда-чуйда ҳатти-ҳаракатларида, ёрқин ифодаланган айрим ташқи ҳолатларида ҳамда уларнинг ички дунёсида юзага келадиган ўзгаришларни сездирмасдан билиб олади. Ана шундай ҳолларда ўқувчилар ўз ўқитувчилари тўғрисида: «... Фарида опамлар қайси биримизнинг феълимизда ўзгариш бўлса ёки кимдир дарсга тайёрланмай келган бўлса кўзига қараб билади», ёки «... Тарихдан дарс берувчи Собир ака биз томонга қарамай турса ҳам ҳамма нарсани, ҳар кимни кўриб туради», - деб гапиришади.

VII. Обрў орттира олиш қобилияти.

Обрў орттира олиш қобилияти ҳам ўқувчига бевосита эмоционал - иродавий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ. Бундан ташқари ўқитувчи ўз обрўсини орттириш учун ўзи ўқитаётган фанини яхши билиши, болаларга меҳрибонлиги, назокати ва

бошқа ижобий ҳислатлари билан ажралиб туриши лозим. Бу қобилият ўқитувчининг иродавий (ҳислатларига) сифатларига, яъни унинг чидамлилиги, дадиллиги, қатъийлиги, талабчанлиги, принципиаллиги ва бошқаларга, шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия беришда масъулиятни ҳис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишга, бу ишончни ўқувчиларга ҳам етказа олиш кабиларга боғлиқдир.

Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчини ҳурмат қиладилар. Агар ўқитувчи бўшанг бўлса, лакма, саботсиз ва иродасиз бўлса, айтган сўзи билан қиладиган иши бир – бирига тўғри келмаса, уни ёқтирмайдилар.

Авторитар қобилиятга эга бўлган ўқитувчининг ростгўйлиги, иродавийлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби ҳислатлари ҳамда қатор шахсий ҳислатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим тарбиясида жавобгарликни ҳис қилиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишончи каби ҳислатларга ҳам боғлиқдир.

Ўқувчилар (айниқса уғил болалар, ўспиринлар) талаб қилишни биладиган, ўқувчиларни мажбур қилмайдиган, дўқ-пўписа қилмайдиган, ёлғон ваъдалар бермайдиган, сўзининг устидан чиқадиган ва беҳуда расмиятчиликка йўл қўймайдиган ўқитувчиларни жуда ҳурмат қиладилар. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг ўқитувчилар ҳақидаги фикрларини мисол қилиб келтирамиз: «... Биз уни жиддийлиги, вазминлиги ва талабчанлиги учун ҳурмат қиламиз. У ҳамма вақт шунчаки мулойим, сипогина талаб этади, аммо унинг талаби шу қадар таъсирчанки, унга қулоқ солмаслик мумкин эмас».

«... Математика ўқитувчимиз ўзини ҳар доим мулойим, осойишта тутиши билан бирга у бутун синфга ажойиб таъсир эта олади...», уларнинг қуйидаги фикрларига эътибор беринг: ... «Меҳнат ўқитувчиси Полвон аканинг мактабимиздан кетганига биз жуда хурсанд булдик. Чунки, у бизга дўқ-пўписа, бақириқ-қичкириқ ва фақат буйруқбозлик билан раҳбарлик қиларди, бизни ўзига мажбурлаб бўйсундирар эди».

Шу аснода Президент И.А.Каримовнинг мактаб таълими жараёнида олиб борилаётган ишларнинг ахволи тўғрисида айтган фикрларини келтирсак жуда ўринли бўлади: «... - Мабодо бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган ахволга тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: Менинг айтганим – айтган, деганим - деган».

Шу билан бир қаторда ўқувчилар ўқитувчининг бўшлиги, ландавурлиги, лакмалиги, сусткашлиги, иродасизлиги каби ҳислатларни ҳам жуда қоралайдилар. Бундай ўқитувчилар ҳақида улар: «Яхши одаму, лекин ўта бўш. Уни алдаб кетиш ҳеч гап эмас»; «Уни тушуниб булмайди: бир қарасанг жуда қаттиққўл, талабчан, баъзан эса ўта бўшанг, сусткаш, ҳеч нарсани талаб ҳам қилмайди», ёки «Жуда бўшанг, ланж, лакма: уни кўришинг билан уйқинг келади», - деб гапирадилар.

VIII. Келажакни кўра билиш (башорат қила олиш) қобилияти.

Бу қобилият – ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билишда ўқувчининг келгусида қандай яхши одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай ижобий фазилатларни тараккий эттириши лозимлигини олдиндан айтиб бера олишида ифодаланади. Келажакни кўра билиш қобилияти асосий – касбий педагогик қобилият сифатида бекордан алоҳида ажратиб кўрсатилмаган.

Ўқитувчи ўз педагогик фаолияти жараёнида ҳар бир ўқувчидаги ижобий ҳислатларга таяниб иш кўради. Ўқитувчи ўз ўқувчисига қарата «Ҳеч қачон!» сўзини ишлатишга ҳаққи йўқ. Масалан: «Сен бу фанни ҳеч қачон ўзлаштира олмайсан!», «Сендан ҳеч қачон яхши одам чиқмайди!» ва ҳаказо.

Бу-педагогик ҳаёл қилиш, бу – кишининг ўқувчилар шахсини тарбиявий томондан лойихалаштиришда, ўз иш - ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда номаён бўладиган қобилиятдир. Бу қобилият ўқитувчи маълум ўқувчидан келгусида ким чиқишини кўз олдида келтиришида, тарбияланувчиларда у ёки бу хилдаги ҳислатларни ўсиб ривожланишини олдиндан кўра билишида намоён бўлади. Бу қобилият педагогик оптимизм, тарбиянинг кучига, ўқувчиларга бўлган ишонч билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўқувчилар айрим ўқитувчилар тўғрисида: «Фарҳод ака биз ўйлашимизча, синфимиздаги энг ўзлаштирмовчи, тартибсиз ўқувчиларга нисбатан ҳам ўз ишончларини йўқотмас, келгусида улардан яхши инсон етишиб чиқишига қатъий ишонар эдилар. Шунинг учун ҳам биз уни жуда ҳурмат қилар эдик», - деган фикрларни билдиришган.

IX. Дикқатни тақсимлай олиш қобилияти.

Ҳар бир ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари: ҳажми, кучи, кучувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлигини ривожлантириш ғоят муҳимдир. Диққатни тақсимлай олиш қобилиятини эгаллаб олиш учун ўқитувчи ўта кузатувчан, сезгир бўлиши лозим. Бунинг учун у доимо ўз устида ишлаши, машқ қилиши керак.

Ўқитувчи янги мавзунини баён қилиши борасида синф доскасига зарур гапларни ёзади. Бу пайтда у албатта синф ўқувчиларини кўрмайди. Мана шундан фойдаланган, охириги парталардан бирида ўтирган ўқувчи тартибни бузади. Тажрибали ўқитувчи дарҳол орқасига ўгирилиб, синфни бир секунд кузатади ва фақат бир ўқувчининг фамилиясини айтади. –«Аҳмедов!» Ўқувчилар диққатини чалғитмаслик учун у тартибни бузган ўқувчига узок танбех бериб турмайди. Ўқитувчи шунча ўқувчилар орасидан тартибни бузган болани қандай аниқлади? Ўқитувчи дарс давомида синфни диққат билан кузатиб турган ва Аҳмедовнинг дарсни эътиборсизлик билан тинглаётганини, ёзишга тайёр эмаслигини ва имкон топса тартибни бузишга мойил эканлигини олдиндан сезган. Шунинг учун ҳам у ишонч билан унинг исмини эмас, балки атайлаб фамилиясини айтади ва шунинг билан унинг қилиғидан жуда норози эканлигини билдиради. Бундай ўқитувчилар мавзунини баён этаётган пайтларида ҳам, ўқувчиларнинг жавобларини тинглаётганларида ҳам, синф журналига ёзаётган пайтларида ҳам барча ўқувчиларни кўриб турадилар. Синфдаги толиқиш, чарчаш, тушунмаслик,

эътиборсизлик аломатларини дарҳол сезадилар ва зарур чораларни кўрадилар. Шунинг билан бирга тажрибали ўқитувчи ўз хатти – ҳаракатини, кайфиятини, организмидаги қайси аъзолар кўпроқ толиққани ва зуриққанини ҳам диққат билан кузатиб, сезиб туради. Тажрибасиз ўқитувчи эса материални тушунтиришга берилиб кетиб, ўқувчиларни эътибордан четда қолдиради ва назорат этмайди, синфда тартибсизлик бўлса ўз фикрини баён этишда чалғиб кетади. Қобилиятли ўқитувчи учун болани тушуниш, билиш лаёкати унга фаол таъсир этиш билан, яъни шахс динамизми билан ўзаро узвий боғлангандир.

Динамизм – бу ишонтиришга, инонтиришга бўлган мохирлик, бу – ички энергия, ташаббускорлик ва турли хил тарбиявий таъсирларни қўллашда топқирликдир. Шахс динамизми эмоционал барқарорлик билан боғлиқ. Чунки, қобилиятли ўқитувчининг таъсир доираси биринчи навбатда ўз шахсига қаратилган бўлади. Ўзини ҳар хил мураккаб педагогик вазиятларда тута билиш кайфиятини, ишлашга бўлган иштиёқини кўтара билиш лаёкати шахснинг эмоционал барқарорлигини вужудга келтиради ва унга вазиятни бошқара билиш ҳамда кутилмаганда юз берган педагогик вазиятларда ўзини вазминлик, совуққонлик билан тута билиш имконини беради.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти бир вақтнинг ўзида диққатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намаён бўлиб, ўқитувчи ишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Тажрибали, мохир ўқитувчи ўзининг диққат – эътиборини ўқув материални қандай баён этишига, унинг мазмунига, ўз фикрларини атрофлича қилиб, қандай очиб беришига ёки ўқувчи фикрига баралла қаратади ва шу билан бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларни кузатиб, уларни толиққан ёки толиқмаганлигига, эътиборли ёки эътиборсизлигига, дарсни тушуниш – тушунмаслигига аҳамият бериб, уларнинг интизомини кузатади. Шунинг билан бирга у ўзининг шахсий – хулқ – атворига ҳам эътибор беради. Чунки, у ўқувчиларни тарбиялар экан, ўзининг хулқ-атвори, юриш туриши, хуллас, бутун ўқитувчилик шахси билан ўқувчиларга ўрнак бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Азизхўжаева Н.Н Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т., 2006
3. Ахмеджонов М.М., Ходжаев Б.Қ.,Хасанова З. Педагогик маҳорат. Т.:2008
4. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Т.:2011
5. Саидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар. Тошкент 2003

9-МАЪРУЗА: Педагогик такт ва педагог одоби; (2 соат)

РЕЖА:

1. Педагогик такт ҳақида тушунча
2. Педагогик тактнинг моҳияти ва хусусиятлари
3. Ўқитувчининг педагогик одоби ва ахлоқи
4. Дарсадаги педагогик такт.

ПЕДАГОГИК НАЗОКАТ ВА ПЕДАГОГИК ОДОБ – АХЛОҚ.

Ўқитувчи одобининг моҳияти, асосий мазмуни педагогик фаолият учун муҳим бўлган ахлоқий сифатларда ифодаланади. Умуминсоний ва миллий – ахлоқий фазилатлар барчаси кишилар, ҳамма касб эгалари, жумладан, ўқитувчи – тарбиячилар учун ҳам жуда зарурдир.

Ахлоқий фазилатлар меҳнат жараёнида кишининг ҳулки, феъл атворини тартибга солиб турувчи ахлоқий қоидалар, нормалар, талаблар, мезонлар шаклида ифодаланади. Ахлоқ нормалари давлатнинг турли қонунлари билан амалга ошириладиган ҳуқуқ нормаларидан фарқ қилиб, оммавий одат ва намуна кучи, жамоатчиликнинг фикри таъсирида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий воқелик шахс олдига маълум ахлоқий талаблар қўяди, бу талаблар ахлоқ нормаси, ахлоқий фазилатлар шаклида ифодаланади. Жамият ўз фаолияти ва истикболи учун хизмат қиладиган ахлоқ нормалари, талаблари, мезонларини белгилайди.

Ўқитувчи умуминсоний ва миллий – ахлоқий фазилатларни ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши, мафкураси ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаши лозим. Фикрлаш ва ҳис этиши, турмушда синаб кўриш натижасида умуминсоний ва миллий – ахлоқий сифатлар, қоидалар, нормалар ўқитувчи ўз ахлоқий фазилатига эътиқодига айланади. Булар муаллимнинг дунёқараши, фикр ва мулоҳазалари билан қўшилиб, бозор иқтисодиётига асосланган жамият куриш шароитида унинг ўрни ва ролини белгилайди.

Ўқитувчи одобининг нормалари ҳар бир муаллифнинг шахсий фикрига, ахлоқий фазилати ва эътиқодига айланиши лозим. Ахлоқий эътиқод ва сифатлар ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларида, ўқитувчилар, ота-оналар ва бошқа кишилар билан муомала, муносабатларида кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишида кўзга ташланади. Педагогик такт ўқитувчи ахлоқининг амалий кўринишларидан биридир. Муаллиф ҳулкининг натижалари унинг ёшларга ахлоқий таъсирининг самарадорлигида, ахлоқий тарбия соҳасида эришган ютуқларда намоён бўлади.

Ўқитувчи одобининг асосий сифатлари умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар тушунчаларига мос келади ва уларни педагогик фаолияти билан боғлиқ тарзда бир қадар ойдинлаштиради, аниқлайди. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур байналмилалчилик, адолат, яхшилик қилиш, бурч, қадр-қиммат, масъулият, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, талабчанлик каби ахлоқий фазилатлар ўқитувчи одобиде педагогик фаолияти билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Болаларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчи, ўқитувчилик шаъни, кабилар ўқитувчи ахлоқининг муҳим фазилатлари

ҳисобланади. Уларни чуқур ва пухта ўзлаштириш бўлажак ўқитувчи учун катта амалий аҳамият касб этади.

ЯХШИЛИК ҚИЛИШ

Умуминсоний ахлоқий қадриятлар орасида яхшилик қилиш фазилати муҳим ўрин эгаллайди. Марказий Осиё халқларининг қадимги ёдгорлиги – «Авесто»да эзгу фикр, яхши сўз ва яхши ишлар инсоний фазилат сифатида улуғланади. Ислом таълимотида бошқаларга яхшилик қилиш инсоннинг табиий эҳтиёжи, вожиботи бўлиши кераклиги тушунтирилади, айниқса, ота-онага, аёллар, ёш болаларга яхшилик қилиш жуда қадрланади.

Ота-боболаримиз доимо яхши ният, яхши орзу-истаклар билан яшаганлар. Ўзларидан яхши ном қолдиришга интиланлар. «Яхшиларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим» (Амир Темур ўғитлари. Тошкент, «Наврўз», 1992, 17 бет).

Кишиларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, гап-сўзи уларнинг ҳулқига боғлиқ. Яхши ҳулқ эгаси бўлган киши одамларга яхшилик қила олади. Абдулла Авлоний яхши ҳулқлар қаторига: фатонат, диёнат, исломият, назокат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр; илм; интизом, миқёси, виждон, ватанни суймоқ, ҳаққоният, ибрат, иффат, идрок ва завоқ, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат, авф кабиларни киритади. «Эмди бу яхши ҳулқларни қўлга олмак учун ота-она, муаллиф, устозларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи билан, тинглаб доим хотирда тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар билан улфат бўлмак, ахлоқи бузуқ, ёмон кишилардан қочмоқ лозимдир» (Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 16-бет).

Улфат Маҳкамовнинг «Ахлоқ - одоб сабоқлари» (Тошкент, «Фан» 1994, 134-бет) асарида: адолат, ақл, бахт, бурч, ватанпарварлик, вафо, дўстлик, иймон, инсоф, инсонпарварлик, камтарлик, латофат, лафз, мардлик, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, одамийлик, поклик, сабр-қаноат, саҳийлик, тўғрилиқ, яхшилик, ҳаё, ҳиммат каби умуминсоний ва миллий - ахлоқий сифатларнинг мазмуни очиқ берилган. Улар кишиларни яхшиликка даъват этувчи фазилатлардир. «Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади, яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши сўзларига муносиб воришлар тайёрлайди». (Каримов И.А. Халқнинг оташқалб фарзанди. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 28-бет).

Яхшилик – ижобий ахлоқий фазилат бўлиб, ҳулқий сифатларнинг мажмуини, инсон фаолияти ёки бирор хатти-ҳаракатига ижодий муносабатнинг йиғиндисини ақс эттиради. Яхшилик – кишининг ахлоқий онги ва ахлоқий тажрибасида жамият ва шахс манфаатларининг бирлигини ақс эттириб, шахсга ва жамиятга манфаат келтирадиган, ижтимоий тараққиётга мос келадиган фазилатдир.

ЎҚИТУВЧИЛИК БУРЧИ

Умуминсоний ва миллий ахлоқда бурч тушунчаси ҳар бир кишининг ўз вазифасини тўлиқ бажариши, бошқаларга тўғри муносабатда бўлишини ифодалайди. Бурчда шахснинг жамиятга бўлган муносабати намоён бўлади. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон-шараф келтиради. Кишининг ўз бурчига содиқлиги жамиятга, Ватанга, меҳнатга, оилага, фарзандларига бўлган муносабатида билинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда бурчлари ҳам белгиланган. Ёшларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр қимматини ҳурмат қилиш; Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий меросини авайлаб асраш; атроф – табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бурчга содиқлик ҳар бир кишининг одоби, ахлоқини кўрсатади. Катта ёшдаги кишиларни ҳурматлаш ёшларнинг бурчидир.

Ижтимоий бурчни юксак даражада англаш ўқитувчининг ахлоқий фазили ҳисобланади. Муаллим болаларга ўргатадиган Ойлар унинг қалбидан жой олиб, дунёқарашнинг асоси бўлиши зарур. Ҳар бир ишда, ҳар бир масалада муаллим ўз бурчига содиқ, қатъий принциплар бўлиши, ҳар қадамда унга амал қилиш зарур. Муаллимнинг мафкураси фуқаролик руҳи билан суғорилган бўлса, ижтимоий бурчни виждонан ҳис қилишга, интизомлилик, ҳатти-ҳаракатларини назорат қила билиш; камтарлик, инсонпарварлик, ўз қадр-қимматини тўғри баҳолай олишга имкон беради.

Ўқитувчи ёш авлодга таълим-тарбия бериш соҳасидаги ўз бурчини ўзига юклатилган мажбурият эмас, балки ўз ҳаётининг маъноси, ишонч ва виждон даввати деб ҳисоблайди. Фуқаролик бурчини ҳис этиш бутун халқ ва Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги тўғрисида Ёмхўрлик қилишни тақозо этади. Давлат олдидagi бурчни юксак англаган, мафкуравий пок баркамол муаллим инсонга иззат-ҳурматли, ёшларга Ёмхўр, меҳрибон, бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр турадиган кишидир. Ўқитувчи ахлоқда бурч ҳисси Ватанни севиш, унинг порлоқ келажаги учун Ёмхўрлик қилишни талаб этади. Ўқитувчи одобда ватанпарварлик бурчи байналмилалчилик туйғуси билан чамбар - час боғлиқдир.

Ўқитувчилик бурчи таълим - тарбия ишларини бажаришга ва муаллимнинг шахсига нисбатан жамият қўядиган ахлоқий талаблар ва йўл-йўриқлар мажмуидир. Ўқитувчилар, касбдошлари, ота - оналар билан ҳушмомала, яхши муносабатда бўлиш, танлаган касби учун педагоглар жамоаси ва жамият олдидagi масъулиятини ҳис этиш шулар қаторига киради. Ёшларни умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш ўқитувчилик бурчининг асосини ташкил этади.

Ўқитувчилик бурчининг мазмуни таълим-тарбия жараёнининг моҳияти билан белгиланади. Бу жараёнда ўқувчилар инсоният асрлар давомида тўплаган билим, қўникма ва малакаларни эгаллаб оладилар. Шунингдек, ўқитиш жараёнида муаллимнинг бажараётган ишига муносабати ҳам, унинг шахсий фазилатлари ва қўйиладиган ахлоқий талабалари акс этади. Ўқитувчилик касбини танлаган киши бу ахлоқий талаблар ва йўл-йўриқларни албатта, бажариши зарур.

Педагогик амалиётда муаллимлар ўз педагогик бурчларини бажаришга ҳалол интилсалар ҳам иш шароитлари турлича бўлгани учун бир хил натижага эришавермайдилар. Бунинг оқибатида шахс билан жамият ўртасида маълум даражада қарама-қаршилиқлар вужудга келади. Бу келишмовчиликлар турлича бўлиши мумкин. Киши ўқитувчилик бурчини англаса ҳам бирор шахсий мулоҳазага кўра ўз бурчини бажаришни истамаслиги мумкин. Бундай ҳоллар камроқ учраса ҳам умумий ишга, ўқувчилар тарбиясига зарар етказди. Жамоатчилик таъсири ва маъмурий йўллар билан уни бартараф этиш лозим.

Баъзан муаллим бурчи нима эканлигини ва уни бажариш зарурлигини тушунади, лекин уни амалга оширишга – масалан, ҳар куни ўз билимини ошириш устида ишлашга, бошланган ишини охиригача етказишга иродаси чидамайди ёки ўзини сафарбар этолмайди. Натижада жамиятнинг муаллимга қўйган ахлоқий талабига путур етади. Мактаб жамоаси бундай ҳолларда ўқитувчига нисбатан талабчанликни ошириши зарур.

Ўқитувчилик бурчи ақл билан ҳиссиётнинг бирлигидан иборат. Муаллим касбига нисбатан қўйиладиган талабларнинг моҳияти ва мазмунини билса, унинг шахс ва жамият учун муҳимлигини англаса, бу вазифаларни бажариш учун ўзида қобилият бирлигини сезса, педагог учун зарур фазилатларни тарбиялаш йўллари белгилаб олса – шундагина унда профессионал бурч шакллана бошлайди. Шундагина муаллим белгиланган хатти-ҳаракатларни ўз ихтиёри билан амалга ошира бошлайди, демак, унда бурч ҳисси шаклланган дейиш мумкин. Ўқитувчининг энг муҳим бурчларидан бири ўз билимларини мунтазам ошира боришдир.

ЎҚИТУВЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Шахс ахлоқини тавсифлайдиган белгилардан бири масъулиятдир. Бошқа кишилар олдидаги ўз бурчини англаш ва уни киши ҳуққининг раббатига айлантириш, одам ўз фаолиятини бошқаларга кўпроқ яхшилик қилишга онгли ва ихтиёрий равишда йўналтириши масъулият тушунчасининг мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис кенгашларида сўзлаган нутқларида Ўзбекистон фуқароларида айикса, раҳбар ходимларда онглилик даражасини ошириш ва топширилган иш учун масъулият ҳиссини ўстириш муҳим эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Мамлакатимизда демократияни янада ривожлантириш тўғрисида гапириб, демократия берадиган ҳуқуқлар мамлакатимиз халқнинг манфаатларига хизмат қилиши зарур, деган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида, ислохотларни амалга ошириш мураккаб кечаётган ҳозирги даврда демократия бу – берилган ҳуқуқлардангина иборат эмас, балки юксак фуқаролик масъулияти ҳамдир. Бу ҳуқуқлар қанчалик кўп бўлса, фуқароларнинг жамият олдидаги масъулияти ҳам шунча юксак бўлади.

Ўқитувчининг масъулияти – масъулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ҳолда муаллимнинг фаолияти ва таълим-тарбия жараёнининг аниқ вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчи зиммасига бола шахсини баркамол инсон сифатида тарбиялаш масъулиятли юкланади. Муаллим ўқувчиларга чуқур

назарий билимлар бериши, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаши лозим. Шу билан бирга у боладаги мавжуд лаёқат ва қобилиятларни пайқаб, алоҳида ёндашиши, унда мавжуд бўлган ижобий ахлоқий фазилатларни авайлаб ўстириши лозим.

Муаллим синфда жамиятнинг, халқнинг, давлатнинг вакили сифатида ўқитувчилар жамоаси билан ёлғиз ўзи иш олиб боради. Бундай шароитда ўқитувчининг масъулияти унинг хулқини тартибга солиб турадиган, бошқарадиган куч, ўқитувчиларга таъсир ўтказиш даражасининг асосий мезони ҳисобланади. Жамиятнинг келажаги, ота-онанинг умиди, нури-дийдаси – фарзанднинг тақдири, келажаги унинг қўлига ишониб топширилган. Муаллим ўқувчиларнинг билимига баҳо қўяди, баҳо эса жамиятнинг, катталарнинг, ота-онанинг болага муносабатини белгиловчи мезон, омиллардан биридир. Яхшилик, адолат, шаън, кадр-қиммат, инсонийлик кабиларнинг мавжудлигига болада ишончни вужудга келтириш ҳам ўқитувчининг масъулиятига боғлиқ. Шуниси ҳам борки, буни кўпинча назорат қилиб ҳам бўлмайди. Бу муаллимнинг виждонига ҳавола қилинади.

Ўқитувчилик қилаётган ёки муаллимлик касбини танлаган кишилар ўз зиммаларига қанчалик юксак шарафли масъулият олаётганликларини тасаввур этишлари лозим. Олий ёки ўрта махсус педагогика ўқув юртини битириб, муаллимлик фаолиятини бошлаган киши барча ўқувчиларга ўзини яқин тутиши, одоби, одиллиги билан болаларга ижобий ахлоқий намуна кўрсатиши зарурлигини ёддан чиқармаслиги керак.

ЎҚИТУВЧИЛИК ШАЪНИ ВА КАДР - ҚИММАТИ

Умуминсоний ва миллий ахлоқнинг муҳим фазиларларидан бири инсонлик шаъни, кадр-қимматидир. Кишининг кадр-қиммати, аввало, умумий ишга қўшаётган ҳиссасининг салмоғи ва сифати билан белгиланади. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда инсон ўз меҳнатининг салмоғи ва сифати билан, ақлий ва жисмоний меҳнатининг самараси билан, ишбилармонлиги билан қадрланади. Ҳалол меҳнат кишининг қадрини, иззат-ҳурматини оширади. Киши ўз меҳнатининг қадрига етиши, у бажараётган иш жамиятда аҳамиятли эканлигини тушуниши лозим. Кишининг умумий ишга қўшаётган ҳиссасининг салмоғи, у қайси вазифани бажараётганлигида эмас, балки, ўз ишини қанчалик яхши, сидқидилдан бажаришига боғлиқ. Инсоннинг кадр-қиммати унинг мансаби, касби-коридан кўра ҳам кўпроқ ўз касбини қандай бажаришига, унинг одоби ва хулқ - атворига боғлиқдир.

Бу фазилат ўқитувчи одобда муаллимнинг кадр - қиммати, шаъни деб аталади. У, аввало ўқитувчидан ўз ишининг устаси, камтар бўлишни, шу билан бирга педагоглар ва ўқувчилар жамоасида ўзини тута билишини талаб этади. Синфга мактаб директори, назоратчи ёки бошқа кишилар дарсни кузатишга, текширишга кирган пайтларида муаллим «Ғафлатда» қолмаслиги лозим. Бундай пайтларда ўқитувчи, аввало, ўз ўқувчилари олдида синовдан ўтади. Бунда ўқитувчи ҳовлиқиб, шошилиб қолса, жаҳли чиқса, ўз хулқини ўзгартирса, ўқувчилар олдида унинг бурди, кадри кетади. Аксинча, муаллим бундай ҳолларда ўзини маълум тутса, дарсни одатдагидек ўтаверса, болаларнинг

ҳурмати қозонади. Ўқувчилар бундай воқеаларни узоқ вақт эсдақолдирадилар, гаплашиб, ўртоқларига айтиб юрадилар. У катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Муаллим мактаб раҳбарлари, ҳамкасблари ва бошқалар билан муомала, муносабатда кибр-ҳавога берилмаса, манманлик қилмаса ёки ўринсиз итоатгўйлик, ҳокисорлик, лаганбардорлик қилмаса, унинг ўқувчилар олдида обрўси, кадр-қиммати ортади.

Ўқувчилар билан муомалада уларнинг инсоний кадр-қимматларини ҳурматлаш, талабчанликни инсонпарварлик билан узвий болаёт билиш, болаларнинг қобилияти ва кучига ишонч билан қараш, ўқувчиларга улар бажара оладиган ва аста – секин тобора мураккаблашиб борадиган вазифалар бериш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу болани шахс сифатида ва ахлоқий жиҳатдан шакллантириб боради, ярамас хатти-ҳаракатлардан, хулқи бузуқлик йўлига кириб кетишдан асрайди, бола ўз кучига ишониб ҳаракат қиладиган бўлади, ёмон қилиқлардан ўзини тияди.

Кишининг шаъни – юксак инсоний фазилат бўлиб, ўз-ўзига бўлган муносабати, унга атрофдаги кишилар ва жамиятнинг муносабатини ҳам билдиради. Кишининг шаъни – шахснинг хизматларини жамият томонидан тан олиндириш. Шаън, кишининг шаъни деганда одамнинг ёки у мансуб бўлган ижтимоий гуруҳнинг кадр-қиммати, яхши номи, обрўси, шуҳрати, донг чиқариши каби ҳама наъзада тутилади (Оила шаъни, олимлик шаъни, ўқитувчилик шаъни, раҳбарлик шаъни каби). «Биз она Ўзбекистон истиқболини, унинг шону – шавкати қандай ҳимоя этишни ота – боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор» (И.А.Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Олий мажлиснинг иккинчи сессиясида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 1995, 6 май).

Шаън тушунчаси билан кадр - қиммат узвий болаётди. Кадр - қиммат киши тевақал - атрофдаги одамларнинг ҳурматига сазовор бўлгани жамоатчилик томонидан тан олиндириш. Кишининг шаъни ва кадр - қиммати оёқ ости қилиш мумкин эмас. У бизнинг мамлакатимизда, давлатимизда қонун билан ҳам, жамоатчилик фикри билан ҳам ҳимояланади. Жамоанинг шаъни ва кадр-қиммати, касбнинг шаъни ва кадр - қиммати каби тушунчалар одамлар онгида муқтаҳам қарор топса, айрим кишиларнинг шаъни ва кадр - қиммати ҳам тан олинади.

Ўқитувчи одобда муаллимнинг шуҳратпарастлиги ва манманлиги қораланади. Бунинг боиси шундаки, ўқитувчилик фаолияти аввало, умумхалқ бахт саодати учун хизмат қилишга йўналтирилган. Ўқитувчилик шаънини жамоатчилик тан олган бўлиши керак, акс ҳолда унинг маъноси қолмайди. Муаллимнинг шаъни ва кадр - қиммати унинг хизматлари ва ахлоқий фазилатларини жамоатчилик томонидан тан олишини ҳамдир.

Педагогик ишида бошқа касбларга нисбатан субъектив фактлар ҳар бир кишининг шаъни ва шахсий кадр-қиммати этиборга олиш кўпроқ талаб этилади. Ўқитувчи, аввало, ўз кадр-қиммати ўзи сақлай билмоғи керак, педагоглар жамоасидаги урф-одатлар, анъаналар, ахлоқий муносабатлар ҳам

Ўқитувчилик шаъни ва кадр - қимматини асрашга қаратилмоли лозим. Педагоглик шаъни ва кадр-қиммати нотўри тушуниш таълим-тарбия ишида салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Масалан, кўра – била туриб ўқувчининг баҳосини ошириб қўйиш, мактабга назоратчилар келганда ўқитувчиларнинг фаолияти активлашиб қолган ёки ҳисобот учун номигагина тарбиявий тадбирларнинг сонини кўпайтириш кабилар ўқувчилар тарбиясига салбий таъсир этади, бу болаларни қалбикичиликка ўргатади. Ўқувчилар олдида ўқитувчининг ва жамоанинг обрўсига таъсир этади. Ўқитувчининг педагоглар жамоаси шаънини ўқув юрти шаънини сақлаб қоламан деб шаън, кадр-қиммат тушунчаларини нотўри англаб қилган хатти-ҳаракатлари педагогик одоб нормаларининг бузилишига олиб келади ва ўқувчилар тарбиясига зарар етказди. Бундай ходисалар айрим ҳолларда учраб туради.

Ўқитувчи одобиди шаън, кадр - қиммат тушунчаси ўқитувчининг педагоглар жамоасида эгаллаган ҳурматини билдиради, шу билан бирга ўқувчилар ва ота - оналар орасидаги ҳурматини ҳам ифодалайди. Муаллимнинг ўқувчи кадр-қимматини ҳурмат қилиши ўқувчилар орасида муаллимлик ҳурмати ва кадр - қимматини ошириш шартларидан биридир. Педагоглик бурчи хатти - ҳаракатлари педагогик одоб нормаларининг муаллимдан ўқувчиларда шаън ва кадр - қиммат ҳиссини ўстириш талаб этади. Бу, ўз навбатида, болаларга бўлган ҳурматни уларга нисбатан ишонч ва талабчанлик билан болаб олиб боришни тақозо қилади.

ЎҚИТУВЧИЛИК ВИЖДОНИ

Виждон кишининг ўз хатти - ҳаракати, қилмиши, юриш- туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият туйлусидир. У диёнат, инсоф, ҳалоллик, софдиллик деган маъноларни ҳам билдиради. Абдулла Авлоний: «Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладурган ҳиссиёт, яъни сезув – туймакдан иборат маънавий қувватни айтиладур» деб таъриф берган эди. (Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 27 бет). Унинг фикрича виждон кишининг феъл-атфори ва ҳаракатларининг яхши ва ёмонлигини, фойдали ёки зарарлигини кўрсатади. Виждон инсон ақли ва фикрнинг ҳақиқий мезонидир. Унинг ёрдамида ҳам бир киши ўз камчиликларини ва бошқаларнинг феъл-атворини ўлчайди, баҳолайди. «Агар ишлаган иши шариат, ақл ҳикматга муофиқ бўлса, муҳаббат қилур, қобоҳат ва ёмон ишларни қилса, нафрат қилур» (Ўша асар, 27 бет). Виждон яхши ҳулқларнинг манбаи бўлгани учун ҳам виждонли кишилар ҳар бир ишни бераз ва холис ният билан бажарадилар ва бундайлар бошқалар назарида мақбул ва суюкли кишилар ҳисобланади. Виждонсиз кишилар эса ўз қилган амаллари оқибатида ҳасрат ва надомат чекиб, виждон азобига гирифдор бўладилар. Виждони саломат кишилар иймонли ва эътиқодли бўладилар. Шод ва ҳуррамликда умр кечирадилар.

Педагогик фаолиятда ўқитувчининг виждони таълим-тарбия жараёнида ахлоқий йўл – йўриқларини ва касбий бурчни қандай бажараётганини, назорат қилувчи маънавий кучдир. Ўқитувчи фаолиятида, ахлоқида, ҳулқида виждон ўз-

Ўзини назорат қилиш воситасидир. Ўқитувчилик бошқа касблардан ўзининг шу жиҳати билан кескин ажралиб туради. Ўқитувчилик виждони муаллимнинг ўз билими, тажрибаси ва қобилиятини тўла ишга солиб, бошқаларни ўқитиш, тарбиялаш билан маърифатли қилишга даъват этади. Виждонли ўқитувчи таълим-тарбия ишларини юксак даражада амалга ошириш учун қўлидан келган барча ишларни қилади.

Агар кишида ўқитувчилик қилишга қобилият, педагогик фаолиятга қизиқиш, истеъдод бўлмаса, жамият талаб қиладиган даражада болаларни ўқита олмаса, агар у кун ўтказиш учунгина муаллимлик қиладиган бўлса, бу - ўқитувчилик виждонининг йўқлигини кўрсатади. Виждонли ўқитувчи кечиримли бўлади. Агар у таълим бераётган болаларнинг билими паст, ҳулқида қусур, камчилик учраётган бўлса, бундан ўқитувчи виждонан қийналади. Ўқитувчининг виждонини фақат унинг ўзигина назорат қилиши мумкин. Муаллим назоратчилар иштирок этаётганда ўқувчилар билан олдиндан тайёрлаб, машқ қилиб қўйган дарсни қайта ўтиши, кузатувчилар буни сезмаслиги ёки аниқлай олмаслиги, фарқламаслиги ҳам мумкин.

Ўқитувчилик виждони муаллимни болалар билан муомала – муносабатда оқилона таваккал қилишга ундайди, педагогликка тўғри келмайдиган хатти - ҳаракатларидан тияди, бола ўқишни бўшаштириб юборса, ёки ҳулқида бирор салбий ўзгариш рўй берса, беором қилиб қўяди; зарур бўлиб қолса, уй – рўздор ишларини ҳам йиғиштириб қўйиб, дарсдан ташқари вақтларда ҳам мактабга бориб синфдан ташқари ишлар билан шуғулланишга даъват этади. Педагогик виждони ўқитувчининг сезгирлиги, хушёрлигини оширади. Педагог учун ўз хато, камчиликларини ақл кўзи билан ҳам, қалб кўзи билан ҳам сеза олиш хислати жуда муҳимдир.

Таълим – тарбия ишларининг самарадорлиги фақат ўқитувчининг ўзигагина эмас, балки ота-оналар, касбдошлари билан ҳамкорликка ҳам боғлиқдир. Ўқитувчилик виждони муаллимни ахлоқ қоидаларига ўзи амал қилиш билан бирга бошқалардан ҳам ахлоқ нормаларини бажаришни талаб қилишга ундайди. Виждонли муаллим ўзи ёки касбдошлари хато қилиб қўйганидан хижолат тортади, номус қилади. Ўқитувчи одобида бу туйғу айниқса, кўзга яққол ташланади. Ҳақиқий педагог касбдоши ёки ўқувчиси содир этган қўполликдан ҳам афсусланади, хижолат чекади.

Ўқитувчилик виждони ахлоқий маданиятчиликнинг ифодасидир. У фаол таъсир ўтказиш хусусиятига эга бўлиб, болаларда виждон, шаън, қадр - қиммат ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг виждони доимо пок бўлмоғи керак. Муаллим ҳамма вақт ўз-ўзини, ўз хатти-ҳаракатларини ўқувчилар ва ота-оналар кўзи билан назорат қилиб бориши керак. Муаллим боланинг кўз олдида келажакнинг тимсоли сифатида намоён бўлмоғи лозим. Чунки бугун ундан сабоқ олаётган ўқувчилар ўн беш-йигирма йилдан сўнг жамият ҳаётида, ижтимоий меҳнатда фаол катнашади. Муаллим бугун қандай яшаб, қандай ишлаб, ўқувчиларни қандай ўқитган бўлса, унинг тимсоли ўқувчилари учун уларнинг ҳаёт йўлини ёритувчи ахлоқий нур бўлиб хизмат қилади. Муаллимнинг ўз виждонига хилоф қилган ҳар бир иши, нафақат бугун

унинг атрофидаги кишилар учун, балки жамиятнинг келажаги учун ҳам зарарлидир. Педагоглик виждони ўқитувчидан бугунни эмас, балки ўз ўқувчиларининг келажагини ҳам ўйлаб қадам босишни талаб этади.

ТАЛАБЧАН ВА АДОЛАТЛИ БЎЛИШ

Ўқитувчининг профессионал ахлоқий фазилатларидан бири талабчан ва адолатли бўлишдир. Муаллимнинг талабчанлигида унинг бола шахсига чуқур ҳурмати, боланинг кучи, қобилияти ва имкониятларига бўлган ишонч ифодаланади. Бу ҳақиқий инсонпарварликнинг намоён бўлиши, яъни ривожланаётган бола шахси тўғрисида, жамият учун фойда келтира оладиган баркамол кишини тарбиялаш тўғрисидаги Ӏамхўрликдир. Ўқувчилар лоқайдликни ёқтирмайдилар, аксинча яхши ният билан оқилона қилинган талабчанлик уларнинг муаллимга ҳурматини оширади.

Ўқитувчи аввало ўзига нисбатан талабчан бўлмоӀи керак, шундагина унинг болага нисбатан қўяётган талаблари ўринли, самарали бўлади. Муаллимнинг талабчанлиги адолатлилик билан узвий боӀлиқ бўлмоӀи зарур. Куч адолат ва ҳақиқатдир! Адолат тушунчасининг мазмунида ҳақиқат, поклик, тўғрилиқ, куч-қудрат мужассамдир. Адолатлилик умуминсоний ва миллий ахлоқимизнинг муҳим ҳислатларидан ҳисобланади. Ислон таълимотида адолат, адолатли бўлиш фазилати юксак қадрланади. Адолат кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда одиллик билан иш тутишни тақазо қилади. Адолатлилик кишида ақл, соф мулоҳаза, олижаноблик ва мардлик мавжудлигини билдиради. Адолатли бўлиш, ўз сўзида туриш, қатъийлик демақдир. Адолатли киши софдил, кўнгли хотиржам, хавф-хатар, кулфатдан узок бўлади, одамларнинг ишончини қозонади.

Адолатлилик инсонийликнинг асоси ҳисобланади. Одобли ва инсонпарвар бўлиш учун адолатли бўлиш зарур. Адолат бошқа кишиларга муомала-муносабатда намоён бўладиган фазилатдир. Адолатли киши яхши хулқни одам ҳисобланади. Бундай одам ўзига раво кўрмаган бирор ишни бошқага раво кўрмайди. Адолатлилик ва инсонийлик кишини ёмон ишлардан сақлаш билан бирга бошқаларни ҳам хатоликлардан асраш, яхши йўлга солиш учун зарурдир. Адолатли киши бошқа бировга ёки жониворларга озор бермайди, зулм қилмайди. Ақл идрок билан иш қилади.

Ўқитувчи одобида ҳалоллик фазилати педагоглик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан боӀлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўқитувчи одобида адолатлилик муаллимнинг объективлигида, ахлоқий тарбияланганлик даражаси (инсонийлиги, принципиаллиги, яхшилиги)да, ўқувчилар хулқини, жамоат ишларига муносабатини, билимини баҳолашда намоён бўлади. Демак, адолатлилик бир томондан ўқувчиларга ўтказилган тарбиявий таъсирни баҳолашнинг мезони ҳисобланади. Муаллимнинг ўқувчиларга ва педагогик жараён қатнашчиларига бўлган муносабати манманликдан, ноҳолислик, ўзбошимчаликдан холи бўлиши лозим. Шундагина у адолатли ҳисобланади. Муаллимлик ишини ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у ҳар куни

ўқувчилар билан учрашади, уларнинг билимини, ҳулкини баҳолайди. Яхши ишларини раъбатлантиради, ноҳўя хатти-ҳаракатлари, шўхликлари учун танбеҳ беради. Албатта, муаллимнинг фикри, мулоҳазалари, баҳоларида нисбийлик, субъективлик белгилари мавжуд. У ҳамма болаларга айнан бирдек, жуда тўри муносабатда бўла олмаслиги мумкин. Лекин ўқитувчи ҳаммага нисбатан ҳолис ниятли, яхшилик қилишга интилувчи, болаларнинг келажиги, тақдири тўрисида Ғамхўрлик қилувчи, адолатли киши эканлигига барча ўқувчиларнинг ишончи қомилбўлмоли даркор. Ўқувчиларда муаллим «ёқтирадиган», «ёқтирмайдиган» болалар бор деган фикр тутилмаслиги керак.

Ўқувчининг саволларини, жавобини, баъзан жуда Ғалати бўлиб туюладиган мулоҳазаларини диққат билан тинглаш, унга тўри йўл кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, жавобини одилона баҳолаш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ўқитувчи боланинг мустақил ижодий фикрларини, тўри жавобларини маъқуллаши, қўллаб-қуватлаши, раъбатлантириб бориши лозим. Боланинг жавоби нотўри, фикрлари чалқаш, хато бўлса, муаллим буни ўқувчига етарли асослар билан исботлаб кўрсатиши керак. У ўз обрўсини пеш қилиб, «мен шундай дедимми,демак шундай» деб туриб олмаслиги, балки ўз фикрини фактлар, илмий далиллар билан исботлаши талаб этилади.

Ўқитувчининг таълим-тарбия соҳасидаги ижтимоий қимматли хатти-ҳаракатлари адолат мезони билан баҳоланади. Адолатли муаллим, одил устоз деган номга сазовор бўлиш ҳар бир ўқитувчининг шарафли бурчидир.бунда муаллимнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари ўз ифодасини топади. Адолатлилик бошқаларга яхшилик қилиш фазилати билан чамбарчас болиқ. Адолат бўлмаса, яхшилик бўлмайди. Шунингдек яхшиликсиз адолат ҳам бўлмайди. Педагогик одоб нуқтаи назаридан адолатлилик, бу, таълим-тарбия жараёнини нормал амалга оширишнинг шарти ҳамдир. Педагоглик ишида адолатли бўлиш бу ўқувчининг ишончини қозонишдир. Бунинг учун эса боланинг қалбидагина, дилидагина билмоқ, тушунмоқ керак.

Ўқитувчининг адолатлилиги боланинг билимини баҳолашда кўпроқ намоён бўлади. Маълумки, умумтаълим мактабларида ўқувчининг билими беш баллик тизим асосида баҳоланади. Дастур материални тўлиқ ўзлаштирган ўқувчига «беш» баҳо қўйилади, мутлақо билмаган болага «икки» баҳо қўйилади. Маълумки, болаларнинг билимини ўзлаштиришга бўлган қобилияти, қизиқишлари бир хил эмас. Масалан, зеҳни ўткир ўқувчи дарс материални ҳеч қийналмай, бир паста ўзлаштириб олиши мумкин. Иккинчи бола эса бунинг учун кўп муҳнат қилиши, интилиши керак бўлади. Муаллим ана шу ҳолатни эътиборга олмай иш тутса, ўқувчига нисбатан адолатсизликка йўл қўйган бўлади, унинг қўйган баҳоси айрим болаларни ола интилишга даъват этмаслиги мумкин. Зеҳни ўткир бўлгани учун меҳнат қилмай, куч сарфламай юқори баҳо олиш боланинг ахлоқига салбий таъсир этиб, ақлий ривожланишига тўсқинлик қилади. Айрим зеҳни ўткир болалар дарс жараёнида ўқитувчининг фикрларини тўлиқ ўзлаштириб олади ва шу билан чекланади. Уйда дарс тайёрламайди. Натижада унинг ақлий ривожланиши секинлашади. Ва аксинча, интилувчи,

ҳаракат қилувчи болага баҳони паст қўйиш ҳам унда ўз қобилияти ва кучларига, яхши ўқий олишига ишонмаслик туйғусини вужудга келтиради.

Боланинг билимини баҳолашда муаллимнинг адолатлилигини ўқувчилар ҳам ўзларича муҳокама қилиб, баҳолаб борадилар. Муаллим ўз фанидан бирор болага ҳадеб «икки» ёки «уч» баҳо қўяверса, бу билан ўқувчини қобилиятсизга чиқариб қўйган бўлади, болада ўзининг инсоний қадр-қимматига ишончни, билим эгаллашда учрайдиган қийинчиликларни енгишга интилиш туйғусини барбод қилган бўлади. Муаллим ўқитиш жараёнида боладаги ўзгаришларни, ютуқларни пайқаб, раббатлантириб, уни руҳлантириб бориши керак. Айрим муаллимлар илҳор ўқувчининг билим ўзлаштириш даражасига қараб бошқа ўқувчига ҳам баҳо қўяди. Бир мактабда аълочи бўлиб ўқиган бола бошқа мактабга ўтганда «уч» олувчилар сафига тушиб қолиши ҳам мумкин. Муаллим ўқувчилар билимини баҳолашда адолатли бўлиш учун ҳар бир боланинг билим ўзлаштиришга сарфланган куч - ғайрати, интилишларини ҳисобга олиши керак.

Ўқувчининг ҳулқини баҳолашда ҳам муаллимдан адолатли бўлиш талаб этилади. Агар муаллим боланинг ҳулқини, хатти-ҳаракатларини баҳолашда шу хатти - ҳаракатларга сабаб бўлган мотивларни эътиборга олмаса адолатсизликка йўл қўяди. Муаллим ёки ота-онанинг болага нисбатан адолатсиз хатти-ҳаракати, муносабати боланинг руҳиятига салбий таъсир этиб, неврозга сабаб бўлиши ҳам мумкин. (Невроз – марказий асаб системасининг бузилиши натижасида юзга келадиган ички органлар фаолиятини сусайтирадиган касаллик). Бола билан бўлган муомала – муносабатларда унинг тақдирига нисбатан лоқайдлик, унга ўринсиз бақириш, ҳулқ, жаҳил қилиш кабилар шунга олиб келади.

Агар ўқитувчи қўйган баҳони бола адолатсизлик деб қабул қилса ва муаллим боланинг кундалик дафтарига шу баҳони қуйиб, ота-онасига: «Тегишли чора кўришни» сўраб ёзиб юборса, бундай пайтларда ўқитувчи муаллимдан нафратланиши ўқишдан кўнгли совиб, мактабни ташлаб кетиш ҳам мумкин. Адолатсизлик қилиш бошқа соҳаларга нисбатан таълим-тарбия ишига катта маънавий-ахлоқий зарар етказди. Муаллимнинг адолатсизлиги болани қалбини жараҳатлайди, мактабнинг шаънига путур етказди, катталарга бўлган ишончини йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам муаллимнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, амалий ишлари адолатлилиқ намунаси бўлмоғи керак.

БИЛИМДОНЛИК, ҲАЛОЛЛИК, РОСТГЎЙЛИК

Билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйлик - ўқитувчининг муҳим ахлоқий фазилати, маънавий бойлиги ҳисобланади. Бу фазилатлар инсоний муносабатларни гўзаллаштиради. Инсоннинг моддий эҳтиёжлари чекланган бўлади ва тўла қондирилиши мумкин. Лекин маънавий эҳтиёжлар маънавий бойликлар сингари чексиздир. Киши яратган маънавий бойликларни қанчалик кўп ўзлаштира, унинг шахси шунчалик баркамол бўлади.

Ўқитувчининг бойлиги, билимдонлиги халқ манфаатига, ёшларнинг бахти, истикболи, келажагига қаратилиши, хизмат қилиши зарур. Машҳур мутафаккир айтганидек, агар киши фақат ўзи учунгина ишласа, у машҳур олим, улуғ донишманд, ажойиб шоир бўлиши мумкин, лекин у ҳеч қачон ҳақиқий баркамол

инсон бўла олмайди. Буюк киши бўлиши учун аввало жамият тараққиёти йўлида, инсониятнинг буюк орзу – истакларини рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилмоқ ва бунинг учун зарур бўлса, ўз ҳаётини ҳам қурбон қилишга тайёр турмоқ керак.

Муаллимнинг билимдон бўлиши, инсоният яратган маънавий бойликларни кўпайтириши ва уни ёшларга астойдил ўргатиши, ўз ишидан қаноат ҳосил қилиши, ўз касбини, болаларни дилдан севиб, берилиб ишлаши – буларнинг барчаси ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсир этади.

Ҳар томонлама билим ва юксак маданиятга эга бўлиш ўқитувчи одобининг талабларидан биридир. Бозор иқтисодиётига асосланган жамият кишининг идеали инсоннинг ақлий баркамол, маънавий бой, ишбилармон, ахлоқ-одобли, ҳалол, ростгўй, ўзини тута оладиган бўлишини тақазо қилади. Мактаб ўқувчилари бу идеалга интиладилар. Ўқувчига ахлоқий таъсир ўтказишининг самараси ўқитувчининг чуқур билимли, юксак маъданиятли, баркамол инсон бўлишига боғлиқ. Муаллим-ўзи ўқитадиган фанини яхши билишива ундан тузуккина дарс бериши билангина бунга эриша олмайди. Ҳақиқий устоз ўз предметини билиш билангина чекланиб қола олмайди. У жуда кўп нарсаларни билишга, тушунишга, ҳис этишга интилиши лозим. Мафкуравий ҳаёт, бадий адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, телевидения, мусиқа, архитектура, спорт – муаллим буларнинг барчасидан хабардор, уларни тушунадиган, қадрлайдиган бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи ҳамма нарсаникўра оладиган бўлиши зарур, лекин ҳар жойдан бир шингил эмас, балки, аввало, ўз ишини, ўзи ўқитадиган фанни пухта билиши, шу билан бирга билимларнинг бошқа соҳаларига ҳам қизиқиши, улардан хабардор бўлиши керак.

Ўқитувчилик фаолияти учун бу сифатлар зарурий ҳисобланади. Илм – фан ривожланиб, янги технологиялар жорий этилаётган ҳозирги даврда болалар билим оладиган манбалар йил сайин кўпайиб бормоқда. Бадий ва илмий-оммабоп китоблар, газета, журнал, радио ва телевизион эшиттиришлар, музей ва кўргазмаларга болалар жуда қизиқадилар, шунинг учун ҳам муаллим жуда кўп нарсани билиши, ҳамма нарсадан хабардор бўлиши керак. Ўқитувчи маданиятнинг бирор соҳасидан ҳам хабарсиз қолиши мумкин эмас. У болани қизиқтирадиган барча саволларга тўғри, ўринли жавоб қайтариши лозим. Ўз фанидан бошқа ҳеч нарсага қизиқмайдиган муаллим ўқитувчилар учун идеал бўла олмайди. Жамият ҳамма вақт ўқитувчининг умумий маданиятига жуда катта талабалар қўяди.

Ўқитувчининг маънавий қиёфасида ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарлик муҳим фазилатлардан ҳисобланади. Бу фазилатлар кишига ички гўзаллик, маънавий поклик бағишлайди, кишининг қадр - қимматини оширади. Ҳалоллик муаллимнинг ички ва ташқи дунёсининг бирлигини, сўзи билан хатти-ҳаракати тўғри келишини, ўқувчиларга, ҳамкасбларига, ота - оналарига очик кўнгил ва самимий муносабатини ифодаловчи ахлоқий фазилатдир. У инсон характерининг моҳиятидан келиб чиқади. Ўқитувчининг ҳалоллиги ўз вазифасини виждонан ва онгли равишда бажаришида намоён бўлади.

Ўқитувчи ахлоқида ҳалоллик, тўрилик, ростгўйлик, мафкуравийлик, принципааллик, ўзига, ўқувчиларга ва бошқаларга бўлган ишончни, самимийликни, сўз билан иш бирлигини, оддийлик ва камтарликни тақозо қилади. Ростгўйлик ўқитувчининг маънавий қиёфасини характерлайдиган ахлоқий фазилат бўлиб, кишининг сўзида, гапида ифодаланади. Ростгўйлик кишиларга доимо ҳақиқатни гапиришни, тўғри маълумот беришни, алдамасликни талаб қилади. “Қудратли инсонда доимо ростлик, заифликдан эрур ёлону пастлик”, деган эди Абулқосим Фирдавсий, Марказий Осиё халқларининг умуминсоний ва миллий кадриятларида ростгўйлик ва ширинсўзлик ўта қадрланади.

Ўқитувчининг ҳалоллиги, ростгўйлиги, поклиги Ватанга, халққа, ёшларга муносабатида намоён бўлади. Ҳалоллик ва ростгўйлик – камтарлик ва оддийликни тақозо қилади. Ҳалол ва ростгўй одам оддий ва камтар бўлади. Ўзига кўрсатилган иззат-ҳурматдан талтайиб, гердайиб манманликка берилиб кетмайди. Бу фазилатлар ўқитувчининг ахлоқи киши сифатида обрўсини оширади. Аксинча муаллимнинг иккиюзламачилиги, сохта, қалбаки хатти - ҳаракатлари, принципсизлиги бола тарбиясига салбий таъсир этиб баъзан жуда оғир оқибатларга олиб келади.

Воқеий ҳикоя. Мактабни бундан ўн йилча олдин битирган киши бундай ҳикоя қилади: “Шу йил мактабга келган рус тили ўқитувчимиз Д. дарсни яхши ўтарди, бизга ҳар куни насиҳат қиларди. Инсоннинг бурчи, ахлоқий поклик, юксак принциплар ҳақида кўп гапирарди, кўтаринки рух, баландпарвоз сўзлар билан доим бирор тарихий фактни ёки машҳур кишиларни мисол келтириб гапирарди. Очиёни айтсам бизларга унинг бу гаплари жуда ёқарди. У насиҳат қилганда биз қандайдир бирор янгиликни билиб олардик. Лекин бир куни худди шундай насиҳатгўйликдан сўнг қарасак, муаллимимиз бизга қандай яшашни ўргатар экану, ўзи ичувчи экан. Кечқурунлари унинг уйида ичкиликбозлик, қимор ўйини ҳам бўлиб турар экан. Синфдошларимиздан бири бир куни қишлоқдаги катта тўйдан сўнг ўқитувчимиз маст бўлиб, уйгача етолмай йўлда йиқилиб қолганини кўрибди. Шундан сўнг бу ўқитувчи биз учун энг обрўсиз киши бўлиб қолди. У ҳамон бизга насиҳат қилар, лекин унинг гапларига энди ҳеч ким қулоқ солмас ишонмасди. Эсимда, бир куни мактаб маъмурияти шу ўқитувчини мукофотлади. Мен билан партада бирга ўтирган бола ўйланиброк қолди ва “Балки, шундай яшаш керакдир?” деди. Бу жуда хавфли мулоҳаза эди.

Муаллимнинг ёмон ҳулқи таъсирида бола ахлоқсизлик йўлига кириб кетиши мумкин. Чунки бундай воқеалар боланинг қалбида чуқур из қолдиради. Айрим оилаларга софдиллик, ҳушахлоқликдан кўра иккиюзламачилик устун келадиган баъзи ҳолатлар ҳам учраб туради. Бунинг устига яна муаллим мактабда бир хил гапириб, турмушда, уйида бошқача ҳаёт кечирганини, боз устига бундай муаллимни мактаб директори мукофотлаганини ўқувчи кўриб турса, бунинг оқибатини бир тасаввур қилинг. Бу ахлоқий тарбия нуқтаи назаридан жуда хавфли. Бунинг натижасида бола муаллимга ҳам, бошқаларга ҳам ишонмайдиган, катталарни ҳурмат қилмайдиган, тартиббузар бўлиб кетиши мумкин.

Педагогик жараёнда муаллимнинг ҳалоллиги, ростгўйлиги, ўзини тута билиш, ширинсўзлик каби ахлоқий сифатлари унинг шахсий иши эмас, балки ижтимоий қиймат ва аҳамият касб этади, профессионал зарурий фазилатларнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Ижобий ахлоқий сифатлар бўлмаса ўқитувчининг билими, маҳорати ва бошқа хислатлари ўз қийматини йўқотади. Чуқур билим, педагогик маҳорат ва рухий-маънавий хислатлар билан бир қаторда масъулият, кадр-қиммат, адолат, яхшилик ишташ, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарлик, виждонлилик каби ахлоқий фазилатлар муаллимнинг обрўсини оширади.

Хуллас, агар муаллим ўқувчилар унга хушахлоқ, энг баркамол инсон деб қараётганликларини қанчалик ёдда тутса, болаларга унинг таъсири шунчалик кучлироқ бўлади, унинг ҳар бир мақтагани болага завқ бағишлайди, унинг ҳар бир танбеҳи бола қалбида шунчалик чуқур из қолдиради, барча тарбиявий ишлар таъсирли ва самарали бўлади. Ўзининг бирор ноўрин хулқи билан болаларга ёқмай қолган муаллимнинг аҳволи вой бўлади. Муаллим ахлоқининг поклигига ишонч йўқолса, ёки унга путур етса, ўша захотиёқ ўқитувчи нутқининг бурди кетади – унинг мақташи ҳам, танбеҳи ҳам ўз аҳамиятини йўқотади, авваллари болаларнинг унга ҳурмати ва муҳаббати туфайли кўнгилхушлик билан осонгина битадиган ишлар энди болаларни қийнаш, мажбур этиш ва жазо бериш билангина бажарилиши мумкин.

Ўқитувчининг ахлоқий фазилатларидан яна бири - ўз кучига ишонч, лекин манманлик, мақтанчоқлик қилмасликдир. Муаллим ҳар доим олдинга қараб интилиши, ўз ишига, ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз дарсларига танқидий қарай олиши лозим. Ўқувчилар, ҳамкасблари, назоратчилари унинг дасрларини юқори баҳоласалар ҳам муаллим бундан маърурланиб кетмаслиги керак. У яхши ўтган дарсидан қаноат ҳосил қилган пайтларида бундан кўра ҳам тузукроқ ишлашга интилса, бу – ижодий камолот сари боришнинг тўғри йўлидир.

Қўрқоқлик, ўз кучига ишонмаслик, бировнинг кўмагига муҳтожлик, ўқитувчи ахлоқига, муаллимлик касбига мутлақо тўғри келмайди. Шунингдек, ўзига бино қўйган, мақтанчоқ, олифта муаллимни ҳам болалар хуш кўрмайдилар. Ўқитувчи ўз кучига ишониб, ўз фанини, болаларни, педагогик ишини севган, ўзининг бутун кучини, қалб кўрини унга сарфлаган тақдирдагина ўқувчиларнинг ҳурматига сазовор бўла олади.

Маълумки, ўқитувчининг фаолиятида айрим жузъий хатолар, истиснолар, баъзан бирор ноўрин хатти-ҳаракат учраб қолиши ҳам мумкин. Муаллим бундай пайтларда ўз хатосини тушуниб, уни тан олиши, кечирим сўраши лозим. Бу яхши муаллимнинг кадр-қимматини тушириб юбормайди, балки аксинча, ўқувчилар муаллимнинг журъатига, унинг юксак ахлоқий фазилатларига ишонч билан қарайдиган бўладилар.

Ўқитувчи ўзи иккиланадиган айрим масалаларни, ҳатто ўқувчилар бу ҳақда сўраб қолсалар ҳам, болаларга иложи борица, айтиб қўймаслиги мақсадга мувофиқ. Чунки, мужмал, хато жавоб бергандан кўра, бу масалани ҳозирча четлаброқ ўтиш маъқул. Навбатдаги дарсгача уни аниқлаб, билиб олиши ва сўнгра асосли жавоб қайтариши мумкин.

Бошқа касбларга қараганда педагогик фаолият одобли бўлишни тақозо қилади. Одатда, инсон ахлоқи унинг одобиди ифодаланади. Ўқитувчининг ҳар бир сўзи, ҳар бир босган қадами ибрат, тарбия, ўрнақдир. Унинг катта-кичиклар, ўқувчилар билан қандай саломлашиши, катталарга, кичикларга, хотин-қизларга муносабати, муомаласи, мактаб ошхонасида овқатланишидан тортиб, кўчада юришигача тарбия омили ҳисобланади. Ҳар бир ишни ўз пайтида, аниқ бажариши, берган ваъдасининг устидан чиқиши, ўзини тута билиши, иродаси – буларнинг барчаси ўқувчилар ҳуқуқига таъсир этибгина қолмай, болаларда ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига ҳам ёрдам беради.

Профессионал педагогик ахлоқ, шахснинг ахлоқий онги сингари, ахлоқий билимларни эгаллаш асосида ҳосил бўлади. Ўқитувчининг касб ахлоқи унинг ҳиссий кечинмалари, ахлоқий идеаллар ва эътиқод билан узвий бирликда яхлит ҳолда шаклланади. Педагогик фаолияти ва педагогик онг билан чамбарчас боғлиқ бўлган ахлоқий билимлар, ахлоқий ҳис-туйғулар, ахлоқий эътиқод ўқитувчи одобининг таркабий қисмларини ташкил этади.

10-МАЪРУЗА: ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА. (2 СОАТ)

1. Педагогик мулоқот ва уни ташкил этиш йўллари

2. Педагогик техника-педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатида

3. Педагогик техникани шакллантириш ва такомиллаштириш йўллари

ПЕДАГОГИК ТЕХНИКАНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Педагогик техника ўқитувчига ўқув фаолиятида ҳам, ўқишдан ташқари фаолиятда ҳам зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади. Хўш, ўқитувчининг педагогик техникаси қандай малакаларни ўз ичига олади? Уларнинг педагогик таъсир кўрсатишдаги роли қандай?

Аввало педагогик техниканинг таркибий қисми сифатида ўқитувчининг нутқ малакаларини, яъни саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб ўтиш мумкин.

Педагогик техниканинг бошқа таркибий қисми педагогнинг мимик ва пантамимик ифодалигидир. Аниқ имо, ишора, маъноли қараш, раббатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда кўп сўзли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда анча самарали муомала воситалари бўлади.

Педагогик ўзаро таъсир кўрсатишда ўқитувчининг ўз ҳиссий (психик) ҳолатини бошқариш, ўзида энг қулай ҳиссий (ижодий) жиддийлик даражасини ва умидбахшлик, хайрихошлик кайфиятини сақлаш, ўзининг ҳиссий дам олишини ташкил қилиш маҳорати муҳим роль ўйнайди.

Бу маҳорат педагогнинг касбий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қилишини таъминлайди, кўп йиллар давомида соғлом асаб системасини сақлаб қолиш,

асабий бузилишлардан, хиссий ва ақлий зўриқишдан ўзини тийишга ёрдам беради.

Самарали педагогик ўзаро таъсир кўрсатишни ташкил этиш учун ўқитувчи актёр ва режиссёрлик маҳорати таркибий қисмларини эгаллаш зарур, улар ўқитувчига болалар билан муомила қилишда тарбияланувчиларнинг ақли-идрокигагина эмас, балки уларнинг хис-туйғуларига ҳам таъсир кўрсатиш, уларга оламга бўлган хиссий-қадриятли муносабатда бўлиш тажрибасини анча тўлиқ бера билишга ёрдамлашади.

Шундай қилиб ўқитувчининг педагогик техникаси-бу шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали уларга ўз фикрлари ва қалбини етказиш имконини беради. Болалар билан бевосита муомила қилишда педагогнинг худди ана шу малакалари (ёки уларнинг йўқлиги) унинг хулқ-атворида намоён бўлади.

Педагогик техника ўқитувчи малакаларининг худди шундай йиғиндисидирки, у ўқитувчининг энг яхши ижодий хулқ-атворида, бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларга самарали таъсир кўрсатишга ёрдам беради.

ПЕДАГОГИК ТЕХНИКАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Педагогик техниканинг ҳамма учун умумий бўлган малакаларини тадбиқ этиш соҳасини педагогнинг болалар билан бевосита муомаласини қайд қилиб ўтамоғи. Худди ана шу нарсани педагогик техника малакаларининг намоён бўлишини маълум даражада вазият тақозоси билан, ички сабаб натижасида вужудга келадиган-айтиш мумкинлиги, тўғрисида бўлган нарсани айлантиради.

Ривожланган педагогик техника ўқитувчига ўқувчилар билан муомила қилганда зарур сўз, гап оҳанги қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, энг ўткир ва кутилмаган педагогик вазиятларда осойишталикни ва аниқ фикр юритиш, таҳлил қилиш қобилияти сақлаб қолиш имконини беради. Бундан ташқари, ҳақиқий педагог таъсир кўрсатишда ўқитувчининг педагогик техника соҳасидаги барча малакалари бир вақтда намоён бўлади.

Нутқ узлуксиз ўзини тута билаш таъсирчан воситаларни танлашга, муваффақиятли равишда тузатиш, кириб бориш, имконини беради ва ҳоказо.

Педагогик техника малакаларининг бошқа муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси аниқ ифодаланган индивидуал - шахсий тусда бўлади, яъни педагогнинг индивидуал психик-физиологик хусусиятлари асосида таркиб топади. Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, сиҳат - саломатлиги, анатомик – физиологик хусусиятларига анча боғлиқ бўлади.

Педагогик техника малакалари ўқитувчининг индивидуал-шахсий хусусиятлари билан ҳамбарчас боғлиқлиги фақат шу малакаларнинг индивидуал тусда бўлиши эмас, балки уларнинг шаклланиши ва ривожланиши педагогик шахсига таъсир кўрсатишда ҳам намоён бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, педагогик техника малакалари вазиятга боғлиқ равишда, педагогнинг хулқ-атворида айни бир ҳақиқатда намоён бўлади. Шу маънода гапирганда, бу малакаларни эгаллаш ўқитувчининг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ-

атворини ташкил этиш воситаларидан бири сифатида қаралиши мумкин. Педагогик техниканинг шаклланиши шахснинг унчалик пайқаб бўлмас сифатларига ҳам ривожлантирувчи таъсир кўрсатади.

Педагогик техника тўғрисида айтилганларнинг ҳаммаси ҳар бир педагог учун бу техникани ташкил этувчи малакаларни эгаллаш ниҳоятда зарурлигини очик-ойдин кўрсатиб турибди.

ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Восита мақсад билан натижа ўртасидаги ўрта бўлин ҳисобланади. Айрим педагогик восита шарт - шароитга қараб фойдали ёки зарарли, заиф ёки таъсирчан бўлиши мумкин.

Тарбиянинг мақсадлари, воситалари ва тарбиячи ўртасида, шунингдек, тарбияланувчи ва тарбиячи тафаккури, мотивлар ўртасида юз мураккаб боғлиқлик бор. Катталарнинг мақсади, одатда, болаларнинг мақсадлари билан тўқнаш келиб қолади. Ахир боланинг ҳам ўз мақсадлари (хатто, стратегик мақсадлари) бор. Ўқувчининг ривожланиш мантиқи, унинг тафаккури, ҳаракатлари битта нуқтаи назарда, тарбиячининг мантиқи бошқа нуқтаи назарда туриши мумкин. Бундай вариантда ҳеч қандай тарбиявий таъсир кўрсатиш бўлмайди. Ўқитувчи билан ўқувчининг мақсадлари бир-бирига мос келса, навбатдаги «тўсиқлар»ни енгиш учун биргаликда воситалар изланса, чинаккам тарбиявий жараён содир бўлади. Чинаккам маҳорат турли-туман воситалардан фойдалана билишдан ифодаланади. Агар бундай маҳорат йўқ бўлса, ўқитувчи бир воситанинг бошқаларидан устун бўлишига малҳам бериши жуда қийин бўлади.

Педагогик фаолиятда воситалар, мақсадлар ва натижаларнинг нисбатани доимо таҳлил қилиб бориш зарур. Ҳар қандай педагогик восита ҳамиша бир қатор бошқа воситалар, усуллар, шартлар билан боғлиқ бўлади, улар педагогик жараённинг муайян босқичида таъсир кўрсатиш натижасини белгилаб беради.

Педагогикада универсал воситалар йўқ, лекин ҳар бир педагогик восита ўзининг қарама-қарши томонига айланиши мумкин.

ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ВА МАҲОРАТ

Педагогик санъат вазият билан боғлиқ. Бу ерда ҳар гал ҳамма нарса гўё янгидан содир бўлгандай туюлади. Бинобарин, киши ўзининг ҳар бир қадамини олдиндан кўриши, режалаштириши амалда мумкин бўлмайди. Педагогнинг меҳнати – бу беҳад изланиш ва азоб-уқубатли кечинмалар, илҳом ва бетакрор нурланиш они, кўпдан-кўп кундалик ишлар, хафсаласи пир бўлиш ва болалар билан биргаликда бошдан кечирилган қувончдан қаноат ҳосил қилишдир. Педагогик санъат-бу қандайдир қўл билан тутиб бўлмайдиган, фахм-фаросат билан амалга ошириладиган нарсадир, деган таассурот туғилади.

Ҳар қандай ижодкорлик, бунинг устига педагогик ижодкорлик қуруқ жойда, фақат ҳиссий реакциялар асосида бошланиши мумкин эмас. Педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг бутун системаси ана шу билиб олишга қаратилиши керак. Бироқ ҳали ҳеч ким олий ўқув юртида

ўқиб, ёки ўқитувчилар малакасини ошириш курсини тамомлагандан кейин уста педагог бўлиб қолмаган. Педагогик меҳнат усталари мактабда вужудга келади, болалар билан муомалада тарбияланади.

Хўш, педагогик маҳорат нима ва нималардан ташкил топади? Бу фахм-фаросат ва билимларнинг, чинаккам илмий, тарбиявий қийинчиликларни енгишга қодир бўлган нуфузли раҳбарликнинг, болалар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган бола шахсига моҳирлик билан авайлаб ёндашиш, донолик ва ижодий далиллик, илмий таҳлил, ҳаёл ва фантазияга бўлган қобилият мужассамидир.

Педагогик маҳорат педагогик билимлар, фахм-фаросат билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малакалар ҳам кирадики, улар тарбияга озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради. Албатта, педагогнинг маҳорати эришилган нарсалар чегарасидан ташқарига чиқишига доимо интилишни ҳам назарда тутади.

Биз педагогик ҳодисанинг энг умумий, энг муҳим, яъни доимо такрорланиб турадиган томонлари билан иш кўрган жойимизда аниқ тавсия бўлиши мумкин.

Мақсад ўзига хос ички йўл кўрсаткич ҳисобланади, у бутун педагогик жамоанинг, ҳар бир айрим педагогнинг фаолиятини йўналтириб туради.

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчини ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиш, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиш ва ниҳоят ўқувчилари ҳам эркин фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргата олишни талаб қилади. Шунинг учун ўқитувчи аввало тадқиқодчилик малакаларини эгаллаши зарур.

Ўқитувчи илмий - тадқиқот ишлари олиб бориши давомида омилларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради.

Педагогик техниканинг вербал ва новербал воситаси ўқитувчининг коммуникатив қобилиятида намоён бўлади. Ўқитувчининг фаолиятида энг муҳим нарса бу унинг нутқи ва ўқувчилар билан мулоқатидир. Нутқ бу олаки коммуникация, яъни тил ёрдамида муносабат қилиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажрибада бирон - бир моҳиятни аниқлаётган сўзлар олаки коммуникация воситаси ҳисобланади. Сўзлар эшиттириб ёки овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйилиши, кар-соқов кишиларда бирон-бир моҳиятга эга бўлган имо-ишоралар билан алмаштирилиши мумкин. Одамлар ўртасидаги муносабатни телеграф орқали ахборот беришга ўхшатиш мумкин эмас.

Одамлар муносабатига алоқа боловчиларнинг хис-ҳаяжони ҳам қонуний равишда жалб этилган бўлади.

У коммуникациянинг мазмунини ҳисобланганлигини нарсага ҳам муносабатга киришганларга нисбатан муайян тарзда тааллуқли бўлиб, нутқий фикр-мулоҳазалари билан қўшилган бўлиб, юзага чиқаётган бу хис-ҳаяжонли муносабатлар ахборот айрибошлашнинг алоҳида, нутқсиз жиҳати, ўзгача нутқсиз коммуникация таркиб топади.

Нутқсиз коммуникация воситаларига новербал яъни қўл, бармоқ ва юз ҳаракатлари, имо-ишора, оҳанг, пауза, турқ-тароват, кулгу, кўз ёш қилиш ва шу кабилар киради.

Ойлаки нутқ коммуникацияси вербал бўлиб, унинг таъсирини кучайтиришда муносабатга кирувчиларнинг фазога жойлашуви муҳим аҳамиятга эгадир. Сира ўйланмасдан ташланган лутқа коммуникаторнинг реципиентига муносабатни аниқ ифодалайди. Таълимнинг баъзи турларида ўқитувчи ўқувчиларни синфда қабул қилинганидек бир-бирининг орқасидан эмас, балки доира шаклида, бир-бирига юзма-юз ўтказилганини афзал кўради.

Нутқсиз коммуникацияда қўлланилаётган воситаларнинг ахборотни сўз билан етказиш мақсадларига ва мазмунига мувофиқлиги муносабат маданиятининг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бундай мувофиқлик ҳам ойлаки ҳам нутқсиз коммуникация воситалари касб фаолиятининг қуроли ҳисобланган педагог учун жуда муҳимдир.

Айни пайтда нутқсиз коммуникация имо-ишора, пантамимика нутқсиз оҳангдаги ранг-баранглик ҳам ривожланиб боради.

ЎҚИТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Ўқитувчилик касби энг фахрли, энг аҳамиятли касблардан биридир. Давлат ва халқ ўринбосарларимиз, келажакимиз бўлган болаларни ўқитувчига ишониб топширган. Ўқитувчи ишчи ва колхозчиларни, олимлар ва меҳнат қаҳрамонларини, космонавт учувчилар ва бошқа кўпгина касб эгалари бўлган (фуқароларни) тарбиялаб, давлатимиз учун фойдали кишилар қилиб етиштиради.

Мактабда таълим – тарбияни муваффақиятли олиб борилиши ўқитувчиларнинг дунёқарашига, шахсий фазилатига, болаларни севишига, педагогик маҳорати ва тайёрлигига боғлиқдир.

«Ҳар қандай мактабда ҳам энг муҳим нарса - маърузаларнинг ғоявий - сиёсий йўлидир. Бу йўлни нима белгилайди? Бутунлай ва фақат лекторлар таркиби белгилайди...

Ҳар қандай «Раҳбарлик», ҳар қандай «Дастурлар», «Низомлар» ва ҳоказолар, буларнинг ҳаммаси нотиклар таркиби олдида қуруқ гапдир. Ҳар қандай назорат, ҳар қандай дастур ва ҳаказолар машғулотларнинг йўлини асло ўзгартира олмайди. Бу йўлни фақат нотиклар таркиби белгилайди».

Мактабда, дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларга ҳар томонлама ижобий таъсир этишда ўқитувчининг тарбиявий кучидан қудратлироқ куч йўқдир. Ўқитувчи мактабда ҳар доим ўқувчилар билан бирга бўлади. у болаларга ўзининг фикрлари, сўз ва иборалари, шахсий наъмунаси, кишиларга бўлган муносабати, ақл – идроки, ирдаси билан таъсир этади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАЪНАВИЙ – СИЁСИЙ ЭЪТИҚОДИ

Ўқитувчи шахсий хусусиятларининг муҳим томонини унинг маънавий – сиёсий эътиқоди, дунёқараши ташкил қилади. Ўқитувчининг бутун иши, хатти – ҳаракати ана шу эътиқоди, ахлоқ принципи асосида содир бўлади. Ўқитувчининг дунёқараши унинг педагогика назарияси масалаларини ҳамда мактабнинг амалий ишларини ҳал қилиш учун мустаҳкам асосдир. Ўқитувчилар ёшларда Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик. Инсонпарварлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий поклик, камтарлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик,

дўстлик, ўртоқлик каби ахлоқий фазилатларни тарбиялайди. Бу ахлоқий фазилатларнинг ёшларнинг ички эҳтиёжи бўлиб қолиш учун курашади. Ўқитувчи ўз ишида эришган муваффақиятлари билан кифояланиб қолмайди, ўз малакасини ошириб боради, янгиликни ҳис қилиб, ҳар доим олға интилади. Ўқитувчиларнинг юқори ижтимоий онглигини уларни ўқувчилар орасида обрўли қилади. Бу обрў ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятлари ва ўзлаштиришларининг яхшиланишини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир.

ЎҚИТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Педагогик қобилиятлар ва қизиқишлар. Таълим – тарбия ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик қобилиятига ва қизиқишига боғлиқдир. Ф. Н. Гоноболиннинг таъкидлашича, ўқувчининг баъзи психик процесслари ва хусусиятлари унда ўқитувчи шахсига хос сифатларининг шудай комплексини ташкил қиладики, буни педагогик қобилияти ва таша мумкин. Педагогик қобилият ўқитувчи шахсига хос бўлган бир қанча сифатларни – унинг ақл – заковати, иродаси, ҳиссиётлари, характериға хос ва бошқа хусусиятлардан таркиб топади. Бу хусусиятлар туфайли қобилиятли ўқитувчи муваффақиятли ишлайди ва оз меҳнат сарфлаб, катта натижаға эришади. Таълим – тарбия кишиға бўлган қобилият туғма қобилият эмас, одам табиатдан шу қобилият куртакларини олади. Қобилият шахсининг онгли фаолиятида ривожланади. Педагогик фаолиятини эндиgina бошлаган ёш ўқитувчи ҳам яхши натижаларға эриша олмаслиги мумкин. Бунинг сабаби унда педагогик қобилиятнинг йўқлиги эмас, балки педагогик кўникмаси ва малакасининг етарли бўлмаслигидир. Агар ўқитувчи ҳавас билан ақл юритиб астойдил ишласа, бундай кўникма ва малака албатта пайдо бўлади. Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушиниши, яхши психолог бўлиши, ўқувчини қизиқтира олиши, ўқув материалларини тушунтира билиши, ўқувчини билимларини тўғри баҳолай олиши, болаларға ижобий - тарбиявий таъсир кўрсатиш, ўқувчилар жамоасининг меҳнатини ташкил этиб, уларға раҳбарлик қила билиши, педагогларға хос одобға эға бўлиши, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида – алоҳида муомалада бўла олиши керак. Шундаgina у қобилиятли ўқитувчи ҳисобланади.

Ўқитувчида бу қобилиятлар билан бирға меҳнатсеварлик хусусияти ҳам бўлиши шарт. Ишчанлик яъни кўп ва самарали меҳнат қилиши, ҳар бир дарсға, ҳар бир суҳбатға, синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган ҳар бир тадбирларға пухта тайёрланиши ўқитувчилик фаолиятининг мутлақо зарур шартидир. Ўқитувчи ўз меҳнатини ижодий меҳнатға айлантирганда, педагогик ишининг амалий томонларини, назариясини астойдил ўрганиб малий томонларини, назариясини астойдил ўрганиб иш тутганида, бошқаларнинг тажрибасидан фойдаланиб, ўзи ҳам ижод қилиб, ташаббус кўрсатиб бирон бир иш қилганида ўзининг чинаккам ишчанлик қобилиятини кўрсатган бўлади.

Педагогик қобилиятни ривожлантиришда ўқитувчилик касбига қизиқиш, ҳавас катта роль ўйнайди. Аслини олганда, одамдаги бу қимматли сифатлар бири-бириға узвий боғлиқдир. Қизиқиш билан бажариладиган фаолият, у қанчалик

мураккаб бўлмасин, ҳатто, муваффақиятсизликларга учрамасин, кишига катта ички қониқиш, мамнуниятлик бахш этади. Ўқитувчининг билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, унда ўқувчиларга шу билимни бериш иштиёқи шунчалик зўр бўлади. Бундай ўқитувчи энг яхши педагог ҳисобланади, уларнинг кўпчилиги ўз фанининг усталари, методистлари бўлиб қолади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ДИҚАТИ ВА КУЗАТУВЧАНЛИК ЖОБИЛИЯТИ

Таълим – тарбия иши ўқитувчидан катта диққат ва кузатувчанликни талаб қилади. Ўқитувчи чинакам педагогларга хос сезгирлик, кузатувчанлик қобилиятига эга бўлиши керак. бу хусусият бола кўнглидан нималар ўтаётганлигини, нималар қилмоқчи эканлигини тез пайқаб олади. Ҳар қандай кузатиш яхшилаб диққат қилиш асосида содир бўлади. Ўқитувчи ўқув материални тушунтираётганида, доскага ёзаётганда ёки ўқувчини чиқариб доскага ёздирётганида, кўрсатма қуроллардан фойдаланаётганда, ўқувчиларнинг қандай идрок қилиб, топшириқларни қандай бажараётганини ҳамisha диққат-эътибор билан кузатиб боради.

Ўқитувчи дарс бераётганида ҳамма ўқувчиларни кўриб туриши айрим ўқитувчилар диққатининг бошқа нарсаларга чалғиб кетишиши олдини олиши, масалан, ўқувчига жиддий бир қараб қўйиши, имо - ишора, пауза, интонациясини ўзгартириш зарур. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи диққатининг барқарор бўлишини ва тез кўчириш хусусиятига эга бўлишини талаб қилади. Ўз диққатини тақсимлашни билмайдиган ўқитувчи дарсда жуда қийналади. У диққатини бир нарсага, чунончи, доска олдидаги ўқувчи билан банд қилади-да, бошқа ўқитувчиларнинг нима қилаётганлигини кўрмайди, синфда, интизом издан чиқади.

Ўқитувчиларнинг ёзма ишларини эътибор билан текшириш ўқитувчидан диққатнинг ниҳоятда кучли ва чуқур бўлишини тақазо қилади. Тажрибали ўқитувчилар бир ўқувчидан сўраганда, бошқасини доскага чиқаради, учинчисига қарайди, тўртинчисининг ёнига боради, бешинчисига индивидуал топшириқ беради ва ҳақозо. Буларнинг барчаси ортиқча огоҳлантиришсиз бажарилади ва қолган ўқувчилар ҳам диққат кўлампидан четга қолдирилмайди. Бу, биринчидан, таълим – тарбия вазифаларининг муваффақиятли бажарилишининг таъминласа, иккинчидан ўқувчилар диққатининг ўқув фаолиятига ҳар доим фаол йўналтириб борилиши натижасида уларда ихтиёрий барқарор диққат тарбияланиб боради. Демак, таълим – тарбиядаги муваффақият ўқитувчи диққати ва кузатувчанлигининг юқори сифатга эга бўлишига ҳам боғлиқдир.

ЎҚИТУВЧИ НУТҚИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Ўқувчилар билимларни энг биринчи навбатда ўқитувчининг жонли нутқи орқали олади. Шунинг учун ўқувчиларнинг фанларни пухта ўзлаштириш даражаси ўқитувчи нутқининг сифатига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчининг лексика, фонетика, талаффуз, гапларни тўғри тузиш, сўзларда урғуларни ўз жойига қўйиб гапириш ва ҳақозолар жихатидан тўғри бўлиши керак.

Таълим – тарбия ишида нутқининг таъсир кучи ниҳоятда каттадир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ - атворлари ва фикр юритишларига ҳам таъсир этувчи кучли воситадир. Ўқитувчининг нутқида унинг ҳисси, интилишлари, ирода ва эътиқоди акс этади. У нутқ ёрдами билан ўқувчиларда хурсандлик, рухланиш, муҳаббат, садоқат, ғазабланиши, нафратланиш ҳисларини туғдиради. Нутқнинг таъсири кўрсатувчи функциясида интонация катта роль ўйнайди. Интонацияда нозик ва мураккаб ҳислар ва ҳаракатлар хусусиятлари, норозилик, истак, талаб ҳислари ва шу кабилар намоён бўлади. шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларни дарс материалларини пухтароқ ўзлаштириб олишга даъват этмоқчи, маълум бир ҳаракатда йўлламоқчи бўлганда, ўз нутқида талаффузга алоҳида эътибор беради.

ЎҚИТУВЧИ ТАФАККУРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқитувчининг тафаккури асосан ўқув материалларини мустақил режалаштириш ва системали баён этишда намоён бўлади. Ўқув материални системали равишда баён қилиш уни аниқроқ, онглироқ идрок қилишни ва яхшироқ эсда қолдиришни таъминлайди. Ўқитувчи ўқув материални китоб тилида, дарсликда бор бўлганларгагина асосланиб баён этмай, ҳар доим ижодий иш кўриши лозим. Ўқитувчи келтирган гапдаги фикрларни исботлай олиши, илмий асосланмаган фикрларни (исботлай олиши) рад этиш йўллари эгаллаши лозим. Ўқитувчи болаларга бирор қонидани айтгач, унга дарров аниқ мисоллар ҳам келтириш лозим. Дарс вақтида ўқувчилар томонидан кутилмаган саволлар берилиб қолган ҳолда, ўқитувчи усталик билан ўйлаб жавоб бериши ёки бу саволга кейинроқ ишонарли далиллар билан жавоб беражagini айтиши ва албатта, бу ваъдасининг устидан чиқиши зарур. Ўқитувчи тафаккурининг мазмунлилиги, тезлиги, кенглиги каби сифатлари болаларга ўз билимларини аниқ, мазмунли, тушунарли, қилиб сўзлаб беришда ҳам намоён бўлади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИ.

Педагогик фаолият таълим тарбия мақсадларига мувофиқ йўналтирилган ҳамда кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам бу фаолият кишидан катта иродавий куч талаб қилади. Бу қийинчиликлар дарсга тайёрланиш, болаларга билим бериш ва уларни ишонтириш ва ҳаказолардир. Бу қийинчиликлар дарсга тайёрланиш, кўргазма қуроллари тайёрлаш, болаларга билим бериш ва уларни ишонтириш, сифнда интизом учун курашиш ва ҳаказолардир. Бу қийинчиликларни бартараф қилиш учун ғайрат, чидам сабр – тоқат, умуман кучли ирода керакдир.

Ўқитувчидаги эътиқод, дунёқараш, бурч ҳисси педагогик ишидаги муваффақиятларнинг гаровидир. Агар ўқитувчи эҳтирос ва қизиқиш зўр бўлса, у ўзини кучли ҳис қилади, қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этади. Ўқитувчи фаолиятида энг муҳим хусусият мақсадга интилиш йўлида тинмай ҳаракат қилишдир. Бу ҳақда шундай деган эди: «Ҳар бир яхши, виждонли ўқитувчи ўзининг олдида фуқарони тарбиялашни катта мақсад қилиб қўяди. Бизнинг ажойиб ёш авлодларимиз дунёга келтирган ижтимоий – тарбиявий ишимизнинг чинакам оламшумул муваффақиятининг сири ана шунда».

Ўқитувчининг асосий мақсади ҳамма ўқувчиларнинг муваффақиятли ўқишига эришишдир. Мана шу асосий вазифани бажариш йўлида ўқитувчи қатор қийинчиликларни енгади. Бундай қийинчиликлардан бири, масалан дарсда интизом масаласидир. Баъзи синфларда интизомнинг ёмонлиги ўқитувчиларнинг бу масалага эътибор бермаслиги бу борада тегишли тадбирларни кўрмаслигидир. Дарс вақтида яхши интизом бўлишининг асосий шартларидан бири ўқитувчининг талабчанлигидир. Синфда интизомни сақлаш вазифаларини бажариши мақсадида ўқитувчиларнинг ўқувчиларга таъсир кўрсатиши жуда муҳимдир. Ўқитувчи ўз олдига мақсадига қанчалик интило, болаларга шунчалик кўп таъсир кўрсатади. Дарсда интизом ёмонлашма, унинг сабабларидан бир ўқитувчининг дангасалиги, синфдаги тартибга бепарво қарашидир. Ўқитувчиларга таъсир этишда ишонтириш алоҳида ўринни эгаллайди. Форобий ўқувчиларга таъсир этишда ишонтиришнинг роли ҳақида шундай деган эди: «...Кўпинча шундай бўладики, қатъий суратда, дангалига, рад қилиб бўлмайдиган талаб қўйишнинг ўзиёқ болаларнинг сизнинг гапингизга кўниши ва сиз хоҳлаганингизча амал қилиши учун кифоя қилади. Афсуски, баъзи ўқитувчилар ўз ўқувчисига ишонмайди унга сен «ёобилятсизсан», «ёайсарсан», «Тузалмайсан» - деб танбех бераверади».

Ўқитувчининг иродаси ўз психик процесларини шароит талаби билан онгли равишда тормозлантиришда айниқса кераксиз ҳис – туйғуларни босиб турмушда кўринади. Баъзан боланинг ҳулқи ўқитувчида қонуний равишда ғзаб туғдиради. Лекин, бундай вазиятда ўқитувчи ўзини тутиши, вазмин бўлиши керак.

Ўқитувчининг иродавий сифатига саботлилик хосдир. Бу бошлаган ишни муваффақият билан охирига етказа олишда намоён бўлади. Бу ирода сифати ўқитувчининг матонатиди, қийин ҳолатда ўзини тута билишида, ўқувчиларга қатъий талаблар қўя билишида ҳам кўринади. Педагогнинг талабчанлиги унинг ўқувчиларга бўлган меҳрибонлиги ва ҳушмуомалалигида ўз аксини топади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ДАРСДАГИ МАҲОРАТИ.

Ўқувчилик истеъдоди, ихтисослигига лаёқати тўғрисида гап борганда муаллимларни шартли равишда уч тоифага ажратамиз. Изланувчан, ижодкор ўқитувчилар биринчи тоифани ташкил этса, иккинчи тоифага ўз вазифасини нимадан бошланиши билмай қийналаётган ўқитувчилар биринчи тоифани ташкил этса, иккинчи тоифага ўз вазифасини нимадан бошланишини билмай қийналаётган ўқитувчилар киради. Таълим ва тарбия ишига тасодифан кириб қолган ўқитувчилар эса учинчи тоифа доирасида «фаолият» кўрсатадилар.

Мактаб халқ таълими ишида биринчи тоифага кирувчи, тўла маънодаги ижодкор муаллимлар ҳал қилувчи куч ҳисобланадилар.

Дарснинг билим беришдаги ролини, унинг масъулиятини сезган ҳар бир илғор педагог машғулотга пухта тайёрланиб, уни мазмунан бойитади, тинмай изланиб, ўқитишнинг янги усуллари яратиб, мактаб таълимида қўллашга интилади. Шу йўл билан 45 дақиқа дарсни яхши бир асар янглиғ ўз ўқувчилари онгига сингдиради. Бундай фидойи зиёбахш қалб эгалари шахсий ижодий қобиляти ва бой тажрибаси билан таълим жараёнини бойитишига муносиб

ҳисса қўшадилар. Шу тариқа ҳар бир ижодкор ўқитувчи ўзининг ҳақиқий муаллимлик маҳоратини яратади.

Ўқитувчи орттирган тажрибасини дарс бериш жараёнида қўллаши билан бирга юксак педагогик маданиятини ҳам ёрқин намоён эта билиши керак. Аммо баъзи бир ўқитувчиларда тадбиркорлик, сиёсий билим, мунозара олиб бориш маданияти етишмайди. Бунинг ўрнига ҳаддан ташқари ҳиссиётга берилиши, тоқатсизлик ҳоллари юз бермоқда. Жамият маданият бўлмас экан алоқийлик ҳам бўлмайди. Одоб, маданият бўлмаса ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий қонунлар амал қилмайди, замонавий илм – фан, хусусан таълим ривож топмайди.

Таълим – тарбия жараёнини инсонпарварлаштиришни педагогик таълимнинг таркибий қисмига айлантиришда ўқитувчи маънавий – ахлоқий қиёфаси етакчи ўрин тутати. Бинобарин, ўқитувчи фаолиятининг ана шу йўналиши унинг педагогик билим ва маҳорати билан уйғунлашиб бориши лозим. Шу сабабли ўқитувчиларни тайёрлаш мазмуни уларнинг профессионал маданияти билан узвий боғлиқдир. Ўқитувчи учун зарур бўлган нарса бу педагогик маданиятдир. Мазкур тушунча моҳият – эътибори билан ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик алоқасини изоҳлайди. Шунга кўра таълимни инсонпарварлаштириш масаласи мазкур масалада ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар шахслараро мулоқат ва муносабатларни, ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳамкорлигини йўлга қўйишга эришилди. Гарчи бу жараён осон йўл бўлиб ҳисобланса ҳам, бироқ ана шу усул асосида иш кўрган ўқитувчи ўзи хоҳламаган ҳолда таълим мазмунини ва сифатини илмга мослаштиришга интилади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчиларни дидактик ҳамкорлиги ҳам яққол кўзга ташланади. Дарс давомида таълим мазмуни, шакли орқали ахлоқий сифатлар шаклланиб боради. Ўқувчиларда маданий, иродавий зўр бериш сифатлари тарбиялаб борилади.

Психологик маданият ҳам педагогик маданиятга мазмун жиҳатдан яқин туради. Бу тушунча мазмуни ўқувчи ва ўқитувчи шахсининг шаклланиши ва ривожланиши асосини белгилайди. Ушбу маърифий жараён «инсон – шахс - ривожланиш», «шахс – жамият», «шахс - касб», «шахс – маҳорат -иждоғкорлик» кўринишларида амалга ошади.

Педагогик ва психология ўқитувчидаги уйғунлик методик маданият қирралари билан боғланиб кетади. Ўқувчининг онги, қобилияти, истеъдодига кучли таъсир кўрсатилиб, ахлоқий – маданиятли янги инсон шакллантирилади. Ўқитувчи бу масалаларни ҳисобга олиб, ўз маданият савияси, билими орқали ўқувчиларнинг қизиқиш ва маънавий эҳтиёжларини ўстиришга интилади.

Бўлажак ўқитувчи учун методик маданият жуда муҳимдир. Мазкур таълимий жараёни эгаллаши учун ёш ўқитувчи муайян тушунча, билим ва кўникмаларни ўзлаштириб бориши керак. «Ўқитувчининг методик маҳорати», «Чет тили (физика, химия ва бошқа фанлар) ўқув предмети сифатида», «Муайян фанлар ўқитиш методикаси», «Таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш методикаси» каби ўқув қўлланмаларидан кенг фойдаланишга тўғри келади.

У ёки бу предметдан синфдан ташқари ишларни уюштиришга тайёргарлик кўриш, мактабда ўқув амалиётини ўтказиш ҳам методик маданиятнинг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади.

Сиёсий маданият ўқитувчи маданият савиясини ўстиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу маданиятни билиш орқали ҳисобланади. Ушбу маданиятни билиш орқали ўқитувчилардан ижтимоий – сиёсий билимлар ҳажми янада ортади.

Маънавий маданият ўз ичига кўпгина тушунчаларни қамраб олади. Масалан, мусиқа санъатига доир машғулотлар амалий аҳамият касб этади. муайян фан ўқитувчилари расм чизиш билан ҳам машғул бўладилар. Шунингдек деворий газеталар чиқариш, турли кўрсатмали қуроллар ясаш ҳам кўзда тутилади.

Жисмоний маданият кўникмасини сингдириб бориш барча турдаги машғулотлар чоғида амалга оширилади, албатта. Очик ҳавода машқ қилиш лўкиллаб чопиш, сайр этиш машғулотларда толиққан ишларга бардамлик, тетиклик ва яхши кайфият бахш этади.

Кўриниб турибдики, ўқитувчининг профессионал маданияти кўп қиррали бўлиб, бир – бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривож топади. У педагогик маҳорат, маънавий ахлоқий камолатнинг муҳим шарти янглиғ ўқитувчи маданияти қирраларини ривожлантиришга кучли таъсир кўрсатади. Бундай фаолият ёрдамида қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

1. Маданият оламига мойиллик ўқитувчи маънавий қиёфасини ўстиришга ёрдам беради.

2. Ўқитувчилик ўз фани бўйича дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда ривож топган педагогик маҳоратни янада ўстиради.

3. Маданийлик эстетик фаолиятнинг предмети сифатида ёш ўқитувчининг ижодий қобилияти ва романтик туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради.

4. Гўзал ҳиссиёт, нафосат туйғуси, онгли эстетик таъсир ўқитувчининг маънавий – маданий бойлигига айланади.

Педагогик профессионал маданият ўқитувчи шахсида маънавий – эстетик туйғуни, дид ва идрокни таркиб топтиришни ривожлантиришда муҳим дидактик аҳамият касб этади. ана шу тадрижийликни такомиллаштириб бориш маънавий бойликни маданий қиёфа билан уйғунлаштиришнинг ҳал қилувчи асосий шарти бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва тарбия жараёни ҳар бир ўқитувчидан катта ақл – заковат, сабр – матонат, ўқитувчиларга ва ўз касбига юксак меҳр – муҳаббатли бўлишликни талаб этади.

Ўқитувчининг доимо изланувчан, билми ва тажрибасини орттириб боровчан бўлиши, ўқувчиларни чуқур тушуниши, уларнинг ички дунёсини пайқай олиши, ўсиш ва ривожланиш даражаларини назорат қилиб бориш ва зарур пайтда сўз, иш ёхуд амалий ҳаракат билан ёрдам берилиш қобилияти таълим ва тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминловчи омиллардир.

Мамлакатдаги ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар халқ таълими соҳасига ҳам таъсир этмай қолмайди. Халқ таълимида узок йиллардан буён сақланиб

қолган турғунликка барҳам бериш йўлларида бири ўқувчи ва ўқитувчининг ижодий – фаоллигини оширишдир.

Ижодий фаоллик ҳақида гап кетганда, аввало, ижодкорликнинг моҳиятини англамоқ зарур. Тафаккур ва фаолиятнинг изланиш якуни бўлган янгиликнинг яратилишида олдинги тажрибалардан ҳам кенг фойдаланади.

Инсон олдида тайёр ечиш қоидасига эга бўлмаган масала турганда ижодкорлика эҳтиёж пайдо бўлади. таълим – тарбия жараёни ана шундай хусусиятга эгадирки, уни ечиш ўқитувчининг маҳоратига, масалага ижодий ёндоша билишига боғлиқ.

Педагогикада икки хил ижодкорлик мавжуд: илмий ижодкорлик ва амалий ижодкорлик. Илмий ижодкорликда таълим ва тарбияда илгари бўлмаган қонуниятлар аниқланади, юқори самарали назариялар ва методикалар яратилади, уларнинг ривожланиш истикболлари белгиланади.

Ўқитувчи амалий фаолиятда ишлаганда баъзи бир муаммоларни ечишга ностандарт ёндашади, ўқитишнинг янги усул, йўл ва воситаларини қўллайдиган ёки бор тажрибаларидан ижодий фойдаланади. Амалий фаолиятдаги ижодкорликнинг юқори даражаси ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг принциплар ва янги юқори самарали мажмуасини яратишдир. Маориф раҳбар ходимлари ўқитувчилар фаолиятидаги ана шундай томонларни кўра билишлари ва ҳар томонлама рағбатлантиришлари лозим. Шундагина ўқитувчиларнинг ижодий ишга йўллаш мумкин. Лекин бунда одатдаги педагогик ишлардан ҳақиқий педагогик ижодкорликни фарқ қила билиш лозим. Педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ҳам кўпинча ўз ишларида муваффақиятларга эришадилар. Улар турли кўрсатмалар қўроллар тайёрлайдилар, педагогик ишини яхши ташкил этак оладилар. Ўқитувчиларнинг ўзлаштириш даражалари ҳам ёмон бўлмайди. Лекин бу ҳар бир ўқитувчи интилиши, бажариши лозим бўлган одатдаги иш.

Ўқитувчи агар ижодкор бўлса, таълим тарбиявий ишни ташкил этишда ностандарт йўлдан боради. Яъни у ишни одатдаги ишдан бошқачароқ ташкил қилади.

Педагогик ижодкорлик ҳақида гап кетганда ҳар қандай ҳаёлий тузилган лойиҳаларни ҳақиқий ижодкорликдан фарқ қила билмоқ зарур. Чунки бундай ҳаёлпарастлар илмий асосларга эга бўлмаган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ғояларни ижодий деб тикиштиришлари мумкин. Бундайлар педагогик иш учун жуда ҳавфли. Чунки амалиётда синаб кўрилмаган ҳаёлий ғоялар баъзан педагогик ишга катта зиён етказиш мумкин.

Педагогик ижодкорлик деганда ўқитувчиларни анархияга олиб келадиган ортиқча эркинликни ҳам тушунмаслик лозим. Ўқитувчилар фаолиятидаги баъзи бир камчиликларни, яъни ўз устида ишламаслик, методик ғўрлик қабиларни ҳам «ижодкорликка» қўймаслик лозим.

Ўқитувчи агар ижодкор бўлса, таълим – тарбиявий ишни ташкил этишда ностандарт йўлдан боради. Яъни у ишни одатдаги ишдан бошқачароқ ташкил қилади. Педагогик ижодкорлик ҳақида гап кетганда ҳар қандай ҳаёлий тузилган лойиҳаларни ҳақиқий ижодкорликдан фарқ қила билмоқ зарур. Чунки бундай

хаёлпарастлар илмий асосларга эга бўлмаган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ғояларни ижодий деб тикиштиришлари мумкин. Бундайлар педагогик иш учун жуда хавфли. Чунки амалиётда синаб кўрилмаган ҳаёлий ғоялар баъзан педагогик ишга катта зиён етказиш мумкин. Бизнинг назаримизда, «икки» сиз ва икки йилликсиз ўқиш мумкинлиги ана шундай ғоялардан бири эди. бу ғоя маориф тараққиёти, фан ва техника, айниқса, одамлар дунёқарашига жуда катта зиён етказиш мумкин. Бизнинг назаримизда «икки» ва «икки йилликсиз» ўқитиш усулининг оқибати биринчидан, ўқувчиларнинг ўқишга бўлган маъсулиятини пасайтириб юборган бўлса, иккинчидан, ўқитувчи шахсига баҳо беришда кўпгина чалкашликларни ҳам ўзгартириб юборди. Ҳаммадан ҳам аянчлиси бундай ўқитиш жамиятга кўплаб чаласаводларни етказиб берди. Афтидан, қарама - қаршиликсиз ривожланиш бўлмаслиги фалсафанинг оддий қонуни эканлигини бу ғоя тарафдорлари унутиб қўйганлар шекилли.

Ўқитувчи ўз билимини ўқувчиларга бера билиши, энг муҳим, уларда билимга қизиқиш уйғотиши, мустақил ўқиш кўникмаларини тарбиялаш ва бу борада бола фаолиятини ташкил этаишга раҳбарлик қилиши керак. бунинг учун ўқитувчи тарбияшуносликни, руҳиятини ва ўз фанининг методикасини чуқур эгаллаши, фанининг янги ютуқлари билан изчил қуролланиб бориши зарур.

Педагогик ижодкорлик деганда ўқитувчиларни анархияга олиб келадиган ортиқча эркинликни ҳам тушунмаслик лозим. Ўқитувчилар фаолиятидаги баъзи бир камчиликларни, яъни ўз устида ишламаслик, методик ғўрлик кабиларни ҳам «ижодкорлик» ва қўймаслик лозим. Ижодкорлик таълим – тарбия жараёнини яхшилашга қаратилган бўлмоғи лозим.

Тарбия маҳоратининг муҳим бир томони ўқувчини фаоллаштириш билан боғлиқ. Чунки таълим – тарбия жараёни – икки ёқлама жараён. Ўқитувчи таълим беради, ўқувчини уни ўзлаштиради.

Баъзи ўқитувчилар ўқувчилар билан унча фикрлаш ва изланиш талаб қилмайдиган осон масалаларни ҳал этиш билан чекланадилар. Бунинг оқибатида ўқувчининг камолати ҳаёт тараққиётидан орқада қолади. Бу тарзда дарс берган ўқитувчи болани олдинга томон эмас, орқага тортади. Тарбия моҳорати боланинг миясини далил ва рақамлар билан тўлдиришдан иборат бўлмай, балки болага уларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқара билишни ўргатишдир. Эндиликда бутун ўқитиш фаолиятимизда бола камолатини ривожлантиришни тезлатиш энг муҳим масала бўлиб қолади.

Моҳир ўқитувчи шогирдларини ҳаётдан ранг – баранг ҳодиса ва воқеаларни синчиковлик билан кузатадиган, таҳлил қила оладиган, илмий тадқиқот ишига кузатадиган, қизикадиган бир умр ўзи ўқитган фанининг сеҳри билан яшайдиган қилиб тарбиялайди. Ундай моҳир устозларни шогирдлар бир умр эслайдилар.

Тарбия маҳоратининг муҳим бир кўрсаткичи нутқ маданиятидир. Сўзда нуктадонлик, мантиқ ва мазмундорлик тарбиячи учун энг зарур сифатидир. Бунинг учун ўқитувчи ўз нутқи устида муттасил ишлаши, қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратини эгаллаши лозим. Чинакам маҳоратли ўқитувчининг сеҳрли айтадиган сўз дурдоналарини шогирдлари муштоклик ва

иштиёқ билан тинглайди. Бунақа ўқитувчи бўлиш учун тиним билмай изланиш ва ўз устида ишлаш зарур.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади. Дарс - ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф – дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларида олиб борилади.

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма – хил усулда олиб борилади.

Бир соатга мўлжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабаларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулоти тури дарс турлари деб юритилади. Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилаётган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқитувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс.

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиш ва хусусиятлари бор нарса ўқитувчининг ўқув материални тўғри ва самарали тушинтиришига, мустаҳкам эсда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришга ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи ҳатто, учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин. Масалан, мактабларимизда энг кўп қўлланиладиган дарс тури қуйидагича тузилади, яъни янги билимларни баён қилиш дарси:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- с) янги билимлар устида машқ қилиш;
- д) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалари топшириш.

Демак, дарс бошдан - оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайдиган, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш, янги билимлар устида машқ ўтказиш, уйга вазифа каби бошқа элементларнинг ҳам мумкин. Шунга қарамай, дарсдан кўзланган мақсад ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар шунга бўйсундирилади. Шунинг учун

бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади. Дарс тузилишининг ўзгариш биланок дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради.

Дарс тузилишини биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усулларининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади.

Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши

- 1) Уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш;
- 2) Янги материални баён қилиш;
- 3) Янги материалларни мустаҳкамлаш;
- 4) Уй вазифалари топширишни ўз ичига олади.

Бунда:

а) уй вазифаларини кўриш суҳбат ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Бу дарс тузилишининг 1- қисми, дарснинг биринчи босқичи;

б) янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи, тушунтириш ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усулларда фойдаланиши мумкин. Бу - дарс тузилишининг иккинчи қисми;

в) янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш.

Усулларидан фойдаланиш мумкин.

Бу – дарснинг учинчи босқичи;

г) Уй вазифаларини топшириш жараёнида тушунтириш. Суҳбат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу дарснинг тўртинчи босқичидир. Бошланғич ва V-IX синфларда кўпинча аралаш дарс, мустаҳкамлаш ва билими, кўникма, малакаларни текшириш каби дарс турлари қўлланилади. Юқори синфларда эса кўпинча янги билимларни баён қилиш, такрорий – умумлаштирувчи дарс турлари қўлланилади. Такрорий – умумлаштирувчи дарс, одатда, дастурнинг маълум бир қисми ёки йирик мавзу ўтиб бўлингандан сўнг ишлатилади.

2. Турли – туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим:

2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий – сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарсда хилма – хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланмоқ лозим.

5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.

6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали қурооллар, техника воситалари ва компьютердан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

8. Дарс машғулоти бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9. Ҳар бир дарсда мавзунинг характерида келиб чиқиб. Халқимизнинг бой педагогик меросига мурожат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулоти тўғри ташкил этишга боғлиқ. Мактабларимизда дарснинг бошланиши даврини – дарснинг ташкилий дақиқалари деб юритилади. Бунда синфнинг дарсга тайёргарлиги кузатилади. Айни пайтда ўқитувчи олдида икки вазифа туради, яъни бутун сифн ўқувчилари диққатини ўзига жалб қилиш ва бутун сифн ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш вазифалари туради.

Ўқитувчи ҳар қандай дарсга тайёргарлик кўра туриб, қўйилган ўқув мақсадига эришмоқ учун дарснинг структураси ҳақида бош қотиради. Ҳар бир босқич учун ўқиш ишининг тегишли мазмун ва методларини танлаб олади. Дарс тузилишининг аниқлиги яхши дарснинг белгиларидан биридир.

Агар дарс яхши тайёрланмаган бўлса, тегишли системада ўтилмайди, натижада ўқув мақсадига эришиб бўлмайди.

Дарснинг сифати педагогнинг бу дарсга қандай тайёргарлик кўрганига боғлиқ бўлади. Фақат ёш ўқитувчилар эмас, балки мазкур фан бўйича бир неча бор дарс берган тажрибали ўқитувчилар ҳам дасрларга тайёргарлик кўришлари лозим. Ҳар бир янги дарс, ҳатто, айнан бир мавзу юзасидан бўлса ҳам, ҳеч қачон олдингисига ўхшамайди. Бу бир қатор сабаблар билан, аввало ўқувчилар гуруҳи, уларнинг тайёргарлик даражаси, дарснинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги ва ҳаказолар билан изоҳланади.

Дарсларга дастлабки тайёргарлик ўқув йили бошлангунча тугалланади. У шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлинади.

1. Квалификация характеристикасини, фан бўйича программани ва унга оид изоҳномани ўрганиш; ўқувчиларнинг ҳар бир тема бўйича эгаллаб олишлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалари ҳажмини аниқлаш.

2. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар материални ва фан бўйича ёки ишчилар тайёрланаётган тегишли ишлаб чиқариш тармоқларига оид назарий асарларни ўрганиш.

3. Фан, унинг айрим мавзу ва масалалари юзасидан дарсларни ўтказиш тажрибасини ва методикасига оид назарий масалаларни ёритувчи янги методик материалларни, журнал ва тўпламларидан олинган мақолаларни ўрганиш.

4. Жиҳозларни текшириш ва тартибга келтириш, уларни ремонт қилиш ва янгилаш, етишмаётган ва янги асобобларни сотиб олиш. Жиҳозларни сақлаш ва ҳисобга олиш, ишлатиш учун уларни ўқувчиларга бериш тартибини аниқлаш.

5. Кўрсатмали қуроллар ва ўқув ҳужжатларини кўздан кечириш, уларнинг камчиликларини бартараф этиш, етишмаётган қўлланмаларни сотиб олиш ёки тайёрлаш.

6. Дастур талабларига мавжуд жиҳозларга, у ёки бу буюмларга бўлган талабларга, шунингдек дидактик ва методик талабларга мувофиқ, ўқув ишлаб чиқариш ишлари ва буюмлари рўйхатини ишлаб чиқиш.

Ҳар бир мавзу бўйича дарслар системасини ўйлаб топиш ва тақвим режасини тузиш фан бўйича ўтказиладиган дарсларга дастлабки тайёргарликни яқунловчи босқичдир.

Сўнгра дарс темаси бўйича ўқувчиларга маълум қилиниш керак бўлган материал танлаб олинади, уларга тушунтирилиши лозим бўлган янги атама ва тушунчалар белгилаб қўйилади, уларни қандай янги меҳнат усуллари билан таништириш белгиланади.

Дарснинг тузилишини белгилаш ва айрим босқичларини ўтказиш методикаси ўйлаб қўйиш кейинги босқич бўлиб ҳисобланади. Агар ўқитувчи илгари ўрганилган материал бўйича билимларни текширишга қарор қилган экан, у айнан қайси материални текширишни белгилаб олиши, саволларни тузиб чиқиши ва ёзиб қўйиши, текшириш учун ўқувчилардан қайси бирини чақиришни мўлжаллаб қўйиш зарур. Бундан ташқари у янги материални баён қилиш методини, бу баён қилишнинг изчиллигини аниқлаб олиши, дарснинг мазкур босқичи учун керак бўладиган кўрсатмали қуролларни тайёрлаб қўйиш лозим.

Ўқитувчи бу ишни тамомлаб, дарснинг планини ёки конспектини тузади. Режа бор бўлганда дарс анча аниқ ўтади, ўқитувчи уни анча хотиржам олиб боради. Бундан ташқари, режа, ўқитувчининг ҳақиқатдан дарсга тайёргарлик кўрганининг далили бўлиб хизмат қилади, яъни план конспект ўқитувчининг дарс ўтишда асосий ҳужжатдир. Ҳеч бир ўқитувчи планконспектсиз дарс ўтишга ҳақли эмас. Конспект ёзилганда яхши ўйлаб, мантиқан мазмунли, ҳеч қандай хатоликларсиз бўлиши керак.

Мавзуни ўрганиш режаси мавзунинг хусусиятларини, унинг ўқув предмети мундарижасидаги ўрни ва аҳамиятини, шунингдек, муайян синф ўқувчиларнинг билим ва ривожлани даражасини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Ўқитувчи бутун мавзуни ўрганишдаги умумий йўللарни белгилайди. Бу йўللар ҳар бир алоҳида дарсда ўрганилиши керак бўлган масалаларни яхлит бирликка боғлайди, дарснинг тузилишини, улардан ҳар бирининг мавзуни ўрганиш умумий системасидаги ўрнини, ўқув ишлари методларининг тизимини белгилайди. Ўқитувчи мавзуни ўрганиш планини ишлаб чиққан, ҳар бир алоҳида дарснинг ўрни, мақсади ва режасини осонгина белгилаб олади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги ҳар бир аниқ дарс режасини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Режани тузиш мавзуни ўрганишда дарснинг ўрнини белгилашдан бошланади, сўнгра унинг мақсади ва мазмуни аниқланади, ўқитиш методлари ишлаб чиқилади.

Режада дарснинг мавзуси ва мақсади ёзилади, такрорлаш, янги материални баён қилиш қандай ўтказилиш қандай методлардан фойдаланишни кўрсатилади. Ўқитувчи баён этишнинг асосий йўналишини кўрсатади, далиллар ва мисолларни ёзиб олади, материални мустаҳкамлаш қандай ўтказишни, кимдан сўраш кераклигини ёзиб қўяди. Режа охирида уйга бериладиган топшириқ ёзилади.

4. Кам бутланган мактабларда навбатма – навбат иш олиб борганлиги туфайли кўпгина иш вақти бекорга кетади. Кўпчилик вақти кетади ўқитувчилар

бунга кўникиб қолганлар. Ўқитувчи бир синфга йўл – йўриқ бераётганида бошқа синф ўқувчилари бекор ўтирадилар.

Ўқув режа тузаётганида вақтини вақтни иш турлари бўйича ҳисоблаб чиқиши муҳимдир. Режада синфлардан бири ўқитувчи билан, бошқаси эса мустақил равишда шуғулланадиган дарс босқичлари белгиланган бўлсагина, вақтни аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин. Шунинг учун дарс режасини тузиш вақтида аввал ҳар бир синф ўқитувчи билан ёки мустақил равишда қачон ва қанча вақт давомида шуғулланишини аниқ белгилаб олиш маъқулроқдир. Мустақил машғулотлар вақтини ҳисобга олган ҳолда топшириқлар танланади, Ўқитувчи ўз раҳбарлиги остида ўтадиган машғулотлар ва болаларнинг мустақил ишига ажратиладиган вақтни аста – секин бараварлаштиришга эришса жуда яхши бўлади.

Ўқитувчи билан ишлаш ва ўқувчиларнинг мустақил машғулотлари учун вақтни тақсимлаш вақтида бир қанча вазиятларни эътиборга олиш лозим. Ёуи синфда, шунингдек, ҳажми ва мураккаблиги жиҳатидан катта материал ўрганиладиган синфда ўқитувчи раҳбарлиги остида ўтказиладиган машғулотлар учун кўпроқ вақт ажратишга тўғри келади. Режалаштириш вақтида ҳар бир синфнинг тайёргарлик даражаси ва материал қай даражада ўзлаштиришганлиги ҳисобга олинади. Ўқитувчиларнинг мустақил машғулотлари ҳам пухта планлаштирилади. Дарсда вақтнинг беҳуда кетишига йўл қўймаслик мақсадида бу топшириқларни олиндан тайёрлаб қўйиш тавсия этилади. Топшириқнинг аниқ ва пухта таърифланиши, ўқувчиларни мустақил ишнинг турли усуллари бажаришга ўргатиш, тез ишлайдиган ўқувчилар учун резерв топшириқлар тайёрлаш катта аҳамиятга эга. пухта ўйлаб берилмаган топшириқлар ўқувчиларда фаолликни келтириб чиқармайди.

Барча мустақил топшириқлар у ёки бу шаклда назорат қилиниши керак. назорат қилиб туриш формалари хилма – хил бўлиш мумкин.

Кўчма доскага ёзилган намуна бўйича ўқувчиларнинг ўз - ўзларини текширишлари, ўқувчилар ёнига бориб дарсда иш қандай бораётганлигини текшириш, дафтарларни пухта текшириб чиқиш шулар жумласидандир.

Бу хил бутланган мактаб шароитида ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлиги остида иши билан уларнинг мустақил ишини яхшироқ бирга қўшиб олиб бориш учун режани ҳар бир синф учун алоҳида эмас, балки комплекс тарзда тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ўқитувчилик касби шарафли касблардан бири бўлиши билан бирга жуда маъсулиятли ҳам касбдир.

Ҳар бир ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан, унга енгил – елпи, юзаки қарамасдан, балки унинг масъулиятини билан ҳолдасидқидилдан ёндашиш керак. бу масъулият, айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларидан талаб қилинади. Чунки болаларга илк пойдеворни бошланғич синф ўқитувчилари қурадилар. Берилган таълим, қурилган пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, келажакка ишонч шунчалик ортаверади. Зеро, ҳурматли Президентимиз таъкидлаганидек, келажакимиз – ёш авлод қўлида. Ёш авлодни тўғри тарбиялаш, илмли, зукко, маънавиятли қилиб етиштириш эса ўқитувчи ва мураббийлар


қўлидадир. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи илм берар экан, аввало болаларни севиб, уларни келажакка ишонч руҳида тарбиялаб, ўз фанини чуқур билган ҳолда сидқидилдан дарс ўтмоғи керак.

ИЛОВАЛАР

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН ЎҚИТИШДАГИ УСЛУБИЙ ТИЗИМ




ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ



ЎҚИТИШ ПИРАМИДАСИ





ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ:

1. Давлат таълим стандартлари.
2. Ўқув режаси.
3. Фан бўйича намунавий дастур.
4. Фан бўйича ишчи ўқув дастури.
5. Технологик харита.
6. Дарс ўтиш календар режаси.
7. Маърузалар матни.
8. Амалий машғулотлар тафсилоти ва мазмуни .
9. Асосий таянч тушунчалар.
10. Масала – машқлар ва тестлар.
11. Фан бўйича оралик, жорий, якуний баҳолаш мезонлари.
12. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари.
13. Фан мавзулари бўйича тайёрланган слайдлар, чизмалар ва бошқа намоёиш этилувчи материаллар.
14. Амалий иш ўйинлари.
15. Курс иши мавзулари.
16. Реферат мавзулари.
17. Битирув малакавий иш мавзулари.
18. Ёзма иш саволлари ва бошқалардан иборат.


ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

- Инсонпарварлик ва демократик педагогик муносабатга асосланган педагогик технология (шахсий муносабатни шакллантириш, якка ҳолдаги ёндашув, демократик бошқарув, очик инсонпарварликка йўналтирилган мазмун).
- Таълим олувчиларни фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технология. (ўйинли технологиялар, муаммоли ўқитиш, керакли тушунчалар, коммуникатив ўқитиш).
- Ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаларга асосланган педагогик технология. (программали ўқитиш, дифференцияли ўқитиш технологияси, якка ҳолда ўқитиш, истиқболли ўқитиш гуруҳли ва жамоавий ўқитиш технологияси, ахборотли технология).
- Ўқув материални методик такомиллаштириш ва дидактик реконструкция қилишда педагогик технология. (ақлий ҳаракатни шакллантиришнинг тартибли технологияси, дидактик бирликни мустаҳкамлаш технологияси ва бошқалар).
- Халқ педагогикасига асосланган технология.
- Муқобил технология.
- Умумий политехнология.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН
ХУСУСИЙ МЕТОДИКА ОРАСИДАГИ АЙРИМ
ФАРҚЛАР

Асосий түшүнчалар	Педагогик технология	Методика
Таърифлар	Педагогик технология — инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълим-тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат	Методика — маълум ўқув фани-ни ўқитиш ҳамда тарбиявий иш-лар қонуниятларини тадқиқ қилади
Мақсад	Комил инсонни шакллантириш	Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишларнинг сифатли бўлишини таъминлаш
Қўллаш миқёси	Бутун таълим-тарбия жараёнида	Хусусий фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда
Воситалар	Барча таълим-тарбиявий воситалар, хусусий	Алоҳида ўқув фанларини ўқи-тишда ҳамда тарбиявий ишларда
Педагогик жараён	Таълим ва тарбия технологияси, таълим менежменти ва мар-кетинги, таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради, етарли тайёргарликка эга мутахассислар томонидан қўлланганда ўзаро ўхшаш натижалар олиниши таъминланади	Таълим-тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларига таяниб ривожланади. Хусусий тажри-балар асосида бойитиб борилади. Бир муаллифнинг илғор педагогик тажрибасини ҳамма педагоглар айнан қўллай олмайдилар. Бунда натижалар ҳар кишида ҳар хил бўлади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади
Натижа кафолати	Олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор	Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкони-ятларига мувофиқ турли дара-жада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгина яхши натижага эришадилар
Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан	Таълим-тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиқ-қан


МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК
ЕЧИМЛАРИ




КЎРГАЗМАЛИЛИК МЕТОДИНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ
АҚЛИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ




МАВЗУНИ КОМПЛЕКС ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИНГ ТАРКИБИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ




ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА МАЪРУЗА
МАТНИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ

ТАҲМИНИЙ ТУЗИЛМАСИ



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА МУСТАҚИЛ
ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ



Шунингдек,

- 1) дарс давомидаги мустақил фикрлаш фаолияти;
- 2) дарсдан ташқари (синфдан ва мактабдан, таълим муассасасидан ташқари) вақтдаги мустақил ишлар;
- 3) оилавий шароитдаги мустақил ишлар;
- 4) АКТ лари билан мулоқот давомидаги мустақил ишлар;
- 5) ижодий тадқиқот ишларига яқин ҳаракатлар;
- 6) талабаларда мустақил муаммоларни ечишга ҳаракат уйғотиш;
- 7) индивидуал ва гуруҳий хусусиятларни ҳисобга олиш;
- 8) мустақил ишларини индивидуализациялаштириш;
- 9) ёрдам, ижодий ёрдамни ташкил қилиш.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МОНИТОРИНГИ

(пировард натижаси)

I босқич	Ўрганиш	Эсда сақлаш
II босқич	Тушуниб етиш	Ўзлаштирганини исбот эта билиш
III босқич	Таҳлил эта билиш	Қиёслаш, хулоса чиқариш, ўзаро боғлаш
IV босқич	Татбиқ эта билиш	Қоида-қонунни англаш ва қўллаш
V босқич	Синтез	Ахборотни ижодий қайта ишлай олиш
VI босқич	Баҳо олиш	Янги билимга ўтиш



ГЛОССАРИЙ

Абсолют ва нисбий ҳақиқат – билиш жараёнининг тараққиётини белгиловчи категориялар. Нисбий ҳақиқат ўсиб абсолют ҳақиқатга айланади.

Абстракт тафаккур-нарс ва ҳодисаларнинг бевосита идрок қилиш мумкин бўлмаган хусусиятлари, ўзаро муносабатлари, қонуниятлари ҳақидаги мавҳум тушунчалар асосида фикрлаш тури. Бунда мавҳум тушунчалар ҳосил қилинади.

Абстракт тушунча — нарс ва ҳодисаларнинг мавҳум белги, хусусият, сифат ва ўзаро муносабатларини акс эттирадиган тушунчалар.

Авторитар педагогика (авторитар педагогик технология) — таълим-тарбия жараёнига раҳбарликда ўқитувчининг обрўсига асосланиш, унга ўқувчиларнинг кўр-кўрона, сўзсиз итоат этишлари. Бунда ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикрлашлари, шундай ҳаракатлар қилишлари чекланган бўлади.

Авторитет — шахсниинг бошқалар эътироф қилган обрўси, фазилати, бошқаларга нисбатан таъсири ва улар томонидан қадрланиши. Авторитет чин ёки сохта бўлади.

Адаптив машғулот — ўқувчининг ташқи муҳитга, жамоага, меҳнат вазифаларини бажара олишга мослашувини таъминлашга қаратилган машғулот.

Алгоритм — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари) ўзаро жойлашувининг ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартибини (қоидасини) билдиради.

Алгоритмлаш — педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари)нинг ўзаро жойлашувини ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлиги тартиби (қоидаси)ни белгилаш жараёни.

Атама — табиий тилдаги сўз ёки сўз бирикмалари (реал ёки абстракт нарсаларни ифодаловчи). Атаманинг у ёки бу контекстдаги маъноси тўғрисидаги масала доим муҳокама қилинади, чунки одатдаги тил кўп маъноли. Одатдаги тил кўп маъноли бўлгани сабабли, атаманинг ҳар бир ҳолатдаги қўлланилиши маъноси муҳокама қилиб борилади.

Бир фан ёки илмий назарияда атамалар битта маънода ишлатилади.

Атамалар назарий, эмпирик турларга ажратилади. Назарий атамалар тажриба билан асосланган, эмпирик атама эса тажриба орқали тасдиқланган хулосаларга тегишли бўлади.

Бакалавр, магистр - олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар.

Бакалаврият - ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;

Билим — борлиқни билиш жараёнининг амалиётда тасдиқланган натижаси. Обьектив реалликнинг инсон онгида адекват акс эттирилиши (тасаввур, тушунча, мулоҳаза, назариялар). У кундалик, илмий, эмпирик, назарий билимларга ажрадади.

Кундалик билим соғлом фикрга ва кундалик амалий фаолият шаклларига асосланади. Инсоннинг атроф-муҳитга мослашуви, унинг хатти-ҳаракатлари ва олдидан кўра билиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Илмий билим — тизимли, асосли ва нарса, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб борадиган бўлади. У эмпирик ва назарий даражада бўлади.

Эмпирик билим — билишнинг кузатиш, ўлчаш, тажриба усуллари қўллаш натижаси. Нарса-ҳодисаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ифодалайди. Эмпирик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликларнинг мунтазам такрорланиши эмпирик қонунлар ёрдамида ифодаланади, улар, кўпинча, эҳтимоллик хусусиятига эга бўлади.

Назарий билим — эмпирик ҳолатларни тасвирлаш, тушунтириш, яъни нарса-ҳодисалар моҳиятини билиш имконини берадиган қонунларни очишни назарда тутди.

Билиш — объектив борлиқнинг онгда акс этишининг олий шакли, ҳақиқий билимлар ҳосил қилиш жараёни. Билиш қуйидаги даражаларда бўлади:

Миссий билиш — сезгилар, идрок, тасаввур орқали.

Рационал билиш — тушунчалар, мулоҳазалар, ақлий хулосалардан ўтиб назарияларда ўрин олади.

Шу билан бирга билиш — кундалик, бадиий, илмий бўлади. Илмий билиш табиатни ва жамиятни билишга ажралади.

Бирламчи модул — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибига битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўплами.

Вертикал педагогика — юқори синф ўқувчиларининг қуйи синф ўқувчиларига ёрдам кўрсатишини ташкил қилиш шакли. Бунда ҳар бир ўқувчининг айрим фан бўйича ўзидан бир синф юқорида ўқийдиган ўқувчилардан илмий раҳбари ва бир синф қуйида ўқийдиган ўқувчилардан оталиқдаги ўқувчиси бўлади.

Ўқувчиларга ўзларидан қуйи синф мавзусини такрорлаш, кейин қуйи синф ўқувчисидан синов олиш варақасини (саволлар, мисол ёки топширикни) тайёрлаш топширилади. Синов ҳафтада бир марта ўтказилади. Синов жараёнида қуйи синф ўқувчиси мавзуни тўлиқ ўзлаштиргунича ўзаро мулоқот давом этади. Натижада ёмон баҳолар бўлмайди.

Гуруҳли таълим — бир ўқитувчи бир неча ўқувчини ўқитадиган таълим шакли. Гуруҳлар ўқувчилар сонига қараб: кичик (3—6 ўқувчи), ўрта (7—15 ўқувчи), катта (15 дан ортиқ ўқувчи) гуруҳларга ажратилади. Шунингдек, ҳар бир гуруҳдаги таълим олувчиларнинг ёшига, таълим йўналишига ва шу кабиларга қараб ҳам гуруҳларга ажратилади. Бу шаклни қўллаш жараёнида яқка таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

Диагностика — педагогиканинг бўлими, таълим-тарбия жараёнларининг мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларининг сифати ва самарадорлигини, педагогик ходимларнинг касбий тайёрликлари, билим, кўникма, малака ва маҳоратларини, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида

хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш билан шуғулланади.

Дидактика — педагогиканинг тармоғи. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Инверсний таълим — ағдариш, жойини алмаштириш; тафаккур тизимини шакллантириш йўналишидаги таълим.

Инновация — янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш, киритиш жараёни ва фаолияти.

Интеграл — чамбарчас боғлиқ, бутун, ягона; ўз чексиз кичик қисмларининг йиғиндиси.

Интеллект — инсоннинг умуман билиш фаолияти, фикрлаш қобилияти; тушуниш, мулохаза, тафаккур, ақл.

Интерфаол машғулот — ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот; жараён ҳамкорликда кечади.

Йўл (русча — приём) — бирор мақсадни амалга ошириш учун танланган ҳаракат тури.

Кичик модул — педагогик технология таркибидаги энг кичик бирликни ифодалайди. Амалда бундай кичик модулни ташкил қилувчи бошқа кичик модулларга ажратиш мумкин эмас деб ҳисобланади.

Когнитив — атроф одам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференцияловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларини ривожлантириш таълими.

Креатив — тадқиқотчилик характериға эға; ўқувчиларда ижодий тафаккурни жадал (мақсадға йўналтирилган) равишда ривожлантириш таълими.

Кўникма — онгли фаолият (ҳаракат)ни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш. Шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастлабки шаклланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жиддий диққат билан бажарилади, кейинги босқичларда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатга айланади.

Ҳаракат турлари бўйича уч турға: ҳаракат кўникмалари, сенсор кўникмалар, ақлий кўникмаларға бўлинади. Кўникмалар мунтазам машқ қилиш (такрорлаш) орқали зарур даражада сақланади. Маълум вақт такрорламаслик кўникма даражасининг пасайишиға олиб келади. Уни қайта машқлар бажариш, малака ошириш орқали тикланади.

Магистратура - бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

Малака — шахснинг маълум касбға яроқлилик, тайёрлик даражаси, шу касбда ишлай олиши учун зарур билим, кўникмалари йиғиндиси. Касбий ахборотларнинг тез кўпайиб бораётгани илғари ўзлаштирилган малаканинг етишмаслигини келтириб чиқаради. Бу етишмасликни қайта тайёрлаш ва малака ошириш орқали тўлдирилади. Бу жараён узлуксиз давом этгандагина малака ортиб бориши орқали касбий фаолиятни ҳозирги талаблар даражасида давом эттириш имконияти ҳосил бўлади.

Малака амалиёти - ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми.

Малака ошириш — мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини янгилаш ҳамда ривожлантириш жараёни.

Малака талаблари - узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар.

Маркетинг — бозор ҳолатини чуқур ўрганиш, олдиндан баҳоларни билган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар ташкил қилиш, ғоялар яратиш ва уларнинг сотувини ташкил қилиш орқали юқори фойда олишни таъминлаш.

Маҳорат — шахснинг тажриба орқали орттирган хусусияти. Бирор соҳадаги мослашувчан кўникма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларнинг юқори даражаси, касбий моҳирлик. Бирор фаолият соҳасидаги юқори даражада эгалланган билим, кўникма, малакаларни амалиётда юқори сифат ва самарадорлик билан қўллаш.

Менежер — корхона, муассаса, ташкилотни замонавий усуллар асосида бошқарувчи мутахассис.

Менежмент — корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган бошқариш, яъни ходимлар ва ишчилар меҳнاتини ташкил қилиш тамойиллари, усуллари, воситалари, шакллари.

Модул — педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модулар энг кичик бўлақлардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлақни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модулар дейилади.

Педагогик технологиянинг энг кичик модуллари энг асосий тушунча бўлиб, улар гуёки педагогик технологияни ҳосил қилувчи „риштча“лар вазифасини бажариши билан асосий аҳамиятга эга.

Бунда кичик модул, модул тўплами, бирламчи модул ва модул даражаси деган тушунчалардан фойдаланилади. Улар қуйидагича таърифланади:

Модул даражаси — педагогик технологияни тасвирлаш кўламига мувофиқ равишда танланган бирламчи модуларнинг ўз таркибида аслида қанча модуларга эга эканлиги кўрсаткичи.

Модул тўплами — педагогик технологияни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлаш мақсади асосида битта модул сифатида ҳисобланган бир нечта модулар йиғиндиси.

Модуллаштириш — педагогик технология материалларини модуларга ажратиш жараёни.

Мониторинг — корхона, ташкилот, муассаса ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида махсус ташкил қилинган тизимли кузатув. Меъёрий ҳужжатлар, юқори ташкилотларнинг буйруқ ва қарорлари ижроси ўз муддатида ҳамда қандай сифат ва даражада амалга оширилаётганлигини кузатув тизими.

Таълим-тарбия соҳасида мониторинг — ўқув жараёни ва уни бошқаришнинг узлуксиз кузатувини олиб бориш.

Метод — грекча сўз бўлиб, йўл, ахлоқ усули маъноларини билдиради. Табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. Фаолият, ҳаракатнинг йўли, усули ёки киёфаси, шакли, кўриниши.

Методик — методикага тегишли қатъий кетма-кетликка, тизимга, илгаридан ўрнатилган режа, тизимга аниқ, риоя қилиш.

Методика — бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методикалардан ташкил топади. Педагогика фани соҳасида маълум ўқув фанини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

Методист — бирор ўқув фанини ўқитиш ёки тарбиявий ишлар методикаси соҳасидаги мутахассис.

Методологик — методологияга тегишли, назарий асосланиш.

Методология — билишнинг илмий методи ҳақидаги таълимот. Бирор фанда қўлланадиган методлар мажмуаси.

Мотив — одамни ўқишга ёки бирор ҳаракатларни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси.

Олий маълумот даражаси - шахс томонидан олий таълимнинг муайян таълим дастурини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси.

Олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом) - аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг таълим дастурларини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради.

Олий таълим - узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалаврият ва магистратура.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори - олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати.

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти - таълимнинг бакалаврият муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

Педагогик технология — энг қисқа ва умумлаштирилган таърифи: баркамол инсонни шакллантириш фаолияти.

Шу билан бирга педагогик технологиянинг кенг қўламли, серқирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қуйидаги яна бир нечта таърифларини таклиф қилишимиз мумкин:

Педагогик технология — ахборотларни ўзлаштириш, улардан амалда фойдаланиш, улардаги янги маъно-мазмунларни очиш ҳамда ахборотлар орасидаги янги боғлиқликларни очиш орқали янги ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

Педагогик технология — таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси; у педагогик жараённинг ташкилий-усубий воситалари мажмуидир.

Педагогик технология — бу ўз олдига таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўювчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техникавий ва одам ресурсларини ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Педагогик технология — маълумотларни ўзлаштиришни таъминлаш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, педагогик технология — инсонга (таълим-тарбия олувчига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятдан иборат.

Педагогик технология — ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология — ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчининг мустақил равишда билим олиши, ўрганиши, ўзлаштириши жараёни.

Бу фаолиятни амалга ошириш уни ташкил қилиш, олиб бориш, такомиллаштириш, таҳлил қилиш, тадқиқ қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, бошқариш, назорат, баҳолаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Бу фаолият бошқа ҳамма фаолиятларга хос бўлган белгиларга эга бўлиб, аввало, жараён кўринишида амалга оширилади ва шу кўринишда мавжуд бўлади. Шу билан бирга бу жараён ўзига хос қонуниятларга эга бўлиб, бу қонуниятларни инсоният томонидан ўрганиш давом этмоқда.

Педагогика — таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий масалаларини ўрганувчи фан. У баркамол инсонни вояга етказиш мақсадларига хизмат қилади.

Перцептив қобилият — ўқувчининг руҳий ҳолатини хис қилиш, тушуна олиш орқали юзага чиқарилувчи қобилият.

Салбий мотив — бу мажбурлаб ўқитиш, лекин бунда ўқувчининг ўқишга нисбатан қаршилиги ҳамма ҳаракатимизни йўққа чиқаради.

Стратегия — ташкилот, соҳалар, ҳудудлар, мамлакат, миллат тақдири учун жиддий аҳамиятга эга бўлган, **аниқ** белгиланган мақсадларга эришишга йўналтирилган асосий ҳаракатларнинг узоқ, муддатли дастури. Таълим соҳасидаги бош мақсадларга қаратилган узоқ муддатли ишларни амалга ошириш дастури таълим стратегиясини ҳосил қилади.

Тактика — бош мақсад йўлида хусусий, оралиқ масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ҳаракатларни ташкил қилиш усули. Пировардида стратегик мақсадларга кўпроқ; самара билан эришишни таъминлаш учун шароитнинг ўзгаришларини мос равишда ҳисобга олиш.

Тарбия — 1. Болани боқиб ва таълим бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрлик. 2. Иш-хунар, одоб-ахлоқ ўргатишга ва умуман кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган

таълим тизими. 3. Парвариш, қаров: 1) тарбиялаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ, улғайтирмоқ; 2) илм-хунар бермоқ, одоб-ахлоқ ўргатмоқ, тарбиялаб бирор хислат-фахилатни сингдирмоқ; 3) парвариш қилмоқ.

Тафаккур операциялари — қиёслаш, таҳлил, синтез, абстрактлаштириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, таснифлаш, тизимлаш.

Таълим – илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланиши зарур бўлган маълумот ва кўникмалар мажмуи; билим.

Таълим дастури - ўқув фанларининг бакавриат йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи, блокларга жамланган рўйхати.

Таълимнинг жамоа усули (жамоа таълими) — ўқувчиларнинг бир-бирини ўқитиш шакли. Ҳар бир ўқувчига янги дарс мавзуси бўйича бир варақдан кам бўлмаган ҳажмдаги илмий матн ёки мақолани қайта сўзлаб бериш ва ҳамма саволларга жавоб бера олиш даражасида ўрганиш топширилади. Ҳар бир ўқувчи навбатма-навбат бир неча ўқувчи билан биттадан абзацни, мисолни, саволни ўзаро муҳокама қилиб, ўзлаштиради. Сўнгра кичик гуруҳ ёки бутун синф олдида сўзлаб берадилар ва ўқитувчининг саволларига жавоб қайтарадилар, ёзма баён қилишлари ҳам мумкин. Бу усулни қўллаш жараёнида яқка ва гуруҳли таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

Таълим менежери — таълим муассасасини замонавий менежмент қонунларига мувофиқ бошқарувчи мутахассис.

Таълим методи — ўқитувчининг ўқувчилар билан мунтазам қўллайдиган, ўқувчиларга ўз ақлий қобилиятларини ва қизиқишларини ривожлантириш, билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳамда улардан амалда фойдаланиш имконини берувчи иш усули.

Таълим сифатини назорат қилиш-ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш.

Технолог — бирор технология мутахассиси.

Технология — бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланадиган йўллар, усуллар мажмуаси.

Тренер — маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренинг машғулотларини олиб бориш (раҳбарлик қилиш) учун махсус тайёргарликка эга мутахассис.

Тренинг — маълум йўналишда таълим олиш, машқлар бажариш бўйича тренерлар томонидан (раҳбарлигида) ўтказиладиган машғулотлар.

Тушуниш (I) — тафаккур жараёни, янги мазмунни ўзлаштириш ва уни мавжуд ғоя ҳамда тасаввурлар тизимида қўшиш. Илмий билишнинг асосий функцияларидан бири.

Тушуниш (II) — маълум намуна, стандарт, меъёр ёки тамойил асосида баҳолаш жараёни ва натижаси.

Тушунишга ёрдам берувчи *изоҳлаш* — баҳолаш стандартини излаш ва уни муҳокама қилинаётган масалага мувофиқ келишини асослашдан иборат.

Табиатни тушуниш унинг ҳодисаларига унда нималар рўй бериши лозимлиги нуқтаи назаридан, яъни нарса ва ҳодисаларнинг меъёрийлиги ёки табиийлиги тўғрисидаги илгариги тасаввурларни билиш тажрибасига таянадиган ўрнатилган нуқтаи назардан келиб чиқадиган баҳо беришдан иборат.

Тушунтириш — илм-фаннинг энг асосий вазифаси. Атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларни тушунтиришнинг дастлаб мифологик, диний, натурфилософия тизимлари пайдо бўлган. Ҳозир тушунтиришнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

Илмий тушунтириш — объектив қонуниятлар асосида тушунтириш. Бу — воқеа-ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини тўғри тушунтириш ҳисобланади.

Рационал тушунтириш — ҳодисалар ва одамлар ҳаракати қандай амалга оширилган бўлса, уларнинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, асли ҳолича тушунтиришдан иборат.

Бундан ташқари, ҳаракатни амалга оширувчининг мақсадини тушунтиришда ҳам унинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, шу мақсаднинг ўзини тушунтириш шакли қўлланилади.

Тушунча — нарса ва ҳодисалар, уларнинг хоссалари, улар орасидаги муносабатларни акс эттирувчи фикрлар.

Илмий тушунчада моҳиятни ифодалавчи алоҳида белгилар умумлаштирилади.

Ҳар бир тушунчанинг мазмуни ва ҳажми бўлади. Мазмун — тушунча орқали акс эттирилган белгилар йиғиндиси, шу мазмунга тегишли белгиларга эга нарса, ҳодисалар йиғиндисидан иборат,

Тушунчада акс эттириладиган нарсалар доим кенгроқ синф таркибидан ажратувчи белгиларга эга бўлиб, шу кенгроқ синфга нисбатан турларни ифодалайди. Масалан, турли бурчакли учбурчаклар — умуман учбурчаклар синфига нисбатан тур. Учбурчаклар эса геометрик шакллар синфига нисбатан тур ҳисобланади.

Тушунчалар ҳажмига кўра — ҳажмсиз, бир элементли, кўп элементли бўлади:

—ҳажмсиз — *олтин тоғи; сув париси.*

—бир элементли — *Улугбек расадхонаси; Самарканд шаҳри.*

—кўп ёки умумий элементли — *ўсимлик; рақамлар; тарихий воқеа; табиат ҳодисаси.*

Тушунчанинг мазмуни ортса, ҳажми камаяди ва аксинча. Масалан, учбурчак тушунчаси мазмунига тенг томонли белгисини қўшсак, унинг мазмуни, яъни белгилари сони ортди ва ҳажми камайди, чунки тенг томонли учбурчак тушунчаси, учбурчаклар тушунчасининг бир қисмини ташкил қилади. Тушунчалар қуйидаги турларга ажратилади:

—илмий тушунчалар. Бу барча фанларга оид бўлиб, физикавий, кимёвий, фалсафий, тиббий, техника, сиёсат, ҳуқуқ, иқтисод, тарихий ва бошқа тушунчалар;

—бадий-эстетик тушунчалар — санъат, адабиёт, мусиқа, театр, кино ва бошқалар;

—спорт, жисмоний тарбия, касб-ҳунарларга оид тушунчалар;

—мифологик, диний тушунчалар ва бошқалар.

Услуб — бирор нарса, ҳодиса, жараёни ўрганиш ёки амалга ошириш учун қўллаш лозим бўлган усуллар мажмуаси.

Усул — бирор нарса, ҳодиса, жараёни ўрганиш ёки амалга ошириш тартиби.

Фаоллик — бирор мақсад йўлида ақлий, жисмоний ва бошқа ҳаракатларни тез ва унумли амалга оширишга интилиш.

Эвристик — йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан ўқитиш тизими; топқирлик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам берувчи таълим методи; ўқув-изланишли; оптималлаштирилган тафаккурни ривожлантиради.

Эксклюзив ~ ғайри оддий, фақат маълум бир объектга тааллуқли, ўзига хос бўлган хусусиятлар ва бошқа белгилар. Фақат ўзига берилган (ҳуқуқ).

Эмпирик — ҳиссий тажриба асосидаги билимлар ва уларнинг ягона манбаини ҳиссий тажриба деб тушуниш.

Якка таълим икки хил шаклда бўлади: 1) бир ўқувчини бир ўқитувчи ўқитиши — таълимнинг жуфт шакли; 2) мустақил таълим олиш — таълимнинг якка шакли.

Якунловчи давлат аттестацияси - бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурининг бажарилиши сифатини баҳолаш.

Ўзлаштириш — тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмуни, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил бўлиши.

Ўзлаштириш шартли равишда қуйидаги учта даражага ажратилади:

- 1) ўргатилган билим, кўникмаларни тўғри такрорлаш;
- 2) уларни амалий фаолиятда қўллаш; улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
- 3) уларни ижодий таҳлил қилиш, қийёслаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

Ўрганиш — ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўргатиш — ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини турли восита ва усулларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

Ўқитиш сифатини назорат қилиш - талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

Ўқитишнинг меъёрий муддати - таълим олувчилар томонидан таълим дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат.

Ўқув йили - олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаоляти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади, масалан, 2007-2008 ўқув йили.

Ўқув фанлари блоки - таълим дастурининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми.

Ўқув режаси - олий таълимнинг муайян йўналиши ёки маутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат.

Ўқув семестри - олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми.

Ўқув фани — таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими.

Ўқув фани дастури - таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат.

Ҳамиждорлик — таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликда ижодий фаолият олиб бориши.

Ҳамкорлик педагогикаси (ҳамкорлик педагогик технологияси) — таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқотига асосланган шаклда таълим беришга йўналтирилган тизим.